

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ АКАДЕМИЯСИННИГ АХБОРОТНОМАСИ

2010 йилдан нашр этила бошлаган

Йилда тўрт марта чиқади

2019 йил, 3-сон

Бош муҳаррир

Матлубов Баҳодир Аҳмедович, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси бошлиғи

Масъул муҳаррир

Отажонов Аброржон Анварович, ИИВ Академияси бошлигининг илмий ишлар бўйича ўринbosари, юридик фанлар доктори, профессор

Масъул котиб

Раззоқов Сардор Абдижабборович, ИИВ Академияси таҳририят-ноширлик бўлими бошлиғи

Таҳрир ҳайъати аъзолари

Мухамедов Ўткирбек Ҳазратқулович, ИИВ Академияси бошлигининг биринчи ўринbosари, юридик фанлар доктори, профессор

Исмаилов Исамиддин, ИИВ Академияси жамоат тартиби ва хавфсизликни таъминлаш кафедраси бошлиғи, юридик фанлар доктори, профессор

Ҳамдамов Абдували Аҳмедович, ИИВ Академияси тезкор-қидириув фаолияти кафедраси бошлиғи, юридик фанлар доктори, профессор

Раджабова Мавжуда Абдуллаевна, ИИВ Академияси жиноят-процессуал ҳуқуқ кафедраси профессори, юридик фанлар доктори, профессор

Мамадалиев Шавкатбек Олмосбоевич, ИИВ Академияси Олий ўқув юртидан кейинги таълим факультети бошлиғи, фалсафа фанлари доктори, профессор

Эгамбердиев Эминжон, ИИВ Академияси фуқаролик-хуқуқий фанлар кафедраси профессори, юридик фанлар доктори

Сайтбаев Тимур Ренатович, ИИВ Академияси тезкор-қидириув фаолияти кафедраси профессори, юридик фанлар доктори

Мирзаев Азиз Алишерович, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ёрдамчиси, юридик фанлар доктори, доцент

Ушбу сон муҳаррирлари

С. А. Раззоқов, И. В. Солохина, Б. Я. Жабборов

Дизайнер ва саҳифаловчи

Г. Н. Тўраева

Таъсисчи:

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

Ахборотнома Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигига 2009 йил 18 июнда қайд этилган. Оммавий ахборот воситаси давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома №0568.

Ахборотнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлари рўйхатига киритилган (ОАК Раёсатининг 2013 йил 30 декабрдаги 201/3-сон қарори).

Таҳририят манзили:

100197, Тошкент шаҳри, Интизор кўчаси, 68.

Тел.: 71-265-23-56, 71-266-16-88.

<http://akadmvd.uz/category/vestnik-akademii>

e-mail: vestnik@akadmvd.uz

Оригинал-макет Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг таҳририят-ноширлик бўлимида тайёрланди.

Мақолалар ҳар қандай усулда тўлиқ ёки қисман кўчириб босилганида «Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси»дан олинганилиги кўрсатилиши шарт.

Таҳририят хатлар муаллифлари билан ёзишмайди. Қўлёзмаларга тақриз берилмайди ва улар қайтарилмайди.

Бичими 60x84 1/8. Нашр табаги 22,0. Офсет усулида босилди. Адади 300 нусха. «Better Print» МЧЖ босмахонасида чоп этилди. Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Уста Ширин 1-тор кўчаси, 254-уй. Баҳоси келишилган нархда.

Босишга руҳсат этилди 10.09.2019.

Буюртма №

ISSN 2181-4872

© Ўзбекистон Республикаси
ИИВ Академияси, 2019.

ВЕСТНИК АКАДЕМИИ МВД РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Издаётся с 2010 года

Выходит четыре раза в год

2019 год, № 3

Главный редактор

Матлюбов Баходир Ахмедович, начальник Академии МВД Республики Узбекистан

Ответственный редактор

Отажонов Аброржон Анварович, заместитель начальника Академии МВД по научной работе, доктор юридических наук, профессор

Ответственный секретарь

Раззаков Сардор Абдигаббарович, начальник редакционно-издательского отдела Академии МВД

Редакционная коллегия

Мухамедов Уткирбек Хазраткулович, первый заместитель начальника Академии МВД, доктор юридических наук, профессор

Исмаилов Исамиддин, начальник кафедры обеспечения общественного порядка и безопасности Академии МВД, доктор юридических наук, профессор

Хамдамов Абдували Ахмедович, начальник кафедры оперативно-розыскной деятельности Академии МВД, доктор юридических наук, профессор

Раджабова Мавжуда Абдуллаевна, профессор кафедры уголовно-процессуального права Академии МВД, доктор юридических наук, профессор

Мамадалиев Шавкатбек Олмасбаевич, начальник Факультета послевузовского образования Академии МВД, доктор философских наук, профессор

Эгамбердиев Эминжон, профессор кафедры гражданско-правовых дисциплин Академии МВД, доктор юридических наук

Сайтбаев Тимур Ренатович, профессор кафедры оперативно-розыскной деятельности Академии МВД, доктор юридических наук

Мирзаев Азиз Алишерович, помощник председателя Верховного суда Республики Узбекистан, доктор юридических наук, доцент

Редакторы номера

С. А. Раззаков, И. В. Солохина, Б. Я. Жабборов

Дизайн и верстка

Г. Н. Тураева

Учредитель:

Академия МВД Республики Узбекистан

Вестник зарегистрирован Узбекским агентством по печати и информации 18 июня 2009 г. Свидетельство о регистрации средства массовой информации № 0568.

Вестник включен в перечень научных изданий, рекомендованных Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан для публикации основных научных результатов диссертаций (Решение Президиума ВАК №201/3 от 30 декабря 2013 г.).

Адрес редакции:

100197, г. Ташкент, ул. Интизор, 68.

Тел.: 71-265-23-56, 71-266-16-88.

<http://akadmvd.uz/category/vestnik-akademii>

e-mail: vestnik@akadmvd.uz

Оригинал-макет подготовлен в редакционно-издательском отделе Академии МВД Республики Узбекистан.

При перепечатке или воспроизведении любым способом полностью или частично ссылка на вестник «Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси» обязательна.

Редакция не вступает в переписку с авторами писем, рукописи не рецензируются и не возвращаются.

Формат 60x84 1/8. Уч.-изд.л. 22,0. Печать офсетная. Тираж 300 экз. Отпечатано в ООО «Better Print» Республики Узбекистан, г. Ташкент, ул. Уста Ширин 1 проезд, дом 254.

Цена договорная.

Подписано в печать 10.09.2019.

Заказ №

ISSN 2181-4872

© Академия МВД

Республики Узбекистан, 2019.

МУНДАРИЖА / СОДЕРЖАНИЕ

Суд-хукуқ ислоҳотлари ва қонунчиликни такомиллаштириш

Судебно-правовые реформы и совершенствование законодательства

Абдурасурова К.Р., Умирзаков Б.А. Вояга етмаганлар учун белгиланган жиноий жазоларни либераллаштириш масалалари.....	5
Хамдамов А.А., Рахимхўжаев Р.Н. Тезкор-қидириув тадбирларини хукукий тартибга солишдаги айрим муаммолар.....	11
Каримов В. Тезкор-қидириув фаолиятини такомиллаштиришнинг назарий ва хукукий жиҳатлари.....	16
Муродов Б.Б., Бойсафаров Р.Б. Жиноят-процессуал муносабатларда айбиззлик презумпцияси.....	22
Хайдаров М.М. Тергов ҳаракатларини ўтказишида жиноят қидириув фаолияти натижаларидан фойдаланишининг аҳамияти.....	27
Бобомуродов Ф.Б. Чорва моллари ўғирликларига қарши курашишнинг хукукий асосларини такомиллаштириш.....	31

Хукуқбузарликларнинг олдини олиш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш

Предупреждение правонарушений и обеспечение общественной безопасности

Исмаилов И. Фан, таълим ва амалиётнинг уйғунлигини таъминлаш.....	36
Халилов А.Х. Жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлашнинг аҳамияти, мазмун-моҳияти, мақсад ва принциплари.....	44
Рахимов М.Д., Муминов М.Э. Фирибгарлик: ҳозирги ҳолатининг таҳлили ва олдини олиш муаммолари (Қашқадарё вилояти мисолида).....	49
Алимов Б.Ф., Гофуров Ш.Р. Уюшмаган ёшлар хукуқбузарликлари профилактикасининг асосий йўналишлари.....	54
Саитқулов Қ.А. Хукуқбузарликлар виктимологик профилактикасининг моҳияти.....	58
Убайдуллаев Ш.М. Экстремизм ва терроризм профилактикасини такомиллаштириш масалалари.....	63
Ҳўжсақулов С.Б., Мамадалиев С.Ш. Хукуқбузарликлар умумий профилактикаси чора-тадбирлари тизимишнинг илмий-амалий таҳлили.....	67
Эшназаров М.Ж. Хукуқбузарликлар маҳсус профилактикасининг хусусиятлари.....	75

Жиноят, жиноят-процессуал ва тезкор-қидириув хукуқи масалалари

Вопросы уголовного, уголовно-процессуального и оперативно-розыскного права

Тураева Д.Р. Судга қадар иш юритувида жабрланувчининг хукуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш.....	79
Ирисбеков У.А. Экстремизмга қарши курашда хорижий давлатлар тажрибаси.....	84
Бекмуродов Н.Н. Тезкор-қидириув фаолиятини ахборот билан таъминлаш ва тезкор-қидириув ишини юритиш хусусиятлари.....	90
Нуридуллаев А.А. Экологик хукуқбузарликлар учун жиноят жавобгарлик: хорижий тажриба таҳлили ва миллий қонунчиликни такомиллаштириш.....	94
Ғойибов Ж.Ч. Тергов органларининг хукуқни кўллаш амалиёти.....	100

Миллий ғояни ривожлантириш — давр талаби

Развитие национальной идеи — требование времени

Мамадалиев Ш.О., Таушупатов А.А., Жўраев М.У. Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш масалалари.....	106
---	-----

Тургунова Н.Т. Халқ ишончи – фуқаролик жамияти ривожланишининг муҳим омили.....	110
Сафарова Т. Р. Ўзбекистонда этномаданий туризм эволюцияси.....	114

Конституциявий ҳуқуқ, давлат ва ҳуқуқ масалалари

Вопросы конституционного права, государства и права

Зулфиқоров Ш.Х. Олий Мажлис қонунчиллик палатаси депутати ваколатлари бошланишининг ўзига хос жиҳатлари.....	119
Инагамова М.М. Ўзбекистонда аёл ҳуқуқларига оид нормалар шакланишининг босқичлари.....	125
Юлдашев Дж.Х. Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига доир ишларни юритишни оптималлаштириш.....	129
Рашидов Ш.Р. Яшаш ҳуқуқи инсоннинг табиий ҳуқуқидир.....	134

Ички ишлар органлари фаолияти

Деятельность органов внутренних дел

Зиёдуллаев М.З. Ички ишлар органларининг таянч пунктлари: фаолиятининг асосий йўналишлари, принциплари ва функциялари.....	137
Ҳақлиев В.Б., Алтмишев Т. Ҳ. Маҳалла институти ва ички ишлар органлари ҳамкорлигининг ҳуқуқий асослари таҳлили.....	145

Криминалистика ва суд экспертизаси масалалари

Вопросы криминалистики и судебной экспертизы

Нурумбетова С.А. Трасологик экспертизаларда дастлабки тадқиқотларнинг хусусиятлари.....	151
---	-----

Фуқаролик, тадбиркорлик, оила ва халқаро ҳуқуқ масалалари

Вопросы гражданского, предпринимательского, семейного и международного права

Артиков Б.А. Ички ишлар органлари мулкини оператив бошқариш хусусиятлари.....	155
Рӯзиев Б.Р. Божхона органлари томонидан интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш муаммолари.....	159

Таълим-тарбия масалалари

Вопросы образования и воспитания

Тургунов И.Т. Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари тизими учун ҳарбий юридик кадрлар тайёрлаш.....	164
Рафиковна М. Р. Бўлажак божхона органлари ходимларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш.....	167
Джумабоев Ж.З. Ички ишлар органлари ходимларида ватанпарварликни шакллантиришда ҳарбий тарбиянинг ўрни.....	172

Танқид ва библиография

Критика и библиография

Тожибоев М. Т. Миллий ва умумбашарий қадриятлар: генезиси ва эволюцияси (1991–2016 йиллар): Монография / М.Т.Тожибоев; профессор К.Н.Норматов умумий таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019.	177
---	-----

K. P. Абдурасурова,

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси криминология кафедрасининг бошлиги,
юридик фанлар доктори, профессор;*

Б. А. Умирзаков,

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси криминология кафедрасининг катта ўқитувчиси

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР УЧУН БЕЛГИЛАНГАН ЖИНОЙ ЖАЗОЛАРНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилиги бўйича вояга етмаганлар жавобгарлигининг хусусиятлари таҳдил қилинган. Жиноят кодексининг 83, 85–88-моддаларида мавжуд коллизияларни бартараф этиш зарурлиги асослантирилган, шунингдек Кодексга янги 88¹-модда киритиб, унда тарбиявий таъсир кўрсатувчи мажбурлов чораларининг мазмуни ва муддатларини, шунингдек 90¹-модда киритиб, унда жавобгарликка тортиш ёки жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганини муносабати билан жавобгарлик ёки жазодан озод қилиш муддатларини қонунда аниқ белгилаш тақлиф этилган.

Таянч сўзлар: вояга етмаганлар жавобгарлиги, ахлоқ тузатиш ишлари, жавобгарлик ёки жазодан озод қилиш, мажбурлов чоралари, судланганлик.

Вопросы либерализации уголовного наказания несовершеннолетних

Аннотация. В статье проанализированы особенности ответственности несовершеннолетних по уголовному законодательству Узбекистана. Обоснована необходимость устранения имеющихся коллизий в ст.ст.83, 85–88 УК, а также предлагается внести в Уголовный кодекс новую статью – 80¹ с_указанием содержания и сроков принудительных мер воспитательного воздействия и статью 90¹, где нужно указать сроки освобождения от ответственности и наказания в связи с истечением срока привлечения к ответственности или исполнения наказания.

Ключевые слова: Ответственность несовершеннолетних, исправительные работы, освобождение от ответственности или наказания, принудительные меры, судимость.

Issues of liberalization of the criminal punishment of minors

Annotation. The article analyzes the features of the responsibility of minors under the criminal law of Uzbekistan. The necessity of eliminating existing conflicts in Art. Art. 83, 85–88 of the Criminal Code, and it is also proposed to introduce a new article in the Criminal Code - 88¹ indicating the content and terms of compulsory educational measures and article 90¹, where it is necessary to indicate the terms of release from punishment and punishment in connection with the expiration of the period of prosecution or execution punishment.

Keywords: responsibility of minors, correctional labor, release from liability or punishment, coercive measures, criminal record.

Республикамизда мустақиллик йилла-рида вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимояси давлат сиёсати дара-жасига кўтарилиди. Ҳозирги кунда вояга етмаганларни ҳар томонлама баркамол инсон қилиб тарбиялаш, уларнинг ижтимоий

муҳофазасини таъминлаш, иқтидорли ёшларни рағбатлантириш борасидаги тадбирлар билан бир қаторда жиноят содир этган вояга етмаганларнинг ахлоқини тузатиш, уларнинг тўғри йўлга тушиб олиши борасида ҳам изчил фаолият юритилмоқда.

Мамлакатимизда 2001 йилда «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонуннинг қабул қилиниши улкан ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этди. Мазкур қонунга кўра, жиноятларнинг таснифлари ўзгарилилди. Бунинг натижасида оғир ва ўта оғир тоифалардаги жиноятларнинг қарийб 75 фоизи ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказилди. Натижада Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексидаги оғир ва ўта оғир жиноятларни назарда тутувчи моддалар салмоги анча қисқартирилди¹. Ҳозирда фақат оғир ва ўта оғир жиноят содир этган вояга етмаган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум этиш жазоси, қолган барча тоифадаги жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланмоқда. Сўнгги йилларда жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақланаётган маҳкумлар сони икки баробар камайганининг ўзи ҳам бу соҳада олиб борилаётган ислоҳотларнинг ижобий натижалар берганлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд-хуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4850-сонли фармони (21.10.2016.) бу соҳадаги ислоҳотларнинг янги босқичи бошланганидан далолат беради. Мазкур фармонга илова сифатида ишлаб чиқилган Комплекс чора-тадбирлар дастурда вояга етмаганлар учун назарда тутилган жиноий жазоларни либераллаштириш вазифаси ҳам белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғри-

сида»ги ПҚ-3723-сонли қарорида² (14.05.2018.) ислоҳотларнинг изчил давоми сифатида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал кодексларини янги таҳрирда ишлаб чиқиши вазифаси қўйилган.

Жиноят, Жиноят-процессуал ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси кодексларининг янги лойиҳалари ишланаётган ҳозирги шароитда вояга етмаганлар жиноий жавобгарлиги масаласида мавжуд камчиликларни, нормалар ўртасидаги зиддиятларни бартараф этиб, янги таҳрирдаги Жиноят кодексида қўйидаги ўзгаришиларга эътибор берилиши зарур, деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг «Вояга етмаганлар жавобгарлигининг алоҳида хусусиятлари» номли VI бўлимида вояга етмаганларга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган жазолар ва уларнинг энг кўп микдори, муддати, жавобгарлиқдан озод қилиш шартлари, жазо турлари белгиланган. Кодекснинг 81-моддасида жиноий жазоларнинг рўйхати берилган бўлиб, у жарима, мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш, озодликдан маҳрум қилиш жазоларидан ташкил топган. Жиноят кодексининг 50, 51-моддаларига мувофиқ, вояга етмаганларга нисбатан узоқ муддатли ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланмайди.

Вояга етмаганларга тайинланадиган жазолар орасида шахсни жамиятдан батамом ажратиш билан боғлиқ бўлмаган ахлоқ тузатиш ишлари бошқа жиноий жазо турларидан фарқланади.

Жиноят кодексининг 83-моддасида ахлоқ тузатиш ишлари фақат меҳнатга лаёқатли вояга етмаганларга нисбатан ўз иш жойида, айбдор ҳеч қаерда ишламаса, ушбу жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган ўзи яшайдиган ҳудуддаги бошқа жойларда ўташ тариқасида бир ойдан бир йилгача тайинланиши белгилаб қўйилган.

МДҲ давлатларидан Беларусь³, Туркманистон⁴ ва Тожикистон⁵ жиноят

қонунчилигида вояга етмаганларга нисбатан ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазолар улар 16 ёшга тўлгандағина кўлланилиши белгиланган. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят қонунчилигида ҳам вояга етмаганларга нисбатан айнан ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазони кўллаш ёши (16 ёш) аниқ белгиланиши мақсадга мувофиқдир.

Вояга етмаганларга тайинланадиган ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазо катталарга қўлланиладиган шу турдаги жазодан муддатининг камлиги билан фарқланади. Масалан, вояга етмаганларга нисбатан ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазонинг энг кўп муддати бир йил, вояга етгандар учун уч йил қилиб белгиланган. Бу вояга етмаганларга нисбатан назарда тутилган жазонинг инсонпарварлик, одиллик принципларига мувофиқ белгиланлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 46-моддасида катта ёшдагиларга ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазо тайинланганда шахс иш ҳақининг 10 фоизидан 30 фоизигача миқдори давлат даромади ҳисобига ушлаб қолинадиган иш ҳақи миқдори умумий асосларда амалга оширилиши белгиланган. Бу эса жиноий жавобгарлик ва жазони табақалаштириш принципига мувофиқ эмас.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 243-моддасида ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимларнинг қисқартирилган кундалик иш вақтидаги меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисида нормага кўра, корхоналарда ўқишдан бўш вақтида ишлаётган ўкувчи-ларнинг меҳнатига ишлаган вақтига мутаносиб равишда ёки ишлаб чиқарган маҳсулотига қараб ҳақ тўланиши кўрсатилган⁶. Шунинг учун ахлоқ тузатиш ишлари тариқасидаги жазолар вояга етмаганларга тайинланганида уларнинг иш ҳақи қоидага кўра катталарнидан камроқ эканлигини

инобатга олиб, давлат даромади фойдасига ушлаб қолинадиган миқдорнинг чегараси қонунда ойлик иш ҳақининг 10 фоизидан 20 фоизигача деб қатъий белгиланиши мақсадга мувофиқ ва мантиқан тўғри бўлади.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 83-моддаси 1-банди қўйидаги тартибда ўзгартирилишини таклиф этамиш:

1) ахлоқ тузатиш ишларини фақат 16 ёшга тўлган меҳнатга лаёқатли вояга етмаганларга нисбатан ўз иш жойида ўташ, айбдор ҳеч қаерда ишламаса, ушбу жазонинг ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берган бошқа жойларда, яъни унинг яшааш жойида ёки яшааш жойидан узоқ бўлмаган жойларда ўташ тариқасида ойлик иш ҳақининг 10 фоизидан 20 фоизигача миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда, бир ойдан бир йилгача тайинланади.

Қатор хорижий давлатларнинг жазони индивидуаллаштириш ва вояга етмаганларга жазо тайинлашда эътиборга олинадиган масалаларни тартибга солувчи жиноят ҳуқуқий нормаларини ўрганиш асосида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига вояга етмаганларга жазо тайинлашнинг мақсадларини назарда тутувчи алоҳида модда киритиш зарур. Унинг қўйидаги янги таҳрири таклиф қилинмоқда:

«Вояга етмаганларга жазо тайинлаш уларни ахлоқан тузатиш ва тарбиялаши мақсадларига қаратилган бўлиши керак. Ушбу мақсадларга енгилроқ жазо турларини тайинлаш орқали эришиш имконияти бўлмагандагина жазонинг оғирроқ турлари тайинланиши лозим».

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 86-моддаси бешинчи қисмида кўрсатиб ўтилган қоидага кўра, вояга етмаган шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланганида суд шартли жазо белгилаши мумкин.

Мазкур қоидага асосан, вояга етмаганларга шартли ҳукм қилишни кўллаш учун биз ЖКнинг 72-моддасига мурожаат этиши-

миз лозим, лекин ушбу моддада назарда тутилган қоидалар вояга етган, яъни ўн саккиз ёшдан ошган шахсларга таалуқлидир.

Вояга етмаганларга шартли ҳукм қилиши қўллаш масаласи Жиноят кодекси Умумий қисмидаги «Вояга етмаганлар жавобгарлигининг хусусиятлари» бўлимининг «Жазо ва уни тайинлаш» боби 86-моддасида назарда тутилган. Бироқ шартли ҳукм қилиши юридик табиатига кўра жазодан озод қилишнинг бир тури ҳисобланади⁷. Шунинг учун вояга етмаганларга шартли ҳукм қилиш институти юқорида келтирилган бўлимнинг «Жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш» бобида алоҳида модда сифатида белгилаб қўйилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Жиноят содир этган вояга етмаган шахсларни жавобгарликдан ва жазодан озод этишнинг яна бир муҳим жиҳатига тўхталиб ўтиш жоиз деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 87-моддасида қўйидаги қоидалар назарда тутилган:

«Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган вояга етмаган шахс, агар содир этган қилмишининг хусусиятлари, айборнинг шахси ва ишнинг бошқа ҳолатларини эътиборга олиб, уни жазо қўлламасдан туриб ҳам тузатиш мумкин деган хulosага келинса, жавобгарликдан озод қилиниб, иш вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссияда кўришга топширилиши мумкин.

Беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаш назарда тутилган унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган ёки ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни такроран содир этган вояга етмаган шахсни, мазкур модданинг биринчи қисмида назарда тутилган асослар мавжуд бўлса, суд жазодан озод қилиш ва унга нисбатан мажбурлов чораларни қўллаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиши шарт.

Вояга етмаган шахс ривожланишда ўз ёшига нисбатан анча орқада қолган бўлса ва содир этган қилмишининг аҳамиятини

тўлиқ англаб етмаса, суд жазо ўрнига мажбурлов чораси қўллаш мақсадга мувофиқлиги масаласини кўриб чиқиши шарт».

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 87-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган мазкур қоида хусусида қўйидаги фикрмуюҳазаларимизни билдирамиз:

1) Жиноят кодекси 87-моддасининг номи «Мажбурлов чораларини қўллаган ҳолда жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш» деб номланади.

Ушбу модда номини унинг биринчи қисмидаги қоида билан таққослаганимизда мантиқан модданинг номига кўра мажбурлов чораларини ушбу модданинг биринчи қисми учун ҳам қўллаш мумкин, деган хulosса келиб чиқади, лекин 87-модданинг биринчи қисмида мажбурлов чораларини қўллаш қўрсатилмаган;

2) 87-модданинг иккинчи қисмида «беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаш назарда тутилган унча оғир бўлмаган жиноятни содир этган» деган жумла нотўғри ишлатилган, чунки Жиноят кодексининг 85-моддаси тўртинчи қисмида «вояга етмай туриб ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этган, эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этган ёхуд қасдан унча оғир бўлмаган жиноят содир этган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланмайди» деб белгиланган. Бинобарин, Жиноят кодекси 85-моддасининг тўртинчи қисми ва 87-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган қоидалар ўзаро зид келмоқда;

3) 87-модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган «ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни такроран содир этган вояга етмаган шахс» жумласи ҳам ноўрин қўлланилган, чунки Кодекс 32-моддасининг биринчи қисмида: «Ушбу Кодекс Maxsus қисмининг айнан бир моддасида, қисмида, Кодексда алоҳида қўрсатилган ҳолларда эса турли моддаларида назарда тутилган иккى ёки бир неча жиноятни шахс турли вақтларда содир

этган, аммо уларнинг бирортаси учун ҳам судланган бўлмаса, такроран жиноят содир этиш деб топилади. Тамом бўлган жиноят ҳам, жазога сазовор бўлган жиноятга тайёргарлик кўриш ёки жиноят содир этишга суиқасд қилиш ҳам, шунингдек иштирокчиликда жиноят содир этиш ҳам такроран жиноят содир этиш деб топилади», дейилган.

Юқоридаги қоидага мувофиқ ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни такроран содир этган вояга етмаган шахс Жиноят кодекси Махсус қисми тегишли моддасининг оғирроқ қисми билан жавобгарликка тортилади;

4) 87-модданинг иккинчи қисмидаги «мазкур модданинг биринчи қисмida назарда тутилган асослар мавжуд бўлса» деган жумла ноўрин ишлатилган, чунки ушбу модданинг биринчи қисмida вояга етмаган шахсни жавобгарлиқдан озод этиш учун ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят биринчи марта содир этилган бўлиши кераклиги айтилган, лекин модданинг иккинчи қисмida ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни такроран, яъни вояга етмаган шахс томонидан иккى ёки ундан ортиқ марта содир этиш белгиланган. Бу эса 87-модданинг биринчи ва иккинчи қисмларидаги қоидалар бир-бирига мос келмаётганлигини кўрсатмоқда.

Юқоридаги мулоҳазаларимиздан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига қуйидаги ўзгартиш ва тузатишлар киритилишини таклиф этамиш:

1) 87-модданинг номини «Мажбурлов чораларини кўллаган ҳолда жавобгарлиқдан ёки жазодан озод қилиш» эмас, балки «Жавобгарлик ёки жазодан озод қилиш асослари ва шартлари» деб ўзгартириш мақсадга мувофиқ;

2) ушбу модданинг иккинчи қисмидан «беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаш назарда тутилган унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган ёки...» деган жумлани чиқариб ташлаш лозим;

3) 87-модданинг иккинчи қисмida назарда тутилган «ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни такроран содир этган

вояга етмаган шахсни...» деган жумлани «Ушбу Кодекс Махсус қисмининг турли моддаларида назарда тутилган ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларни содир этган вояга етмаган шахс, агар содир этган қилмишининг хусусиятларини, айборнинг шахси ва ишнинг бошқа ҳолатларини эътиборга олиб, уни жазо қўлламасдан туриб ҳам тузатиш мумкин деган холосага келса...» деб ўзгартириш керак;

4) 87-модданинг иккинчи қисмидаги «мазкур модданинг биринчи қисмida назарда тутилган асослар мавжуд бўлса...» деган сўзлар олиб ташланиши лозим.

Вояга етмаган шахсларга жазо тайнинлашда жазони енгиллаштирувчи ҳолатлардан воз кечиш керак, чунки вояга етмаганларнинг барча хусусиятлари уларга тайнинлашадан жазоларни индивидуаллаштиришда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг XV бобида эътиборга олинган бўлиб, жазо тайнинлашда бу ҳолатни икки маротаба инобатга олиш қонунга зиддир.

Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил 30 сентябрдаги («Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги) қонунига мувофиқ, Жиноят кодексининг 87-моддаси иккинчи қисмидаги «уч» сўзи «беш» деган сўз билан алмаштирилган. Вояга етмаганларни мажбурлов чораларини кўллаган ҳолда жазодан озод қилиш тўғрисидаги норма инсонпарварлик принципини таъминлаш ва вояга етмаганлар жавобгарлиги тўғрисидаги масалани ҳал қилишда катта аҳамиятга эга. Шу жиҳатдан, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларни қайта содир этган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган вояга етмаган шахсни жазодан озод қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

13 ёшга тўлмаган шахс одам ўлдириш мумкин эмаслигини тушунса-да, у, айниқса жазони оғирлаштирувчи ҳолатда, қасдан одам ўлдиришнинг ижтимоий хавфлигини тўлиқ англайди, деб қатъий таъкидлаб бўлмайди ва фақат жиноят-хукукий репресияни кучайтириш билан жиноятчиликка

қарши кураш самарадорлигини ошириб бўлмаслигини, жазони кучайтириш жиноятчиликка қарши курашнинг бошқа чораларини излашдан чалғитиши мумкинлигини инобатга олиб, қонунда жазони оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдирганлик учун жавобгарликка тортиш ёшини 14 ёш деб белгилаш керак.

Жиноят кодекси 88-моддасининг номини «Тарбиявий таъсир кўрсатувчи мажбурлов чоралари» деб ўзгартириш ҳамда ушбу моддани қўйидаги таҳрирда ифодалаш судга унча оғир бўлмаган ёки ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни такроран содир этган вояга етмаганларни жазодан озод қилиб, тарбиявий таъсир кўрсатувчи мажбурлов чораларини қўллаш имкониятини беради:

88-модда. Тарбиявий таъсир кўрсатувчи мажбурлов чоралари

Вояга етмаган шахсларга нисбатан суд томонидан қўйидаги тарбиявий таъсир кўрсатувчи мажбурлов чоралари тайинланиши мумкин:

- a) огоҳлантириши;*
- б) ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ёхуд маҳсус давлат органи назоратига топшириши;*
- в) жабрланувчидан узр сўраши мажбуриятини юклashi;*
- г) етказилган зарарни бартараф этиши мажбуриятини юклashi;*

♦

д) дам олиш вақтини чеклаш ва вояга етмаганнинг хулқ-авторига алоҳида талаблар қўйши;

е) ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириши.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига тарбиявий таъсир кўрсатувчи мажбурлов чораларининг мазмуни ва муддатларини назарда тутувчи 88¹-модда киритилиши тарбиявий таъсир кўрсатувчи мажбурлов чораларининг тўгри ва бир хилда қўлланилишига хизмат қилган бўларди.

Жиноят кодексига жавобгарликка тортиш ёки жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги муносабати билан жавобгарлик ёки жазодан озод қилиш муддатларини қонунда аниқ белгилаб қўйиш мақсадида алоҳида 90¹-модда киритилиши зарур, деб ҳисоблаймиз. Судланганлик ҳолатининг тугалланиши муддатларининг ҳам алоҳида моддада белгиланиши ва уларнинг катталарнидан фарқ қилиши вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини бир хилда таъминлаш имконини яратади.

Юқорида келтирилган мулоҳазаларнинг яна бир бор муҳокама қилиниб, билдирилган таклифларнинг қабул қилиниши вояга етмаганлар учун назарда тутилган жазоларнинг либераллаштирилишига хизмат қилган бўларди.

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т., 2010.

² Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.05.2018., 07/18/3728/1225-сон, 01.10.2018., 06/18/5547/1975-сон.

³ URL: <https://ru.m.wikipedia.org/wi...>

⁴ Ведомости Меджлиса Туркменистана. – 2010 . – № 2. – Б. 28.

⁵ URL: <https://online.zakon.kz>.

⁶ Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. – Т., 1995. – 243-м.

⁷ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами. 1991–2006. II жилд. – Т., 2006. – Б. 235.

◆ ◆ ◆

A. A. Хамдамов,

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси тезкор-қидириув ҳуқуқи кафедрасининг бошлиги,
юридик фанлар доктори, профессор;*

P. H. Рахимхўжаев,

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси касбий тайёргарлик факультети
махсус фанлар циклининг катта ўқитувчиси*

ТЕЗКОР-ҚИДИРИУВ ТАДБИРЛАРИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШДАГИ АЙРИМ МУАММОЛАР

Аннотация. Мақолада тезкор-қидириув тадбирлари ўтказилишининг асосларини ҳуқуқий тартибга солиш борасидаги долзарб муаммолар кўриб чиқилган. Муаллиф «Тезкор-қидириув фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг 15-моддасига тезкор-қидириув тадбирларини ўтказиш асослари билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимча киритиш юзасидан таклиф берган.

Таянч сўзлар: тезкор-қидириув тадбирлари, уларни ўтказиш учун асослар, сабаблар, амалдаги асослар, ҳуқуқий сабаблар, разведик излов.

О некоторых проблемах правового регулирования проведения оперативно-розыскных мероприятий

Аннотация. В статье рассмотрены актуальные проблемы правового регулирования оснований для проведения оперативно-розыскных мероприятий. Автор предлагает внести в статью 15 Закона «Об оперативно-розыскной деятельности» изменения и дополнения, связанные с основами проведения оперативно-розыскных мероприятий.

Ключевые слова: оперативно-розыскные мероприятия, основания для проведения, причины, основы, правовые причины, разведывательный поиск.

Some problems of legal regulation of operational-search measures

Annotation. The article discusses the current problems of legal regulation of the grounds for conducting operational-search measures. The author proposes to make amendments and additions to article 15 of the Law «On the operational-search activity» related to the basics of conducting operational-search activities.

Keywords: operational-search measures, grounds for conducting, reasons, foundations, legal reasons, intelligence search.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «...қонунларнинг тўлиқлиги, ҳаётйлиги ва тўғридан-тўғри амалга ошириш механизмларига эга экани ҳақида сўз юритганда, бу борада ҳали кўп иш қилишимиз кераклигини таъкидлаш зарур»¹, деган фикрларидан келиб чиқсан, ҳақиқатан ҳам, айrim соҳаларни тартибга солувчи қонунларда муайян бўшлиқлар мавжуд бўлиб, улар давлатимизнинг янада ривожланишига салбий таъсир этиши мумкин. Шунинг учун ҳам қонунчиликдаги бўшлиқларни тўлдириш ва ҳар бир соҳани янада тақомиллаштириш мақсадида бир қатор қонунлар қабул қилинмоқда.

Жумладан, тезкор-қидириув фаолияти соҳасини ҳуқуқий тартибга солиш, тезкор-қидириув тадбирларини ўтказишда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда қонунийликка риоя қилишнинг реал ҳуқуқий кафолатларини яратиши мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Тезкор-қидириув фаолияти тўғрисида»ги қонунини бунга мисол сифатида кўрсатишимиз мумкин. Ушбу қонун нафақат тезкор-қидириув фаолияти масалаларини ҳал этишда тегишли тадбирларни амалга оширишнинг ҳуқуқий кафолати сифатида хизмат қилмоқда, балки жиноятларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва фош этиш-

да мазкур фаолият катта аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб бермоқда.

Қонуннинг 3-моддасида тезкор-қидириув фаолиятига қонун билан маҳсус ваколат берилган давлат органларининг тезкор бўлинмалари томонидан тезкор-қидириув тадбирлари ўтказиш орқали амалга ошириладиган фаолият сифатида таърифланган. Шунингдек, олимлар Б.Э. Закиров ва В.Г. Каримов: «Тезкор-қидириув тадбирлари институти тезкор-қидириув қонунчилигини амалга ошириш механизми ҳисобланниб, қонуннинг ўзаги, яъни асосий қисмини ташкил этади»², деб фикр билдирганлар. Қонунда берилган таъриф ҳамда олимларнинг фикрларини таҳлил қилиш бизга тезкор-қидириув фаолияти фақат тезкор-қидириув тадбирлари орқали амалга оширилиши мумкинлиги ҳақида холоса чиқариш имконини беради. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, тезкор-қидириув тадбирларини ўтказиш тезкор-қидириув фаолиятининг асосий таркибий қисми ҳисобланади.

Тезкор-қидириув тадбирларини ўтказиш тезкор-қидириув фаолиятида алоҳида аҳамиятга эга бўлса-да, тезкор-қидириув тадбирларини ўтказишнинг амалдаги тартиби қонунда кўрсатилган вазифаларни тўлиқ бажаришга имкон бермайди. Қонунда тезкор-қидириув тадбирларини ўтказиш билан боғлиқ қуидаги муаммолар мавжуд.

Биринчидан, қонуннинг 15-моддаси «Тезкор-қидириув тадбирларини ўтказиш учун асослар», деб номланган бўлиб, унда тезкор-қидириув тадбирларини ўтказиш учун «сабаблар» ҳам «асослар» сифатида берилган.

Иккинчидан, ушбу моддада белгиланган тезкор-қидириув тадбирларини ўтказиш асослари тезкор-қидириув амалиётида жиноятларни аниқлаш каби вазифаларни бажариш имкониятини бир мунча чеклайди.

Қонуннинг 15-моддасида тезкор-қидириув тадбирларини ўтказиш учун «сабаблар»нинг «асослар» сифатида берилганлигини қуидагиларда кўрамиз. Ушбу модданинг биринчи қисмида келтирилган тезкор-қидириув тадбирларини ўтказиш учун асослар

еттита ҳолатни, яъни 1) жиноят ишининг мавжудлиги; 2) суриштирув, тергов органларининг ёзма топширифи, прокурорнинг кўрсатмаси ва топширифи; 3) агар жиноят иши қўзғатиш учун етарли асослар бўлмаса, тезкор-қидириув фаолиятини амалга оширувчи органларга жиноятларни тайёрлаш, содир этиш аломатлари тўғрисида, шунингдек жиноятларни тайёрлашга ёки содир этишга дахлдор (алоқадор) шахслар ҳақида аён бўлиб қолган маълумотлар; 4) шахс, жамият ва давлат хавфсизлигига таҳдид солувчи шахслар, ҳодисалар, ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) ҳақидаги ахборотнинг мавжудлиги; 5) тезкор-қидириув фаолиятини амалга оширувчи органларга суриштирув, тергов органларидан ва суддан яшириниб юрган, жиноий жазодан бўйин товлаётган шахслар, бедарак йўқолган шахслар ва қонун хужжатларида назарда тутилган ҳолларда бошқа шахслар тўғрисида, шунингдек топилган таниб олинмаган мурдалар ҳақида аён бўлиб қолган маълумотлар; 6) Ўзбекистон Республикасининг жиноятчиликка қарши кураш ва хуқуқий ёрдам кўрсатиши соҳасидаги ҳамкорлик масалалари бўйича халқаро шартномалари асосида келиб тушган сўровномалар; 7) тезкор-қидириув фаолиятини амалга оширувчи бошқа органларнинг сўровномаларини қамраб олган.

Бу «асослар» тезкор-қидириув фаолияти назариясида *амалдаги (чин) асослар ва юридик (расмий) сабаблар* каби икки турга ажратилган³. Амалдаги (чин) асослар деганда тезкор-қидириув тадбирларини ўтказишни талаб қилувчи бирор жиноий ҳодиса ҳақида маълумотлар мавжудлиги тушунилади. Юридик (расмий) асослар деганда эса жиноий ҳодисалар ҳақидаги расмий хужжатлар назарда тутилади.

Шу билан бирга, «сабаблар» ва «асослар» ўртасидаги фарқни яхшироқ тушунишимиз учун жиноят процессига мурожаат қилишимиз лозим. Жиноят процессида (ЖПКнинг 322-м.) «сабаблар» ва «асослар» ўртасидаги фарқ кўрсатилган бўлиб, унга кўра жиноят ишини қўзғатиш учун: 1) шахсларнинг аризалари; 2) корхоналар, муассасалар,

ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахсларнинг хабарлари; 3) оммавий ахборот воситалари берган хабарлар; 4) жиноят содир этилганлигини кўрсатувчи маълумотлар ва изларни суриштирувчи, терговчи, прокурор, шунингдек терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг бевосита ўзи аниқлаши; 5) айбини бўйнига олиш ҳақидаги арз *сабаб* бўлиши, жиноят белгилари мавжудлигини кўрсатувчи маълумотлар эса жиноят ишини қўзғатиш учун *асос* бўлиши белгиланган.

Биз ҳам юқоридагилардан келиб чиқиб, қонуннинг 15-моддаси биринчи қисмида келтирилган тезкор-қидириув тадбирларини ўтказиш учун асосларни «сабаблар» ҳамда «асослар» каби икки гуруҳга ажратиб, ушбу модданинг номланишига «сабаблар» сўзини киритишимиз керак. Биринчи гуруҳга – *расмий жиҳатдан аниқланган сабаблар*, яъни қонуннинг 15-моддаси биринчи қисми 1–2, 4–7-бандларида кўрсатилган асосларни, иккинчи гуруҳга эса *ҳақиқий асос*, яъни тезкор-қидириув тадбирларини ўтказиш учун энг кўп учрайдиган асос – «агар жиноят иши қўзғатиш учун етарли асослар бўлмаса, тезкор-қидириув фаолиятини амалга оширувчи органларга жиноятларни тайёрлаш, содир этиш аломатлари тўғрисида, шунингдек жиноятларни тайёрлашга ёки содир этишга дахлдор шахслар ҳақида аён бўлиб қолган маълумотлар»⁴ – киритилиши лозим. Ушбу «асос»ни таҳлил қилиш қўйдагича хulosи чиқаришимизга имкон беради. Тезкор ходимлар тезкор-қидириув тадбирларини ўтказиш ҳуқуқига эга бўлиши учун, аввало, ноқонуний хатти-ҳаракат ҳақида маълумот (ахборот) олишлари керак.

Ахборотни олиш *бевосита* (масалан, тезкор ходим шахс билан юзма-юз мулоқот жараёнида маълумотни олиши) ва *бильвосита* (масалан, ёзма аризалар, почта орқали қабул қилинган хабарлар ва бошқалар) бўлиши мумкин. Кўриб чиқилаётган асоснинг мазмунини ташкил қилувчи маълумотлар *процессуал шаклда* (масалан, жиноят ҳақидаги ариза, сўроқ баённомаси ва бошқалар)

ёки *нопроцессуал шаклда* (масалан, тезкор йўллар билан олинган хабарлар) бўлиши мумкин.

Бироқ шу ўринда табиий савол туғилади, агар режалаштирилаётган, тайёргарлик кўрилаётган ва содир этилган жиноятлар тўғрисида жабрланувчиларнинг аризалари, хабарлари ва бошқа маълумотлар, яъни қонунда кўрсатилган асослар бўлмаса, нима қилиш керак? Бундай ҳолларда қонунийлик нуқтаи назардан келиб чиқсан, тезкор ходим жиноятларни аниқлаш ва (ёки) олдини олиш мажбуриятларини зиммасига олмайди. У тезкор-қидириув тадбирларини ўтказиш ҳуқуқига ҳам эга эмас. Жиноий ҳаракатлар мавжуд бўлса, улар ҳақида маълумотлар бўлади деб, эътиroz билдиришингиз мумкин. Афсуски, бу фикрингиз ҳар доим ҳам тўғри бўлмайди. Криминологик адабиётларда батафсил тавсифланган, муайян сабабларга кўра расмий ҳисобга олинмаган, ваколатли давлат органларидан яширилган, латент жиноятлар тоифаси мавжуд⁵.

Айниқса бу хусусият, коррупцион ва иқтисодий йўналишдаги жиноятларга, масалан пора олиш ва беришга хос. Ушбу жиноятлар яширинлик хусусиятига эга. Томонлар ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг якуний натижалари ва уларнинг сир сақланишидан манфаатдор. Пора талаб қилинаётгани ҳақида ариза ёки ноқонуний хатти-ҳаракатлар тўғрисида хабар (маълумот) йўқлиги тезкор-қидириув ҳуқуқий муносабатларининг пайдо бўлиши ва тезкор-қидириув тадбирларини амалга ошириш эҳтимоли йўқлигини англатади. Чунки тезкор ходимларда тезкор-қидириув тадбирларини ўтказиш учун асос йўқ.

Жумладан, Қонуннинг 15-моддасида белгиланган тезкор-қидириув тадбирларини ўтказиш асослари тезкор-қидириув амалиётида жиноятларни аниқлаш каби вазифаларнинг бажарилиши имкониятини бир мунча чеклашини мавжуд қонунчиликдаги нормалар тезкор-қидириув фаолиятининг разведик-излов хусусияти камайишига сабаб бўлаётганида кўришимиз мумкин. Мазкур модда:

1) жиноят аломатларини аниқлаш мақсадида разведик-излов ишларини юритиш учун асос бўла олмайди;

2) тайёрланаётган жиноятлар тўғрисидаги маълумотларни олишнинг имконини бермайди;

3) профилактик мақсадларда тезкор-қидириув тадбирларини ўтказиш учун шартшароит яратмайди.

Кўриб чиқилаётган асосларни тезкор-қидириув фаолиятининг разведик излов моҳияти билан боғлаш учун бу фаолият тўғрисида тасаввурга эга бўлишимиз керак. Тезкор-қидириув фаолиятининг вазифалари тезкор-қидириув тадбирлари орқали амалга оширилади. Улар ишлаб чиқиши вақти, тури ва мақсадга йўналтирилганлигига қараб, тезкор-қидириув тадбирлари тезкор-қидириув жараёнининг босқичларини ташкил этади. Тезкор-қидириув фаолияти назариясида тезкор излов, тезкор текширув ва тезкор ишлов каби кетма-кет босқичлар ажратилган⁶.

Кўриб чиқилаётган тезкор-қидириув тадбирларини ўтказиш асослари тезкор-қидириув жараёнининг дастлабки босқичига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. Бунинг сабаби шундаки, тезкор изловнинг ўзига хос хусусияти – маълум бўлган фактлар ва шахслар билан тезкор-қидириув фаолиятининг чекланган миқдордаги обьектлари алоқада бўлишидан иборат. Унинг асосий вазифаси номаълум жиноятлар ва уларни содир этган шахсларни аниқлашдир. Тезкор излов жиноий муҳитда ёки жиноятчиликка таъсир кўрсатадиган обьектларда ўтказилган «разведка» деб таърифланиши мумкин.

Тезкор излов кўпинча латент жиноятлар айrim турларининг тезкор-қидириув хусусиятлари ва криминологик белгиларини билиш билан боғлиқ. Буларнинг барчаси шахсларнинг муайян тоифаларида жиноий режаларни шакллантириш ва амалга ошириш имконияти тўғрисида мантиқий тахминни келтириб чиқаради. Тезкор излов жараёнида тезкор аҳамиятга эга маълумотларни аниқлаш тезкор-қидириув фаолиятининг жиноятларнинг олдини олиш, уларни

бартараф этиш ёки фош қилиш билан боғлиқ вазифаларини бажариш учун мақбул чораларни белгилашга имкон беради.

Шундай қилиб, тезкор излов тезкор-қидириув фаолиятининг вазифаларидан бири эмас, балки барчаси амалга оширилишини таъминлайди. Тезкор-қидириув тадбирларини ўтказишга асос бўлувчи расмий тезкор маълумотларнинг етишмаслиги тезкор-қидириув фаолиятини амалга оширувчи органларга ноқонуний хатти-ҳаракатлар тўғрисидаги ахборотни аниқлашга қаратилган тезкор-қидириув жараёнининг биринчи босқичига ўтишга рухсат бермаганлиги сабабли, кейинчалик бошқа вазифаларни бажариш имкони бўлмайди.

Шу муносабат билан, тезкор-қидириув фаолиятида яширин жиноятларни ўз вақтида аниқлаш, уларни содир этган шахсларни фош этиш бўйича тезкор излов босқичи самарадорлигининг оширилишини таъминлаш мақсадида «Тезкор-қидириув фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг 15-моддасига қўйидаги мазмунда ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш зарур деб ҳисоблаймиз:

– ушбу моддани «тезкор-қидириув тадбирларини ўтказиш сабаблари ва асослари» деб номлаш;

– модда матнida «сабаблар» ва «асослар»ни алоҳида-алоҳида кўрсатиш;

– модданинг биринчи қисмига асос сифатида «режалаштирилаётган, тайёргарлик кўрилаётган ва содир этилган яширин (латент) жиноятларни аниқлаш зарурияти» деган бандни киритиш.

Мазкур таклифларнинг амалдаги қонунчиликда ўз ифодасини топиши, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги принципи таъминланишига хизмат қиласди. Ҳуқуқий соҳада тезкор-қидириув фаолиятининг жиноятларни аниқлаш билан боғлиқ муаммоларини ҳал қилишнинг самарали механизмини яратиб, ушбу фаолиятнинг кейинги вазифаларига ечим топади. Шу билан бирга, қонунчиликдаги ҳуқуқий бўшлиқнинг тўлдирилишига сабаб бўлади.

¹ Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи. – 2016. – 8 дек.

² Закиров Б.Э., Каримов В.Г. «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонунда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. – 2013. – № 1. –Б. 25.

³ Ҳамдамов А.А., Саитбаев Т.Р. ва бошқ. Ўзбекистон Республикасининг «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонунига шарҳ. – Т., 2015. – Б. 101.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги 2012 йил 25 декабрдаги қонунининг 15-моддаси биринчи қисми 3-бандида келтирилган.

⁵ Криминология. Умумий қисм: ИИВ Олий таълим муассасалари учун дарслик / И.Исмоилов, Қ.Р.Абдурасулова, И.Й.Фазилов. – Т., 2015. – Б.64–65.

⁶ Оперативно-розыскная деятельность. 2-е изд., доп. и перераб. / Под ред. К.К.Горяинова, В.С.Овчинского, Г.К.Синилова, А.Ю.Шумилова. – М.: ИНФРА-М, 2004. – С. 408–435.

ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВ ВА КРИМИНАЛИСТИКА, ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ ҲУҚУҚИ ВА КРИМИНАЛИСТИК ЭКСПЕРТИЗАЛАР КАФЕДРАЛАРИНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ, РИВОЖЛАНИШИ ВА КЕЛАЖАК ИСТИҚБОЛЛАРИ

2019 йил 27 август куни Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясида дастлабки тергов ва криминалистика, жиноят-процессуал ҳуқуқи ҳамда криминалистик экспертизалар кафедралари томонидан «Дастлабки тергов ва криминалистика, жиноят-процессуал ҳуқуқи ва криминалистик экспертизалар кафедраларининг ташкил этилиши, ривожланиши ва келажак истиқболлари» мавзусида умумакадемик илмий-амалий конференция ўтказилди. Конференцияда ИИВ Академиясининг профессор-ўқитувчилари, фахрийлари ва кундузги таълим курсантлари иштирок этдилар. Тадбирни Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси дастлабки тергов ва криминалистика кафедраси бошлиги Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист Шарафутдинов Алишер Озатович қисқача кириш сўзи билан очди ва олиб борди.

Конференцияда давомида дастлабки тергов ва криминалистика кафедраси профессори в.б. юридик фанлар доктори, подполковник А.А.Матчановнинг – «Жиноят-процессуал ҳуқуқи ҳамда дастлабки тергов ва криминалистика кафедраларининг шаклланиши ва ривожланиши» мавзусидаги, криминалистик экспертизалар кафедраси бошлиги юридик фанлар номзоди, доцент, подполковник Т.Б.Маматқуловнинг – «Криминалистика кеча, бугун ва эртага» мавзусидаги, А.О.Шарафутдиновнинг – «Дастлабки тергов ва криминалистика кафедрасининг ички ишлар органлари тергов аппаратлари учун кадрлар тайёрлаш фаолияти» мавзусидаги, жиноят-процессуал ҳуқуқи кафедраси бошлиги юридик фанлар номзоди, доцент, подполковник Б.Н.Рашидовнинг – «Жиноят-процессуал ҳуқуқи кафедрасининг бугунги ўқув-тарбиявий ва илмий-тадқиқот фаолияти» мавзусидаги ҳамда криминалистик экспертизалар кафедраси ўқитувчиси майор С.А.Нурумбетованинг «Ички ишлар органларининг эксперт-криминалистика хизматлари учун кадрлар тайёрлашда криминалистик экспертизалар кафедрасининг ўрни» мавзусидаги маърузалари тингланди ва муҳокама қилинди. Умумакадемик илмий-амалий конференция якунида конференция иштирокчилари томонидан қатор таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

B. Г. Каримов,

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академиясининг доценти, юридик фанлар доктори

ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

Аннотация. Мақолада ички ишлар органлари бўлинмалари тезкор-қидирув фаолиятининг назарий ва ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: тезкор-қидирув фаолияти, тезкор-қидирув тадбирлари, тезкор-қидирув қонунчилиги, тезкор бўлинмалар.

Теоретические и правовые аспекты совершенствования оперативно-розыскной деятельности

Аннотация. В статье разработаны предложения по дальнейшему совершенствованию теоретических и правовых основ оперативно-розыскной деятельности оперативных подразделений органов внутренних дел.

Ключевые слова: оперативно-розыскная деятельность, оперативно-розыскные мероприятия, оперативно-розыскное законодательство, оперативные подразделения.

Theoretical and legal aspects of improving operational investigative activities

Annotation. The article developed suggestions for further improvement of the theoretical and legal foundations of the operational-search activities of the operational units of the internal affairs bodies.

Keywords: operational investigative activities, operational investigative measures, operational investigative legislation, operational units.

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 декабрда қабул қилинган «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонунида илгари назария ва амалиётга маълум бўлмаган тушунча ва атамалар киритилди. Унда 16 та тезкор-қидирув тадбирлари (ТҚТ) ўз аксини топган бўлиб, уларни қонуннинг асосий қисми, ўзаги деб ҳисоблаш мумкин.

Аммо ўтказилган тадқиқот ва амалиёт тажрибаси гувоҳлик беришича, қонуннинг айrim қоидалари, хусусан муайян ТҚТнинг мазмун-моҳияти, уларни ўтказиш асослари ва шартлари, ташкилий-тактиқ жиҳатлари ҳанузгача мукаммалликдан йироқ бўлиб, тезкор-қидирув фаолиятини (ТҚФ) амалга оширувчи органлар тезкор бўлинмалари амалий фаолиятида айrim номувофиқликлар келиб чиқишига сабаб бўлаётгани ва айни вақтда уларни такомиллаштириш зарурлигини кўрсатмоқда. Бу эса мазкур фаолиятда қонунийликни таъминлаш тизимига жиддий таъсир кўрсатиши мумкин.

ТҚТни ўтказиш билан боғлиқ масалаларни тадқиқ этишдан аввал ТҚФнинг

қонунда берилган таърифини таҳлил қилиш ва аниқлаштириш зарурати мавжуд бўлиб, бу тушунча мазкур фаолиятнинг янги, ҳозирги замон даражасидаги мазмун-моҳиятини тўлиқ акс эттириши лозим. Ушбу фаолиятнинг қонунда берилган таърифига кўра, «Тезкор-қидирув фаолияти – Қонун билан маҳсус ваколат берилган давлат органларининг тезкор бўлинмалари томонидан ТҚТ ўтказиши орқали амалга ошириладиган фаолият туридир». Яъни бу ҳолда фаолиятнинг мазмуни, **маҳсус ваколат берилган субъектлар томонидан** фақат ТҚТни ўтказиш билан чекланиб қолган.

Фикримизча, ТҚФнинг Қонунда берилган таърифи мукаммал эмас, чунки у фаолиятнинг мазмунини қисман ифода этади ҳамда умум эътироф этган асосий институтларини қамраб олмайди. Хусусан, Қонунда берилган таърифдан келиб чиқадиган бўлсак, унда ТҚТ қаторига кирмайдиган, лекин фаолиятнинг асосий йўналишларини ўз ичига оловчи тезкор ҳаракатларни ўтказиш тақиқланади, деб тушуниш

мумкин. Шунингдек, таърифда ТҚФни амалга оширишдан кўзланган мақсад ўз ифодасини топмаган.

Ҳозирги кунда соҳа олимлари ўртасида ТҚФнинг моҳиятини тушунишда яқдиллик мавжуд эмас. Хусусан, «ТҚФ» тушунчасини шакллантиришда фаолиятнинг мақсадини россиялик олимлар А.В.Фёдоров ва А.В.Шахматов¹ – жиноятчиликка қарши курашиш вазифалари билан, С.И.Захарцев² эса фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи, хуқуқ ва эркинликларини, мулкини, жамият ва давлат хавфсизлигини жиноий тажовузлардан ҳимоялаш вазифалари билан боғлашган.

Россия Федерацияси «Тезкор-қидирав фаолияти тўғрисида»ги қонунининг 6-моддасида ТҚТнинг тўлиқ рўйхати берилган бўлиб, улар 14 тани ташкил этади. Ушбу Қонуннинг «ТҚТни ўтказиш асослари» деб аталувчи 7-моддаси иккинчи қисмида жиноий фаолият билан боғлиқ бўлмаган олтига асос ўз аксини топган (давлат сирларини ташкил этувчи маълумотлардан фойдаланишга рухсат бериш; ТҚФда иштирок этиш ёки ушбу фаолият натижасида олинган материаллар билан танишишга рухсат бериш; хусусий детектив ва қўриқлаш фаолияти билан шуғулланишга рухсат бериш ва ҳ.к.). Яъни юқоридаги олимларнинг таклиф этган таърифлари ҳам ТҚФнинг мақсадини тўлиқ қамраб олмаган, чунки юқорида қайд этилганларга кўра ТҚТни ўтказиш асослари фақат жиноятчиликка қарши кураш билан чекланмаган.

Бинобарин: а) ТҚФ фақат ТҚТ ўтказиш орқали амалга оширилади ва шу сабабли ТҚФ бошқа йўналишларининг бу фаолиятга алоқаси йўқ; б) ТҚТни ўтказмасдан ТҚФнинг пировард натижаларига эришиб бўлмайди; в) ТҚФ нинг моҳияти ушбу 16 та ТҚТни ўтказиш билан чекланмаган.

Албатта, ТҚФнинг моҳиятини бундай тушуниш, унинг тутган ўрнига ҳам, Қонуннинг моҳиятига ҳам мувофиқ келмайди, чунки мазкур фаолият бошқа кенг қамровли имкониятларга ҳам эгадир. Фикримизча,

юқоридаги каби чалғиши ва номутаносибликларнинг олдини олиш мақсадида Қонуннинг 3-моддасида берилган таърифни аниқлаштириш ва қонуннинг бошқа моддаларига мослаштириш зарур.

Ўзбекистон Республикасининг «Тезкор-қидирав фаолияти тўғрисида»ги қонунига мувофиқ ТҚФ фақат ТҚТдан иборат эмас. Унинг асосий институтлари сифатида қуидагиларни келтириш мумкин: ТҚТни ўтказиш (14-модда); фуқароларни маҳфий ҳамкорликка жалб қилиш (12-модда); ахборот таъминоти ва тезкор ҳужжатлаштириш (18-модда); ахборот муҳофазасини таъминлаш (20-модда); ТҚФни молиявий таъминлаш (24-модда), ТҚФ устидан назорат ўрнатиш (25–27-моддалар) ва ҳ.к.

Шубҳасиз, ТҚТ мазкур фаолиятнинг ўзагини ташкил этади, аммо улардан ташқари ТҚФни амалга оширувчи органларнинг жиноятчиликка қарши курашда бир қатор бошқа (ТҚТ рўйхатига кирмаган) имкониятлари ҳам бор. Булар: ташкилий-бошқарув чоралари, ташкилий-тактик чоралар (ахборот таъминоти, ахборот-таҳлилий ишлар, башорат қилиш, режалаштириш, ҳамкорлик қилиш, маҳфийлик асосида кўмаклашиш истагини билдирган шахслар билан пулли ва бепул ҳамкорлик ўрнатиш; ТҚФ воситалари, усуllари, шакллари ва ҳоказо.

Шунингдек, ТҚФнинг мазмун-моҳияти ва ташкилий-тактик жиҳатларини тўлиқ ифода этувчи хусусий белгиларининг асосийлари қаторига қуидагиларни киритиш мумкин: ТҚФнинг давлат-хуқуқий тавсифдалиги; вазифаларнинг ўзига хослиги; маҳсус меъёрий-хуқуқий тартибга солиниши; муайян принциплар асосида амалга оширилиши; фаолиятнинг нафақат ТҚТ, балки маҳсус воситалар, усуllар ва ташкилий-тактик шаклларни қўллаш билан боғлиқ бошқа имкониятлари орқали, маҳсус ваколатга эга субъектлар томонидан амалга оширилиши; фаолиятнинг маҳсус тактикаси мавжудлиги; маҳсус молиявий ва моддий-техник таъминоти; фаолият устидан маҳсус назорат ўрнатилганлиги.

Юқорида қайд этилган муроҳазалардан келиб чиқиб, ТҚФнинг таърифини қуидаги таҳрирда бериш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз: «*Тезкор-қидирув фаолияти – Қонун билан маҳсус ваколат берилган давлат органларининг тезкор бўлинмалари томонидан ТҚФ вазифаларини бажариш мақсадида ошкора ва ноошкора усуслар, воситалар, шакллар ва ТҚТ уйғунилигига амалга ошириладиган фаолият туридир*».

ТҚТ мазкур фаолиятнинг энг муҳим таркибий қисмларидан бири эканлиги боис унинг тушунчасини аниқлаб олиш ТҚФ учун муҳим назарий ва амалий аҳамият касб этади. Ушбу тушунчага Қонунда таъриф берилмаганлиги унинг жиддий камчиликларидан биридир.

Россиялик олимлар (В.А.Ильичёв, Г.И.Козирев, И.А.Климов, В.И.Михайлов, А.В.Федоров, А.Ю.Шумилов ва бошқалар) ўз илмий ишларини муайян ТҚТни ўтказишини ҳуқуқий тартибга солиш масалаларига багишлагандар.

Ўзбекистонлик олимлар А.А.Хамдамов, Т.Р.Саитбаев, С.Н.Гордеев ва Р.Т.Рашитходжаев томонидан ТҚТга қуидагича таъриф беришган: «ТҚТ – «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонунда мустаҳкамланган, разведик-излов хусусиятига эга бўлган, ваколатли субъектлар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжат талабларига мувофиқ ўтказиладиган ҳамда асосан ошкора восита ва усусларни ноошкора восита ва усуслар билан уйғуналаштирган ҳолда қўллашга асосланган ҳамда ТҚФ масалаларини ҳал қилиш учун зарур фактик маълумотларни бевосита аниқлашга қаратилган чора ва ҳаракатлар тизими»³.

Лекин ушбу таъриф жуда кенг бўлиб, унда айнан ТҚТга хос алоҳида белгилар, яъни уларни ўтказиш асослари ва шартлари ўз аксини топмаган. Бинобарин, ТҚФнинг ТҚТдан бошқа йўналишларига ҳам айни шу таърифни бериш мумкин. Шунингдек, юқоридаги таърифда «тезкор-қидирув масалалари» деган жумла тушунарсиз бўлиб, уни «тезкор-қидирув вазифалари» билан алмаш-

тириш лозим, чунки Қонуннинг 4-моддасида ТҚФнинг асосий вазифалари ифодаланган.

А.Ю.Шумилов ТҚТга қуидагича таъриф берган: «ТҚТ – ТҚФда қарор қабул қилиш учун зарур бўлган ахборотни қўлга киритиш усуслари»⁴. Ушбу таъриф ҳам ТҚТни барча хусусий белгиларини ифода этмайди. Чунки кўмаклашувчи шахсдан ахборот олиш жараёни ҳам ТҚФда қарор қабул қилиш учун зарур бўлгани ҳолда биз уни ТҚТ деб ҳисоблай олмаймиз. ТҚТни ТҚФнинг бошқа йўналишларидан фарқловчи хусусий белгиларидан бири ТҚТни Қонунда белгиланган асослар ва шартларга биноан ўтказилишидир. Юқоридаги таърифда эса бундай хусусий белгилар мавжуд эмас.

Бугун мамлакатимиз мутахассислари орасида ТҚТни мазмун-моҳияти, тушунчаси, асосий белгилари ва тузилишини аниқлаштириш хусусида бир тўхтамга келинмаган. Бу борада, айрим адабиётларни ҳисобга олмаганда, умуман чуқур илмий тадқиқотлар ўтказилмаган. Мавжуд адабиётларда ҳам бир қатор хато ва камчиликлар учрайди. Масалан, А.К.Закурлаев ва Ю.С.Пулатовнинг фикрича, «ТҚТ – бу ТҚФни амалга оширишда ўтказиладиган, тўлиқ рўйхати ТҚФ тўғрисидаги қонунда белгиланган аниқ ҳаракатлар, ТҚФнинг таркибий элементларини ўзида ифодалайди, бу элементлар жамулжам ҳолда ТҚФни ташкил этади»⁵.

Фикримизча, муаллифлар янгилиш ҳолда ТҚФнинг таркибий элементлари сифатида 16 та ТҚТга ишора қилишган кўринади.

Шунингдек, унда ТҚТни хусусий белгилари бўлган уларни ўтказиш асослари ва шартлари мавжуд эмаслиги ҳамда ТҚТни ўтказишдан кўзланган мақсади ҳам ифодаланмаган.

Юқоридаги таҳлиллардан ҳамда ТҚФ қонунчилиги талабларидан келиб чиқиб, ТҚТни қуидагича ифодалаш мумкин: *Тезкор-қидирув тадбирлари – ТҚФнинг таркибий қисми бўлиб, ваколатли субъектлар томонидан қонунда белгиланган асослар ва шартларга биноан ошкора ва ноошкора усул*

ва воситалар уйғунлигига ўтказиладиган, ТҚФнинг вазифаларини бажаришга йўналтирилган ўзаро муштарак тадбирлар мажсумиидир.

ТҚТнинг ушбу таърифида унинг қўйидаги хусусиятлари акс этган: а) ТҚТ ТҚФнинг таркибий қисми ҳисобланниши; б) ТҚТнинг қонунда белгиланганлиги; в) ТҚТни ўтказишдан кўзланган мақсад (ТҚФ вазифаларини бажариш); г) ТҚТнинг фақат маҳсус ваколатга эга субъектлар томонидан амалга оширилиши; д) ТҚТнинг Қонунда белгиланган асос ва шартларга биноан ўтказилиши; е) ТҚТнинг ошкора, ноошкора усул ва воситалар уйғунлигига ўтказилиши.

ТҚТни ўтказиш жараёнида қонунийликни таъминлаш билан боғлиқ равища кузатиладиган яна бир муаммо айрим ТҚТнинг прокурор билан келишган ҳолда ўтказилиши бўлиб, Қонуннинг 16-моддасида «текшириш учун харид қилиш, назорат остида олиш ва назорат остида етказиб бериш прокурор билан албатта келишилган ҳолда амалга оширилади» деган талаб мустаҳкамланган. Чунки юқоридаги учта ТҚТни ўтказиш очиқ савдода сотилиши тақиқланган ёки муомалада бўлиши чекланган предметлар, моддалар ва маҳсулотларни (масалан, қурол, портловчи модда, наркотик воситалар ва ш.к.)нинг ноқонуний муомалада бўлиши билан боғлиқдир. Яъни бу талаб муайян жиноятни фош этиш мақсадида муомалада бўлиши чекланган ёки тақиқланган предметларни назорат остида харид қилган шахсни жавобгарликка тортилишдан сақлаш учун муайян ҳудуддаги прокурор билан аввалдан келишиб қўйишни назарда тутади.

Аммо ҳозирги кундаги амалиёт тажрибасининг гувоҳлик беришича, ушбу масалада ҳам қонунийликни таъминлаш нуқтаи назаридан айрим камчиликлар кузатилмоқда. Айни пайтда Бош прокуратура ҳузуридаги иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти органларига юклатилган долзарб вазифалардан бири ижтимоий

аҳамиятга эга бўлган товарлар нархларини манипуляция қилиш, уларга бўлган сунъий танқислик ва жуда катта талабни вужудга келтириш, шунингдек сифатсиз ёхуд қалба-килаштирилган дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг муомалага чиқарилиши билан боғлиқ гайриҳуқуқий ҳаракатларнинг олдини олишга қаратилган тадбирларни ўтказиш ҳисобланади. Мазкур вазифалар ижроси бўйича Департаментнинг тезкор бўлинмалари бир қатор ТҚТ, шу жумладан, «текшириш учун харид қилиш» ТҚТни ўтказишмоқда.

Маълумки, бу тадбирлар жараёнида харид қилинаётган маҳсулотлар очиқ савдода сотилиши тақиқланган ёки муомалада бўлиши чекланган предметлар, моддалар ва маҳсулотлар қаторига кирмайди ва бу ҳолда прокурор билан келишиш мантиқа тўғри келмайди. Лекин, «Тезкор-қидирив фаолияти тўғрисида»ги қонунда ҳам, соҳавий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам бу ҳолат ҳуқуқий тартибга солинмаган. Шу боис бу борада юзага келган вазиятга аниқлик киритиш мақсадида Қонуннинг 16-моддаси бешинчи хатбосидаги жумлани қўйидаги таҳрирда бериш таклиф қилинади: «Текшириш учун харид қилиш, назорат остида олиш ва назорат остида етказиб бериш, **башарти очиқ савдода сотилиши тақиқланган ёки муомалада бўлиши чекланган предметлар, моддалар ва маҳсулотларни ўтказиш билан боғлиқ бўлса**, прокурор билан албатта келишилган ҳолда амалга оширилади».

ТҚТни ўтказиш жараёнида инсон ҳукуқ ва эркинликларига риоя этиш ҳамда қонунийликни таъминлаш вазифаларини самарали бажариш учун **ТҚТни таснифлаш масаласи** муҳим ўрин тутади. Таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда тезкор-қидирив фанида ТҚТнинг ягона мукаммал таснифи йўқ. А.К.Закурлаев ва Ю.С.Пулатов ТҚТни ўтказиш тартибига кўра қўйидагича таснифлайди: 1) фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларига бўлган муносабатга қараб; 2) яширинлик даражасига қараб; 3) техника

воситаларидан фойдаланилишига қараб; 4) фойдаланилаётган тезкор-техника күчлари ва воситаларининг тааллуқлилигига қараб. Ушбу таснифлаш мукаммалликдан йироқ бўлиб, унда ТҚТни хусусий белгилари бўйича фарқлашнинг деярли имкони йўқ.

К.К.Горяинов, Ю.Ф.Кваша ва К.В.Сурков ТҚТни таснифлашнинг қўйидаги вариантини таклиф қилишган: 1) қидирувга мослаштирилган криминалистик усуллар (сўров; маълумотлар тўплаш; қиёсий текширув учун намуналар йиғиш; текшириш учун харид қилиш; предметларни ва ҳужжатларни текшириш; тезкор кузатув; шахснинг айнанлигини аниқлаш; турар жойларни ва бошқа жойларни, биноларни, иншоотларни, жойнинг участкаларини ва транспорт воситаларини текшириш; тезкор эксперимент); 2) қидирувга хос бўлган разведик усуллар (почта, куръерлик жўнатмаларини, телеграф хабарларини ва бошқа хабарларни назорат қилиш; телефонлар ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшлишиш; алоқанинг техник каналларидан ахборот олиш); 3) разведик операциялар (тезкор киритиш ва назорат остида етказиб бериш)⁶.

А.Ю.Шумилов эса ТҚТни уч тоифага бўлиб таснифлайди: биринчи тоифага (оддий) фуқароларнинг ҳукуқларини чекламайдиган ТҚТ: сўров; маълумотлар тўплаш; қиёсий текширув учун намуналар йиғиш; текшириш учун харид қилиш; предметлар ва ҳужжатларни текшириш; тезкор кузатув; шахснинг айнанлигини аниқлаш; турар жойларни ва бошқа жойларни, биноларни, иншоотларни, ер майдонлари ва транспорт воситаларини текшириш; тезкор киритиш; назорат остида етказиб бериш; алоқанинг техник каналларидан (фуқароларнинг шахсий ҳаётига аралашмасдан) ахборот олишни; иккинчи тоифага (фуқароларнинг ҳукуқларини чеклайдиган) ТҚТ қаторига тезкор экспериментдан бошқа барча ТҚТни; учинчи (махсус) тоифага эса тезкор экспериментни киритади.

Олимларнинг юқоридаги айрим муло-

ҳазаларига қўшилган ҳолда таъкидлаш жоизки, улардаги умумий камчилик, фикримизча, ТҚТнинг номланиши ва уларни намунавий режага биноан тизимлашга уринишлари деб ҳисоблаш мумкин. Шу боис ТҚТни, авваламбор, бошқа, яъни қонунийликни таъминлашга ҳисса қўшувчи алоҳида муҳим асосларга биноан таснифлаш тўғри бўлар эди.

Биз ТҚФ қонунчилиги ва амалиёт тажрибасидан келиб чиқиб, ТҚТни шартли равишда учта гуруҳга бўлиб таснифлаймиз: а) тезкор бўлинма ходимлари ташабbusи билан ўтказиладиган ва санкциялаш талаб қилинмайдиган (сўров; маълумотлар тўплаш; қиёсий текширув учун намуналар йиғиш; предметлар ва ҳужжатларни текшириш; шахснинг айнанлигини аниқлаш; жойлар, бинолар, иншоотларни, жой участкаларини ва транспорт воситаларини текшириш); б) тезкор бўлинма раҳбарининг қарори асосида ўтказиладиган (текшириш учун харид қилиш; назорат остида олиш; тезкор кузатув; тезкор киритиш; назорат остида етказиб бериш; ниқобланган операция; тезкор эксперимент); в) прокурор санкцияси асосида ўтказиладиган (турар жойларни текшириш; почта, куръерлик жўнатмаларини, телеграф хабарларини ва бошқа хабарларни назорат қилиш; телефонлар ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшлишиш; алоқанинг техник каналларидан ахборот олиш) ТҚТ⁷.

Бундай таснифлашнинг асоси сифатида, 1) ТҚТнинг мураккаблигига кўра; 2) ТҚФнинг куч ва воситаларидан фойдаланиш имкониятларига кўра; 3) бу жараёнда фуқароларнинг ҳукуқ ва эркинликларига дахл қилиниш даражасига кўра; 4) мансабдор шахсларнинг ТҚТни ўтказишга рухсат бериш ваколатларига кўра ва 5) ТҚТ натижаларидан жиноят процессида фойдаланиш имкониятларига кўра тизимлаштириш қулай деб ҳисоблаймиз.

«Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг 16-моддаси биринчи қисмида

фуқароларнинг «ёзишмалари, телефон орқали сўзлашувлар ва бошқа сўзлашувлари, почта, курьерлик жўнатмалари, телеграф хабарлари ҳамда алоқа тармоқлари орқали узатиладиган бошқа хабарлари сир сақланиши ҳуқуқларини, шунингдек уй-жой дахлсизлиги ҳуқуқини чекловчи ТҚТ ўтказилишига прокурор санкцияси асосида йўл қўйилиши» ўз аксини топган. Таъкидлаш жоизки, ушбу тадбирлар, agar шахс, жамият ва давлат манфаатларини жиноий тажовузлардан ҳимоя қилишни таъминлаш учун ҳақиқий маълумотларни бошқа йўл билан олиш имкони бўлмаса, истисноли чоралар сифатида амалга оширилиши мустаҳкамлаб қўйилган.

Бу борадаги хорижий давлатлар тажрибасининг далолат берилича, Америка Кўшма Штатлари, аксарият Европа ва МДҲга аъзо давлатларда бу каби ТҚТни ўтказишга суд қарори орқали йўл қўйилади. Маълумки, ҳозирги қунда мамлакатимизда ТҚФни амалга оширувчи бешта давлат органи фаолият кўрсатади ва уларнинг иккитаси (Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиб департаменти ва Мажбурий ижро бюроси) прокуратура тизимиға киради. Қонуннинг 21-моддасида тезкор бўлинмалар (шу жумладан, прокуратура тизимиға кирувчи) томонидан ўтказиладиган айrim ТҚТга прокурорлар санкция бериши белгилаб қўйилган. Фикримизча, бундай номунофиқликларни

бартараф этиш ҳамда фаолиятда ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати принципина риоя қилишни таъминлаш мақсадида ушбу ТҚТни ўтказишга санкция беришни суд идораларига ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Шу муносабат билан, «Тезкор-қидирав фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг 16-моддаси биринчи қисмидаги жумлани қуйидаги таҳрирда бериш таклиф қилинади: «Ёзишмалар, телефон орқали сўзлашувлар ва бошқа сўзлашувлар, почта, курьерлик жўнатмалари, телеграф хабарлари ҳамда алоқа тармоқлари орқали узатиладиган бошқа хабарлар сир сақланиши ҳуқуқларини, шунингдек уй-жой дахлсизлиги ҳуқуқини чекловчи тезкор-қидирав тадбирлари ўтказилишига **суд қарори** асосида йўл қўйилади». Чунки ҳозирда суд-ҳуқуқ ислоҳотлари доирасида жиноят-процессуал қонунчиликка юқоридаги ТҚТга ўхаш бўлган тергов ҳаракатлари (почта-телеграф хабарларини хатлаб қўйиш, мурдани экстремистика қилиш)ни ўтказишга санкция бериш суд ваколатига ўтказилди.

Таъкидлаш лозимки, «Тезкор-қидирав фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг тегишли моддаларига юқорида таклиф этилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг киритилиши ТҚТнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга ва бу жараёнда қонунийликни таъминлашга хизмат қиласи.

¹ *Федоров А.В., Шахматов А.В.* Правовое регулирование содействия граждан органам, осуществляющим оперативно-розыскную деятельность. – М., 2005. – С. 102.

² *Захарцев С.И.* Оперативно-розыскные мероприятия. – СПб, 2004. – С. 59.

³ *Хамдамов А.А., Саитбаев Т.Р., Гордеев С.Н., Рашидходжасев Р.Т.* Ўзбекистон Республикасининг «Тезкор-қидирав фаолияти тўғрисида»ги қонунига шарҳ. – Т., 2015. – Б. 68.

⁴ *Шумилов А.Ю.* Юридические основы ОРД. – М., 1999. – С. 125.

⁵ *Закурлаев А.К., Пулатов Ю.С.* Тезкор-қидирав фаолияти. – Т., 2014. – Б. 76.

⁶ *Горянинов К.К., Кваша Ю.Ф., Сурков К.В.* Федеральный закон об оперативно-розыскной деятельности: Комментарий. – М., 1997. – С. 274.

⁷ *Каримов В.* Тезкор-қидирав фаолияти асослари. – Т., 2015. – Б. 50.

Б. Б. Муродов,

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси жиноят-процессуал ҳуқуқ кафедрасининг доценти, юридик фанлар доктори;

Р. Б. Бойсафаров,

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси жиноят-процессуал ҳуқуқ кафедрасининг ўқитувчи

ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ МУНОСАБАТЛАРДА АЙБСИЗЛИК ПРЕЗУМПЦИЯСИ

Аннотация. Мақолада жиноят-процессуал муносабатларда айбсизлик презумпциясининг устуворлигини таъминлаш масалалари таҳтил қилинган.

Таянч сўзлар: Конституция, жиноят, айбсизлик презумпцияси, тугатиш асослари, инсонпарварлик, шахс ҳуқуқлари, қонун.

Презумпция невиновности в уголовно-процессуальных отношениях

Аннотация. В статье проанализированы вопросы соблюдения принципа презумпции невиновности в уголовно-процессуальных отношениях.

Ключевые слова: Конституция, преступление, презумпция невиновности, гуманность, права человека, закон.

Presumption of innocence in criminal procedural relations

Annotation. The article analyzes the issues of observing the principle of the presumption of innocence in criminal procedural relations.

Keywords: Constitution, crime, presumption of innocence, humanity, human rights, law.

Жиноят-процессуал ҳуқуқ назариясида жиноят ишини тугатиш институтининг айбсизлик презумпцияси принципи талабларига зид эканлигини таъкидловчи фикрлар билдириб келинади¹. Мазкур масаланинг муҳим ва долзарблигини ҳисобга олган ҳолда айбсизлик презумпцияси принципининг моҳияти ва асосий талабларини тушуниб олишимиз лозим.

Айбсизлик презумпцияси шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг мустаҳкам кафолатидир². Халқаро ҳуқуқ нормаларида ва Ўзбекистон Республикаси миллый қонунчилигига бу масалага инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг асосий мезонларидан бири сифатида қаралади. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддаси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Умумжаҳон декларациясининг 11-моддаси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар бўйича халқаро пактнинг 14-моддаси ҳамда ЖПКнинг 23-моддасига мувофиқ, жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар

бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбор ҳисобланмайди³. Яъни айбсизлик презумпцияси деганда айбланувчи (судланувчи)нинг айби жиноят ишида тўпланган далиллар асосида тўлиқ исботланмагунича унинг айбсиз эканлигини эътироф этиш тушунилади⁴. ЖПКнинг 23-моддасига кўра, «гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи унинг жиноят содир этишда айборлиги қонунда назарда тутилган тартибда исботлангунига ва қонуний кучга кирган суд ҳукми билан аниқлангунига қадар айбсиз ҳисобланади».

Бир гуруҳ олимларнинг фикрича, реабилитация қилинмайдиган асослар⁵ билан жиноят ишини тугатиш учун шахснинг айборлиги аниқланган бўлиши шарт. Жиноят-процессуал қонун нормаларига мувофиқ суриштирувчи ёки терговчи жиноят содир этишда гумон қилинаётган ёки айбланаётган шахснинг айбор ёки айбсизлигини аниқлаш

ваколатига эга эмаслиги ва бундай ваколат судларга тегишли бўлиб, шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилиш масаласи фақат судлар томонидан амалга оширилиши лозим. Бундан келиб чиқадики, жиноят-процессуал ҳуқуқ назариясида реабилитация қилинмайдиган асослар билан жиноят ишини тугатишнинг ҳозирги ҳолатини қонунга хилоф деб ҳисобловчи олимлар ишга жалб қилинган шахс фақат суднинг айблов ҳукми билан айборд деб топилганидан кейингина жавобгарликдан озод этилиши мумкинлиги, унга қадар жиноят ишининг тугатилиши ва ишга жалб этилган гумон қилинувчи ёки айбланувчининг жавобгарликдан озод бўлишига айбизлик презумпцияси принципи тўсқинлик қилиши таъкидланмоқда⁶. Том маънода, ушбу фикр мантиқан тўғридек. Чунки ҳар бир жиноят ишининг судга юборилиши ва иш бўйича ҳукм чиқарилиши, ўз навбатида, иш юзасидан ижтимоий адолат қарор топишида муҳим омил бўлиб хизмат қиласди. Лекин, таъкидлаш жоизки, жиноят ишини тугатиш эмас, балки мазмунан ҳал этиши ҳуқуқи суд органларига берилиб, шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилиш фақат суднинг айблов ҳукми билан амалга оширилиши келгусида жиноят-процессуал муносабатларда жавобгарликдан озод қилиш асослари билан ишни тугатиш институтига ҳеч қандай эҳтиёж қолдирмайди. Чунки амалдаги ЖПК 463-моддасининг иккинчи ёки учинчи қисмларига мувофиқ, суд саккизта асос билан жазо тайинламасдан айблов ҳукми чиқариши белгиланган. Мантиқан қараганда мазкур ҳолларда шахс жавобгарликдан озод этилгани очиқ-ойдин кўринади.

Бироқ айбизлик презумпциясининг асосий талаби (мақсади) жиноят ишига жалб қилинган ва ЖПКнинг 84-моддасида қайд этилган асослардан бири билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши лозим бўлган шахсни тегишли суд жараёнига жалб этиши эмас, аксинча, унинг асоссиз айбланмаслиги ва жавобгарликка тортилмаслигини таъминлаш эканлигини инобатга оладиган бўлсак, юқорида келтирилган фикр ўз аҳамиятини

йўқотади. Қолаверса, жиноий жавобгарликдан озод қилиш муносабати билан жиноят ишини тугатиш институти халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган принцип ва андозаларига мослиги, жиноят-процессуал муносабатларда инсонпарварлик принципининг мустаҳкамлашишига, жиноят-процессуал жараёнларни янада соддалаштиришга хизмат қиласди.

ЖПКнинг 84-моддаси иккинчи, учинчи ва бешинчи қисмларига асосан, тергов органлари жиноят ишини тугатишда гумон қилинувчи, айбланувчи, айрим ҳолларда эса жабрланувчининг розилигини олиши шарт. Ўйлаймизки, ушбу норманинг мавжудлиги жиноят ишини тугатишда шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг таъминланиши, унинг қонунга хилоф равища айбланмаслиги ёки ишларнинг қонунга хилоф равища тугатилмаслигига кафолат бўлади. Бу ҳақда фикр билдирган Ш.Бердиев жиноий жавобгарликдан озод қилиш то суднинг айблов ҳукми чиққунига қадар иш юритишнинг ҳар қандай босқичида қўлланиши мумкинлигини инкор этмаган ҳолда айбизлик презумпцияси шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилишга мутлақо тўсқинлик қилмаслигини алоҳида қайд этган⁷.

Демак, шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилиш муносабати билан жиноят ишини тугатиш институти ўз мазмунмоҳияти билан айбизлик презумпциясига зид эмас. Шу боис ушбу институтларни янада такомиллаштириш ва қўлланиш доирасини кенгайтиш масалалари юритмизда жиноят ва жиноят-процессуал қонуларни либераллаштириш йўлида олиб борилаётган ислоҳотларнинг асосий йўналишларидан ҳисобланади. Яъни ярашув, амнистия ва хусусий айблов институтлари билан боғлиқ қонун нормаларини такомиллаштириш ва қўлланиш доирасини янада кенгайтириш юзасидан амалга оширилаётган ислоҳотлар ана шулар жумласидандир.

Реабилитация қилинмайдиган асослар бўйича жавобгарликдан озод бўлган шахс, гарчи айбизлик презумпцияси принципи талабларидан келиб чиқсан ҳолда «айбиз»

ҳисобланса-да, ишни юритган терговчининг хulosасида жиноят содир этган шахс бўлиб қолаверади⁸. Ўз навбатида, терговчининг мазкур хulosасини ҳам асоссиз деб бўлмайди. Чунки, амалдаги ЖПКнинг 95-моддасига кўра, терговчи ишдаги барча ҳолатларни синчковлик билан, тўлиқ, ҳар томонлама ва холисона кўриб чиқиб, қонунга ва ҳуқуқий онгга амал қилган ҳолда ўз ички ишончи билан тегишли хulosага келади. Лекин, шу билан бирга, терговчининг хulosаси асосида шахсни жиноят иши бўйича «айбдор» деб топиш ва унга нисбатан жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораларини белгилаш мумкин эмас. ЖКнинг 4-моддасида қайд этилганидек, содир этилган қилмишнинг жинойлиги, жазога сазоворлиги ва бошқа ҳуқуқий оқибатлари фақат ЖК билан белгиланишини инобатга олиб, реабилитация қилинмайдиган асослар бўйича жавобгарликдан озод бўлган шахсларга нисбатан бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар қандай турдаги ҳуқуқий таъсир чоралари қўлланилиши мумкин эмас.

Афсуски, 2014 йил 14 майда қабул қилинган «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг⁹ 35 ва 36-моддалари талабларига кўра, ЖПКнинг 84-моддасига мувофиқ айбдорлик тўғрисидаги масала ҳал қилинмасдан туриб жиноят иши тугатилган ёхуд реабилитация қилмайдиган асослар бўйича жиноят ишини қўзгатишни рад этиш тўғрисидаги қарор чиқарилган шахсларнинг профилактик ҳисобга олиниши уларнинг суд ҳукми билан айбдор деб топилган шахсларга тенглаштирилишига сабаб бўлган. Бу реабилитация қилинмайдиган асослар бўйича жиноий жавобгарликдан озод этилган шахсларнинг қонунисти норматив-ҳуқуқий ҳужжатлarda белгиланган тартибда ҳисобга олиниб, уларга муқаддам судланган шахслар билан бир қаторда ахлоқ тузатиш чоралари қўлланилиши лозим деган хulosага келинганидан далолатдир.

Дарҳақиқат, «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонун ҳамда айрим

қонунисти норматив-ҳуқуқий ҳужжатлarda шахснинг ҳисобга олиниши профилактика чора-тадбирларини кўриш нуқтаи назардан ижобий саналса-да, Ўзбекистон Республикаси нинг Конституцияси ва ЖПКда устувор аҳамият касб этган айблизлик презумпцияси принципи талабларига мутлақо зид ҳисобланади. Бу эса, ўрганилган ҳолат «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонунининг 7-моддаси учинчи қисмида қайд этилган «Ўзбекистон Республикасида қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси асосида ва уни ижро этиш учун қабул қилинади ҳамда унинг нормалари ва принципларига зид келиши мумкин эмас»¹⁰ деган талабнинг бузилганлигини кўрсатади.

Қолаверса, «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунининг 35 ва 36-моддаларида ЖПКнинг 84-моддасига мувофиқ айбдорлик тўғрисидаги масала ҳал қилинмасдан туриб ўзига нисбатан жиноят иши тугатилган ёхуд реабилитация қилмайдиган асослар бўйича жиноят ишини қўзгатишни рад этиш тўғрисидаги қарор чиқарилган шахсларнинг профилактик ҳисобга олиниши белгиланган. Ваҳоланки, ушбу Кодекс 84-моддаси биринчи қисмининг 4-банди (*шахсга нисбатан айнан шу айлов бўйича суднинг қонуний кучга кирган ҳукми бўлса*), 5-банди (*шахсга нисбатан айнан шу айлов бўйича ишини тугатиш ҳақида суднинг қонуний кучга кирган ажрими (қарори) ёки ваколатли мансабдор шахснинг жиноят иши қўзгатишни рад этиш ёхуд ишини тугатиш ҳақида бекор қилинмаган қарори бўлса*) ва 6-банди (*иши фақат жабрланувчининг шикояти билан қўзгатиладиган ҳолларда унинг шикояти бўлмаса, ушбу Кодекснинг 325-моддасида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно*), шу модданинг тўртинчи қисми (*тарафларнинг ярашганиги муносабати билан жиноят ишини тугатиш*) ҳамда бешинчи қисмининг 1-бандида (*ишини тергов қилиши ёки судда кўриб чиқиши пайтига келиб, қилмиш ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотган ёхуд шароит ўзгариши*

оқибатида бу шахс ижтимоий жиҳатдан хавфли бўлмай қолган деб эътироф этилса назарда тутилган асослар бўйича жиноят иши қўзгатилишининг рад этилиши ёки тугатилиши натижасида жавобгарликдан озод бўлган шахсларнинг профилактик ҳисобга қўйилиши ҳам мақсадга мувофиқ эмас.

Шунинг учун ҳам, Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, «жамиятда ижтимоий адолат тамойилини қарор топтириш борасидаги асосий вазифамиз – бу адолатли қонунлар қабул қилишдан иборат. Кисқача айтганда, қонун адолатли бўлса, у инсон ҳуқуқларини амалда ҳимоя қилса, шундагина одамлар қонунни ҳурмат қиласди ва унга итоат этади»¹¹.

Шу билан бирга, Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион гоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 66-бандида ҳам маъмурий назорат ўрнатиш зарурати жиноий қилмишнинг ва уни содир этган шахснинг реал ижтимоий хавфлилиги мезонларига асосланиши; қонун нормаларини амалдаги Жиноят кодексида назарда тутилган оғир ва ўта оғир жиноятларнинг таснифига мослаштириш зарурлиги белгиланганлигини¹² инобатга олиб, «Ҳукуқбузарликлар профилактикаси тўгрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг¹³ 35 ва 36-моддаларига ўзgartиш ва қўшимчалар киритиш йўли билан амалдаги ЖПК ва мазкур қонун нормалари ўртасидаги коллизион ҳолатларни бартараф этиш ҳамда жиноят-процессуал муносабатларда шахснинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини янада самарали таъминлашга эътибор қаратиш керак, деб ҳисоблаймиз.

Шунингдек, жиноят ишини тугатиш институтининг ЖПК 2-моддаси биринчи қисмида белгиланган мазкур қонун ҳужжатларининг вазифалари билан боғлиқлигига тўхталган ҳолда қуйидаги фикр-мулоҳа-

заларни баён қилмоқчимиз. ЖПКда белгиланган «айбдорларни фош этиши» ва «жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берии» каби вазифаларнинг моҳияти билан жиноят ишини тугатиш институти ўртасида тафовут борлиги маълум бўлади. Чунончи, жиноят иши тугатилиши натижасида жавобгарликдан озод бўлган шахсга нисбатан суд томонидан адолатли жазо берилмайди, қолаверса, ушбу шахс мазкур жиноят иши бўйича суднинг ҳукми билан айбдор, деб топилмайди. Айрим хорижий мамлакатлар, хусусан Беларусь, Озарбайжон ва Қозогистон Республикаларининг жиноят-процессуал қонунларида¹⁴ «жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берии» ва «айбдорларни фош этиши» каби талаблар акс эттирилмаганлигини кўрамиз. Шу билан бирга, Россия Федерацияси ва Хитой Халқ Республикасининг ЖПКларида «жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берии» ўз ифодасини топган бўлиб, мазкур давлатлар қонунчилигида ҳам бу борада коллизион ҳолатлар мавжудлиги маълум бўлди¹⁵.

Дарҳақиқат, ЖПКнинг «айбдорларни фош этиши» ва «жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берии» талаблари жиноятчиликка қарши курашиш баробарида, жамиятимизда адолатнинг қарор топишида муҳим ҳисобланади. Бу, айниқса, жиноятларнинг олдини олиш, шахс, жамият ва давлат манфаатларини жиноий тажовузлардан ҳимоя этишда ёрдам беради. Ўз навбатида, жиноят ишини тугатиш институти ҳам, Конституциямизда олий қадрият, деб эътироф этилган инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг тўлиқ таъминланишига хизмат қиласди.

Юқоридагиларни инобатга олиб, ЖПК 2-моддасининг биринчи қисми «ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши» деган сўзлардан кейин «қонунда белгиланган асослар бўлган тақдирда жавобгарлик ва жазодан озод қилиншиши» деган сўзлар билан тўлдирилиши лозим.

◆

¹ *Ларин А.М.* Всегда ли прав суд, даже если он Конституционный // Российская юстиция. – 1997. – № 4. – С. 53; *Багаутдинов Ф.* Расширение частных начал в уголовном процессе // Российская юстиция. – 2002. – № 2. – С. 33; *Головко Л.В.* Альтернативы уголовному преследованию в современном праве. – М., 2002. – С. 323; *Крылова Н.Е., Ткачевский Ю.М.* Понятие и виды освобождения от уголовной ответственности // Курс уголовного права. В 5 т. / Под ред. Н.Ф.Кузнецовой и И.М.Тяжковой. Т. 2. Общая часть: Учение о наказании. – М., 2002. – С. 163.

² *Сайдов Б.А.* Жиноят процесси принциплари. – Т., 2010. – Б. 86–87.

³ Инсон ҳуқуқлари бўйича Умумжаён декларациясининг 11-моддаси; 1966 йил 16 декабрда БМТ Бош Ассамблеясининг XXI сессиясида қабул қилинган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт.

⁴ Юридик энциклопедия / Ю.ф.д., проф. У.Таджихановнинг умумий таҳририда. – Т., 2001. – Б. 15; *Бахриев К.* Презумпция невиновности и свобода слова // Давлат ва ҳуқуқ. – 2000. – №3. – С.15–16.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 84-моддасида назарда тутилган асослар.

⁶ *Вандышев В.В., Разгильдиев Б.Т.* Конституционная «презумпция невиновности» и ее отражение в уголовном законодательстве России // Конституционные основы уголовного права: Материалы I Всероссийского конгресса по уголовному праву, посвященного 10-летию Уголовного кодекса Российской Федерации / Отв. ред. В.С.Комиссаров. – М., 2006. – С. 496–497; *Россинский С.Б.* Уголовный процесс. – М., 2009. – С. 86.

⁷ *Бердиев Ш.* Жиноий жавобгарлик ва ундан озод этиш масалалари / Ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбоев таҳрири остида. – Т., 2011. – Б. 58.

⁸ *Миренский Б., Асамутдинов А., Камалходжаев Ж.* Жиноят процессида далиллар назарияси муаммолари. – Т., 2002. – Б. 51.

⁹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси. – 2014. – № 5. – 333-м.

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 2001. – № 1–2. – 8-м.; 2004. – № 1–2. – 18-м.; 2005. – № 1. – 18-м.

¹¹ Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустақил пойдеворидир. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги маърузаси // URL: <http://press-service.uz>.

¹² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион гоялар ва технологияларни қўллаб-куватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-5308-сон Фармони // URL: <http://www.lex.uz>.

¹³ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси. – 2014. – № 5. – 333-м.

¹⁴ Уголовно-процессуальный кодекс Республики Беларусь (от 16 июля 1999 года); Уголовно-процессуальный кодекс Азербайджанской Республики (от 14 июля 2000 года); Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан (от 7 ноября 2004 года).

¹⁵ Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации (от 18 декабря 2001 года); Уголовно-процессуальный кодекс КНР (от 17 марта 1996 года).

М. М. Хайдаров,

Ўзбекистон Республикаси Миллӣ гвардияси Андижон вилояти бўйича
суринширув бўлими катта суринширувчиси

ТЕРГОВ ҲАРАКАТЛАРИНИ ЎТКАЗИШДА ЖИНОЯТ ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИ НАТИЖАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Аннотация. Мақолада суринширув ва тергов органларининг тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш ваколатига эга мансабдор шахслар билан хамкорлигининг хусусиятлари ёритилган. Мазкур фаолиятни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар берилган.

Таянч сўзлар: тезкор-қидирув фаолияти, терговчи, қидирув, тергов.

Значение использования результатов оперативно-розыскной деятельности в проведении следственных действий

Аннотация. В статье освещены основы и особенности взаимодействия органов дознания и следственных органов, уполномоченных осуществлять оперативно-розыскную деятельность. Даны предложения и рекомендации по улучшению этой деятельности.

Ключевые слова: оперативно-розыскная деятельность, следователь, поисковая система, расследование.

Importance of using the results of operational investigative activities in conducting investigative actions

Annotation. The article deals with the basics and features of the interaction of bodies of inquiry and investigative authorities authorized to carry out operational-search activities. Suggestions and recommendations for improving this activity are given.

Keywords: operational investigative activities, investigator, search engine, investigation.

Жиноятчиликка қарши курашнинг тўғри ташкил этилиши, жиноятларнинг олдини олиш ва уларни фош қилиш, жиноят содир этган шахслар учун жазонинг муқаррарлигини таъминлаш барча куч ва воситаларни ишга солиш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш каби бир қатор тадбирларнинг амалга оширилишини тақозо этади. Бу борада тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан жиноят ишлари бўйича исботлашда фойдаланишнинг процессуал ва ташкилий жиҳатларини ёритиш жиноятларни ўз вақтида ва тез очиш ва дастлабки тергов жараёнида ижобий натижага эришиш ҳамда қонун устуворлигини таъминлашда катта аҳамият касб этади.

Шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларига олий ижтимоий қадрият сифатида ёндашиш Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ўз аксини топган бўлиб, жиноят-процессуал қонун ва уни қўллаш

амалиётининг такомиллашувини, жиноят-процессуал соҳада турли камчиликларнинг бартараф қилинишини талаб этади. Чунки, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлида ўтказиладиган барча ислоҳотлар инсоннинг тинч ва фаровон ҳаёт кечиришини таъминлашга хизмат қилмоғи лозим. Бу эса кучли давлатдан кучли жамияттга ўтилаётган ҳозирги даврда инсон омилини биринчи ўринга олиб чиқади, зеро жамиятни ташкил этувчи инсонларнинг барча соҳалардаги, хусусан, жиноят судлов иш юритишидаги фаоллиги кучли жамият қуришнинг зарурий шартидир.

Мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги Фармони билан «2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси»¹ тасдиқланди. Стратегия лойиҳаси долзарб ҳамда аҳоли ва тадбиркорларни

ташвишга солаётган масалаларни комплекс ўрганиш, қонунчиллик, ҳуқуқни муҳофаза қилиш амалиёти ва хорижий тажрибани таҳлил қилиш якунлари бўйича ишлаб чиқилди.

Фармоннинг иккинчи йўналиши бўлган «Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-хуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш» га йўналтирилган суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш, маъмурий, жиноят, фуқаролик ва хўжалик қонунчилгини, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизими самарасини ошириш, суд жараёнида тортишув принципини тўлақонли жорий этиш, юридик ёрдам ва ҳуқуқий хизматлар сифатини тубдан яхшилашдир.

Бундан мақсад мамлакатимизда қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-хуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборат. Бир сўз билан айтганда, юртимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш ва аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш биз учун ҳал қилувчи вазифа бўлиб қолмоқда.

Ушбу вазифаларни бажаришда жиноят процессининг дастлабки тергов босқичида жиноят-қидирув ходимларининг роли, улар фаолиятининг натижаларидан унумли фойдаланиш ва тергов ҳаракатлари ўтказиш чогида уларнинг тутган ўрни катта ахамият караб этади.

Айрим тергов ҳаракатларини, айниқса, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, тинтуб, сўроқ ва ушлашни амалга оширишда терговчига кўмаклашиш ҳамкорликнинг муҳим тури ҳисобланади.

Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ва тинтуб ўтказишда ўзаро ҳамкорлик одатда ушбу тергов ҳаракатларига тайёр-гарлик кўриш билан бошланади, уларни ўтказиш жараёнида давом этади ва баъзан

тугалланганидан сўнг дарҳол эмас, балки тергов ҳаракати натижаларига қўра шошилинч тезкор-қидирув иши бажарилганидан кейин якунланади.

Кўздан кечиришга тайёргарлик кўриш жараёнида ҳодиса содир бўлган жойни кўриқлаш ва ундаги изларнинг дахлсизлиги суриштирув органларининг кучлари билан таъминланади, гувоҳлар аниқланади, кўздан кечириш чегараси ва уни ўтказиш усуллари, хизмат-қидирув итидан фойдаланиш имконияти ва тартиби, кўздан кечириш худуди катта бўлган ҳолда алоқа боғлаш ва ўзаро ахборот алмашиш усуллари тўгрисидаги ва бошқа масалалар биргаликда ҳал этилади. Тинтубга тайёргарлик кўриш жараёнида тинтуб қилинаётган шахс, тинтуб жойи, объектлари тўгрисида ахборот йигиши биргаликда амалга оширилади, кўздан кечириш жараёнидаги мажбуриятлар тақсимланади, тинтуб иштирокчилари танлаб олинади, объектга монеликсиз кириш усуллари белгиланади ва ҳ.к.

Кўздан кечириш жараёнида биргаликдаги ҳаракатларни мувофиқлаштириш, қидирув ишига тузатишлар киритиш, олинган маълумотларни муҳокама қилиш мақсадида терговчи тезкор ходимлар билан доимий алоқада бўлади. Шунга ўхшаш алоқалар тинтуб ўтказиш чогида ҳам амалга оширилади.

Ушбу тергов ҳаракатларининг якунловчи босқичларида, кўпинча, олинган маълумотларга биргаликда баҳо берилади, барча объектлар кўздан кечирилгани ва тинтуб қилингани текширилади. Зарур ҳолларда қўшимча қидирув ҳаракатлари амалга оширилади. Олинган маълумотларни текшириш, янги далиллар манбаларини аниқлаш борасидаги фаолият режалаштирилади ва баъзан уларни қидириш бўйича иш дарҳол амалга оширилади.

Сўроқ ўтказишда ўзаро ҳамкорлик, асосан, сўроққа тайёргарлик кўриш босқичида, баъзан сўроқ пайтида (сўроқ жараёнида аниқланган маълумотларни, масалан, алибини дарҳол бир вақтнинг ўзида текши-

риш талаб этилган ҳолда), шунингдек сўроқдан кейин олинган натижаларга кўра терговдаги шахс кўрсатувларининг айrim жиҳатларига аниқлик киритиш ва кейинги ҳаракатларни мўлжаллаш учун ўзаро ахборот айирбошлиш ўйли билан амалга оширилади.

Ушлаш пайтида ўзаро ҳамкорлик тезкор-қидириув органларининг кучлари билан амалга ошириладиган ушлаш жараёнидагина эмас, балки юзага келган криминалистик вазиятни ҳисобга олган ҳолда ушлаш тактикасини ишлаб чиқишида ҳам амалга оширилади. Масалан, ушлаш вақти, унинг иштирокчилари сони, тактик воситалар тўплами ва бошқалар ҳам биргаликда белгиланади.

Жиноятчани, ўғирланган мол-мulkни, эҳтимол тутилган гувоҳларни ҳамда жиноятларни фош этиш ва тергов қилиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа объектларни қидиришга қаратилган ишда биргаликда фаолият кўрсатиш ўзаро ҳамкорликнинг энг ёрқин тури ҳисобланади. Қидириув фаолиятида бундай ҳамкорлик айниқса яхши самара беради, зеро у одатда терговчи ва тезкор-қидириув тадбирларининг тергов ва қидириув ҳаракатлари йигиндисидан таркиб топади.

Қидириув билан терговчи якка тартибда, процессуал воситалардан фойдаланган ҳолда шуғулланиши ҳам мумкин. Бироқ кўпинча бунинг учун унда вақт ҳам, тезкор ходимларда мавжуд бўлган куч ва воситалар ҳам етишмайди. Шу сабабли қидириув кўпинча терговчи ва тезкор-қидириув бўлинмалари фаолиятининг натижаларидан фойдаланиш орқали амалга оширилади.

Қидириув фаолияти учун асос бўлиб хизмат қиладиган ахборот, одатда, рангбаранг бўлади; ҳам терговчи, ҳам тезкор-қидириув ходимлари томонидан тўпла-надиган маълумотлардан таркиб топади. Масалан, терговчи тергов ҳаракатлари жараёнида турли-туман излар (ашёвий далиллар, гувоҳларнинг кўрсатувлари, хужжатлар, архивдаги очиқ жиноят ишлари, очилмаган жиноятлар ҳақидаги маълумотлар) кўринишида ахборот тўплайди. Тезкор ходимлар тезкор-қидириув тадбир-

ларини ўтказиш жараёнида нопроцессуал ва асосан мўлжал берувчи хусусиятга эга қидириув ахборотини олади. Тўпланган ахборот асосида криминалистик тусмол турларидан бири ҳисобланадиган қидириув тусмоллари тузилади.

Қидириув ўтказишда айнан шундай тусмоллар ўзаро ҳамкорлик йўналишини белгилайди. Қидириув тусмолини терговчининг ўзи илгари суриши ҳам мумкин, бироқ кўпинча у терговчи ва тезкор ходимларнинг биргаликдаги тафаккур фаолияти маҳсул ҳисобланади.

Қочиб яширинган жиноятчани қидириш «иссиқ» излар бўйича (агар бунинг учун тегишли шарт-шароитлар мавжуд бўлса) биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан ёки маҳаллий, республика даражасидаги ёки халқаро қидириув жараёнида амалга оширилиши мумкин. «Иссиқ» излар бўйича қидириш учун асосни терговнинг дастлабки даврида, одатда илк тергов ҳаракатлари жараёнида олинган ва гумон қилинувчининг шахсига ишора қилувчи (ташқи кўриниши, ҳодиса содир бўлган жойдан кетиш, қочиш, жўнаб кетиш вақти ҳақидаги) маълумотлар ёки демографик, яъни яшаш ёки иш жойи, қариндошлари ва бошқа алоқалари тўгрисидаги маълумотлар ташкил қиласи. Бунда терговчи ички ишлар органлари ходимларининг тезкор имкониятлари билан бир қаторда, ИИВ ахборот марказларининг имкониятларидан ҳам (айниқса, одам ўлдиришлар, номусга тегишлар, босқинчилик ҳужумлари, ўғрилик ва фирибгарликлар, уюшган гуруҳлар ва жиноий уюшмалар томонидан содир этилган жиноятлар бўйича) фойдаланади.

Агар «иссиқ» излар бўйича қидириш учун асослар мавжуд бўлмаса ёки у ижобий натижадан бермаган ёинки тергов жиноят воқеаси юз берганидан сўнг анча вақт ўтгач бошланган бўлса, қидириув маҳаллий доирада ёки республика доирасида амалга оширилади. Бунда терговчи қидириув тадбирларини мустақил ўтказиш мажбуриятларидан озод қилинмайди. Хусусан, терговчи вақти-вақти

билин қидирилаётган шахснинг қариндошлик ва дўстона алоқаларини ҳисобга олган ҳолда, у турган жой ҳақидаги ҳар қандай янги ахборот билан қизиқиши ва бундай маълумотлар пайдо бўлган заҳоти (корхоналар, муассасалар, ташкилотларга тегишли сўровлар юбориш, зарурий ахборотга эга шахслар билан суҳбатлашиш кабилар орқали) уларни текшириш чораларини кўриши шарт.

Турли криминалистик операцияларни ўтказишида ҳам ўзаро ҳамкорлик муҳим ўрин тутади. Бунда биргаликда бажариладиган дастлабки, информацион, инструктив ва режали иш ҳажми, қатнашчилар сони ва гуруҳларини танлаш ўтказилаётган операция даражасига боғлиқ бўлади. Айни вақтда барча операциялар уларни ўтказиш жараёнида ахборот алмашишни талаб қиласди.

Ўта оғир жиноятларни ва уюшган жиноий гуруҳлар томонидан содир этилган қилмишларни фош қилиш учун тузиладиган тергов-тезкор гуруҳлари доирасида терговчиларнинг тезкор ходимлар билан ҳамкорлиги ўзаро ҳамкорликнинг анча кенг тарқалган тури ҳисбланади.

Тергов-тезкор гуруҳлари турлича шакллантирилади. Айрим гуруҳлар ҳар бир суткага фақат ҳодиса содир бўлган жойда зарурий тезкор-қидириув тадбирларини биргаликда ўтказиш учун ажратиладиган ўзгарувчан таркибдан иборат бўлиши мумкин. Айрим гуруҳлар жиноят содир этган шахс аниqlангунига қадар биргаликда ишлайди. Шошилинч тергов ҳаракатлари ва тезкор-қидириув тадбирлари ўтказилганидан кейин жиноят иши тергов қилиш учун худудий жиҳатдан терговга тегишлилик бўйича топширилади. Айрим гуруҳлар эса терговни иш судга топширилгунга қадар бирга юритади.

Тергов-тезкор гуруҳлари турли хил, айниқса шахсга қарши жиноятларни фош этиш ва тергов қилиш борасида етарли иш тажрибасига эга бўлган малакали терговчилардан таркиб топади.

Тергов-тезкор гуруҳлари доирасида ўзаро ҳамкорликни амалга оширишнинг асосий усуллари айрим тергов ҳаракатларини ва бошқа ишни биргаликда бажариш режасини тузиш, тергов ва тезкор кичик гуруҳларининг раҳбарлари ва айрим аъзолари ўртасида изчил ва аниқ ахборот алмашишни ташкил этиш, бажарилаетган ҳаракатларни тегишли равишида мувофиқлаштириш, бажарилган ишни биргаликда муҳокама қилиш кабилар билан боғлиқ.

Тергов амалиёти ҳамкорликнинг мазкур шакли анча илгор эканлигини ва тўғри ташкил этилган тақдирда жиноятларни (айниқса, одамларнинг ҳаёти ва соғлиғига қарши жиноий қилмишларни) фош этиш борасидағи ишни дарҳол йўлга қўйиш имконини беришини кўрсатади.

Катта ҳажмдаги ва ўта мураккаб (масалан, терроризм, экстремизм, коррупцияга оид трансмиллий жиноятлар, ўзганинг мулкини жуда кўп миқдорда талон-торож қилиш, узоқ вақт содир этилган пораҳурликка доир) жиноят ишларини тергов қилиш учун кўпинча прокуратура терговчиларидан ташқари ИИВ, ДХХ терговчилари ва тезкор-қидириув ходимларини ҳам ўз ичига оладиган тергов бригадалари ташкил этилади. Бригада раҳбари этиб бундай жиноятларни тергов қилиш борасида катта амалий тажриба билан бирга, зарур ташкилотчилик қобилиятига ҳам эга бўлган терговчи-ташкилотчи тайинланади. Бригада раҳбари терговнинг асосий йўналишларини белгилайди ва бригада ишига умумий раҳбарликни амалга оширади. Бригада доирасида ўзаро ҳамкорлик терговчилар ва тезкор-қидириув ходимлари, иккала жамоа раҳбарлари ўртасида амалга оширилади. Ўзаро ҳамкорликни амалга оширишнинг асосий усуллари тергов-тезкор гуруҳларидағи ҳамкорлик усуллари билан бир хил бўлади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўгрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. –2017. –№ 6. –70-м.

Ф. Б. Бобомуродов,

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси олий ўқув юртидан кейинги таълим факультети
таянч докторантурасининг мустақил изланувчиси

ЧОРВА МОЛЛАРИ ЎГИРЛИКЛАРИГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация. Мақолада ички ишлар органлари тезкор-қидириув бўлинмалари томонидан чорва моллари ўғирликларига қарши курашишнинг хуқуқий асослари кўриб чиқилган, шунингдек хуқуқшунос олимларнинг мазкур жиноятларни фош этиш ва уларнинг олдини олишда тезкор ходимларнинг ички ишлар органлари бошқа бўлинмалари ходимлари билан ҳамкорлигини хуқуқий таъминлашга доир фикр-мулоҳазалари таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: чорва моллари ўғирликлари, мол ўғирликларига қарши курашиш, тезкор-қидириув фаолиятининг хуқуқий асослари, ҳамкорлик, тезкор ходим, профилактика инспектори, ветеринар ходим.

Совершенствование правовых основ борьбы с кражами скота

Аннотация. В статье рассмотрены правовые основы борьбы с кражами скота оперативными подразделениями органов внутренних дел, а также анализируются мнения ряда исследователей по правовому обеспечению взаимодействия оперативных работников с сотрудниками иных подразделений органов внутренних дел в целях выявления и предотвращения преступлений в данной сфере.

Ключевые слова: кражи скота, борьба с кражами скота, правовые основы оперативно-розыскной деятельности, взаимодействие, оперативный работник, инспектор профилактики, ветеринарный врач.

Improving the legal bases for the fight against theft of livestock

Annotation. The article discusses the legal bases for the fight against theft of livestock by the operational units of the internal affairs bodies, and analyzes the opinions of a number of researchers on the legal support for the interaction of operational workers with employees of other units of the internal affairs bodies in order to identify and prevent crimes in this area.

Keywords: cattle theft, the fight against cattle theft, the legal basis of the operational-search activities, interaction, an operative, a prevention inspector, a veterinarian.

Иқтисодиёт соҳасида энг кўп содир этиладиган жиноятлардан бири ўғриликдир. Мазкур жиноят содир этилиш услубига кўра хавфсиз бўлса-да, ўзгалар мулкини талон-торож қилишнинг энг кўп тарқалган усули бўлган боис ижтимоий хавфи катта ҳисобланади.

Чорва моллари ўғирликларига қарши курашишнинг хуқуқий асослари ҳақида гапиришдан аввал «ўғри», «ўғрилик» ибораси, шунингдек «чорва моллари ўғирлиги», «чорва моллари ўғирликларига қарши курашишнинг хуқуқий асослари» каби жумлаларнинг маъносини билиб олиш мантиқан тўгри бўлади. Демак, «ўғри» сўзи ўғирловчи, ўғрилик билан шуғулланувчи шахс¹ деган маънени билдиrsa, «ўғрилик» атамаси эса

ўзгалар мулкини гайриқонуний, яширин равишда зўрлик ишлатмасдан ўз шахсий манфаати учун ишлатиш мақсадида олишни англатади. Юридик ва бадиий адабиётларда «ўғрилик» ва «ўғирлик» атамалари ишлатилса-да, иккаласи бир хил маънони англатади.

Чорва моллари ўғирлиги деганда уй ҳайвонлари рўйхатига киритилган жисмоний ва юридик шахслар томонидан асраб, парваришилаб, кўпайтириладиган туёқли, ўркачли, катта ва кичик шоҳли жониворлар (*хўқиз, сигир, туж, от, қўй, эчки, эшак, чўчқа*) ҳамда ёш жониворлар (*улоқ, тойчоқ, бузоқ, бўталоқ*)ни жисмоний шахслар томонидан яширин равишда ўзлаштиришга қаратилган гайрихуқуқий хатти-ҳаракатлар тушунилади.

Чорва моллари ўғирликларига қарши курашишнинг ҳуқуқий асослари деганда ички ишлар органлари тезкор-қидириув бўлинмалари томонидан ошкора ва ноошкора усуллардан фойдаланиб тезкор-қидириув тадбирлари амалга оширилишига ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қиладиган ҳалқаро-ҳуқуқий ҳамда миллий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга айтилади. «Тезкор-қидириув фаолиятининг ҳуқуқий асослари» тушунчасига ҳуқуқшунос олимлар А.А.Хамдамов, Т.Р.Сайтбаев, С.Н.Гордеев, Р.Т.Рашитходжаев «давлатнинг тезкор-қидириув фаолияти соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш мақсадида норматив ҳукмронлик таъсири кўрсатиши...»² сифатида таъриф беришган. Шунингдек, айрим ҳуқуқшунос олимлар тезкор-қидириув фаолиятининг ҳуқуқий асосларини таҳлил қилишда муайян гуруҳларга бўлиш лозимлиги ҳақида фикр билдирганлар. Жумладан, Т.Р.Сайтбав ва Б.Т.Акрамходжаев тезкор-қидириув фаолиятининг ҳуқуқий асосини икки гуруҳга бўлиб таҳлил қилишган: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган қонун ва қарорлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари³. Ш.К.Гиясов эса ўзининг илмий тадқиқот ишида тезкор-қидириув фаолиятининг ҳуқуқий асосларини тўрт гуруҳга бўлиб таҳлил қилган: 1) ҳалқаро ҳуқуқий ҳужжатлар; 2) миллий қонунлар; 3) қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар; 4) идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар⁴.

Демак, тезкор-қидириув фаолиятининг ҳуқуқий асоси деганда қонун ва қонуности ҳужжатларига асосланган тезкор-қидириув фаолияти соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тушунилади.

Қўйида чорва моллари ўғирликларига қарши курашишнинг ҳуқуқий асосларини санаб ўтамиш:

Биринчиси — ҳалқаро ҳуқуқий ҳужжатлар. Бутунги кунда жиноятчиликка қарши курашиш, маълумотлар алмашиш, ўзаро ҳуқуқий

ёрдам, шунингдек ҳалқаро ҳамкорлик масалаларини тартибга солиш борасида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати бир қанча давлатлар билан икки томонлама битимлар имзоланган. Жумладан, Латвия⁵, Германия⁶, Қозогистон⁷, Қирғизистон⁸, Австрия⁹, Беларусь¹⁰, Туркманистан¹¹, Саудия Арабистон¹², шунингдек Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар¹³ билан тузилган икки томонлама битимлар шулар жумласидандир. Мазкур битимларда аоссан жиноятчиликка қарши курашишнинг йўналиши сифатида иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар, шу жумладан мулкий турдаги, хусусан, чорва моллари ўғирлиги билан боғлиқ жиноятларга қарши курашиш кўрсатиб ўтилган.

Иккинчиси — Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, кодекслари, қонунлари. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (53, 121-моддаси), Жиноят кодекси (169-модда), Жиноят-процессуал кодекси (2, 38, 38¹, 39, 39¹, 83, 84, 330-моддалари, 43, 46¹-боб), шунингдек «Ички ишлар органлари тўғрисида» (2, 9, 11, 17, 45-м)¹⁴, «Тезкор-қидириув фаолияти тўғрисида» (2, 14, 15, 16-моддаси)¹⁵, «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги (4-модда, 3, 4, 5, 6-боблар)¹⁶ қонунлари талаблари асосида чорва моллари ўғирликларини фош этиш ва олдини олишда тезкор-қидириув, тезкор профилактик тадбирлар ташкил этилади.

Учинчиси — Президент фармонлари ва қарорлари. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги 4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармонида «жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, фуқароларнинг хусусий мулкка бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш кафолатларини мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш» каби муҳим вазифалар, шунингдек «Ҳалқ давлат идораларига эмас, балки давлат органлари

халқимизга хизмат қилиши керак», деган принцип давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди¹⁷.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида «фуқароларнинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, хуқуқбузарликларнинг олдини олиш»¹⁸ каби долзарб вазифалар мулкий турдаги жиноятларга, шу жумладан, чорва моллари ўғирликларига қарши курашишда кўпроқ тезкор профилактик чора-тадбирларга эътибор қаратиш лозимлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларида тезкор-қидирав фаолиятини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорида — тезкор-қидирав фаолиятини такомиллаштириш вазифаси¹⁹, «Давлат Ветеринария қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида», «Чорвачилик тармогини янада ривожлантириш ва қўллаб-куватлаш чора-тадбирлари тўғрисида», «Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорларида чорвачилик тармоғи ва ветеринария соҳасини ривожлантиришнинг муҳим йўналишлари белгилаб берилди²⁰. Шу муносабат билан мазкур вазифаларнинг ижросини таъминлаш бугунги кунда ички ишлар ишлар органлари тезкор-қидирав бўлинмаси тезкор ходимлари ветеринария ходимлари билан мальумотлар алмашиб, ўзаро ҳамкорликда чорва моллари ўғирликларининг тезкор профилактикасини самарали ва тизимли ташкил этишни тақозо этади.

Тўртингчий — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.

Хусусан, «Ҳайвонларни идентификация қилиш, уларни ҳисобга олиш, ҳисобдан чиқариш ва сақлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига биноан республикада жисмоний ва юридик шахслар томонидан асраб, кўпайтириладиган ҳайвонларни босқичма-босқич идентификация қилишни ташкил этиш вазифалари белгиланди²¹. Шу муносабат билан, Давлат ветеринария бош бошқармаси ходимлари томонидан вилоятлардаги катта ва кичик шоҳли чорва молларни идентификация қилиш ҳамда ветеринария паспортини бериш ишларини жадаллаштириш талаб этилади, шунингдек ветеринар ходимлар билан ички ишлар органлари тезкор-қидирав бўлинмалари ходимлари ўргасида самарали ва тизимли амалий ҳамкорлик ишлари ташкил этилса, ўйлаймизки, келгусида чорва моллари ўғирликларини фош этиш ва тезкор профилактикасини амалга оширишда ижобий самара беради.

Бешинчиси — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг буйруқ ва низомлари. Хусусан, ИИВнинг *ўзгалар мулкини талон-торож қилиши жиноятларига қарши курашишда ички ишлар органларининг фаолиятини ташкил этиши тўғрисидаги ўриқномасида* чорва моллари ўғирликларини фош этишда уй ҳайвонлари ўғирликларини фош этишни ишларига умумий жиҳатдан ёндашилган, холос; тезкор профилактик чора-тадбирларни амалий ҳамкорликда ташкил этиш тартиби ҳақида вазифалар акс эттирилмаган.

Юқорида билдирилган фикр-мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда чорва моллари ўғирликларига қарши курашишнинг хуқуқий асосларини такомиллаштириш борасида кўйидагилар таклиф этилади.

Биринчидан, тезкор-қидирав фаолиятининг вазифалари кенг қамровли бўлганлиги боис, мазкур вазифаларни таъминлаш ўзаро ҳамкорлик ишларини ташкил этишини талаб этади. Шу муносабат билан ҳамкорликнинг хуқуқий асоси, механизмини жорий этиш мақсадида тезкор-қидирав фаолияти тўғри-

сидаги қонунга қуйидаги янги нормани киритиш таклиф этилади:

«10^т-модда. Тезкор-қидириув фаолиятида ҳамкорлик

Ўзбекистон Республикасининг жиноятчиликка қарши кураш ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш соҳасида Ўзбекистон Республикаси қўшилган ҳамда Олий Мажлис томонидан ратификация қилинган халқаро ҳужжатлар ва уибу Қонунга биноан тезкор-қидириув фаолиятини амалга оширувчи органлар бошқа давлатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиши мумкин.

Шунингдек, тезкор-қидириув фаолиятини амалга оширувчи органлар тезкор-қидириув фаолиятининг вазифаларини ҳал этиши мақсадида давлат органлари, вазирликлар, давлат қўмиталари, бош бошқарма, идоралар, корхона, муассаса, ташкилотлар, жамоат бирлашмаси ҳамда ўзини ўзи бошқарши органлари билан мазкур қонун ва қонуности ҳужжатлари асосида ҳамкорликни амалга оширишлари мумкин».

Иккинчидан, чорва моллари ўғирликларига қарши курашишда ИИВнинг «Ички

ишлилар органлари тезкор-қидириув бўлинмаларининг чорва моллари ўғирликларига қарши курашишни ташкил этиш тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» маҳсус буйруқ тайёрланиб, амалиётга жорий этиш. Мазкур йўриқномага чорва моллари ўғирликларига қарши курашнинг замонавий усулларидан фойланиш, ветеринар ходимлар билан самарали ҳамкорлик қилишга оид қоидаларни киритиш мақсадга мувофиқдир.

Учинчидан, чорва моллари ўғирликларига қарши курашишда аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш. Бунинг учун оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда жойларда таъсирчан тарғибот учрашувларини ташкил этиш ва ўтказиб бориши.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, чорва моллари ўғирликларига қарши курашишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш тезкор-қидириув бўлинмаси ходимларининг хизмат фаолиятини ҳамкорлик асосида самарали ташкил этишга, шунингдек мазкур жиноятларнинг тезкор профилактикаси таъминланишига хизмат қиласи.

¹ Ўзбек тилининг изоҳли лугати / Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқ. – Т., 2008. – Б.194.

² Ўзбекистон Республикасининг «Тезкор-қидириув фаолияти тўғрисида»ги қонунига шарҳ / А.А.Хамдамов, Т.Р.Сайтбаев, С.Н.Гордеев, Р.Т.Рашидходжаев. – Т., 2015. – Б.8.

³ Сайтбаев Т.Р., Акрамходжаев Б.Т. Ички ишлилар органлари оператив-қидириув фаолиятининг ҳуқуқий асослари. – Т., 1995. – Б. 6–11.

⁴ Гиясов Ш.К. Қасдан одам ўлдириш жиноятларини фош этишини такомиллаштириш: Юрид. фан. бўйича фалсафа д-ри ... дис. – Т., 2018. – Б. 31.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлилар вазирлиги ва Латвия Республикаси Ички ишлилар вазирлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битим. 1992 йил 24 апрель, Олмаота. (Ўзбекистон Республикаси учун 1992 йил 24 апрелдан кучга кирган) // URL: <http://www.lex.uz>.

⁶ Соглашение между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Федеративной Республики Германия о сотрудничестве в борьбе с организованной преступностью, терроризмом и другими преступлениями, представляющими повышенную опасность (Бонн 16 ноября 1995 года. Узбекистан 3 ноября 1997 года) // URL: <http://www.lex.uz.uz>.

⁷ Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Қозогистон Республикаси Ҳукумати ўртасида тузилган жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битим (1998 йил 30 октябрь, Тошкент. 2005 йил 14 июндан кучга кирган); Ўзбекистон Республикаси Ички ишлилар вазирлиги билан Қозогистон Республикаси Ички ишлилар вазирлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисида битим (2013 йил 14 июнь, Тошкент. 2013 йил 14 июндан кучга кирган)// URL: <http://www.lex.uz>.

⁸ Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Қиргизистон Республикаси ҳукумати ўртасида жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик қилиш тўғрисида битим (1999 йил 9 июль, Тошкент. 2000 йил

4 декабрдан кучга кирган); Ўзбекистон Республикаси бош Прокуратураси ва Қирғиз Республикаси Бош прокуратураси ўртасида ҳуқуқий ёрдам ва ҳамкорлик тўғрисида битим (2006 йил 3 октябрь, Тошкент. 2006 йил 3 октябрдан кучга кирган) // URL: <http://www.lex.uz>.

⁹ Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Австрия Республикаси Федерал ҳукумати ўртасида хавфсизлик ва жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик қилиш тўғрисида битим. (2001 йил 2 ноябрь, Тошкент 2002 йил 18 майдан кучга кирган) // URL: <http://www.lex.uz>.

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Беларусь Республикаси Ҳукумати ўртасида жиноятчиликка қарши кураш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битим (2008 йил 19 июнь, Минск. 2008 йил 24 декабрдан кучга кирган) // URL: <http://www.lex.uz>.

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Туркманистон Ҳукумати ўртасида жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик қилиш тўғрисида битим (2009 йил 25 февраль, Тошкент 2009 йил 20 ноябрдан кучга кирган) // URL: <http://www.lex.uz>.

¹² Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Саудия Арабистони подшохлиги Ҳукумати ўртасида терроризм, уюшган жиноятчилик, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига, шунингдек бошқа жиноятларга қарши кураш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битим (2010 йил 27 ноябрь, Эр-Риёд. 2011 йил 30 августдан кучга кирган) // URL: <http://www.lex.uz>.

¹³ Соглашение о сотрудничестве между правительствами государств-членов Шанхайской организации сотрудничества в борьбе с преступностью. (Ташкент, 11 июня 2010 года. Вступило в силу с 11 января 2012 года) // URL: <http://www.lex.uz>.

¹⁴ Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги 407-сон «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.

¹⁵ Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 25 деңгабрдаги 344-сон «Тезкор-қидирав фаолияти тўғрисида»ги қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.

¹⁶ Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги 371-сон «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.

¹⁷ Мұхамедов Қ.Х. Ҳаракатлар стратегияси асосида ички ишлар органлари тизимидағи ислоҳотлар: биринчи босқич яқунлари ва истиқболдаги вазифалар. – Т., 2018. – Б.8.

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги 5005-сон «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятыни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони // URL: <http://www.lex.uz>.

¹⁹ Постановление Президента Республики Узбекистан № 2923 от 24.04.2017 года «О мерах по коренному совершенствованию оперативно-розыскной деятельности органов внутренних дел».

²⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 июндаги 3026-сон «Ўзбекистон Республикаси давлат ветеринария қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 марта 4243-сон «Чорвачилик тармоғини янада ривожлантириш ва қўллаб-куватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 марта 4254-сон «Ўзбекистон Республикаси ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 сентябрдаги 748-сон «Ҳайвонларни идентификация қилиш, уларни ҳисобга олиш, ҳисобдан чиқариш ва сақлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори // URL: <http://www.lex.uz>.

**ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ
ОЛИШ ВА ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШ**

**ПРЕДУПРЕЖДЕНИЯ ПРАВОНАРУШЕНИЙ
И ОБЕСПЕЧЕНИЯ ОБЩЕСТВЕННОЙ
БЕЗОПАСНОСТИ**

И. Исаилов,

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси жамоат тартиби ва хавфсизликни таъминлаш кафедрасининг бошлиги, юридик фанлар доктори, профессор

ФАН, ТАЪЛИМ ВА АМАЛИЁТ ЎЙГУНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Аннотация. Мақолада жамоат тартиби ва хавфсизликни таъминлаш кафедрасида ўқитиладиган «Ички ишлар органларининг жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш фаолияти» фани мисолида фан, таълим ва ички ишлар органлари фаолияти амалиётининг уйгунлигини замонавий инновацион педагогик технологиялар асосида таъминлаш масалалари кўриб чиқилган.

Таянч сўзлар: фан, таълим, амалиёт, ўқув жараёни, ички ишлар органлари, профессор-ўқитувчилар таркиби, илмий салоҳият, амалий тажриба, инновацион педагогик технология, илгор хорижий тажриба.

Процессы обеспечения взаимосвязи науки, образования и практики

Аннотация. В статье на примере учебной дисциплины «Деятельность органов внутренних дел по обеспечению общественного порядка и безопасности», преподаваемой на кафедре обеспечения общественного порядка и безопасности, рассматриваются вопросы обеспечения взаимосвязи науки, образования и практики деятельности органов внутренних дел на основе современных инновационно-педагогических технологий.

Ключевые слова: наука, образование, практика, учебный процесс, органы внутренних дел, профессорско-преподавательский состав, научный потенциал, практический опыт, инновационно-педагогические технологии, передовой зарубежный опыт.

Processes to ensure the interconnection of science, education and practice

Annotation. In the article, on the example of the discipline «Activities of internal affairs bodies to ensure public order and security», which is taught in the field of public order and security, the works carried out in the processes of ensuring the reflection of science, education and practice at the Academy and the priorities in this field are discussed.

Keywords: science, education, practice, educational process, scientific research, bodies of internal affairs, public order, public safety, department, teaching staff, scientific potential, rich practical experience, innovative pedagogical technology, modern scientist and information and computer technology, advanced foreign experience.

Хозирги вақтда дунё миқёсида халқаро терроризм, экстремизм, наркотраффик, диний қарама-қаршилик, ноқонуний миграция, одам савдоси, экологик муаммолар, айрим минтақаларда иқтисодий ночорлик, ишсизлик, қашшоқлик кучайиб бораётгани демократик жамиятда давлат органлари олдига жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш каби долзарб вазифани қўймоқда.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси жамият ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида туб ислоҳотларни, шу жумладан мамлакатда ва унинг барча ҳудудий бирликларида барқарор жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлашни назарда тутади.

Мазкур вазифаларни амалга оширишда таълим тизимида ўқитиладаган фанларнинг,

хусусан ҳуқуқий ва маҳсус фанлар ҳамда уларни ўқитиш тизимининг ўрни алоҳида, чунки жамият ижтимоий ҳаёти ҳар қандай соҳасининг барқарор ривожланиши, биринчи навбатда, мазкур йўналишда назарий билимлар манбаи бўлган фанларнинг ҳолатига ва таълим жараёнига, шунингдек унинг амалиёт билан уйғунлигини таъминлашга боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги «Ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3216-сон қарори талаблари асосида Академияда ўқитиладиган барча фанлар бўйича ишлаб чиқилган давлат таълим стандартларига мувофиқ фан дастурлари тайёрланган ҳамда белгиланган тартибда тасдиқланган.

Академия кафедра ва циклари томонидан мазкур фанларни янада ривожлантириш, таълим жараёнига инновацион педагогик технологияларни, илгор хорижий тажрибаларни жорий этиш, шунингдек таълимни амалиёт билан уйғунликда олиб бориш ҳозирги куннинг энг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Бу борада Академиянинг барча кафедра ва циклари томонидан тизимли комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, бугун Академияда, шу жумладан жамоат тартиби ва хавфсизликни таъминлаш кафедрасида ўқитиладиган фанлар бўйича **фан**, **таълим ва амалиёт уйғунлигини** таъминлашга қаратилган тизимли комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиши билан бир вақтда, истиқболда мазкур мураккаб жараёнларни янги босқичга олиб чиқиш, самарали мувофиқлаштириш ўзаро узвий бўлган соҳалардаги устувор вазифа ва йўналишларни аниқ белгилаб олишни тақозо этади.

Мазкур масалаларни тизимли ёндашган ҳолда кўриб чиқиш учун, аввало, **«фан»**, **«таълим» ва «амалиёт»** каби таянч тушун-

chalarning мазмун-моҳияти ҳамда бир-бiri билан қандай ва қанчалик боғиқлигини тушуниб олиш зарур.

Фан (арабча – санъат, маҳорат; эркин касб; илм, билим; тармоқ) – бу табиат ва жамиятнинг тараққиёт қонуниятларини очиб берувчи ҳамда ўзи эришган натижалар билан атроф муҳитга таъсир кўрсатувчи билимлар тизимиdir¹. **Таълим** (арабча – ўргатиш, ўқитиш, илм бериш) – билим бериш, малака ва кўникмалар ҳосил қилиш жараёни, кишини ҳаётга ва меҳнатга тайёрлашнинг асосий воситаси². **Амалиёт** (арабча – амалий масалалар) – амалий иш, амалий жараён, кундалик тажриба³.

Инсоният тарихи, ривожланган давлатлар тажрибаси ва бугунги воқеилик шуни кўрсатмоқдаки, қаерда фан амалиётни янги илгор гоялар билан тизимли ва ўз вақтида таъминлаб борса, ўша жамиятда доимо барқарор тараққиётни кузатишимиз мумкин. Фан соҳаларида янги илгор гояларнинг ишлаб чиқилиши эса бевосита жамиятнинг таълим тизимига боғлиқдир. Чунки, айнан таълим тизими ва унинг муассасалари фан тармоқларини ривожлантирадиган тадқиқотларни олиб бориш учун масъул бўлган илмий салоҳиятни шакллантириш манбаи ҳисобланади. Энг ривожланган давлатлардан бири ҳисобланган Японияда Иккинчи жаҳон уришидан кейин таълим тизимига қилинган инвестиция мамлакатда фан соҳаларида илмий-тадқиқотлар ўтказилиши учун муносиб илмий салоҳиятни шакллантириш, шунингдек улар томонидан фанлар тизимига инновацион гоялар киритилиши натижасида амалиётга юқори технологиялар жорий этилишининг асосий омили сифатида эътироф этилмоқда.

Ҳозирги кунда фан, таълим ва амалиёт уйғунлиги таъминланмас экан, яъни таълим тизими фанни ривожлантириш учун зарур бўлган етарли илмий салоҳиятни ётказиб бермас экан, биринчидан, фан тармоқларида замон талабларига жавоб бера оладиган янги инновацион гоя ва технологиялар яратilmайди; иккинчидан, амалиётда четдан олиб

келинаётган юқори технологияларни тегишли соҳаларга самарали жорий этишда муаммолар юзага келади; учинчидан, фаннинг амалиётдан орқада қолиши таълим тизимининг ривожланишига тўсқинлик қилади, назария ва амалиёт ўртасидаги тафовут эса таълим жараёнини ташкил этиш билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқаради.

Шунинг учун ҳам ҳар бир фан, у ўқитиладиган таълим тизими ва тегишли амалиёт соҳасида фаолият олиб бораётганларнинг ҳамкорлиги доимий бўлиши ва уларни мувофиқлаштириш эса худди соат механизмлари каби аниқ ишлаши керак. Фан, таълим ва амалиёт уйғулитини таъминлаш узлуксиз жараён бўлиб, унинг самарали кечишига мазкур соҳаларда фаолият олиб бораётганларнинг барчаси масъул ҳисобланади, шунингдек ушбу чора-тадбирлар уларнинг кундалик фаолиятида олиб борилади.

Биз мазкур мақола доирасида **фан, таълим ва амалиёт уйғулитини таъминлашни** бевосита ички ишлар органларининг асосий фаолият йўналишларидан бири бўлган жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлашга оид назарий билимлар, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилиши учун масъул ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясида кундузги ва сиртқи таълимда ўқитиладиган «Ички ишлар органларининг жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш» ўқув фани мисолида кўриб чиқишга ҳаракат қиласиз.

Мамлакатда ва унинг маъмурий ҳудудий бирликларида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини самарали таъминлаш «Ички ишлар органларининг жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш» фанини ўқитиши учун масъул бўлган кафедра профессор-ўқитувчиларидан: а) долзарб мавзуларда илмий тадқиқотлар олиб бориш ва соҳага оид қонунчиликни такомиллаштиришда фаол иштирок этишни; б) амалиётга инновацион гоялар ҳамда илгор миллий ва хорижий тажрибаларни жорий этишни; в) соҳага етук

малакали кадрларни тайёрлаш, уларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш билан боғлиқ замонавий назарий билим, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш орқали мазкур фанни ривожлантиришни, шунингдек уларни ўқитишида таълим ва амалиёт уйғулитини таъминлашни талаб қиласи.

Жамият ривожланишининг бугунги босқичида «Ички ишлар органларининг жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш» фанини ривожлантириш, уни ўқитишини амалиёт билан уйғунликда таъминлаш ўта мураккаб жараён бўлиб, тизимли ҳамда комплекс чора-тадбирлар амалга оширилишини тақозо этади.

Мазкур фанни ривожлантириш ва ўқитиши жараёнини амалиёт билан уйғунликда олиб боришнинг мураккаблиги ва ўзига хослиги қуидагилар билан боғлиқ:

биринчидан, «Ички ишлар органларининг жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш фаолияти» фанлар тизимига киритилган ёш фанлардан бўлиб, ИИВ Академиясида 2017–2018 ўқув йилидан ўқитилиши йўлга қўйилган;

иккинчидан, фан дастури, дарслик, ўқув, ўқув-услубий қўлланмаларнинг тўлиқ янгидан ишлаб чиқилганлиги;

учинчидан, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолияти жуда серқирра бўлиб, ички ишлар органларининг бир қатор асосий соҳавий хизматлари томонидан амалга оширилиши;

тўртинчидан, ички ишлар органлари, шу жумладан жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасида туб ислоҳотлар жараёнида тизимда тезкор ўзгаришлар бўлаётгани;

бешинчидан, ички ишлар органларининг жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятининг айрим йўналишларигина қонунлар билан, аксарият қисми эса қонун ости, хусусан идоравий норматив-хуқуқий хужжатлар билан тартибга солинганлиги, шунингдек уларга тез-тез ўзгариш ва қўшимчалар киритилаётгани;

олтинчидан, ички ишлар органларининг жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъмин-

лаш соҳасидаги бир қатор ваколатлари, шунингдек уларни амалга оширувчи соҳавий хизматлар босқичма-босқич бошқа тизимларга ўтказилиши ва ҳ.к.

Давлат таълим стандартларига мувофиқ ИИВ Академиясида кундузги ва сиртқи таълимда ўқитиладиган «Ички ишлар органларининг жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш фаолияти» фани бўйича тайёрланган ҳамда белгиланган тартибда тасдиқланган фан дастурига мувофиқ курсант ва тингловчиларда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш тизими ҳақида пухта назарий билимлар шакллантириш, уларни амалий фаолиятда қўллаш бўйича кўнкма ҳамда тажрибага эга бўлишларини таъминлаш мазкур тизимнинг бир-бири билан узвий бўлган қўйидаги таркибий қисмларини амалиёт билан ўйғунликда ўрганишни талаб қиласди:

– жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлашга оид таълимотлардан иборат назарий асослар;

– жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлашни белгиловчи ҳамда тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий хужжатлар;

– жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминловчи институционал тузилмалар тизими ва уларнинг фаолияти, шунингдек бу соҳадаги илгор миллий ва хорижий тажриба;

– жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлашга жалб этилган куч ва воситалар ҳамда уларни қўллаш шакл ва усулларидан иборат ташкилий-тактик хиҷатлар ва ҳ.к.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлашнинг яхлит тизими шаклланган бўлиб, бугунги кунда уни янада такомиллаштириш бўйича тизимли комплекс чоратадбирлар амалга оширилмоқда. ИИВ Академияси кундузги ва сиртқи таълимда ўқитиладиган «Ички ишлар органларининг жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш фаолияти» фанига оид назарий билим-

ларни бойитиша, уларни ўқитиш учун зарур бўлган ўкув адабиётларини тайёрлашда, мазкур соҳа бўйича таълим жараёнига инновацион ғоя ва технологияларни жорий этишда, шунингдек таълимнинг амалиёт билан ўйғунлигини таъминлашда ҳамда мамлакатда, унинг барча маъмурий худудларида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлашда концептуал аҳамиятга эга бўлган қўйидаги қоида ва хуносаларга асосланиш талаб қилинади:

биринчидан, жамиятда барқарорлик, тинчлик ва осойишталикни қарор топтириш, инсон ҳуқук ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш мамлакатни ижтимоий-иктисодий жиҳатдан янада ривожлантириш, аҳолининг фаровонлигини юксалтириш, демократик ҳуқуқий давлат қуриш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлардан қўзланган мақсадларга эришишнинг мухим шарти ҳисобланади;

иккинчидан, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш ва профилактикаси бўйича республикада яхлит ҳуқуқий тизим яратилган бўлиб, унда ички ишлар органлари мухим ўрин эгаллайди;

учинчидан, 1999–2016 йиллар мобайнода ички ишлар органлари тизимини такомиллаштириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди, айниқса, маҳаллаларда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш учун ташкил этилган қўйи бўгинини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш бўйича салмоқли ишлар қилинди;

тўртинчидан, амалга оширилган чоратадбирлар ички ишлар органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ҳамда фуқароларнинг тинч ва осойишта ҳаёт кечиришларини таъминлаш юртимизда жиноятчиликнинг ўсишига йўл қўймаслик имконини бериб келмоқда;

бешинчидан, бугунги кунда юзага келаётган хавф-хатар ва таҳдидлар, аввало, халқаро терроризм, диний экстремизм, ноқонуний миграция, одам савдоси, ёшлар ўртасида халқимизга ёт гоялар тарқалишининг тобора кучайиб бораётгани ички ишлар органлари олдига ўз вақтида уларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш бўйича янги вазифалар қўймоқда;

олтинчидан, кейинги ўн йил мобайнида ички ишлар органлари фаолиятида тўпланиб қолган жиддий камчилик ва муаммолар ушбу вазифаларни, шу жумладан жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлашни самарали бажаришда тўсиқ бўлмоқда;

еттишинчидан, 2017 йилдан Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ мамлакатда тинчлик ва осойишталиктни таъминлаш, жамоат тартибини сақлашнинг мутлақо янги механизmlарини жорий этиш ҳамда аҳолида шахсий хавфсизлик ҳиссини шакллантириш борасида тизимли ва самарали чора-тадбирлар амалга оширилди, шунингдек мазкур фаолиятни тартибга солувчи норматив-хуқуқий база «Халқ манфаатларига хизмат қилиш»дек олижаноб гоя асосида тубдан қайта кўриб чиқилди;

саккизинчидан, жамият ривожланишининг ҳозирги босқичида мамлакатда, унинг барча маъмурий-худудий бирликларида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш борасида ўрнатилган механизmlарнинг самарали амалга оширилишини таъминлашда маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда жамоатчилик тузилмаларининг куч ва воситаларини мувофиқлаштирган ҳолда сафарбар қилиш, шунингдек хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши кураш соҳасида уларнинг масъулияти оширилишини таъминлаш долзарб вазифа ва устувор йўналиш бўлиб қолмоқда.

Юқоридаги қоида ва хulosаларга асосланган ҳолда ИИВ Академияси жамоат тартиби ва хавфсизликни таъминлаш кафедрасининг профессор-ўқитувчилари томонидан кафедрада ўқитиладиган фанлар,

хусусан «Ички ишлар органларининг жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш фаолияти» фанини ривожлантириш, уни ўқитишига инновацион педагогик технологияларни жорий этиш ҳамда унинг амалиёт билан уйғунликда амалга оширилишини таъминлаш мақсадида қўйидаги ишлар бажарилмоқда:

а) фан дастурига асосан ҳар ўкув йили учун янгидан ишчи фан дастури тайёрланиб, унда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлашга оид янги назарий билимлар, қонунчиликдаги ўзгартиш ва қўшимчалар, амалий фаолиятга жорий қилинаётган инновацион технология, тартиб ва қоидалар, шунингдек илғор миллий ва хорижий тажрибаларни ўрганиш назарда тутилган;

б) фан дастурлари асосида кундузги ва сиртқи таълим учун «Ички ишлар органларининг жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш фаолияти», Раҳбар кадрлар тайёрлаш факультети учун «Ички ишлар органларининг жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини бошқариш» фанларидан дарсликлар тайёрланиб, нашр этилди;

в) ички ишлар органлари тизимида, хусусан унинг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш фаолияти ҳамда мазкур соҳани бошқаришга оид норматив-хуқуқий ҳужжатлар таҳлили асосида «Ички ишлар органларидағи туб ислоҳотлар – халқ манфаатларига хизмат қилишни таъминлаш кафолати», «Ички ишлар органларининг кадрлар билан ишлаш фаолиятини такомиллаштириш – халқ манфаатларига хизмат қилишнинг муҳим кафолати» номли ўкув қўлланмалари нашр этилиб, таълим жараёнида фойдаланилмоқда;

д) ишчи гуруҳлар таркибида Қорақалпогистон Республикаси ИИВ, Тошкент шаҳри ИИББ, вилоятлар ИИБ, шунингдек уларнинг туман (шаҳар) ИИО ФМБ (ИИБ)ларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш фаолияти тизими равишда ўрганилмоқда,

муаммолар аниқланиб, уларни ҳал этиш бўйича хулоса, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилмоқда. Мазкур материаллардан дарслар, ўкув қўлланмалари, ўкув-методик материаллар тайёрлашда, шунингдек ўкув машгулотлари жараёнида фойдаланимоқда;

е) Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси билан 2018 йилнинг 28 февраль куни тузилган меморандумга мувофиқ Тошкент шаҳар ИИББ ППХ ва ЖТСБ қарашли Бригада негизида кафедра филиали ташкил этилди ва фаолияти йўлга қўйилди;

ж) кафедрада ўқитиладиган фанлар, хусусан «Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолияти», «Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини бошқариш» фанлари бўйича ўтказилаётган ўкув машгулотларига ички ишлар органларининг бой амалий тажрибага эга малакали ходимлари жалб этилмоқда;

з) ички ишлар органлари, хусусан унинг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш фаолияти ҳамда мазкур соҳани бошқаришга оид норматив-хуқуқий хужжатларнинг мазмун-моҳиятини ўрганиш бўйича янги инновацион педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда 30 дан ортиқ тақдимот материаллари тайёрланиб, улар асосида Академияда, ИИВ таълим муасасаларида ва амалиёт ходимлари билан машгулотлар ўтказилмоқда ҳамда электрон вариантлари улардан фойдаланиш учун амалиёт органларига тақдим этилмоқда;

и) ички ишлар органлари, хусусан унинг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш фаолияти ҳамда мазкур соҳани бошқаришга оид норматив-хуқуқий хужжатларнинг мазмун-моҳиятини курсант ва тингловчилар, академик лицей ўқувчилари, шунингдек амалиёт ходимлари томонидан мустақил ўрганиш бўйича савол-жавоблар, амалий топшириқлар **«Microsoft Power Point»** дастурида «Ари уяси» шаклида

тайёрланиб, таълим жараёнида улар ўртасида «Викторина» мусобақаларини тизимли ўтказиш амалиёти жорий этилди;

к) ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолияти ва уни бошқаришга оид мавзулар доирасида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, 2019 йилда кафедра тадқиқотчилари Зиёдуллаев Музаффар Зиёдуллаевич фан доктори (DSc)⁴, Юлдашев Джонгир Хайитович юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)⁵ илмий даражасини олиш учун диссертация ҳимоясини муаффақиятли амалга оширилар;

л) манфаатдор давлат органлари ва ИИВнинг соҳавий хизматлари ҳамда жамоатчиликни жалб этган ҳолда ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятига оид долзарб мавзуларда илмий-амалий анжуманлар ўтказилиши йўлга қўйилган. Хусусан, 2019 йил 1 март куни «Ички ишлар органларида қонунлар ижросини самарали таъминлаш – ҳалқ ишончини қозониш гарови», 17 май куни «Ўзбекистон Республикасининг миграция сиёсатини таъминлаш муаммолари ва ечимлари» мавзуларида конференция ўтказилди;

м) кафедрада ўтказилган тадқиқотлар доирасида Ўзбекистон Республикасининг «Жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида»ги, «Миграция тўғрисида»ги қонун лойиҳалари, шунингдек амалдаги қонун хужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилиб, белгиланган тартибда тегишли юқори турувчи органларга юборилиши йўлга қўйилган.

Кафедра томонидан «Ички ишлар органларининг жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш фаолияти» фанини янада ривожлантириш, уни тарихий ва замонавий назарий билимлар билан бойитиш, таълим жараёнига инновацион педагогик технологияларни, илгор хорижий тажрибани жорий этиш, шунингдек таълим ва амалиёт уйгун-

лигини таъминлаш бўйича вазифаларни самарали амалга ошириш мақсадида қўйидагилар устувор йўналишлар сифатида белгиланган:

биринчи йўналиш – кафедрада юксак илмий салоҳиятга ва бой амалий тажрибага эга бўлган, шунингдек таълим жараёнида инновацион педагогик технологияларни самарали қўллай оладиган профессор-ўқитувчилар таркибини шакллантириш;

иккинчи йўналиш – инновацион педагогик технологияларни қўллаган ҳолда ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолияти бўйича замонавий электрон дарслик ва қўлланмалар тайёрлаш;

учинчи йўналиш – ички ишлар органларининг «Жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини такомиллаштириш» умумакадемик илмий-тадқиқот йўналиши бўйича истиқболли мавзуларни шакллантириш ва грантлар доирасида тадқиқотлар ўтказилишини йўлга қўйиш;

тўртинчи йўналиш – ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари лойиҳаларини тайёрлаш ҳамда такомиллаштириш;

бешинчи йўналиш – ривожланган мамлакатлар полиция органларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлашга оид илғор тажрибаларини ўрганиш, улардан таълим жараёнида фойдаланиш, шунингдек уларни амалиётга жорий этиш;

олтинчи йўналиш – олий таълим муассасалари, шу жумладан хорижий давлатлар полиция тизими учун кадрлар тайёрловчи таълим муассасаларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасига оид фанлар ўқитиладиган кафедра (цикл)-лар билан алоқа ўрнатиш ва ҳамкорлик қилиш;

еттинчи йўналиш – мамлакатда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳамда уларнинг натижалари бўйича хорижий нашрларда мақолалар чоп этишини йўлга қўйиш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 24 май куни Ўзбекистон Миллий университетида олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари раҳбарлари, академиклар, олимлар, ёш тадқиқотчилар билан учрашувда илмий-тадқиқот ишларини тижоратлаштириш, кадрлар тайёрлаш ва уларни моддий, ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалаларига тўхталиб, қўйидаги таклифларни илгари сурди ва уларни амалга ошириш бўйича топшириқлар берди:

а) илмий муассасаларни келгуси йилдан тўғридан-тўғри давлат бюджетидан молиялаштиришга ўтказиш;

б) илмий ишланма яратган тадқиқотчига докторлик ва уни амалиётга татбиқ этган изланувчига таянч докторлик илмий даражасини берадиган бинар (иккиталик) ҳимоя тизимини жорий этиш;

в) бюджет маблаглари ҳисобидан стажёр-тадқиқотчилар институтини ҳамда юртимиз биологик хилма-хиллигини ўрганадиган дала-тажриба станциялари ташкил этиш;

г) 2019 йил 1 сентябрдан барча давлат ташкилотларида илмий-педагогик фаолият билан шуғулланаётган, таълим ва илм-фан соҳасида фаолият олиб бораётган фан номзодларининг ойлик маошларига 30 фоиз, фан докторлари учун эса 35 фоиз устама ҳақи белгилаш;

д) талабалар шаҳарчаси ҳудудида профессор-ўқитувчилар, ёш тадқиқотчилар учун 6 та қўп қаватли уй ва барча шароитларга эга универсал спорт мажмуаси қуриш, шунингдек Ёшлар боғи, ёзги томошалар майдончаси, «китоб-кафе»лар, Wi-Fi зоналари ташкил этиш ва ободонлаштириш.

Бугунги кунда Ўзбекистонда илм-фанни ва таълим тизимини⁶, илмий-тадқиқотларни⁷ ривожлантиришни ҳалқаро миқёсда рақобат қила оладиган даражага етказиш бўйича қўйилаётган талаблардан келиб чиқкан ҳолда, мазкур соҳаларда фаолият олиб борувчи илм аҳлига кўрсатилаётган гамхўрликларга⁸ жавобан ИИВ Академиясида ўқув-методик, илмий-тадқиқот, моддий-

техник базани янгилаш, янада кенгайтириш ва такомиллаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Мазкур тизимли комплекс чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида барча кафедра, цикл ва факультетларда ўқитиладиган фанларни ривожлантириш борасида фундаментал илмий тадқиқотлар олиб бориш, бой тажрибага эга амалиёт ходимларини ўқув жараёнига жалб этиш механизмларини такомиллаштириш, иқтидорли курсант-тингловчилар билан ишлашнинг замонавий шакл ва усулларини қўллаш, илмий-педагогик салоҳиятни кучайтириш, таълим-

тарбия жараёнига инновацион педагогик технологиялар ва илгор хорижий тажрибларни жорий этиш **fan, таълим ва амалиёт уйгунигини таъминлашга** хизмат қиласди.

Хулоса ўрнида, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 24 май куни илм-фан намояндалари билан бўлган мулоқотда билдирган қўйидаги фикрларини келтириш ўринлидир: «*истеъдодли ёшларни излаб топиш ва уларни мақсадли тарбиялаш борасидаги ишларни кучайтириш керак. Илмни, тарбияни тўғри қилсак, ҳамма соҳаларни малакали мутахассислар узлари ривожлантиради*».

¹ Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 4-жилд / ЎзР ФА Тил ва адабиёт институти. – Т., 2008.– Б. 27.

² Ўша жойда. – Б. 324.

³ Ўша манба. 1-жилд. – Б. 77.

⁴ Зиёдullaев М.З. Ички ишлар органларининг таянч пунктларини бошқаришни такомиллаштириш: Юрид. фан. д-ри (DSc) ... дис. автореф. – Т., 2019.

⁵ Юлдашев Ж. Ўзбекистон Республикаси паспорт тизимини такомиллаштиришнинг назарий-хукуқий жиҳатлари: Юрид. фан. бўйича фалсафа д-ри (PhD) ... дис. автореф. – Т., 2019.

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 сентябрдаги «Халқ таълими бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5538-сон; 2019 йил 29 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5712-сон фармонлари; 2017 йил 20 апрелдаги «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909-сон; 2018 йил 5 июндаги «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3775-сон; 2018 йил 5 сентябрдаги «Халқ таълими тизимига бошқарувнинг янги тамоилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3931-сон; 2019 йил 16 январдаги «Таълим сифатини назорат қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4119-сон; 2019 йил 20 февралдаги «Президент мактабларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-4199-сон қарорлари // URL: www.lex.uz.

⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 февралдаги «Олий ўқув юритдан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-4958-сон фармони; 2018 йил 19 апрелдаги «Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузурида илгор технологиялар марказини ташкил қилиш тўғрисида»ги ПҚ-3674-сонли қарори; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги «Меҳнат бозорида талаб юқори бўлган малакали кадрларни касбга тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 394-сон қарори // URL: www.lex.uz.

⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2018 йил 14 августдаги ПҚ-3907-сон, 2019 йил 3 майдаги «Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4306-сон қарорлари // URL: www.lex.uz.

A. X. Халилов,

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси тарбиявий ишлар бўлмининг бошлиги

ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ САҚЛАШ ВА ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ, МАЗМУН-МОҲИЯТИ, МАҚСАД ВА ПРИНЦИПЛАРИ

Аннотация. Мақолада жамоат тартиби ва хавфсизликни таъминлашнинг аҳамияти, мазмун-моҳияти, мақсади, тактикаси, принциплари таҳлил қилинган, ушбу фаолиятни такомиллаштириш юзасидан таклифлар берилган.

Таянч сўзлар: жамият, давлат, жамоат тартиби, жамоат хавфсизлиги, шахсий хавфсизлик, тактика, принцип.

Значение, сущность и содержание, цель и принципы охраны общественного порядка и обеспечения безопасности

Аннотация. В статье анализируется значение, содержание, цель, тактика и принципы обеспечения общественного порядка и безопасности, даны предложения по совершенствованию данной деятельности.

Ключевые слова: общество, государство, общественный порядок, безопасность, личная безопасность, компонент, тактика, принцип.

Meaning, substance and content, purpose and principles of public order and security

Annotation. The article analyses the meaning, content, purpose, tactics and principles of ensuring public order and security, and provides proposals for improving this activity.

Keywords: society, state, protection, public order, security, personal security, component, tactics, principle.

Ҳар қандай давлатда жамоат тартибини сақлаш, хавфсизликни таъминлаш энг муҳим вазифалардан ҳисобланади. Чунки тартиб бўлган, хавфсизлик таъминланган юртда тинчлик, осойишталик, файзу-барака ва тараққиёт бўлади, жамият, давлат юксалиб боради. Жамоат тартибини сақлаш, хавфсизликни таъминлаш эса оқилона бошқарув тизими бўлишини тақозо этади.

Ҳар бир бошқарув тизимининг ўз тартиб-қоидалари ва уларни амалга ошириш усуллари бор. Ҳатто, ибтидоий жамоа тузумида ҳам жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш бошқарув тизимининг асосий шакларидан бири бўлган. Қабила бошлиқлари бу борада тегишли чора-тадбирлар белгилашган.

«Авесто»да қайд этилишича, бундай қабила бошлиқлари ёки оқсоқоллар «ниманапати» деб юритилган¹. «Нимана» – катта оила, «ниманапати» эса катта оила

бошлиги маъносини англацган. Ҳар бир оила 20–25 нафар аъзодан иборат бўлган. «Виспати» – Кенгаш бошлиғи, қабила оқсоқоли, катта қишлоқ раҳбари маъноларини билдиради. Ушбу бошлиқ ва оқсоқоллар катта куч ва ҳуқуққа эга бўлганлар. Уларга жамоа ҳаёти билан боғлиқ барча муаммоларни ҳал қилиш ҳуқуқи берилган. Уларнинг буйруқ ва топшириқлари жамоа аъзолари учун қонун ҳисобланган. Қабилада тартиб ўрнатиш, жамоадагилар хавфсизлигини таъминлаш каби масалаларни ҳал этиш бевосита уларнинг зиммасида бўлган.

Ўз навбатида, 27 мамлакатни забт этиб, буюк салтанат барпо қилган соҳибқирон Амир Темур даврида ҳам жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлиги каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилган.

Соҳибқирон ўзининг «Темур тузуклари»да шундай дейди:

«Салтанатимнинг у четидан бу четигача бирор болакай бошида бир лаган тилла кўтариб ўтадиган бўлса, бир донасига ҳам зарар етмайдиган тартиб-интизом ўрнатдим».

«Йўл устига кузатувчилар, зобитлар тайинласинларки, йўлларни қўриқлаб, йўловчилар, савдогарлар, мусофиirlарни кузатиб, мол-мулки ва бошқа нарсаларини манзилдан-манзилига етказиб қўйсингар. Йўл устида бирортасининг нарсаси йўқолса, ўзи ўлдирилса ёки бошқа кор-ҳол юз берса, булар учун жавобгарлик уларнинг зиммасида бўлсин»².

Бугунга келиб жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш ниҳоятда мураккаблашмоқда. Чунки, биринчидан, ер юзида аҳоли сони тез суръатларда ошиб бормоқда. Икки минг йил муқаддам 300 миллион нафар бўлган дунё аҳолиси 1600 йилда – 600 миллионга, 1804 йилда – 1 миллиардга, 1900 йилда – 1,5 миллиардга, 2011 йилга келиб эса 7 миллиардга етди. Ҳозир дунёда 7,7 миллиард нафар инсон истиқомат қилмоқда. Айни вақтда аҳоли ҳар йили 84миллионга ошиб бормоқда. Бу 12 йилда яна бир миллиардга кўпаяди дегани. Шунга кўра, XXI аср ўртасига бориб аҳоли сони 10 миллиардга етиши кутилмоқда.

Аҳолининг тез суръатларда ўсишини Ўзбекистонда ҳам кузатиш мумкин. Мамлакатимиз аҳолиси 1991 йилда 20,7 млн бўлгани ҳолда, 2019 йил 1 июлга келиб 33,52 млн га етди. Ушбу рақам 2035 йилда 43,6 млн бўлиши тахмин қилинмоқда³.

Иккинчидан, транспорт воситалари, йўл ҳаракати иштирокчилари кун сайин кўпайиб бормоқда. Айни вақтда биргина автомашиналар сони дунёда 1,3 миллиарддан ошди ва бу кўрсаткич кейинги 30 йилда икки баробар ортиши кутилмоқда⁴.

Учинчидан, жамоат жойлари кўпаймоқда, кенгаймоқда. Корхона, ташкилот, таълим муассасалари, бозорлар, савдо растлари, истироҳат боғлари бунёд этилмоқда. Аҳоли гавжумлашиб бормоқда. Оммавий тадбирлар кўпаймоқда. Жумладан, республика мизда ўтказилган оммавий тадбирлар сони

◆ 2018 йилнинг биринчи 7 ойида 53240 тани ташкил этган бўлса, 2019 йилнинг шудаврида 82073 тага етди⁵.

Тўртинчидан, туризимга кенг йўл берилаётгани, иқтисодий, сиёсий, маданий, маънавий, маърифий масалаларда хорижий давлатлар билан яқин алоқалар, дўстона муносабатлар ўрнатилиши натижасида чет элликлар ташрифи кўпаймоқда. Жумладан Ўзбекистонга ташриф буюраётган чет эл саёҳларининг сони 2017 йилда 2,7 млн, 2018 йилда 5,4 млн нафарни ташкил қилган бўлса, 2019 йилда эса 6 млн дан ошиб кетди. 2025 йилда бу кўрсаткич 11 млн дан ошиши кузатилмоқда⁶.

Тўгри, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича ҳам кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Айниқса, замонавий транспорт ва алоқа воситаларининг яратилиши, техник таъминотнинг яхшилашиши, жамоат жойларига видеокузатув мосламалари ўрнатилиши бу борада жуда қўл келмоқда. Мамлакатимизда Миллий гвардия ташкил этилиб, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, ички ишлар органлари каби, уларнинг ҳам асосий вазифаларидан бири этиб белгиланди. Шунингдек, Мудофаа вазирлиги кучларини жалб этиш тизими йўлга қўйилди. Жамоат тартиби ва хавфсизлиги масалаларига барча идора, ташкилот ва муассасаларнинг, ҳар бир фуқаронинг эътиборини қаратиш, бунга ўз ҳиссасини қўшишга даъват этиш бўйича тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилаётгани ҳам ўз самарасини бормоқда. Бироқ ушбу йўналишдаги ишларни янада кучайтириш талаби ҳамон юқорилигича турибди. Бу эса мазкур масалага янада қўпроқ эътибор қаратишни, уни таҳлиллар, илмий тадқиқотлар асосида чуқурроқ ўрганишни тақозо этади.

Жамоат тартиби ва хавфсизлиги тўгрисида сўз юритар эканмиз, авваламбор, унинг ўзи нима эканлигини чуқурроқ англаб этишимиз жоиз. Жамоат тартиби ва хавфсизлигини турли давлат арбоблари, илм-фан намояндлари турлича талқин этишган.

Ўзбек тилининг изоҳли лугатида таърифланишича, «**жамоат**» сўзи араб тилидан олинган бўлиб, уюшма, бирлашма, кўпчилик, омма, халқ деган маъноларни билдиради. **Жамоат тартиби** эса халқ учун, омма учун белгиланган тартиб-қоидалардир.

«**Тартиб**» арабча сўз бўлиб – тайёрлаш, ташкил этиш, интизом, мойиллик, рагбат, режа маъноларини англатиб, иш-ҳаракат, чора-тадбир кабиларнинг риоя қилинадиган маълум изчиллик, режа, қонун-қоида ва шу қонун-қоидаларга жавоб берадиган ҳолатини билдиради⁷. Янада соддароқ айтадиган бўлсак, «тартиб» деб барча инсонлар бирдек амал қилиши белгиланган қоида-меъёларга айтилади⁸.

Жамоат тартиби – амалдаги ҳуқуқ ва ижтимоий (ахлоқ) нормаларига риоя қилиш орқали фуқароларнинг шахсий хавфсизлигини, кўпчиликнинг, омманинг хавфсизлигини таъминлашга, ҳудуддаги жисмоний ва юридик шахсларнинг нормал фаолият кўрсатиши, инсонларнинг меҳнат қилиши ва дам олишлари учун қулай шароит яратишга қаратилган, шунингдек уларнинг шаъни, инсоний қадр-қиммати ва ижтимоий ахлоқ нормаларини ҳурмат қилиш бўйича жамоат жойларида вужудга келадиган ҳамда тараққий этиб борадиган ижтимоий муносабатлар тизимиdir⁹.

Бошқача айтганда, **жамоат тартиби** жамоатга таалуқли барча масаларнинг тартибли тарзда, белгиланган маромда юритилишидир. Уни сақлаш, асрар, ҳимоя қилиш, муҳофаза этиш эса бевосита ушбу масалага масъул идора, хизмат ва шахслар томонидан амалга оширилади.

Жамоат хавфсизлиги – шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатларининг жиноий ва бошқа ҳуқуққа хилоф ҳаракатлардан, ижтимоий низо, табиий оғат, эпидемия, эпизоотия, катта фалокат, авария ва ёнгинлардан ҳамда улар натижасида келиб чиқадиган фавқулодда вазиятлар оқибатларидан ҳимояланганлик ҳолати. Жамоатнинг, халқнинг хавфсизлиги билан боғлиқ барча масалалар жамоат хавфсизлиги деб юритилади.

◆ **Жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлашдан кўзланган мақсад** – инсонларнинг ҳаёти, соғлиги, виждон эркинлиги, қадр-қиммати ҳамда бошқа ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини муҳофаза этиш, халқнинг осойишталигини, тинчлигини сақлаш, фуқароларнинг эркин, баҳтиёр ҳаёти ва фаолияти учун, давлат, нодавлат, жамоат ва хусусий ташкилотларнинг хавф-хатар, тазиик ва зўравонликсиз фаолиятини таъминлаш учун етарли шароит яратиб беришни ўз ичита олади.

Жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш тактикаси – давлат органлари, хусусан, ички ишлар органлари, Миллий гвардия соҳавий хизматлари томонидан бевосита жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг шахсий хавфсизлиги ва жамоат хавфсизлигини, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлаш, тартиббузарга инсонпарварлик билан таъсир ўтказиш, фуқароларнинг ҳаёти, соғлиги, ҳуқуқ ва эркинликлари, жамоат ва давлат манфаатларини жиноий ва ҳуқуққа хилоф бошқа тажовузлардан ҳимоялашнинг назария ва амалиётда ишлаб чиқилган, мақсадга мувофиқ ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган усул ва шаклларини кўллашдир¹⁰.

Жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш принциплари – давлат бошқарувининг барча тизимлари қатори, жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда бошқарувни ташкил этиш ва фаолият кўрсатишида таяниладиган асосий тартиб-қоидалар.

Одатда, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашнинг асосий **принципларига** демократик қадриятларга амал қилиш, давлатнинг раҳбарлик ролини ҳамда уни бошқаришда фуқароларнинг иштирокини таъминлаш, миллатларнинг teng ҳуқуқлилиги, қонунийлик, режалилик, демократик қадриятларга амал қилиш кабилар киритилади.

Жамоат тартиби ва жамоат хавфсизлигини таъминлашни давлат миқёсида тизим сифатида ташкил этиш ва таъминлаш

масаласи ушбу жамиятдаги сиёсий тузумга, давлатнинг тузилиши ва бошқарув шакларига бевосита боғлиқ.

Шу ўринда Б. А. Матлюбовнинг қуйидаги фикр-мулоҳазаларини келтириб ўтиш орқали мазкур масалага янада ойдинлик киритиш мумкин, деб ҳисоблайман: «Инсоният тарихининг барча даврларида ҳам халқнинг тинч-осойишта ҳаёт кечиришини таъминлаш давлатнинг энг устувор вазифаси бўлиб келган. Чунки фақат тинчлик ва осойишталик ҳукм сурган мамлакатдагина тараққиёт ва ривожланиш бўлади, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланади, одамлар, айниқса ёшлар келажакка ишонч билан яшайдилар. Бундай мамлакатда яшайдиган ҳар бир инсон ўз орзу-мақсадларига эришиш учун жамиятда давлат томонидан яратилаётган шарт-шароитлардан мақсадли ва самарали фойдаланишга ҳаракат қиласди»¹¹.

Хуноса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, айниқса кейинги 2-3 йилда давлатимиз раҳбари бошчилигига юртимизда асрларга татигули кенг кўламли, улкан миқёсли ишлар амалга оширилди. Барча соҳа ва хизматларда ислоҳотлар ўтказилди ҳамда уни янада тараққий эттириш, такомиллаштириш чоралари белгиланди. Шулар қаторида жамоат тартиби ва хавфсизлиги масалаларига ҳам катта эътибор қаратилди.

Бунда, айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 майдаги «Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги, 2018 йил 14 февралдаги «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, ҳукуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида»ги, 1918 йил 24 декабрдаги «Жамоат хавфсизлигини

таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари чиқарилгани жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашни замон талаблари даражасида олиб борища катта аҳамият касб этди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг ички ишлар органлари, Миллий гвардия, йўл ҳаркати, ёнгин хавфсизлиги тузилмаларига оид қонунларига мазкур масалага тааллуқли талаблар қисман киритиб ўтилди. Бироқ ҳалигача жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича алоҳида қонун қабул қилингани йўқ. Шу боисдан ҳам ҳозирги кунда олиб борилаётган ишларни янада кучайтириш билан бир қаторда алоҳида қонун ишлаб чиқиш чораларини кўриш фурсати етди.

Биз илдизлари узоқ ўтмишга бориб тақаладиган буюк халқмиз. Ота-боболаримиз инсоният тарихида муносиб ўрин тутишади. Уларнинг илм-фан равнақига қўшган ҳиссаси бекиёс. Жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш юқори даражада ташкил этилганини аждодларимиз мисолида янада ёрқинроқ кўришимиз мумкин. Бунинг учун эса ҳар бир масалага тўғри ёндашиб, унинг туб негизигача етиб бора олишимиз, ўз вақтида керакли чораларни қўллай олишимиз лозим. Зоро, Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев ўз нутқида «Бизнинг ҳавас қиласа арзийдиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қиласа арзийдиган улуг аждодларимиз бор. Ҳавас қиласа арзийдиган бекиёс бойликларимиз бор. Ва мен ишонаман, Худо хоҳласа, ҳавас қиласа арзийдиган буюк келажагимиз ҳам албатта бўлади»¹², деб бежиз айтмаган. Зоро, бунинг учун барча шарт-шароит, имконият мавжуд. Буюк келажак барпо этилишига муносиб ҳисса қўшиш шу юрт фарзанди сифатида ҳар биримизнинг чин инсонлик бурчимиздир.

¹ Авесто / А. Маҳкам таржимаси. – Т., 2001. – Б. 290, 302.

² Темур тузуклари / Масъул муҳаррир А. Аҳмедов. – Т., 2013. – Б. 138.

³ «Gazeta.uz» – Ижтимоий тармоқ маълумотлари.

-
- ⁴ «Kun.uz» -ижтимоий тармоқ маълумотлари.
- ⁵ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ЖТСваППСББ ҳисоботи.
- ⁶ «Xabar.uz»-ижтимоий тармоқ маълумотлари.
- ⁷ Ўзбек тилининг изоҳли лугати / А.Мадвалиев таҳрири остида. – Т., 2006. – Б. 372.
- ⁸ Ўша манба. – Б. 68.
- ⁹ Исмоилов И., Зиёдуллаев М., Шарипов С. ва бошқ. Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини бошқариш. – Т., 2018. – Б. 20–21.
- ¹⁰ Ўша жойда. – Б. 35.
- ¹¹ Матлубов Б. А. Профилактика инспектори – ҳалқ эътиборида. – Т., 2018. – Б. 3.
- ¹² Мирзиёев Ш. М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз. – Т., 2017. – Б. 484.
-

АКАДЕМИЯ – ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ УЧУН МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШТИРИШИ ЙЎЛИДА

2019 йил 4 сентябрь куни ИИВ Академиясида ана шу мавзуда ҳалқаро илмий-амалий конференция ўтказилди. Анжуман Ички ишлар вазирлиги Академияси ташкил топганининг 25 йиллигига бағишиланди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти администрацияси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати, Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия, Мудофаа, Бош прокуратура, Адлия ҳамда Ички ишлар вазирликлари, шунингдек мамлакатимиздаги дипломатик корпуслар, БМТнинг гиёҳвандлик моддалари ва жиноятчилик бўйича Марказий Осиё минтақавий ташкилоти, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХХТ) Қазоқистондаги лойиҳалари координатори, Туркия ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги (ТИКА), Хитой, Россия, Туркия, Беларусь, Қозогистон, Арманистон ва Қирғизистон олий таълим муассасаларининг вакиллари, хорижий ва мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг ходимлари иштирок этди.

Анжуманда вакиллари ташриф буюрган мамлакатлар ички ишлар тизимида амалга оширилган ислоҳотлар, соҳа учун малакали кадрлар тайёрлаш борасида эришилган натижалар, тўпланган тажриба юзасидан маърузалар тингланди, видеороликлар намойиш этилди. Конференцияда сўзга чиққан Хитой Ҳалқ Республикаси Жамоат хавфсизлиги вазирлигининг вакили жаноб Лю Тунпин, Туркияning Ўзбекистондаги Фавқулодда ва муҳтор элчиси жаноб Мехмет Сурай Эр, БМТнинг гиёҳвандлик моддалари ва жиноятчилик бўйича Марказий Осиё минтақавий бошқаруви вакили Ашита Митал хоним, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ)нинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори жаноб Жон Макгрегор, Туркия ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги (ТИКА) вакили жаноб Али Иҳсан Чаглар, Туркия Полиция академияси Хавфсизлик институти бошлиги жаноб Сонер Байрам Али, Қирғизистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси бошлигининг ўринбосари Арзигул Джоробекова ва бошқа иштирокчилар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар учун кадрлар тайёрлашда ҳалқаро ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш истиқболларига тўхталиб ўтдилар.

Шу куни Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ва Россия Федерацияси ИИВ Орёл юридик институти билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисида икки томонлама шартномалар имзоланди. Ҳалқаро конференция доирасида ўтказилган қатор муҳим учрашувлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар учун малакали мутахassislar тайёрлаш тизимини янада такомиллаштиришга йўл очди.

М. Д. Рахимов,

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси илмий-амалий тадқиқотлар маркази илмий ходими;

М. Э. Муминов,

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси илмий-амалий тадқиқотлар марказининг
катта илмий ходими*

ФИРИБАРЛИК: ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИНИНГ ТАҲЛИЛИ ВА ОЛДИНИ ОЛИШ МУАММОЛАРИ (ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)

Аннотация. Мақолада сўнгти йилларда Қашқадарё вилоятида содир этилган фирибагарлик жиноятларининг умумий таҳлили берилган ҳамда ушбу тоифадаги жиноятларнинг олдини олишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ифодаланган.

Таянч сўзлар: фирибагарлик, алдаш, мулк, чорва моли, қалбаки буюмлар, профилактика, криминалистика, криминология.

Мошенничество: анализ состояния и проблемы профилактики (на примере Каракалпакской области)

Аннотация. В статьедается общий анализ преступлений, связанных с мошенничеством, совершенных в последние годы в Каракалпакской области, и сформулированы предложения и рекомендации по предупреждению преступлений данной категории.

Ключевые слова: мошенничество, обман, имущество, скот, фальсифицированные товары, профилактика, криминалистика, криминология.

Fraud: analysis of current situation and problems of prevention (example of the Kashkadarya Region)

Annotation. The article gives a general analysis of crimes related to fraud committed in recent years in the Kashkadarya region, and formulates suggestions and recommendations for the prevention of crimes of this category.

Keywords: fraud, crime, property, cattle breeding, counterfeit goods, deception, criminology, criminology.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикасида мамлакатни иқтисодий ривожлантириши ўйлида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, мамлакатмизда 2019 йил «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиши йили» деб эълон қилинганлиги ҳам фикримизнинг яққол исботидир. Кучли иқтисодий ислоҳотлар даврида мамлакатда турли соҳаларда ижобий ўзгаришлар юз бериши билан бирга ўзгалар мулкига қарши қаратилган айрим турдаги жиноятларнинг содир этилиши давом этаётгани барчада хавотир уйғотмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2019 йилнинг 10 январь куни ўтказилган мамлакатимиз тинчлиги ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш борасидаги келгуси вазифаларга бағищланган видеоселектор йиғилишида айтганидек, «Бугунги глобаллашув даврида янгидан-янги таҳдид ва хавфхатарлар пайдо бўлмоқда, жиноятларни содир этиш усул ва воситалари, мақсадлари

ўзгариб бормоқда. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда кейинги иккى йилда мазкур масалалар бўйича 100 дан ортиқ ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, ички ишлар тузилмалари ислоҳ этилди. «Хавфсиз шаҳар», «Хавфсиз туризм», «Хавфсиз хона-дон» тизимлари жорий этилди ҳамда 24 соатлик патруль хизмати йўлга қўйилди. Буларнинг самарасида ўтган йили жиноятчиликни 33 фойзга камайтиришга эришилди. Кўрилаётган чоралар натижасида фуқароларимизда адолат ва қонун устуворлигига ишонч пайдо бўлмоқда. Лекин хотиржамликка берилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, ҳали олдимизда қилинадиган ишлар кўп»¹.

Мазкур йиғилишда давлатимиз раҳбари томонидан «...энди ҳокимлар ҳам ҳар куни ўз ҳудудидаги жиноятлар билан боғлиқ вазиятни шахсан муҳокама қилиб бориши, шунингдек жойлардаги Халқ депутатлари кенгашлари жиноятлар билан боғлиқ вазиятни таҳлил қилиб, уларнинг келиб чиқиши

сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этишга ўз ҳиссасини қўшиши керак»лиги таъкидланди².

Мамлакатимизда жиноятчиликнинг кескин камайишига эришилаётган бўлса-да, фирибгарлик жиноятларининг салмоғи ҳанузгача юқорилигича қолмоқда. Шу боис барча давлат органлари ва жамоатчилик ташкилотларининг асосий вазифалари қаторида жиноятчилик, хусусан, фирибгарлик жиноятларининг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаган ҳолда уларнинг барвақт олдини олиш борасида ҳамкорликдаги ишларни янги босқичга кўтаришни тақозо қилмоқда.

Статистик маълумотларга кўра, 2019 йилнинг 4 ойи мобайнида Ўзбекистон Республикасида содир этилган жами жиноятларнинг 12 фоизи, жиноят қидирув йўналишидаги жиноятларнинг 20 фоизи фирибгарлик жиноятлари эканлиги фикримизга далил бўла олади.

Хусусан, 2018 ва 2019 йилларнинг 5 ойи давомида фирибгарлик жиноятларининг содир этилиши жараёни таҳлил қилинганида қўйидаги натижалар маълум бўлди.

Қашқадарё вилоятида 2019 йилнинг 5 ойи давомида олиб борилган профилактик тадбирлар натижасида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан жами жиноятлар 23,15 фоизга, фирибгарлик эса 23 фоизга камайишига эришилган. Бундан ташқари, 2019 йилнинг 5 ойи давомида вилоятда содир этилган жами фирибгарлик жиноятлари умумий жиноятларнинг 11 фоизини, жиноят қидирув йўналишидаги жиноятларнинг 18 фоизини ташкил қилган.

Вилоядта 2018–2019 йилларнинг 5 ойида содир этилган фирибгарлик жиноятлари туманлар кесимида таҳлил қилинганида энг кўп содир этилган ҳудудлар Қарши ва Шахрисабз шаҳарлари, Шахрисабз ва Қарши туманлари бўлган. Мазкур даврда ушбу тўртта туман-шаҳар ҳудудида вилоятдаги жами фирибгарлик жиноятларининг 53,6 фоизи содир этилган. Мазкур ҳудудларда фирибгарлик жиноятларининг кўплаб содир этилиши Қарши шахри вилоятнинг маркази эканлиги,

барча давлат органларининг вилоят бошқармалари шу ерда жойлашганлиги, катта бозор ва қўнгилочар масканлар кўплиги сингари омиллар билан боғлиқ. Шахрисабз шахри ҳамда Шахрисабз туманларида эса аҳоли сонининг кўплиги ва туристик ҳудуд эканлиги сабабли ушбу ҳудудларга кўплаб бегона шахслар келиб-кетиши кузатилади.

Шунингдек, фирибгарлик жиноятлари юзасидан судга юборилган айблов хulosалари бўйича айбланувчиларнинг жинсига оид маълумотлар таҳлил қилинганида уларнинг 81 фоизини эркаклар, 19 фоизини аёллар ташкил қилди.

Фирибгарлик жиноятини содир этган шахслар жинси бўйича таҳлил қилинганида, фирибгарлик жиноятларида аёлларнинг салмоғи 2019 йил 5 ойида 2018 йилнинг ўша даврига нисбатан 5,5 фоизга ошганлиги, ўз навбатида, эркаклар улуши 5,5 фоизга камайганлиги аниқланди.

Таҳлил натижаларига кўра, фирибгарлик жиноятларини содир этган шахсларнинг 88 фоиз жиноятни биринчи марта содир этган бўлса, 12 фоиз муқаддам судланган шахслардир.

Шу билан бирга, фирибгарлик жиноятларини содир этган 252 нафар шахснинг ёшига доир маълумотлар ўрганилганида: фирибгарлик жиноятини содир этган вақтда 18 ёшдан 30 ёшгacha бўлган шахслар 25 фоизни, 31 ёшдан 40 ёшгacha бўлган шахслар 35 фоизни, 41 ёшдан 50 ёшгacha бўлган шахслар 32 фоизни, 51 ёшдан 60 ёшгacha бўлган шахслар 8 фоизни ташкил қилганлиги аниқланди.

Юқоридаги таҳлиллардан кўриниб турбидики, фирибгарлик жиноятини содир этган шахсларнинг энг катта қисми, яъни 35 фоиз ўрта ёшли шахслардир.

Ушбу турдаги жиноятни содир этган шахсларнинг бандлик даражаси ўрганилганида, уларнинг 58 фоизи ишсиз (нафақада ёки уй бекалари бўлган шахслар) ёки мавсумий ишлар билан шуғулланувчи шахслар томонидан содир этилганлигини аниқланди. Доимий иш билан банд бўлган шахслар томонидан эса ушбу турдаги жиноятларнинг 42 фоизи амалга оширилган.

Шунингдек, жиноят содир этилган жой

бўйича таҳлил қилинганида фирибгарлик жиноятлари энг кўп кўчаларда (58 фоиз), жамоат жойларида (24 фоиз) ва бошқа жойларда (11 фоиз) содир этилган.

Ўрганилган фирибгарлик жиноятларининг содир этилган вақти ойлар бўйича таҳлил қилингандан фирибгарлик жиноятлари май (14 фоиз) ва апрель (18 фоиз) ойларида энг кам, февраль (26 фоиз) ва март (22фоиз) ойларида энг кўп содир этилгани кузатилди.

Бундан ташқари, фирибгарлик жиноятларининг содир этилган вақти ҳафта кунлари бўйича таҳлил қилинганида ўрганилган даврда фирибгарлик жинояти сешанба (21 фоиз) ва шанба (21 фоиз) кунлари энг кўп, якшанба куни энг кам (6 фоиз) содир этилганлиги аниқланди.

Мазкур жиноятлар содир этилган вақти соат бўйича таҳлил қилинганида соат 12.00 дан 13.00 гача бўлган вақт оралиғида энг кўп (жами фирибгарлик жиноятларининг 30 фоизи) содир этилгани маълум бўлди.

Айтиб ўтиш жоизки, фирибгарлик жиноятларида айбланувчилар 7 фоиз ҳолатда ўзларини харидор, 20 фоиз ҳолатда муайян касб эгаси сифатида таништирган, 73 фоиз ҳолатда эса бошқа таъсир этиш механизмидан фойдалангандан.

Жиноят содир этиш воситаси таҳлил қилинганида, жиноятларининг 73 фоизида жиноят содир этган шахслар жабрланувчи-нинг мол-мулкини қўлга киритиш мақсадида турли воситалардан фойдаланишгани, 27 фоиз ҳолатдагина ҳеч қандай воситлардан фойдаланишмагани ёки бунга зарурат бўлмагани аниқланди.

Жиноятнинг муайян восита ёрдамида содир этилиши, албатта, жиноятчининг ишини енгиллаштириб, жабрланувчининг ишончига киришига ёки жабрланувчига тегишли мулкни қўлга киритишига ёрдам берган. Хусусан, жиноят содир этиш учун турли воситалардан фойдаланилмаган ҳолатлар ўрганилганида уларнинг аксариятига жиноят содир этган шахслар билан жабрланувчиларнинг яқин алоқалари сабаб бўлганлиги намоён бўлди.

Муайян воситалардан фойдаланилган ҳолатлар таҳлилига кўра, жиноятчилар фирибгарлик жиноятини содир этиш воситаси сифатида 18 фоиз ҳолатда қалбаки буюмларни сотиш (гаровга бериш), 14 фоиз ҳолатда фол очиш воситалари ва қолган 68 фоиз ҳолатда бошқа турли воситалардан фойдаланишган.

Ушбу жиноятлар содир этилган соҳа йўналишлари бўйича таҳлил қилинганида уларнинг 56 фоизи савдо, хизмат кўрсатиш ҳамда кўчмас мулк ва ер олди-сотдиси соҳасида, 23 фоизи савдо ёки тадбиркорлик соҳасида, 17 фоизи хизмат кўрсатиш соҳасида ва 16 фоиз кўчмас мулк ёки ер майдонини сотиш билан боғлиқ ҳолатда содир этилган.

Фирибгарлик жиноятлари жабрланувчиларнинг мақсади бўйича таҳлил қилинганида жиноятларнинг 20 фоиз чорва моллари олди-сотдиси билан боғлиқ бўлгани аниқланди. Унинг сабаблари ўрганилганида жабрланувчиларнинг чорва молларини бозорга олиб боришга вақтий йўқлиги, эриниши ёки фирибгарларнинг бироз қўмматроқ нархда сотиб беришини ваъда қилганликлари сабаб бўлган.

Фирибгарлар 39 фоиз ҳолатда савдо билан шуғулланиш (13 фоиз), автомашина олди-сотдиси (13 фоиз), кўчмас мулк ва ер майдонлари олди-сотдиси (13 фоиз) жараёнида жиноят содир этишган. Хусусан, савдо-сотиқ ва тадбиркорлик жараёнида кўпроқ товар-буюмлар сотилганидан сўнг пулини бериш ҳолатига келишилган вазиятда, товарларни харид қилиб сотиб бермоқчи бўлган тараф томонидан фирибгарлик жиноятлари содир этилиши кузатилган.

Шунингдек, фирибгарлик жиноятлари натижасида жабрланувчиларга етказилган моддий заарарнинг қопланиши миқдори ўрганилгандан қўйидагилар намоён бўлди. Судхукуқ ислоҳотлари натижасида республикамизда амалга оширилаётган фирибгарлик жиноятида айбдор томонидан етказилган заарар айбдор томонидан тўлиқ қопланганда унга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо чораларини қўллаш амалиёти йўлга қўйилган. Бунинг натижасида ушбу

жиноятлардан кўрилган заарнинг қопланиш даражаси ижобий кўринишга эга бўлганлигини умуман қопланмаганлик ҳолати 5 фоизни ташкил қилганидан билиш мумкин. Бироқ эътиборлиси, заарни қоплаш масаласида заарнинг тўлиқ қопланиши даражаси қисман қопланиш даражасидан 51 фоиз миқдорида фарқ қилаётган бу борада камчиликлар етарли эканлигини кўрсатмоқда.

Фирибгарлик жиноятлари жабрланувчиларини ёшига кўра таҳлил қилиш 30 ёшгача ва 50 ёшдан катта аҳолинингфирибгарликдан жабрланиш даражаси камлигини кўрсатмоқда (18фоиз ҳолатда). 82 фоиз ҳолатда фирибгарлик жиноятидан ўрта ёшдаги шахслар жабр кўрган. Ўрта ёшли шахслар доимий иш жойи ва муайян миқдорда жамгарма маблағларга эга бўлгани сабабли фирибгарларнинг нишонига айланган.

Шунингдек, ўрта ёшли жабрланувчилар билан боғлиқ фирибгарлик жиноятлари таҳлили 43 фоиз ҳолатда мазкур жиноятларнинг пул маблағини нақдлаштириш, чорва ва кўчмас мулк олди-сотдиси билан боғлиқ бўлганини кўрсатди. Пул маблағини нақдлаштириш жиноятларининг кўплиги (10 фоиз ҳолатда) ўрта ёшли шахсларнинг аксарияти иш жойига эга бўлиб, пластик карточкаларга ўтказилган маошларини нақдлаштириб олишга уриниши билан изоҳланади. Шунингдек, нақдлаштириш билан боғлиқ фирибгарларнинг 81,0 фоиз Қарши шаҳрида содир этилганлиги вилоят марказида аксарият давлат корхоналари жойлашганлиги билан боғлиқ. Чорва моллари олди-сотдиси билан боғлиқ фирибгарларнинг 20 фоиз эса ўрта ёшдаги жабрланувчилардан чорвани маълум бир муддатдан кейин пулинни бериш шарти билан олиб, содир этилан. Вилоятда аҳолининг кўплиги ҳамда уларда уй-жой ва ер сотиб олиш эҳтиёжи юқорилиги, шунингдек банклар томонидан имтиёзли асосда қурилаётган уй ва квартиralарни сотиб олиш учун доимий иш жойи ва даромадга эга бўлмаганлиги сабабли расмийлаштириш имкони мавжуд эмас. Лекин уй-жойга эҳтиёж шахслар турли

усулларни излаши оқибатида фирибгарлик курбонига айланишига олиб келмоқда. Ушбу жиноятлар 13 фоиз ҳолатда содир этилган.

Жабрланувчилар мақсадга эришиш усулининг қонунийлигини билиши ўрганилтанида уларнинг 95фоиз қўлланаётган мақсадга эришиш усули қонунга хилоф эканлигини била туриб бундан фойдаланган ёки уни қонуний расмийлаштирумаганлиги оқибатида жиноят қурбонига айланган. Қолган 5 фоиз ҳолатдагина жабрланувчилар ўз мақсадига эришишнинг ушбу усули қонуний эмаслигини билмаганлар. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, жабрланувчилар аксарият ҳолларда ўз мақсадларига ноқонуний йўллар билан эришишга ҳаракат қилишган. Бу масала чуқурроқ ўрганилганида қуйидаги холосаларга келиш мумкин:

биринчидан, жабрланувчи мақсадига қонуний йўл билан эришишни хоҳламайди ва ноқонуний йўлларни қидиради;

иккинчидан, жабрланувчилар тўқнаш келган ижтимоий соҳаларда қонуний йўл билан муайян мақсадга эришишда сунъий тўсиқлар (ортиқча қоғозбозликлар) жуда кўп ва бундан фуқаролар чарчаган;

учинчидан, аҳолида қонуний ҳал қилиш фақат маълум тоифадаги шахслар учун мўлжалланган деган тушунча мавжудлиги;

тўртинчидан, айрим ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишида мураккабликлар мавжуд ёки айрим ижтимоий муносабатлар ҳуқуқий тартибга солинмаган.

Шунингдек, фирибгарлик жиноятларининг сабаблари таҳлил қилинганида, жиноятларни содир этган шахсларнинг 71 фоиз ўзгалар ҳисобига кун кўришга одатланган, 11 фоиз осон йўл билан бойлик орттиришга интилган бўлса, қолган 18фоиз бошқа сабаблар туфайли жиноятга қўл урганлар. Юқоридагиларга кўра, фирибгарлик жиноятларини содир этувчи шахслар жамият учун фойдали меҳнат билан кун кўришни хоҳламайдиган ва бировга тегишли мулк ёки моддий бойликларни қайтаришга масъулиятсизлик билан ёндашувчи шахслар томонидан содир этилиши кузатилган.

Фирибгарлик жиноятлари содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар таҳлил қилинганида жиноятларнинг содир этилишига 62 фоиз ҳолатда жабрланувчиларнинг ишонувчанлиги сабаб бўлаётгани аниқланган. Ишонувчанликдан, асосан, чорва моллари олди-сотдисида фойдаланилмоқда (Чорва моллари олди-сотдиси билан боғлиқ жиноятлар барча фирибгарликнинг 20 фоиз ини ташкил этади).

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда, фирибгарлик жиноятларининг олдини олиш ва унга қарши самарали курашиш юзасидан қўйидагилар таклиф қилинади:

1) фуқаролар фирибгарлик жиноятларидан жабрланишларининг олдини олишда ички ишлар органлари, миллий телерадиокомпания ҳамда тегишли маданий марказлар ўзаро ҳамкорликда, фирибгарларнинг маҳсус белгилари кўрсатилган оддий фотобуклетлар ишлаб чиқариш ҳамда уларни аҳоли яшааш марказлари, автобус бекатлари, жамоат транспортлари ва Интернет тармогининг барча «uz.» доменидаги сайтларда жойлаштириш;

2) фирибгарлик жиноятлари бўйича муқаддам судланган шахслар томонидан қайта жиноят содир этилишининг олдини олиш мақсадида ички ишлар органлари тезкор маълумотлар бошқармалари базаларидан фойдаланган ҳолда барча фирибгарлик жиноятларини содир этган шахсларни ажратиб, уларнинг фотосуратлари асосида республика бўйича ягона фотоальбом ишлаб чиқиш, уни хизматда фойдаланиш учун барча профилактика инспекторларига тарқатиш. Бу тадбир, ўз навбатида, профилактика инспекторларига бегона шубҳали шахслар орасида фирибгарларни аниқлашда ёрдам

беради. Шу билан бирга, содир этилган фирибгарлик жиноятларини «иссиқ» изидан очища ҳам қулайлик яратади;

3) чорва моллари олди-сотдиси жараёнидаги фирибгарлик жиноятларининг олдини олишда ҳар бир туман марказларида расмий мол сўйиш марказлари, яъни күшхоналар ташкил этиш, сўнг фуқароларга, агар чорва молларини сотмоқчи бўлсалар, расмий күшхоналарга мурожат қилишлари энг яхши танлов эканлигини тушунтириш;

4) Қарши ва Чироқчи автомобиль воситалари олди-сотдиси учун мўлжалланган бозорларида транспорт воситаларини сотиш хукуқига эга бўлмаган шахсларнинг тегишли идоралар ёрдамида транспорт олди-сотдиси билан шугулланишини чеклаш;

5) Чироқчи автомобиль бозорида ЙХХБнинг кўчма пунктини ташкил қилиш, унда фуқароларга транспорт воситалари (тақиқ қўйилганлиги, гаровда эмаслиги, қидируга берилганлиги, транспорт воситаси билан боғлиқ жарималар) ҳақида маълумот беришни йўлга қўйиш, вилоятнинг катта бозорларида далоллик фаолияти билан мунтазам шуғулланувчи шахсларнинг рўйхатларини доимий равишда янгилаб бориш ва улар билан олиб бориладиган профилактик ишларни кучайтириш.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, охирги йилларда фирибгарлик жиноятлари Қашқадарё вилоятида ҳам бошқа жиноятларга нисбатан кўп содир этилган. Қашқадарё вилояти фирибгарликнинг чорва моллари билан боғлиқ тури нисбатан кўплиги билан ажralиб туради. Фирибгарлик жиноятининг ортиб кетишига жабрланувчиларнинг ишонувчанлиги, жиноятчиларнинг эса меҳнат қилмасдан даромад топишга қучли интилиши сабаб бўлмоқда.

¹ Асосий мақсад – аҳолининг тинч ва осёишта ҳаётини таъминлаш // Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 10 январь куни мамлакатимиз тинчлиги ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиларнинг олдини олиш борасидаги келгуси вазифаларга багишлиланган видеоселектор йигилишидаги нутқи // URL: www.uza.uz.

² Ўша манба.

Б. Ф. Алимов,

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ҳуқуқбузарликлар профилактикаси
кафедрасининг катта ўқитувчиси;

Ш. Р. Фофуров,

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ҳуқуқбузарликлар профилактикаси
кафедрасининг катта ўқитувчиси

УЮШМАГАН ЁШЛАР ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРИ ПРОФИЛАКТИКАСИННИГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон Республикаси ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари, мақсад ва вазифалари ёритилган. Ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари кўриб чиқилган, «уюшмаган ёшлар» тушунчаси, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ушбу тоифадаги фуқаролар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолияти, унинг асосий йўналишлари ва шакллари таҳдил қилинган, мазкур фаолиятни самаралаи ташкил қилиш юзасидан аниқ тавсиялар берилган.

Таянч сўзлар: Ўзбекистон, давлат ёшлар сиёсати, уюшмаган ёшлар, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, уюшмаган ёшлар билан олиб бориладиган профилактик ишларнинг асосий йўналишлари ва вазифалари.

Основные направления профилактики правонарушений неорганизованной молодёжи

Аннотация. В статье раскрываются основы государственной молодёжной политики Республики Узбекистан, ее цели и задачи. Рассматриваются правовые основы обеспечения прав и свобод молодежи, анализируется понятие неорганизованной молодёжи, основные направления и формы деятельности правоохранительных органов по профилактике правонарушений, совершаемых данной категорией граждан, даются конкретные рекомендации по эффективной организации данной работы.

Ключевые слова: Узбекистан, государственная молодёжная политика, неорганизованная молодёжь, профилактика правонарушений, основные направления и формы профилактической работы с неорганизованной молодёжью.

The main directions of the prevention of delinquency of unorganized youth

Annotation. The article reveals the basics of the state youth policy of the Republic of Uzbekistan, its goals and objectives. The legal foundations of ensuring the rights and freedoms of youth are examined, the concept of unorganized youth, the main directions and forms of law enforcement agencies in the prevention of offenses committed by this category of citizens are analyzed, specific recommendations are given for the effective organization of this work.

Keywords: Uzbekistan, state youth policy, unorganized youth, crime prevention, the main directions and forms of preventive work with unorganized youth.

Ёшларга оид давлат сиёсати Ўзбекистон Республикаси давлат фаолиятининг устувор йўналиши бўлиб, унинг мақсади ёшларнинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, ижодий иқтидори жамият манфаатлари йўлида имкони борича тўла-тўқис рўёбга чиқиши учун ижтимоий иқтисодий, ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан шарт-шароит яратиш ҳамда уларни кафолатлашдан иборатdir.

Ёшлар ҳар бир давлатнинг келажагини, салоҳиятини белгиловчи муҳим ижтимоий қатлам саналади. Зеро, ҳар бир жамиятнинг ҳолати, тақдири ва истиқболи унда яшаётган ёшларнинг салмоги, мальнивияти ва онглилиги даражаси билан белгиланиши шубҳасиз. Бу халқимизда «Нима эксанг, шуни ўрасан» қабилидаги мақолнинг мантиқий ифодаси сифатида талқин этилиши ҳам бежиз эмас. Ёшлар жамиятнинг эртанги келажаги, унинг

фаол аъзоси, таъбир жоиз бўлса, жамият эртасининг муносиб ворисларидир. Мазкур нуқтаи назарга кўра ҳам ёшлар давлат ва жамият томонидан доимий эътибор талаб этадиган ижтимоий қатламдир.

Бугун ёшларнинг хукуқ ва эркинклиярини таъминловчи хукуқий асослар ва барча имкониятлардан фойдаланишлари учун шарт-шароитлар яратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев: «Ўзбекистон аҳолисининг 60 фоизидан зиёдини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этишини таъкидлаш лозим. Биз ёшлар учун уларнинг соғлом туғилишидан бошлаб, токи мустақил ҳаётга киргучиба барча зарур шароитларни яратиб бериш мақсадида қандай катта ишларни амалга ошираётганимиз сизларга яхши маълум»¹, – деб мамлакатимизда ёшларга етарли шароитлар яратиб бериш борасида алоҳида эътибор бериб келинаётганлигини таъкидлаб ўтди.

Конституциямизнинг муқаддима қисмидан бошлаб унга алоҳида ургу қаратилади, яъни «ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятини англаган ҳолда» деган иборанинг келтирилиши Конституция нафақат бугунги кун нуқтаи назаридан, балки келажак авлод, яъни ёшлар олдидаги юксак масъулиятни англаган ҳолда қабул қилинганинги билдиради.

Конституциянинг 41-моддасида: «Ҳар ким билим олиш хукуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир», деб белгилаб қўйилган бўлиб, вояга етмаганларнинг таълим олиш соҳасидаги хукуқларини кафотлади. Таълим жараёни вояга етмаганни интеллектуал салоҳиятли, дунёқарashi кенг ва жамиятга фойда келтирувчи шахс сифатида шакллантиришда муҳим ўрин тутади.

Ёшлар Конституцияда белгиланган ижтимоий-иқтисодий хукуқлари, хусусан, бепул тиббий хизмат, бепул умумий таълим олиш, спорт-соғломлаштириш ва маданий-маърифий муассасаларга имтиёзли шартларда қатнашиш, уй-жой қуриш, рўзгор буюм-

лари сотиб олиш учун имтиёзли кредитлар бериш, дастлабки меҳнат фаолияти учун иш жойи билан таъминланиш ёки амалдаги қонунларга мувофиқ моддий компенсация олиш ҳукуқи, ўқувчилар, талаба ёшлар ва вояга етмаган фуқаролар учун транспортда юриш имтиёзлари, илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш хукуқи кафолатланади.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги қонунининг қабул қилиниши мамлакатимизда ёшларга катта эътибор қартилаётганидан далолат беради. Хусусан, мазкур қонунининг 3-моддасида **«Ёшларга оид давлат сиёсати** — давлат томонидан амалга ошириладиган ҳамда ёшларни ижтимоий жиҳатдан шакллантириш ва уларнинг интеллектуал, ижодий ва бошқа йўналишдаги салоҳиятини камол топтириш учун шарт-шароитлар яратилишини назарда тутадиган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий ва хукуқий чора-тадбирлар тизими» деб кўрсатилган. Бундан кўриниб турибдики, бугунги кунда ёшларни ҳар томонлама камол топтириш энг муҳим вазифалардан бири эканлигини инкор этиб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев: «Олий ўқув юртлари нуфузини ошириш, нодавлат таълим масканлари сонини кўпайтириб, соҳага юқори малакали кадрларни жалб этиш ва рақобатни кучайтириш лозим. Ёшларимизга бир вақтнинг ўзида бир нечта олий ўқув юртига хужжат топшириш имкониятини беришимиз, ўйлайманки, уларнинг таълим олиш хукуқларини кенгайтиришга хизмат қилади»², – деб таъкидлаб, ёшларнинг таълим олиш борасидаги хукуқларини таъминлаш уларни комил инсон сифатида шакллантиришда алоҳида аҳамият касб этишини кўрсатиб ўтди.

Аммо ёшларга таълим бериш, уларни тарбиялаш, хукуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишларга қарамасдан, ҳозирги кунда, ёшлар ўртасида ечимини топиши

лозим бўлган бир қанча муаммолар мавжуд, жумладан, фойдали меҳнат билан шуғулланмайдиган, гайриижтимоий хулқ-атворга эга бўлган **«уюшмаган ёшлар»** мавжудлиги ҳали олдимизда амалга оширилиши лозим бўлган салмоқли ишлар турганлигидан далолат беради.

Ушбу тоифадаги ёшлар ўртасида мавжуд муаммоларнинг ечимини топиш учун, биринчи навбатда, **«уюшмаган ёшлар»** кимлар деган саволга жавоб топиш мақсадга мувофиқдир.

Юшмаган ёшлар ва улар ўртасида мавжуд муаммоларга биринчилардан бўлиб Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев тўхталиб: «Гёёки ҳамма нарса жойида, олам гулистон. Агар ҳаммаси жойида бўлса, тўғри йўлдан адашган ёшлар, жиноятчилик, ишсизлик қаердан пайдо бўляпти? Нега ёшларга оид давлат сиёсатига лоқайд муносабатда бўлаётган амалдорлар ҳақида оммавий ахборот воситалари, аввало, ёшлар матбуоти чурқ этмайди?»³, – деб, бу масала нақадар долзарб ва ечимини топиш лозим бўлган вазифалардан эканлигини таъкидлаб ўтди.

Юқоридагиларга асосланган ҳолда «уюшмаган ёшлар»га қуйидагича таъриф бериб ўтиш мумкин: **«Юшмаган ёшлар — ўз мақсадини давлат ва жамият манфаати билан уйғуллаштириш кўникмасига эга бўлмаган, шунингдек, ижтимоий фаоллиги ҳамда ҳуқуқий-сиёсий онг ва маданият дараҷаси паст, ишламайдиган, ўқимайдиган, тайин бир машгулотта эга бўлмаган, салбий таъсирларга бериувчи ўн тўрт ёшга тўлган ва ўттиз ёшдан ошмаган шахслар».**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Конституция қабул қилинганининг 25 йиллигига багишинган тантанали маросимдаги маъруzasида юшмаган ёшлар билан ишлашнинг қуйидаги асосий вазифаларини белгилаб берди:

биринчидан, хорижий давлатларда ишлаб юрган ёшларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган ишларни тизимли ташкил этиш;

иккинчидан, уюшмаган ёшлар билан ишлашни кучайтириш учун давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг ҳамкорлиги ва масъулиятини янада ошириш;

учинчидан, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шаклантириш мақсадида уларни спортга кенг жалб этиш, чекка ҳудудларда спорт майдонлари барпо этишни ташкил қилиш;

тўртинчидан, таълим муассасаларида билим олиш сифати ва самарадорлигини оширишга, давоматни мустаҳкамлашга жиддий эътибор қаратиш, ёшлар ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ишларни янада кучайтириш.

Шунингдек, уюшмаган ёшлар муаммоларнинг ечимини топиш, уларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишларида яқиндан кўмаклашиш фақатгина ички ишлар органлари билан таълим муассасаларининг вазифаси эмас, балки барча давлат органларининг энг устувор вазифалари эканлигини ҳам унутмаслигимиз лозим.

Яна бир муҳим масала шуки, сиёсий партиялар уюшмаган, яъни ишламайдиган, ўқимайдиган, тайин бир машгулотта эга бўлмаган ёшларга умуман эътибор қаратмаяпти. Бу борада партиялар туман ҳокимларининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарлари, янги тузилган Ўзбекистон ёшлар иттифоқи билан яқиндан ҳамкорликни йўлга кўйиши бугунги қун талабидир⁴.

Юшмаган ёшлар билан ишлаш жараёнида энг муҳим вазифалардан бири уларнинг қизиқишлиаридан келиб чиқиб, уларни ўқиши ёки касбга йўналтиришдир. Зоро, ёшларни иш билан таъминлаш, хусусан, уларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўrsatiш, янги иш ўринлари яратиш, ўз навбатида, жамият ҳаётида учрайдиган салбий ижтимоий иллатларнинг олдини олишда муҳим ўрин эгаллайди. Булар ичida, айниқса, уларнинг замонавий билим ва таълим олишларига шарт-шароит яратиб бериш алоҳида аҳамият касб этади.

Ёшларимизнинг замонавий билим ва тарбия олиши давлатимиз томонидан белги-

ланган мақсаднинг бир қисми бўлса, уларнинг олган билими ва касбини амалий ҳаётда намоён этиши ҳамда ишлатиши, ўкув юртларини битириб чиқаётган ёшларимизнинг ҳаётда мустаҳкам ўрин эгаллаши учун кўмак ва кенг имкониятлар яратиб бериш – иккинчи қисмини ташкил қиласди.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, уюшмаган ёшлар билан ишлаш бўйича қуидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

— уюшмаган ёшлар ўртасидаги ижтимоий муаммоларни ечиш мақсадида маҳсус «Ёшлар фонд» ташкил этиш;

— уюшмаган ёшлар муаммоларини ўрганувчи, таҳдил этувчи илмий марказлар ташкил этиш;

— уюшмаган ёшларни ишга ва ўқишига жойлаштиришда алоҳида имтиёзлар белгилаш, улар ҳуқуқларининг ҳимоясини кучайтириш;

— уюшмаган ёшлар ўртасида уларнинг хоҳишлари ва муаммоларини ўрганиш мақсадида тегишли давлат органлари, хусусан, ёшлар иттифоқи, ички ишлар органлари ва бошқалар томонидан ижтимоий сўровлар ўтказиш ва уларнинг таҳлили асосида зарур чора-тадбирларни амалга ошириш;

— уюшмаган ёшлар билан ишлаш бўйича алоҳида йўл харитаси ишлаб чиқиши, унда республика бўйича уюшмаган ёшларнинг сонини аниқлаш, шу билан бирга, уларнинг

жинси, маълумоти ва мутахассислиги бўйича демографик маълумотлар тайёрлаш, бундан ташқари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, прокуратура, ички ишлар органлари, ёшлар иттифоқи, васийлик ва ҳомийлик органлари, таълим ва соғлиқни сақлаш органлари, маҳалла фуқаролар йигинларининг асосий вазифаларини белгилаб бериш.

Хуллас, бугунги кунда уюшмаган ёшлар билан ишлаш, уларни уюшган ёшларга айлантириш, комил инсон сифатида тарбиялашда жамият барча аъзоларининг ҳамкорлиги ва масъулиятини ошириш зарурати мавжуд. Бунинг асосий сабаби давлат ва жамиятнинг ўзи ҳақ-хуқуқларини, бурч ва масъулиятини англайдиган, мустақил фикрли, салоҳиятли, қобилиятли, истеъододли ворисларни тарбиялашдан манфаатдор. Айнан мулоҳазали, андишали, салоҳиятли, қобил фарзандлар ҳеч вақт давлат ва жамият олдидағи масъулиятини унутмайди, ўз навбатида, улар давлатнинг ёхуд кенг қамровли ислоҳотларнинг муносиб давомчилари бўлиши, жамият равнақини белгилаши шубҳасиз.

Хулоса қилиб айтганда, ёшларимиз учун имконият яратиб, улар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини кенгайтирасак, келажагимиз учун пойдевор яратган бўламиз. Зеро, ёшлар бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир.

¹ Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига багишинган тантанали маросимдаги маърузаси // URL: <http://xs.uz> (Халқ сўзи, 08.12.2017).

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

³ Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига бағишинган тантанали маросимдаги маърузаси // URL: <http://xs.uz> (Халқ сўзи, 08.12.2017).

⁴ Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиси, ислоҳотларнинг ташаббускори ва асосий ижроиси бўлиши керак. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маърузаси // URL: <http://xs.uz> (Халқ сўзи, 13.07.2017).

K. A. Саитқұлов,

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ҳуқуқбузарлар профилактикасы кафедрасининг
каптта ўқитувчиси

«ХУҚУҚБУЗАРЛЫКЛARНИНГ ВИКТИМОЛОГИК ПРОФИЛАКТИКАСИ» ТУШУНЧАСИ ТАХЛИЛИ

Аннотация. Мақолада «хуқуқбузарларнинг виктимологик профилактикаси» тушунчаси илмий таҳлил қилинган, муаллиф томонидан унинг замонавий таърифи ишлаб чиқилған ҳамда тегишли қонун нормасига тақлиф берилған.

Таянч сүйзлар: жабрланувчи, виктимлик, хуқуқбузарлар виктимологик профилактикаси.

Анализ понятия виктимологической профилактики правонарушений

Аннотация. В статье анализируется понятие виктимологической профилактики правонарушений, дано авторское определение этому понятию и предложения по изменению соответствующих норм закона.

Ключевые слова: потерпевший, виктимность, виктимологическая профилактика правонарушений.

The essence of victimological crime prevention

Annotation. The article analyzes the concept of victimological crime prevention. The author has developed a modern definition of the concept of victimological crime prevention and recommended the relevant norms of the law.

Keywords: victim, victimization, victimological crime prevention.

Хуқуқбузарларнинг виктимологик профилактикаси ҳақида фикр юритишдан олдин «хуқуқбузарлик», «виктимология» ва «профилактика» сўзларининг мазмун-моҳиятини тушуниб олиш мақсадга мувофиқ. Чунки ушбу иборалар нафақат ҳуқуқ назарияси ва амалиётида, балки бошқа фан соҳаларида ҳам қўлланилади.

«Хуқуқбузарлик» тушунчасига аниқлик киритишида бир қатор мунозарали ҳолатлар мавжуд. Жумладан:

— ҳуқуқ назариясида «хуқуқбузарлик» деганда жамият учун хавфли бўлган қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)¹, бошқа манбада эса ҳуқуқбузарликка жамиятда ўрнатилган ва қонун асосида белгиланган тартиб ёки умуман ижтимоий яшаш қоидаларини бузиш сифатида таъриф берилған. Ушбу таърифлардан келиб чиққан ҳолда ҳуқуқбузарлар ижтимоий хавфи ва уни содир эганлик учун жавобгарликни белгиловчи ҳуқуқ соҳасига асосан: а) фуқаровий; б) интизомий; в) маъмурий; г) жиноий турларга ажратилади²;

— олиб борилған кузатишлар ҳамда ўтказилаётган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, амалиётда «хуқуқбузарлик» тушунчасини турлича талқин этиш учраб турибди. Амалиёт органларида фаолият юритаётган профилактика инспекторларининг аксарияти ҳуқуқбузарлик деганда маъмурий ҳуқуқбузарларни назарда тутишади. Хусусан, ўтказилган сўровда иштирок этган респондентларнинг 65% маъмурий ҳуқуқбузарлик деб белгилашгани фикримизнинг исботидир;

— Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунининг 3-моддасида: «ҳуқуқбузарлик — содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилган айбли гайриҳуқуқий қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)» деб таъриф берилган³.

Профессор Х.Т.Одилқориев ҳуқуқбузарларни «ҳуқуқ субъектининг айбли, ҳуқуққа зид, жамият, давлат ва шахс манбаатларига зарар етказувчи, юридик жавобгарлик келтириб чиқарувчи қилмиш» сифатида

таърифлаши билан бирга, унинг ижтимоий хавфлилик белгисига эътибор қаратади.

С.Б.Хўжақулов «хуқуқбузарлик» тушунчалигининг мазмунни юзасидан ўтказилган илмий ва қиёсий таҳлил натижасига асосланган ҳолда «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг З-моддасига «хуқуқбузарлик – содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилган, айбli гайриҳуқуқий ҳаракат ёки ҳаракатсизлик»⁴ мазмунидаги ўзгартиш киритиш юзасидан таклиф берган.

Шу нуқтаи назардан қаралганда, «хуқуқбузарлик» тушунчалигига хуқуқ тармоқлари ва хуқуқбузарликлар турларидан келиб чиқсан ҳолда ягона ва мукаммал таъриф ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ. Ҳуқуқшунос З.Амиров ҳам хуқуқбузарлик категориясининг барча хуқуқ тармоқлари учун ягона умумназарий таърифи келтирилиши лозимлигини таъкидлаган. Унинг фикрига қисман қўшилган ҳолда «хуқуқбузарлик – бу содир этилганлиги учун тегишли қонунчиликда жавобгарлик назарда тутилган, айбli, гайриҳуқуқий ҳаракат ёки ҳаракатсизлик», деган таърифини кўллаб-қувватлаш мумкин. Бизнингча, «хуқуқбузарлик» тушунчалигига таъриф беришда унинг таркиби, элементлари ҳамда алоҳида белгилари эътиборга олиниши мақсадга мувофиқдир.

«Профилактика» (грекча – сақлагичли) тиббиётда касалликлар ва жароҳатларнинг келиб чиқиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантириш, уларни ривожлантирувчи омилларни бартараф этишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлардир⁵.

Профилактика – нимадир содир бўлишига йўл қўйиб бўлмайдиган дастлабки чоралар⁶.

С.Б. Хўжақулов фикрича, «профилактика» сўзи фақат оқибатни эмас, балки сабаб ва шароитнинг ҳам олдини олишни камраб олади⁷.

Юқоридаги тушунчалар таҳлилидан келиб чиқиб таъкидлаш жоизки, «профилактика» сўзи мазмунан: а) ҳар қандай воқеа, ходиса ва жараёнларга огоҳлантириш

орқали таъсир этади; б) уларнинг сабаб ва шароитларни аниқлаш ва бартараф этишни назарда тутади; в) воқеа, ходисалар, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга йўналтирилган дастлабки ва комплекс чора-тадбирларни қамраб олади. Демак, тадқиқотимиз обьектидан келиб чиқадиган бўлсак, профилактика сабаб ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишнинг дастлабки чораларидир.

Энциклопедик ва изоҳли лугатларда «виктимология» сўзи (лотинча «victima» – «жабрланган», «жабрланувчи» ва юонча «logos» – «таълимот») жабрланувчилар ҳақидаги таълимот⁸, «профилактика» юонча «prophilaktika» – «сақловчи, олдини олувчи»⁹ деган маънони англатиши кўрсатилган.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, виктимология кўпгина давлатларда алоҳида фан сифатида шаклланган ва ўрганилмоқда. Шунингдек, баъзи мамлакатларда виктимология ва у билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар криминология фани доирасида ўрганилишига алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ ва ўринли.

Рус криминолог олимларининг илмий тадқиқотларида виктимология илмий тадқиқотининг обьекти ва йўналишини унинг номидан аниқлаш мумкин. «Виктимология» атамаси икки сўздан: лотинча «victima» (худога қурбон келтириувчи тирик мавжудот, қурбон) ва грекча «logos» (сўз, таълимот) сўзларидан иборат бўлиб, қурбон ҳақидаги таълимот маъносини билдиради¹⁰. Уларнинг асарларида виктимология «қурбон ҳақида таълимот» (лот. «victima» – қурбон ва грекча «logos» – таълимот) деб сўзмаси сўз таржима қилинган.

Мисол тариқасида рус олимлари В.Ривман, Т.Варчук ва М.Антонянлар ҳам ўз илмий тадқиқотларида «виктим» атамасига «қурбон» деб таъриф беришган. Н.И.Бумаженко эса «виктимология» атамасини икки сўздан, яъни лотинча *victima* – тирик мавжудот, худога қурбонлик келтирувчи, қурбон ва грекча *logos* – сўзидан

олинган бўлиб, таълимот деган, аниқроғи қурбон ҳақида таълимот деб батафсил тушунтиришга ҳаракат қилган. Шунингдек, у ўз асарларида қурбон сўзи билан жабрланувчи сўzlарига таъриф беришга ҳамда ушбу сўzlаринг қайси бири ҳуқуқбузарликдан зарар кўрган шахсга нисбатан ишлатилиши мантиқан тўғри бўлишини исботлашга ҳаракат қилган¹¹.

Мамлакатимизда илмий-тадқиқот олиб бораётган криминолог олимлар, жумладан З.С.Зарипов, И.Исмаилов, К.Р.Абдурасулова-ларнинг илмий ишларида «виктимология» сўзи лотинча «victima» – жабрланувчи ва грекча «logos» – таълимот¹² деган маънени англатишини назарда тутишган. Бу эса ўз-ўзидан аёнки, олимларимиз «виктимология» сўзини энциклопедик ва изоҳли лугатлар орқали аниқ таржима қилишга эътибор қаратишган. Айнан шунинг учун ҳам уларнинг тадқиқотларида «курбон» сўzinинг ўрнига «жабрланувчи», «ҳуқуқбузарликдан жабр кўрган шахс» сўzlари кўпроқ ишлатилиши кўзга ташланади .

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, айрим криминолог олимлар ўз тадқиқотларида виктимология билан боғлиқ тушунчани тор маънода, яъни фақат жиноий хатти-ҳаракатлардан жабрланганларга нисбатан қўллашган. Ҳеч шубҳа йўқки, криминология нуқтаи назаридан фақатгина жиноятдан жабрланувчиларни тадқиқ этиш мумкин. Чунки криминология фани фақат жиноий қилмишдан жабр кўрган шахслар билан боғлиқ муносабатларни ўрганиши барчамизга аён.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси фақат жиноятдан эмас, балки бошқа турдаги ҳуқуқбузарликлардан ҳам жабрланишининг олдини олишга қаратилишини унутмаслик лозимдир. Шу боис, ушбу масала илмий асосга эга ва аниқликни талаб этиши кундек равшан.

Айрим ҳуқуқшунос олимларнинг виктимологик профилактикага оид қарашлари ва илгари сурган гоялари бир-бирини тўлдиради ёхуд уларнинг мазмунида бир

мунча фарқларни кузатиш мумкин. Уларнинг баъзилари виктимологик профилактикага криминологик чора-тадбирлар тизими сифатида қарашса, бошқалари фақат жиноят қурбонларининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар йигиндиси деб таъриф беришади. Хусусан, рус олимлари Н.И.Бумаженко ҳамда В.Д.Малкованинг илмий тадқиқотларида виктимологик профилактикага қуйидагича таъриф берилганлигини кузатиш мумкин:

–виктимологик профилактика бу – жиноятларнинг олдини олишнинг ижтимоий тизимига киритилган, жабрланишни келтириб чиқарувчи салбий ҳолатларни бартараф этиш, жиноятнинг потенциал қурбонларини ҳимоя қилиш имкониятларини жадаллаштириш ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек якка (индивидуал) ва оммавий қурбонларни камайтиришга йўналтирилган умумижтимоий ва маҳсус криминологик чора-тадбирларнинг кичик тизимиdir¹³;

–жиноятларнинг виктимологик профилактикаси – бу ижтимоий институтларнинг жабрланувчининг хулқ-атворини ташкил этадиган ва жиноятлар содир этилишига сабаб бўладиган омиллар, ҳолатлар ва вазиятларни аниқлаш, бартараф этиш ва зарарсизлантиришга йўналтирилган ўзига хос фаолияти бўлиб, хавфли гуруҳларни ва юқори даражадаги жабрланувчи шахсларнинг ҳимоя хусусиятларини тиклаш ёки фаоллаштириш мақсадида аниқлаш, шунингдек жисмоний ва юридик шахсларни жиноятлардан ҳимоя қилишининг мавжуд маҳсус воситаларини ишлаб чиқиш ёки такомиллаштиришdir¹⁴.

Европанинг айрим мамлакатлари ва АҚШ олимларининг тадқиқотлари виктимологик профилактикани уч йўналишда: а) шахс ва ижтимоий гуруҳларнинг виктимлик ҳолатларини келтириб чиқарувчи объектив шартларни нормаллаштириш; б) алоҳида тоифа шахслар ўртасида тушунтириш ишлари, ҳуқуқий тарғибот ишлари олиб бориш; в) жабрланганларга

ёрдам кўрсатиш, хусусан, заарни қоплаш бўйича давлатнинг компенсация тизими¹⁵ кабиларга бўлинишини эътироф этишган.

Биз ўз тадқиқотларимизда «хуқуқбузарликлар виктимологик профилактика»сини ёритишида ўзига хос янгича ёндашдик, хуқуқбузарликлар виктимологик профилактикасини Ўзбекистон Республикаси «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўгрисида»ги қонунида белгиланган чора-тадбирларни чуқур илмий таҳлил қилган ҳамда ушбу таҳлил асосида виктимликни келтириб чиқарувчи объектлар, уларнинг хусусияти ва белгилари асосида турга бўлмасдан, тартибини ишлаб чиқишига ва асослашга ҳаракат қилдик:

- 1) умумий тартибда;
- 2) якка тартибда;
- 3) маҳсус тартибда
- 4) ҳамкорликка асосланган¹⁶.

Ўзбекистон Республикасининг «Хуқуқбузарлик профилактикаси тўгрисида»ги қонунининг 43-моддасида «хуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси» тушунчасига хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассасанинг муайян шахснинг хуқуқбузарликдан жабрланувчига айланиши хавфини камайтиришга қаратилган профилактика чора-тадбирларини қўллашга доир фаолиятдир», деб таъриф берилган. Мазкур таърифи бугунги талаблардан келиб чиқиб янада кенгайтириш лозим. Чунки хуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси фақатгина муайян шахсларга қаратилиши мантиқан нотўғри. Шунингдек, хуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси билан фақат хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар (бевосита субъектлар) шугулланмайди. Ушбу профилактиканинг самарадорлигини бошқа субъектлар билан ҳамкорликсиз тасаввур этиш қийин.

Назаримизда, хуқуқбузарликлар виктимологик профилактикасида иштирок этувчи органлар ҳамда муассасалар назардан четда қолган. Бироқ амалиёт таҳлиллари шуни

кўрсатмоқдаки, бугун фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ҳам хуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасида Ўзбекистон Республикасининг «Ижтимоий шериклик тўгрисида»ги ва бошқа қонунларида белгиланган тартибда иштирок этишмоқда.

МДҲ давлатларининг хуқуқбузарликлар профилактикасини тартибга солувчи қонунлари таҳлилига таянадиган бўлсак, Украина ва Ўзбекистон Республикасининг «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўгрисида»ги қонунларида «хуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси» тушунчасига таъриф берилган. Украина Республикасининг «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўгрисида»ги (2006 йил май) қонунига кўра, хуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси – бу оммавий ёки шахсий хуқуқбузарлик қурбони бўлиш имкониятини юзага келтирувчи омилларни аниқлаш, бартараф этиш ёки зарарсизлантиришга йўналтирилган ўзаро боғланган, ташкилий таъминланган давлат, жамият ва шахсий даражадаги чора-тадбирлар тизимиdir.

Юқоридаги таърифларни ўрганиш уларнинг мукаммал ишлаб чиқилмаганлигини кўрсатмоқда. Бунга қуйидаги бир қанча асосларни келтириш мумкин:

– хуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўгрисида»ги қонунда назарда тутилган икки турдаги – маъмурий ва жиноий – хуқуқбузарликдан жабрланишнинг олдини олиш ҳамда жабрланувчиларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштиришга қаратилиши лозим;

– хуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси ижтимоий институтлар фаолияти эмас, балки қонун билан мустаҳкамланган ва маҳсус ваколатга эга бўлган давлат органлари ва муассасаларининг фаолиятидир;

– хуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси обьекти хуқуқбузарликлардан жабрланувчилар ҳамда ўзининг ижтимоий, биофизиологик, руҳий ва бошқа

ҳолатларига кўра жабранишга мойиллиги юқори шахслар, шунингдек жабранишни келтириб чиқарувчи сабаб ва шароитлар ҳамда омиллар бўлиши лозим;

– берилган таърифларда фақат умумий ва маҳсус чора-тадбирлар назарда тутилган, ваҳоланки «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунда ижтимоий, иқтисодий, хуқуқий, ташкилий, тиббий, психологик, педагогик чора-тадбирлар ҳам белгиланган.

Таҳлиллардан келиб чиқсан ҳолда «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг 43-моддасини қуидаги таҳтирида баён этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

43-модда. Хуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси тушунчаси

Хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассасаларнинг ўзининг гайриижтимоий хулқ-автори туфайли хуқуқбузарликдан жабраниш эҳтимоли бўлган, хуқуқбузарликлардан жабрланган шахсларни, шунинг-

дек ҳуқуқбузарликлардан жабранишни келтириб чиқарувчи виктим омиллар, ҳолатлар, вазиятлар ҳамда сабаблар ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш орқали шахсларнинг хуқуқбузарликлардан жабраниш хавфини камайтириш мақсадида қўлланиладиган хуқуқбузарликлар виктимологик профилактикасининг умумий, маҳсус, якка тартибдаги хуқуқий, ижтимоий, ташкилий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа чора-тадбирлари тизимиdir.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, хуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси ўзининг гайриижтимоий хулқ-автори ёки жисмоний-физиологик ҳолати ёхуд ҳаётдаги турли вазиятлар ва омиллар билан боғлиқ ҳолда жисмоний шахснинг хуқуқбузарликдан жабранишининг олдини олишга, шунингдек хуқуқбузарликлардан жабранишни юзага келтирувчи омилларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга йўналтирилиши лозим.

¹ Давлат ва хуқуқ асослари / А. Сайдов, У. Таджиханов, Х. Одилқориев. – Т., 2012. – Б. 45.

² Исмаилов И., Саитқулов Қ.А. Хуқуқбузарликлар виктимологик профилактикаси чора-тадбирлари: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Т., 2015. – Б. 54–66.

³ Ўзбекистон Республикасининг «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги 2014 йил 14 май қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.

⁴ Ҳўёжақулов С. Б. Хуқуқбузарликлар умумий профилактикасини такомиллаштириш (ички ишлар органлари мисолида): Юрид. фан. бўйича фалсафа д.ри ... дис. автореф. – Т., 2018. – Б. 20.

⁵ URL: <https://ru.m.wikipedia.org>.

⁶ URL: <https://ru.m.wikipedia.org>.

⁷ Ҳўёжақулов С. Б. Хуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси (ички ишлар органлари мисолида): Юрид. фан. бўйича фалсафа. д.-ри ... дис. автореф. – Т., 2018. – Б. 17.

⁸ Российская юридическая энциклопедия. – М., 1999. – С. 137.

⁹ Ўзбек тилининг изоҳли лугати. Ж.П. – Т., 2006. – Б. 316.

¹⁰ Бумаженко Н. И. Виктимология. – Т., 2010. – С. 115.

¹¹ Антонян Ю. М. Криминология: Избранные лекции. – М., 2004. – С. 122.

¹² Ривман В. Криминальная виктимология. – СПб., 2002. – С. 304.

¹³ Бумаженко Н. И. Кўрсатилган асар. – М., 2010. – Б. 102.

¹⁴ Криминология / Под ред. проф. В. Д. Малкова. – М., 2004. – С. 88.

¹⁵ Квашис В. Е. Основы виктимологии. – М., 1999. – С. 42.

¹⁶ Батафсил маълумот учун қаранг: Саитқулов Қ. А. Ички ишлар органларининг хуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикасининг асосий йўналишари: Илмий рисола. – Т., 2019. – Б. 65.

III. М. Убайдуллаев,

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси криминология кафедрасининг ўқитувчиси

ЭКСТРЕМИЗМ ВА ТЕРРОРИЗМ ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация. Ушбу мақолада экстремизм ва терроризмнинг олдини олиш фаолиятни такомиллаштириш масалалари, жумладан диний экстремизм ва терроризм профилактикасига қаратилган ҳуқуқий, ижтимоий ва ташкилий чора-тадбирлар ёритилган.

Таянч сўзлар: диний экстремизм, терроризм, эгоцентризм, ахлоқизлик, мафкура, гоявий кураш, ахборот хурожлари, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси.

Вопросы совершенствования профилактики терроризма и экстремизма

Аннотация. В данной статье освещены вопросы совершенствования деятельности по профилактике религиозного экстремизма и терроризма, в том числе, правовые, социальные и организационные методы осуществления мероприятий, направленных на профилактику религиозного экстремизма и терроризма.

Ключевые слова: религиозный экстремизм, терроризм, эгоцентризм, безнравственность, идеология, идейно-информационная борьба, профилактика правонарушений.

Issues of improvement of prevention extremism and terrorism

Annotation. This article highlights the issues of improving the prevention of religious extremism and terrorism, including legal, social, organizational and peculiar aspects of the system of other events. The author has developed a number of proposals and recommendations on improving the prevention of religious extremism and terrorism.

Keywords: Prevention of religious extremism and terrorism, religious extremism and terrorism, egocentrism, immorality, ideological, ideological and informational assassination attempts, prevention of offenses.

Ҳар қандай ҳуқуқий демократик давлатда инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш давлатнинг қонунларида мустаҳкам белгилаб қўйилади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида: «Ҳамма учун виждан эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қиласлик ҳуқуқига эга. Диний қараашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди»¹, деб белгилаб қўйилган. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майдаги «Виждан эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги, 2018 йил 30 июлдаги «Экстремизмга қарши кураш тўғрисида»ги қонунларида ҳам бу ўз ифодасини топган. 2018 йил 28 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожатномасида хотин-қизлар

ва ёшларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қуватлашни янада кучайтириш лозимлиги таъкидланди. Мамлакатимиз ахолисининг қарийб ярмини ёшлар ташкил этиши, уларнинг турли радикал ва заарли ғоялар таъсирига тушиб қолишига йўл қўймаслик асосий вазифа ҳисобланишини қайд этиб ўтган эди².

Афсуски, ҳозирда дунёнинг кўплаб мамлакатлари терроризм ва экстремизм балосидан азият чекмоқда. Бугунга қадар содир этилган террорчилик хурожлари натижасида қанчадан-қанча бегуноҳ инсонлар ҳаётдан эрта кўз юмдилар. Экстремизм ва терроризм бутун дунё ҳамжамиятини ларзага solaётган энг даҳшатли ва чегара билмас жиноятдир. Бу каби жиноятлар республикамиз ҳудудида ҳам содир этилганлиги, ёшларни тўғри йўлдан адаштириб, ўзларининг жиноий фаолиятларини амалга

ошириш учун даъват этаётгани ҳам ушбу жиноятларнинг ижтимоий хавфи нақадар юқори эканлигини кўрсатмоқда. Дунёда экстремизм, терроризм, одам савдоси соҳасидаги жиноятлар кўрсаткичи жадал суръатларда ошиб бормоқда. Маълумотларга қаранганд, сўнгти йилларда содир этилган 1787 та экстремистик ва террорчиллик ҳаракатлари оқибатида 13759 нафар инсон ҳалок бўлган, 16683 нафар инсон жароҳатланган³.

Мазкур жиноятларни содир этаётган ёки жиноятни содир этишга ундаётган шахслар диндан фойдаланиб, ислом динида йўқ амал ва таълимотларни рўйиҳа қилиб, инсонларни йўлдан адаштирумокда.

Таъкидлаш керакки, инсон ҳаётда динсиз, эътиқодсиз ёки маънавиятсиз яшай олмайди. Зоро, сув ва ҳаво инсонинг жисмоний эҳтиёжи бўлганидек, дин ва эътиқод унинг табиий-руҳий эҳтиёжидир. Бироқ ҳозирги кунда диннинг маъно ва мазмунини тўғри тушунмаслик, англамаслик, уни тўғри тарғиб этмаслик, муқаддас Куръони карим ва ҳадислардаги сўзлар маъносини бузиб, ўзларининг бузгунчилик йўлида фойдаланиш ҳолатлари ҳам мавжуд. Диний эътиқоддек гоят бебаҳо туйгуни топтаб, ундан гараз мақсадлар йўлида фойдаланиш жуда аянчлидир.

Бугун Яқин Шарқ мамлакатлари ёки кўшни Афғонистонда содир бўлаётган қонли урушлар, қирғинбаротларни кўриб, улардан хулоса чиқарган ҳолда яшашимиз, мана шу буюк заминимизни ҳар қандай ташқи ёвуз кучлардан асраршга доимо тайёр туришимиз, тинч-осойишта ҳаётимизнинг қадрига етиб яшашимиз талаб этилади. Фуқароларни, айниқса, ёшлар ва вояга етмаганларни турли ёт гоялардан, «оммавий маданият хуруж»ларидан, экстремистик гоялар таъсирларидан асрарш долзарб вазифалардан биридир.

Ҳозирги кунда инсоният ҳаёти турли хавф-хатарлардан холи эмас. Жаҳон миқёсида экстремизм, ҳалқаро терроризм, эгоцентризм, ахлоқсизлик каби бузгунчи гоялар янги, XXI аср технологиялари билан куролланган ҳолда тарғиб этилмоқда. Гарчи, шакл ва уни содир этиш усувлари ўзгариб,

турли номларда аталаётган бўлса-да, уларнинг замирида гараз мақсадлар ётибди. Шу боис бошқаларнинг тинчини бузиш, барқарор тараққиётга ғов бўлишга йўналтирилган ҳамда миллий манфаатларга қарши қаратилган бундай ишларни вайронкор ишлар деб айтиш ўринлидир.

Хўш, мафкуравий, гоявий ва информацион хуружлардан, терроризм ва экстремизмдан ҳимояланишнинг қандай йўллари мавжуд? Албатта, бу аҳолининг ижтимоий-сиёсий саводхонлигини ошириш, мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгаришларга нисбатан фуқароларда даҳлдорлик ҳиссини уйготиш, шунингдек миллий қадриятларимиз ва анъаналаримизга асосланган мустаҳкам сиёсий, маънавий, маърифий, мафкуравий иммунитетни шакллантириш кабилардир. Бугунги кунда замонавий ҳалқаро терроризм, экстремизм, айрмачилик ва наркобизнеснинг фаолият қўлами кенгайиб бормоқда. Бундай кучлар мақсадга эришишнинг ўта қабиҳ усул ва воситаларини ишга солмоқда. Бу таҳдидларга ўзаро боғлиқ бўлган ҳодисалар сифатида қараш лозим, чунки улар «бир томирдан озиқланмоқда». Бу кучларнинг ортида турганлар эса ўз режа ва хатти-ҳаракатларининг мувофиқлаштирилганини намоён этмоқда.

Ачинарли томони шундаки, бундай ҳаракатларни содир этишга ёллаётган диний экстремистлар ёшларга динни ўргатиш баҳонасида уларнинг онгини экстремистик гоялар билан заҳарламоқдалар⁴.

Айтиш жоизки, ҳозирги кунда бутун дунё муаммосига айланган экстремизм жамият хавфсизлигига, барқарорликка, олиб борилаётган ислоҳотларга, фуқароларнинг ҳаёти, соглиги ҳамда конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига ҳеч қаҷон бугунгидек катта хавф тутдирмаган. Жамиятда тинчлик ва хавфсизликка, бошқарув тартибига, жамоат хавфсизлигига қарши жиноятларнинг сабаблари мажмуида экстремизм асосий ҳалқалардан бири бўлиб қолмоқда⁵.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев айтганидек, «биз бугунги кунда ижтимоий-маънавий ҳаётимизни ривожлантириш борасида амалга ошираётган ишларимизни янги босқичга қўтаришимиз, бунинг учун давлатимиз ва жамиятимизнинг барча куч ва имкониятларини сафарбар этишимиз шарт. Чунки ҳозирги вақтда дунё миқёсида ҳукм сураётган таҳликали вазият, сиёсий ва иқтисодий инқизорзлардан ташвишга тушмаётган бирорта давлат ёки жамият йўқ десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди»⁶.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги кунда экстремистлар ўз мақсадларига эришиш учун ўта хавфли йўлни, яъни террорчиликни танлашмоқда. Маълумки, террорчилик экстремизмга сиёсий мақсадларни амалга ошириш учун, ҳокимиятни ўз қўлига олиш учун қўл келади. Шу боис, экстремистлар жиноятчиликнинг энг жирканч шаклларидан бири – терроризмдан, шу жумладан халқаро терроризмдан ҳам фойдаланадилар⁷.

Кузатишлар ва жиноятчиликка қарши кураш амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, ҳозирги кунда экстремистик ташкилот ва оқимлар ўз мақсадларига эришиш учун асосан ҳали онги шаклланиб улгурмаган, тажрибасиз ёшларни тузогига илинтиришга, турли йўллар билан уларнинг миясини заҳарлаб, ўз халқи, ўз юртига қарши ғанимга айлантиришга жон-жаҳди билан, ҳеч қандай маблагни аямай ҳаракат қилмоқдалар.

Таассуфки, жамиятда ана шундай тоифадаги фуқароларни аниқлаш, уларнинг қилмишларини фош этиш борасида лоқайдлик, бепарволик кайфияти билан яшаётган инсонлар жуда кўплаб топилади. Зеро, машҳур файласуфлардан бири ана шу ҳаётий ҳақиқатни чуқур таҳлил этиб, қуйидаги ҳаққоний фикрларни баён қилган: «Душманингдан кўрқма – нари борса, улар сени ўлдириши мумкин. Дўстлардан кўрқма – нари борса, улар сенга хиёнат қилиши мумкин. Бефарқ одамлардан кўрқ – улар сени ўлдирмайди ҳам, сотмайди ҳам, фақат уларнинг жим ва бепарво қараб туриши

туфайли ер юзида хиёнат ва қотилликлар содир бўлаверади». Шу боисдан фуқароларда, айниқса, ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш орқали ёт foялар кириб келишининг олдини олиш ва уларга қарши курашишга қаратилган чоратадбирлар мажмуини ўз ичига оладиган мафкуравий профилактикани амалга ошириш талаб этилади. Мазкур профилактика ижтимоий институтлар томонидан хилма-хил шаклларда амалга ошириладиган гоявий-тарбиявий, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий ишлар мажмуини тўгри ташкил этишга қаратилган тарбиявий тизимни қамраб олиши лозим.

Экстремизм ва терроризмнинг олдини олиш фаолиятини янада такомиллаштириш учун қўйидаги профилактик чоратадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

– фуқаролар, айниқса, ёшлар ўртасида экстремизм ва терроризмнинг профилактикасига доир давлат, ҳудудий ва соҳавий дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

– экстремизм ва терроризмнинг ижтимоий хавфи, салбий оқибатларини, сабабларини, содир этилишига имкон берадиган шарт-шароитларни ҳамда уларни бартараф этиш, шу жумладан огоҳлик ва ҳүшёрликни таъминлаш юзасидан амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирларни аҳоли ўртасида мунтазам равишда тарғиб қилиш;

– тақиқланган диний мазмундаги адабиётларни тайёрловчи ва тарқатувчи шахслар, уларнинг жиноий алоқалари, шунингдек жиноятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш чораларини кўриш;

– ички ишлар органларининг профилактик ҳисобда турувчи диний экстремистик оқим аъзоларининг хулқ-атвори, оиласиий аҳволи, алоқалари, кундалик фаолиятини мунтазам назорат қилиш;

– экстремистик оқим тарафдорларининг таъсирига тушиши мумкин бўлган ёшларни аниқлаш ва уларнинг бундай таъсирга туш-маслигини таъминлаш борасида таълим

муассасалари, маҳалла, фуқаролар йигинлари, жамоатчилик вакиллари, ёшлар иттифоқи, фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ҳамкорлик қилиш;

— экстремизм ва терроризм билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик ва жиноятларни содир этган, жиноий жазони ўтаб қайтган ва шунга мойил бўлган шахслар билан тарбиявий-профилактик ишларни кучайтириш;

— экстремизм ва терроризмнинг салбий оқибатлари, сабаблари ва келиб чиқишига имкон берган шарт-шароитлар тўғрисида аҳоли, таълим масканлари, корхона, муассаса ва ташкилотларда ҳуқуқий тарғибот ишларини доимий равишда ташкил этиш ва ўтказиш;

— фуқароларни экстремизм ва терроризмдан ҳимоялаш мақсадида психологияк таъсирга эга бўлган роликлар тайёрлаш ва оммавий ахборот воситалари орқали аҳолини хабардор қилиб бориш;

— файриижтимоий ҳулқ-атвордаги шахслар, бундай ҳуқуқбузарлик ва жиноятларни содир этган ва содир этишга мойил бўлганларни жамоатчилик назоратига олиш;

— экстремизм ва терроризм профилактикасининг замонавий усуллари бўлган

videoroliklar, аҳолини огоҳлик ва хушёрликка ундовчи адабиётларни тайёрлаш ва тарқатиш ва ҳ.к.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, дунё миқёсида турли қўринишлардаги можаро ва зиддиятларнинг кучайиши, халқаро уюшган жиноятчилик ва экстремизмнинг ўсиши, наркотикларнинг ноқонуний айланиши, айрим давлатлардаги сиёсий барқарорлик ва фуқаролар учун хавфли бўлган бошқа зиддиятлар авж олаётганини таъкидлаб ўтиш зарур.

Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, «халқаро тероризм, экстремизм, наркотрафик, диний қарама-қаршилик, ноқонуний миграция, одам савдоси, экологик муаммолар, айрим минтақаларда иқтисодий ноҷорлик, ишсизлик, қашшоқлик, кучайиб бораётгани бутун инсониятни қаттиқ ҳавотирга солмоқда. Ана шундай ўта мураккаб ва қалтис шароитда қандай йўл тутиш, қандай қилиб тинчлик ва осойишталиктни сақлаш, барқарор ривожланишни таъминлаш мумкин деган савол барчамизни жиддий ўйлантириши зарур»⁸.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. — Т., 2018.

² Каримов А. Экстремизм – башарият душмани // Postda. – 2019. – 16 февр. – №14. – Б. 8.

³ URL: vawilon.ru/statistika-terrorizma/#statistika-terrorizma-v-mire.

⁴ Абдуллајонов О. Диний ақидапарстликнинг келиб чиқиши, моҳияти ва Ўзбекистонга кириб келиши. – Т., 2000. – Б. 47.

⁵ Исмаилов И., Мамадалиев У. Диний экстремизм ва у билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш муаммолари: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент Ислом университетининг илмий-таҳдилий ахбороти. – Т., 2003. – № 4. – Б. 50-53.

⁶ Мирзиёев Ш. М. Ватанимиз тақдири ва келажаги йўлида янада ҳамжиҳат бўлиб, қатъият билан ҳаракат қиласайлик // Халқ сўзи. – 2017. – 16 июнь.

⁷ Қодиров А. Диний экстремизм – сиёсий ҳодиса // Экстремизм, терроризм, гуруҳий ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш муаммолари: Илмий-амалий анжуман материаллари. – Т., 1999. – Б. 9.

⁸ Мирзиёев Ш. М. Ватанимиз тақдири ва келажаги йўлида янада ҳамжиҳат бўлиб, қатъият билан ҳаракат қиласайлик // Халқ сўзи. – 2017. – 16 июнь.

С. Б. Хўжакулов,

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ҳуқуқбузарликлар профилактикаси кафедрасининг доценти, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD);

С. Ш. Мамадалиев,

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Юридик табминлаш бошқармасининг етакчи инспектори

ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР УМУМИЙ ПРОФИЛАКТИКАСИ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТИЗИМИНИНГ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАҲЛИЛИ

Аннотация. Мақолада ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикаси чора-тадбирлари тизими, уларни қўллаш тартиби таҳлил қилинган, ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикаси чора-тадбирларининг самарадорлигини оширишга доир таклиф ва тавсиялар берилган.

Таянч сўзлар: ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикаси, профилактик чора-тадбирлар, ҳуқуқий тарғибот, ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурлари ва бошқа дастурлар.

Научно-практический анализ системы мер общей профилактики правонарушений

Аннотация. В статье анализируется система мер общей профилактики правонарушений, порядок их применения, выдвинуты предложения и рекомендации по повышению эффективности мер общей профилактики правонарушений.

Ключевые слова: общая профилактика правонарушений, меры профилактики, правовая пропаганда, государственные и иные программы профилактики правонарушений.

Scientific and practical analysis of the system of measures for general prevention of offenses

Annotation. The article analyzes the system of measures for the general prevention of offenses and their basis, the procedure for application, the proposed proposal and recommendations for the effectiveness of measures for the general prevention of offenses.

Keywords: general prevention of offense, preventive measures, legal propaganda, state and other crime prevention programs.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ҳар бир тури ўз мақсади, вазифаси, хусусиятлари ва афзалликлари асосида ишлаб чиқилган профилактик чора-тадбирлар тизимига эга. Мазкур чора-тадбирлар ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг самарадорлигини кафолатлади. Зеро, «чора-тадбирлар» тушунчасининг этимологик мазмуни ҳам фикримизни тасдиқлайди.

«Ўзбек тилининг изоҳли лугати»да «чора» тушунчасига – «бирор ишни, мақсадни амалга ошириш, рўёбга чиқариш ёки унинг олдини олиш учун пухта ўйлаб тузилган, ишлаб чиқилган тадбирлар мажмую» деб, «тадбир» тушунчасига эса «мақсадни амалга ошириш йўлидаги иш, хатти-ҳаракатнинг ўзи», «маълум мақсадда ташкилий равишда амалга ошириладиган

(бажариладиган) иш ёки ишлар»¹ сифатида изоҳлар берилган.

Кўриниб турибдики, «чора» ва «тадбир» сўзларининг лугавий маъноси бир-бирига яқин бўлиб, бири иккинчисини тўлдиради. Шу боисдан аксарият ҳолларда улар «чора-тадбир» деб, бир бутун тушунча тариқасида кўлланади.

Демак, ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасининг чора-тадбирлари ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикаси амалга оширишда кўзланган мақсадга эришиш йўлида пухта ўйлаб, ишлаб чиқилган тадбирлар, хатти-ҳаракатлар мажмуидир.

Бироқ Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 май куни қабул қилинган «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунини таҳлил қилиш натижаси

лари унинг 23-моддасида берилган ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси чора-тадбирларини «кўзланган муайян мақсадга эришиш йўлида пухта ўйлаб, ишлаб чиқилган тадбирлар, хатти-ҳаракатлар мажмуи» деб ҳисоблашга монелик қиласди.

Чунончи, қонунда ҳам, қонуности хужжатларда ҳам ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасининг аниқ мақсади шакллантирилмаган. Буни қонуннинг 22-моддасида «ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикаси»га берилган таърифда ҳам кузатиш мумкин. Унга кўра, «ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси – ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасаларнинг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш бўйича фаолияти»dir.

Ваҳоланки, ҳуқуқбузарликларнинг маҳсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикаси турлари ҳам ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг сабаблари ҳамда содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этишга йўналтирилади.

Айнан шунинг учун ҳам Қонуннинг 23-моддасида ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикаси чора-тадбирларининг қуидаги оддий ва содда тизими шакллантирилган:

- ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;
- аҳоли ўртасидаги ҳуқуқий тарғибот;
- ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш ҳамда бу ҳақда тақдимномалар киритиши.

Ушбу тизимни оддий ва содда деб изоҳлашимизга сабаб шуки, унда ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасининг хусусиятлари ва афзалликларига эътибор

қаратилмаган. Қолаверса, Қонуннинг 3-моддасида «ҳуқуқбузарликлар профилактикаси»га берилган таърифда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлар тизимидан иборатлиги кўрсатилган бўлсада, айни пайтда ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикаси чора-тадбирлари ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлар мазмунини тўлиқ қамраб олмаган.

Бироқ мазкур тизим қанчалик оддий ва содда бўлишига, шунингдек «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонун қабул қилинганидан бўён беш йил вақт ўтганига қарамасдан, ҳанузгача Ўзбекистонда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш мақсадини кўзлаб, ушбу соҳага доир давлат миқёсида ёки ҳудудий дастур ишлаб чиқилиб, ижтимоий ҳаётга татбиқ этилишида бир қатор муаммолар мавжуд. Бу каби муаммоли ҳолатларни ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасининг бошқа чора-тадбирларида ҳам кузатиш мумкин.

Мисол учун, қонунда ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасининг чора-тадбири сифатида кўрсатиб ўтилган. У ҳолда ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг бошқа турида ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитлар аниқланмайдими ёки бартараф этилмайдими, деган савол туғилади.

Аниқланади ва бартараф этилади. Аммо ушбу сабаб ва шароитларнинг ҳисоби марказлаштирилган ҳолда юритилиши, таҳлил қилиниши ҳамда улардан ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг барча турларида кенг ва унумли фойдаланилиши «ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш»ни ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси чора-тадбири сифатида эътироф этишга асос яратади.

Юқоридагилардан ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактик чора-

тадбирлари тизими айни пайтда тор доирада шакллантирилган ва бу умумий профилактика канинг мақсадига эришиш имкониятини чеклади, деган холосага келиш мумкин. Баъзи олимлар, хусусан, К.Е.Игошев² умумий профилактика иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, давлат-хуқуқий, ижтимоий-психологик ва маданий-тарбиявий чоралардан иборат бўлиши лозим деб ҳисоблайди. Бу фикрни М.Қ.Ўразалиев³ ҳам маъқуллайди. Бу эса ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасини кенг маънода талқин этиш лозимлигини англатади.

Назаримизда, ушбу муаммони ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасининг чора-тадбирлари тизимини ташкилий, ҳуқуқий, мағкуравий, маънавий-ахлоқий, маданий-маърифий, ижтимоий, иқтисодий, тарбиявий, тиббий, психологик чора-тадбирлар доирасида шакллантириш орқали бартараф этиш мумкин. Қуйида уларнинг айримларини кўриб чиқамиз.

Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасининг ташкилий чора-тадбирлари мазкур йўналишдаги фаолиятни режалаштириш, тадбирлар уюштириш, фаолиятни назорат қилиш, ҳисботларни юритиш, улардан фойдаланиш, ишларни ташкил қилиш ва мувофиқлаштириш кабиларни қамраб олиши лозим. Шу боис қўйидагиларни ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасининг ташкилий чора-тадбирлари сифатида киритиш таклиф этилади:

- 1) ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берадётган шарт-шароитларни аниқлаш, ҳисбини юритиш, таҳлил қилиш ва бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;
- 2) ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат, худудий, соҳавий ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;
- 3) «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни»ни режалаштириш, ташкил этиш ва амалга ошириш;
- 4) ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг фаолиятини ташкил этиш,

мувофиқлаштириш, назорат қилиш ва услубий таъминлаш;

5) ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш учун тегишли мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

6) ҳуқуқбузарликларга муросасизлик маданиятини шакллантириш, ҳуқуқий нигилизмга барҳам бериш ва фуқароларнинг қонунга итоаткорлик хулқ-авторини оммалаштиришга қаратилган, шу жумладан ички ишлар органлари таянч пунктлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда бошқа давлат идоралари ва ташкилотларида «очиқ эшиклар куни» ташкил этиш орқали тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш;

7) қонунийликнинг аҳволи ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича чора-тадбирларнинг самарадорлигини атрофлича муҳокама қилиш учун жойларда, биринчи навбатда, криминоген вазият номақбул бўлган худудларда фуқароларнинг сайёр қабулларини ҳамда давлат идоралари ва ташкилотлари вакилларининг аҳоли билан учрашувларини ташкил этиш;

8) ижтимоий жиҳатдан муҳим бўлган суд муҳокамалари бўйича сайёр суд мажлислари ўтказиш;

9) аҳоли турмушининг ижтимоий-иқтисодий шароитларини ўрганиш, ҳуқуқбузарлик содир этилишига имкон берадиган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида уйма-уй юришларни ташкил этиш;

10) ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида давлат идоралари ва ташкилотлари раҳбарларининг ҳисботларини эшитиш.

Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасининг ҳуқуқий чора-тадбирлари ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир қонун хужжатлари ишлаб чиқиш, уларнинг ижросини таъминлаш, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берадётган шарт-шароитларни бартар-

раф этиш кабилардан иборат бўлиши даркор. Бу эса қуидагиларни ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасининг ҳуқуқий чоратадбирлари тариқасида шакллантиришни талаб этади:

- 1) фуқароларни жиноят содир этишдан тийилишга мажбур қилувчи ёки ундан ихтиёрий қайтишга, жиноятчиликка қарши кураш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасида фаол иштирок этишга ундовчи қонун ва қонуности ҳужжатларини ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва ижрога йўналтириш;
- 2) ҳуқуқий тарғибот;
- 3) ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимномалар киритиш ва уларнинг ижросини таъминлаш;
- 4) ҳуқуқбузарлик ёки файриижтимоий қилмишнинг содир этилиш ҳолатини ушбу ҳуқуқбузарлик ёки файриижтимоий қилмиш содир этилган куннинг эртасига муҳокама қилиш;
- 5) маҳсус телекўрсатув ва радиоэшитиришларда давлат идоралари ва ташкилотлари вакиллари, жамоатчилик иштирокида жойларда жиноятчиликнинг аҳволи, ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитлар, жиноятларни фош этиш ва айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш бўйича ишларнинг натижаларини муҳокама қилиш;
- 6) ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш масалалари бўйича оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан Интернет тармоғида мақолалар, шарҳлар ва бошқа материаллар чоп этилишини ташкил қилиш.

Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасининг мафкуравий чора-тадбирлари. Ҳозирги даврнинг муҳим хусусиятларидан бири кишиларнинг онги ва қалбини эгаллаш учун курашнинг кучайланлитидир. Одамларнинг тафаккури, онги, дунёқарашини эгаллашга уринишлар кўпроқ мафкура майдонида амалга оширилмоқда. Шу боис барча даврларда мафкура қудратли куч сифа-

тида буюк маданият шаклланишида муҳим роль ўйнаган. Шунинг учун ҳам у ўзининг долзарблигини ҳеч қачон йўқотмайди. Айниқса, «манфаатлар тўқнашуви» тобора авж олаётган ҳозирги пайтда у шаклшамойилини тез-тез ўзгаририб, ҳар бир шахсни шиддат билан ўз таъсирига олмоқда. Чунки ҳар қандай стратегия, қанчалик асосланган, пухта ишлаб чиқилган бўлмасин, мафкурасиз натижа бермайди. Бугунги кунда қудратли давлатлар ўз манфаатларини қондиришда мафкурадан муҳим механизм сифатида фойдаланаётганлигининг боиси ҳам шундаги⁴.

Мафкура ва мафкуравий майдонларнинг долзарблиги юзасидан Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов: «Бугунги кунда одамзод маълум бир давлатлар ва сиёсий кучларнинг манфаатларигагина хизмат қиласидиган, олиси яқин манбалардан тарқаладиган, турли маъно-мазмундаги мафкуравий кучларнинг таъсирини доимий равишда сезиб яшайди. Ахборот асри, электроника асри деб аталган XX асрнинг ниҳоясида — бугунги давримизда бу таъсиrlардан холи бўлиш деярли имконсизdir. Таъбир жоиз бўлса, айтиш мумкини, бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларига нисбатан ҳам кўпроқ кучга эга. Энг қизиги, шу билан бирга, кишини доимо огоҳ бўлишга ундовчи томони шундаки, агар ҳарбий, иқтисодий, сиёсий тазиик бўлса, буни сезиш, кўриш, олдини олиш мумкин, аммо мафкуравий тазиик, унинг таъсири ва оқибатларини тезда илгаб этиш ниҳоятда қийин»⁵, — деб таъкидлаган эди.

Дарҳақиқат, мамлакат ва миллат тақдирни билан боғлиқ жараёнларда фуқароларнинг тоза эътиқод, ҳушёрлик ҳамда масъулият билан ҳаракат қилиши, яхшини ёмондан, аслни соҳтадан фарқлай олиши маънавият даражасининг мезони сифатида майдонга чиқади. Бунинг учун мафкуравий чора-тадбирларни ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикаси чора-тадбирлари тизимиға киритиш, уларни амалга ошириш орқали

аҳолининг, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлоднинг таълим-тарбиясига жиддий эътибор қаратиш талаб этилади. Ана шундагина ҳеч қандай ёт гоя ва мафкура улар онгига таъсир эта олмайди, ҳуқуқбузарликларнинг олди олиниади.

Мазкур фикрлар ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасининг мафкуравий чора-тадбирлари тизимини қўйидагича шакллантиришга асос яратади:

1) аҳоли онгига миллий мафкурунинг мазмунини сингдириш орқали ҳар бир фуқаро, давлат хизматчисида миллий гуур, ватанпарварлик ва фидойилик туйғуларини шакллантириш;

2) аҳоли онгига миллий гояларнинг мазмунини сингдириш орқали унинг ҳар бир фуқаро, давлат хизматчиси учун ҳаётий ва қасбий фаолият мезони ҳамда миллий принциплар сифатида тан олинишига эришиш;

3) ҳар бир фуқаро, давлат хизматчисига қонунга итоаткорлик ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишда фаол бўлиш руҳиятини сингдириш ва унинг қадрият даражасига кўтарилишига эришиш;

4) мавжуд мафкуравий таҳдидларни аниқлаш ҳамда аҳолида уларга қарши иммунитетни шакллантириш.

Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасининг маънавий-ахлоқий чора-тадбирлари инсоннинг маънан ва ахлоқан етук бўлиб шаклланишини, ҳуқуқбузарликлар содир этишдан ўзини тийишини кафолатлади. Гарчи, ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасининг маънавий-ахлоқий ҳамда мафкуравий чора-тадбирлари шахснинг шаклланашига бирдек хизмат қилса-да, аммо мазмuni ва йўналиши билан улар бирбиридан фарқланади.

Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасининг маънавий-ахлоқий чора-тадбирлари тизимига қўйидагиларни киритиш тавсия этилади:

1) умуминсоний, миллий, диний, маҳаллий, оиласвий, ҳуқуқий қадриятларни шакллантириш ва мустаҳкамлаш;

2) умумэътироф этилган ахлоқ-одоб нормаларини ишлаб чиқиш ва кенг оммага тарғиб қилиш;

3) фуқароларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан юксалишига хизмат қилувчи кўрсатув, эшигтириш ва мақолалар тайёрлаб, оммавий ахборот воситаларида намойиш қилиш;

4) миллий сериал, кинофильм, мультфильм, спектакль кабиларни инсонда маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш ва ривожлантиришга хизмат қилувчи эпизодлар билан бойитиш;

5) таълим жараёнларида ўқувчиларда маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш ва ривожлантириш учун амалга оширилиши мумкин бўлган намунавий чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ва ш.к.

Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасининг маданий-маърифий чора-тадбирлари. Инсоннинг шаклланишида, ундаги стресс ҳолатларини бартараф этишда, аҳолини, айниқса вояга етмаган, ўсмир ва ёшларнинг бўш вақтини самарали ташкил этишда маданий-маърифий чора-тадбирларнинг ўрни ва роли катта. Бу борада қўйидаги чора-тадбирлар белгиланиши ўринлиdir:

1) республика, вилоят, шаҳар-туман, даҳа, маҳаллалар миқёсида турли фестиваллар, кўрик-танловлар, спорт мусобақалари, бадиий кечалар уюштириш;

2) даҳа, маҳалла, қишлоқ, овулларда маданият саройлари, спорт майдончалари барпо этиш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш;

3) янгидан-янги байрамлар («Ота-оналар куни», «Ака-укалар куни», «Опа-сингиллар куни», «Дўстлар куни», «Оила куни», «Қадриятлар куни» кабилар)ни йўлга қўйиш;

4) аҳолининг дам олишини самарали ташкил этиш.

Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасининг ижтимоий чора-тадбирлари. Мазкур чоралар аҳолининг ижтимоий ҳимоя қилиниши ва қўллаб-қувватланишини таъминлашга йўналтирилади. Уларга қўйидагиларни киритиш мумкин:

1) ижтимоийлашувни амалга ошириш;

2) аҳолининг бандлигини, ҳуқуқбузарликлар ҳамда уларнинг сабаб ва шароитлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолияти борасидаги фикрини ўрганиш;

3) аҳолининг noctor қатламларини ижтимоий ҳимоялаш.

Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасининг иқтисодий чора-тадбирлари. Таҳлиллар аксарият жиноятлар моддий этишмовчилик, кам таъминланганлик, ишсизлик натижасида содир этилишини кўрсатмоқда. Шу боис ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасининг иқтисодий чора-тадбирларини шакллантиришда қуидагиларни инобатга олиш лозим:

1) янги иш ўринлари очиш;

2) иш ҳақи, нафақа ва стипендияларни ошириш;

3) кундалик истеъмол учун зарур озиқовқат ва истеъмол буюмлари нархини барқарорлаштириш ва ҳ.к.

Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасининг тарбиявий чора-тадбирлари. Мальумки, инсоннинг шахс сифатида камол топишида тарбиянинг ўрни катта. Инсонни тарбиялаш эса нафақат ота-она ва таълим муассасаларининг, балки бутун жамиятнинг вазифасидир. Чунки гайриижтимоий, салбий ҳулқ-атворга эга шахс жамият учун хавф тугдиради. Шу боисдан ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасида ушбу йўналишдаги чора-тадбирларни умумжамият миқёсида қуидаги кўринишда белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади:

1) нашр этилаётган китоблар, ишланаётган телекўрсатув, кинофильм, видеофильм, мультфильм, спектаклларни тарбиявий таъсири жиҳатидан цензурадан ўтказиш механизмини яратиш;

2) оммавий аҳборот воситалари орқали аҳолига тарбиявий таъсир кўрсатишга йўналтирилган чиқишлиарни амалга ошириш;

3) вояга етмаганлар ва ёшларнинг тарбиясида «маҳалла — оила — таълим муассасасининг ижтимоий алоқаси» концепциясини ишлаб чиқиш ва амалда самарали кўлланилишини таъминлаш.

◆

Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасининг **тиббий чора-тадбирларини** қуидагича шакллантириш мақсадга мувофиқ:

1) даволаниши қийин, аммо тез ва осон юқадиган касалликлар, инсоннинг соғлиғи ва ҳаётига қарши қаратилган ҳуқуқбузарликлар ҳамда уларнинг сабаб ва шароитларини аниқлаш, ҳисобини юритиш ва бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

2) аҳоли ўртасида санитария-тигиенага оид билимларни тарқатиш бўйича ишларни, шунингдек соғлом турмуш тарзи тарғиб қилинишини ташкил этиш;

3) аҳоли ўртасида мунтазам тиббий текширувлар ташкил қилиш;

4) фуқаролар соғлиғини сақлаш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасида доир дастурлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш;

5) алкогизм, гиёҳвандлик, заҳарвандлик, руҳий касалликлар, ОИВ инфекцияси, таносил касалликлари ва атрофдағилар учун хавф солувчи бошқа касалликларга чалинган шахсларни аниқлаш ва ҳисобини юритиш.

Номақбул турмуш шароитлари таъсирида юзага келган шахснинг салбий, ахлоқий-руҳий хусусиятлари ва ташқи объектив ҳолатларнинг ўзаро таъсири жиноий ҳулқ-атворни вужудга келтириши мумкин бўлиб, бунда салбий ахлоқий-руҳий хусусиятлар ҳал қилувчи роль ўйнайди⁶. Бу эса ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг, хусусан, умумий профилактика психологик чора-тадбирларининг аҳамиятини янада оширади.

Шу боис ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасининг **психологик чора-тадбирларига** қуидагиларни киритиш мумкин:

1) аҳолига психологик ёрдам кўрсатиш тизимини шакллантириш ва ривожлантириш;

2) суицид, шунингдек ҳуқуқбузарликлар содир этилишига сабаб бўладиган руҳий бузилиш ҳолатларини илмий тадқиқ этиш, олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

3) аҳоли ўртасидаги ижтимоий психологияк мұхитни мунтазам равишида ўрганиб бориш, бу борада улар ўртасида ижтимоий сўровлар ўтказиш, сўров натижаларидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат даражасидаги, ҳудудий ва соҳавий дастурлар ишлаб чиқишида фойдаланиш учун таклиф ва тавсиялар тайёрлаш;

4) инсонда биофизологик жиҳатдан ривожланиш ёки ўзгаришлар кечадиган даврларда руҳиятда кузатиладиган бузилишлар натижасида салбий оқибатлар келиб чиқишининг олдини олиш бўйича психологияк чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш.

Ҳар бир чора-тадбирнинг самарадорлиги ва муваффақияти бевосита уни ўтказиш асослари ва тартибининг аниқ ҳамда мукаммал белгиланганлиги билан боғлиқ бўлганидек, ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикаси чора-тадбирлари ҳам ҳудди шундай асос ва тартибга эга бўлмоғи лозим.

Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикаси чора-тадбирларининг илмий-амалий таҳлили уларнинг барчаси ҳам ўтказиш асослари ва тартибига эга эмаслигини кўрсатмоқда.

Мисол учун, ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат даражасидаги, ҳудудий, соҳавий ёки соҳавий-ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиши, тасдиқлаш ва амалга оширишнинг асослари ва тартибини илмий ёки ҳуқуқий манбаларда кузатиш қийин. Айнан шунинг учун ҳам ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасининг мазкур чора-тадбирини амалга оширишда муайян муаммо ва қийинчиликлар мавжуд.

Мазкур муаммони ҳуқуқий тарғиботни амалга ошириш, ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ҳамда содир этилишига имкон берадиган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш, шунингдек бу ҳақда тақдимномалар киритиш ва уларнинг ижросини таъминлашга доир фаолиятда ҳам кузатиш мумкин.

Умуман олганда, «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси

қонуннинг 4-моддасида «ҳуқуқбузарликларнинг сабабларини ва содир этилишига имкон берадиган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш» ички ишлар органлари фаолиятининг асосий йўналиши этиб белгиланган. Бироқ бу борадаги ишлар тўлиқ ҳуқуқий тартибга солинмаган.

Чунончи, гарчи «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонун қабул қилиниб, ушбу соҳада босқичма-босқич кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилиб келаётган бўлса-да, ҳанузгача ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берадиган шарт-шароитларни аниқлаш, ҳисобини юритиш, таҳлил қилиш ва бартараф этишнинг ҳуқуқий механизми яратилмасдан, бу борадаги илмий-амалий муаммолар долзарблигича қолиб келмоқда. Ушбу масала Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2017 йил 14 март) ПҚ-2833-сон қарорида ҳам танқидий баҳоланиб, унга «ҳуқуқбузарликларнинг тизимли равишида содир этилишига доир сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлари ишлаб чиқиш самарадорлиги мавжуд эмаслиги кутилаётган натижаларни бермаяпти» деган мазмунда изоҳ берилган.

Мазкур йўналишдаги **муаммоларни** қўйидагиларда кузатиш мумкин:

1) ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берадиган шарт-шароитларни аниқлашнинг назарий асослари, мақсад ва вазифалари, ҳуқуқий тартиби етарлича ишлаб чиқилмаган ва амалиётта татбиқ этилмаган;

2) аниқланган ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берадиган шарт-шароитларнинг марказлаштирилган ҳисобини юритишнинг ҳуқуқий тартиби ишлаб чиқилмаган;

3) ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берадиган шарт-шароитларнинг таҳлили кимлар томонидан,

қайси ҳолатларда, нима мақсадларда амалга оширилишига доир ҳуқуқий тартиб мавжуд эмас;

4) ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берадиган шарт-шароитларни бартараф этиш чора-тадбирлари етарлича ишлаб чиқилмаган, қолаверса, бу борада амалдаги қонунчиликда коллизион ҳолатлар мавжуд;

5) ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берадиган шарт-шароитларни бартараф этиш усул ва шаклларига доир илмий-амалий қоидалар етарлича ишлаб чиқилмаган;

6) ислоҳотлар давомида ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берадиган шарт-шароитларнинг бартараф этилишини таъминлаш юзасидан амалиётта янгидан-янги профилактик чора-тадбирлар татбиқ этиб келинаётган бўлишига қарамасдан, ушбу чора-тадбирларни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизми яратилмай келмоқда.

Мазкур муаммоларни бартараф этиш учун, *биринчидан*, ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасининг мақсади, вазифалари ва афзалликларига ойдинлик киритиб, унинг ижтимоий-ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлаш; *иккинчидан*, ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикаси чора-тадбирлари доирасини кенгайтириб, самарали тизимини яратиш; *учинчидан*, ҳуқуқбузарлик-

ларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берадиган шарт-шароитларни аниқлаш, марказлаштирилган ҳисобини юритиш ва таҳлил қилишнинг ҳуқуқий механизмини такомиллаштириш; *тўртинчидан*, ҳуқуқбузарликларнинг аниқланган сабаб ва шарт-шароитлари ҳамда ҳуқуқбузар ва ҳуқуқбузарликдан жабрланувчи шахсни ўрганиш натижалари асосида уларга қriminologik ва viktимологик жиҳатдан индивидуал ташхис қўйишнинг назарий-ҳуқуқий асосларини яратиш; *бешинчидан*, ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикаси чора-тадбирларини ўтказишнинг асослари ва тартибини аниқ белгилашни **таклиф этамиз**.

Ўйлаймизки, ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикаси чора-тадбирлари тизимини такомиллаштириш юзасидан илгари сурилаётган ушбу таклифлар, *биринчидан*, ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасининг ижтимоий-ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлашга; *иккинчидан*, ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикаси чора-тадбирлари доирасини кенгайтиришга; *учинчидан*, ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикаси чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва қўллаш самарадорлигини оширишга; *тўртинчидан*, ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикаси чора-тадбирларини ўтказишнинг асослари ва тартибини аниқ белгилашга хизмат қиласди.

¹ Ўзбек тилининг изоҳли лугати / А.Мадвалиев таҳрири остида. – Т., 2006. – Б. 507–508.

² Игошев К.Е. Социальный контроль и профилактика преступлений. – Горький, 1976. – Б. 57.

³ Ўразалиев М.Қ. Оилада вояга етмаганларга қарши содир этиладиган жинсий жиноятларнинг олдини олиш. Диссертация юрид.фналар.номзод. – Т., 2008. – Б. 93.

⁴ Бекчанов С. Мағкура-қудратли қурол // Постда. – 2017. – 27 май. – Б. 10.

⁵ Каримов И.А. Жамиятимиз мағкураси халқни – халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин («Тафаккур» журнали бош муҳаррирининг саволларига жавоблар) // Биз келажагимизни ўз қўнимиз билан курамиз. Т. 7. – Т., 1999. – Б. 46–47.

⁶ Бобоёров М.А. Ёшларни ҳуқуқий тарбиялаш муаммолари // Мустақиллик йилларида юридик фан ва амалиётнинг ривожланиши: Илмий-назарий конф. материаллари. 2-қисм. – Т., 2002. – Б. 49–51.

М. Ж. Эшназаров,

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси олий ўқув юртидан кейинги таълим факультети
таянч докторантурасининг мустақил изланувчиши

ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР МАХСУС ПРОФИЛАКТИКАСИННИГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация. Мақолада хуқуқбузарликлар маҳсус профилактикасининг хусусиятлари таҳдил қилинган, унинг хуқуқбузарликлар профилактикасининг бошқа турларидан фарқловчи хусусиятлари, афзалликлари, профилактик чоралар тизимида тутган ўрни ва роли ёритилган.

Таянч сўзлар: хуқуқбузарликларнинг маҳсус профилактикаси, маҳсус профилактика чора-тадбирлари, хуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасалар.

Особенности специальной профилактики правонарушений

Аннотация. В статье анализируются особенности специальной профилактики правонарушений, раскрывается ее содержание, отличающее данный вид профилактики от других видов.

Ключевые слова: специальная профилактика правонарушений, меры специальной профилактики, органы и ведомства, непосредственно осуществляющие профилактику правонарушений.

Specific features of crime prevention

Annotation. The article deals with the specific features of crime prevention as well as its role and place and discriminating features of prevention from other prevention of crimes.

Keywords: special crime preventions, measures of special crime preventions, bodies directly providing crime preventions and institutions, special preventive operations.

Хуқуқбузарликлар профилактикаси, хусусан, жиноятларнинг олдини олиш криминология фанининг долзарб муаммола-ридан бири ҳисобланади. Бу борада асосий эътибор жиноят ва хуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берувчи шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш юзасидан таъсирчан профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалаларига қаратилади. Зеро, бусиз профилактик чора-тадбирларнинг самарадорлигига эришиб бўлмайди.

Аммо криминологик нуқтаи назардан «жиноят» – ижтимоий-хуқуқий тушунча бўлиб, унинг сабаблари ва содир этилишига имкон берувчи шарт-шароитлар кўп қиррали воқеа-ҳодисалардан таркиб топади. Шу боис криминолог олимлар томонидан жиноятларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар ҳақида турли назариялар ишлаб чиқилган бўлиб, улар мазмуни ва хусусиятлари бўйича таснифланган.

Масалан, айрим юридик адабиётларда жиноятчиликнинг сабаблари ва шарт-шароитлари ҳажми (даражаси) бўйича умунижтимоий, гуруҳий ва шахсий даражадаги сабаб ва шароитларга ажратилади¹.

Жиноят ва хуқуқбузарликларнинг сабаблари ҳамда содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларнинг бундай таснифланиши профилактик фаолиятни ҳам муайян турларга ажратиш заруратини юзага келтиради. Айнан мазкур заруратни инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунининг 6-моддасида хуқуқбузарликлар профилактикасининг умумий, маҳсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактика каби тўртта тури белгилаб қўйилган.

Хуқуқбузарликлар профилактикасининг ҳар бир тури ўз хусусиятлари, афзалликлари, мақсад, вазифа, объект ва субъектларига эга. С.Б.Хўжақуловнинг таъкидлашича, хуқуқбу-

зарликлар профилактикасининг муайян бир тури бошқасидан ўзига хослиги (индивидуаллиги) билан фарқланиши лозим. Аммо миллий қонунчилигимизда мазкур ўзига хосликка эътибор қаратилмаган. Мавжуд мунозарали вазият назарий ва амалий жиҳатдан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси турларини бир-биридан фарқлаш, уларнинг хусусиятларини белгилаб олиш ҳамда бу борада амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисботлар тайёрлаш, уларни таҳлил қилиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини режалаштиришда муайян зиддият ва тушунмовчиликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда².

Дарҳақиқат, «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг³ ҳуқуқбузарликларнинг маҳсус профилактикаси тартибга солинган 24—27-моддаларини ўрганиш ва таҳлил қилиш, мазкур нормалар орқали ҳуқуқбузарликлар маҳсус профилактикасининг моҳияти етарлича очиб берилмаганини кўрсатади. Буни қўйида келтирилган ҳуқуқбузарликлар маҳсус профилактикаси хусусиятларининг мазмунини ёритишга доир фикрларимиз орқали асослаб беришга ҳаракат қиласми.

Қонун ҳужжатлари, илмий адабиётлар ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси амалиёти таҳлилларига асосланиб, ҳуқуқбузарликлар маҳсус профилактикасининг ўзига хос жиҳатлари сифатида қўйидагиларни келтириб ўтиш мумкин.

Биринчиси — ҳуқуқбузарликлар маҳсус профилактикасининг айрим турдаги ҳуқуқбузарликлар, шахслар тоифалари кўпайганда ёки жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига, шахс, жамият ва давлат манфаатларига тажовуз қилувчи хатар ва таҳдидлар юзага келганида амалга оширилиши.

Қонуннинг 24-моддасида ҳуқуқбузарликларнинг маҳсус профилактикасини амалга ошириш асослари сифатида қўйидагилар келтириб ўтилган:

— айрим турдаги ҳуқуқбузарликларнинг, шахслар тоифаларининг (масалан, гиёҳвандлик воситаларининг қонунга хилоф

муомаласи билан боғлиқ жиноятларнинг ошиши, фоҳишалик билан шугулланувчи, фоҳишахона сақловчи ёки қўшмачилик қилувчи шахсларнинг) кўпайиши;

— жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига, шахс, жамият ва давлат манфаатларига тажовуз қилувчи хатар ва таҳдидларнинг юзага келиши (масалан, қуролланган жиноятчиларнинг қидибуви, шубҳали шахсларнинг транспорт воситаларида қочиши каби ҳолатлар).

Шундай ҳолатлар борки, жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига, шахс, жамият ва давлат манфаатларига тажовуз қилувчи хатар ва таҳдидлар юзага келмаса-да, юзага келиш эҳтимоли бўлади (масалан, оммавий тадбирларнинг режалаштирилиши ва ўтказилиши). Бироқ «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунда масаланинг ушбу жиҳатини белгилаш қонун чиқарувчи органнинг эътиборидан четда қолган. Мазкур бўшлиқни тўлдириш учун Қонуннинг 24-моддаси иккинчи қисмини қўйидаги таҳрирда баён этиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз: *«жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига, шахс, жамият ва давлат манфаатларига тажовуз қилувчи хатар ва таҳдидларнинг юзага келиш эҳтимоли мавжудлиги»*.

Иккинчиси — ҳуқуқбузарликлар маҳсус профилактикаси тадбирларининг олдиндан пухта ўйлаб ишлаб чиқилиши, субъектлар ўртасида вазифаларнинг аниқ тақсимланиши, маҳсус профилактик чора-тадбирлар амалга оширилишининг тезкорлиги.

Ҳуқуқбузарликлар маҳсус профилактикаси тезкорлик хусусиятининг моҳияти шундаки, амалга оширилиши лозим бўлган профилактик чора-тадбирлар узвийлиги ва ўзаро алоқадорлигидан келиб чиқсан ҳолда аввалдан тахминий режалаштирилади, баъзи ҳолатларда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари томонидан режали ҳаракатланиш юзасидан ўқув машгулотлари ўтказилади. Натижада, уларда профилактик чора-тадбирларни ўз вақтида, тез ва аниқ бажариш юзасидан амалий кўнникмалар шаклланади. Бу эса ҳуқуқбузарликлар маҳсус профилактикасининг тезкорлигини таъминлайди.

Учинчиси — ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикаси тадбирларининг тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тасдиқланган махсус намунавий режага асосан амалга оширилиши.

Ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикасининг тезкорлигини, аниқроқ айтганда, профилактик чора-тадбирларнинг ўз вақтида, тез ва аниқ бажарилишини таъминлаш учун махсус профилактик тадбирларнинг қатъий, баъзан тавсиявий хусусиятга эга намунавий режаси ишлаб чиқилади. Ушбу режалар ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан тартибга солинади. Буни ички ишлар органлари тизимида амалга ошириладиган «Қорадори», «Арсенал», «Орият», «Тозалаш», «Антитеррор» каби тезкор-профилактик ва махсус тадбирларда кузатиш мумкин.

Бироқ қонун чиқарувчи орган ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикасининг ушбу хусусиятлари билан боғлиқ ҳолатларнинг ҳуқуқий тартибга солинишини эътибордан четда қолдирган. Шу боисдан ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикасининг амалга оширилишини фақат ички ишлар органлари фаолиятида кузатиш мумкин. Бу эса қонун нормалари билан ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактик тадбирлари қачон, қайси ҳолатларда, қайси асосларга кўра, ким томонидан, қандай талабларга кўра, тадбирларнинг қайси жиҳатларини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва режалаштирилиши билан боғлиқ қоидаларнинг белгиланишини талаб этади.

Тўртничиси — ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикаси тадбирларининг айрим турдаги ҳуқуқбузарликларнинг, шахслар тоифаларининг ёки жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига, шахс, жамият ва давлат манфаатларига тажовуз қилувчи хатар ва таҳдидларнинг моҳиятидан келиб чиқсан ҳолда шартли номланиши.

Бугунги кунда ички ишлар органлари фаолиятида махсус тадбирларнинг шартли номланиши амалиётни муайян даражада

шаклланган. Бироқ мазкур амалиётни янада ривожлантириш, бу борада амалиётда йўл кўйилган хато ва камчиликларни аниқлаб, уларга чек қўйиш, пухта ўйланган, таъсиран махсус профилактик тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларнинг шартли номланишини таъминлаш масалаларига етарли эътибор берилмаяпти.

Негаки, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг илгари амалда бўлган (2014 йил 1 сентябрдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси таъминлаш, профилактика (катта) инспекторлари ва милиция таянч пунктлари фаолияти самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги 131-сон) буйруғида ички ишлар органлари фаолиятида қўлланладиган «Антитеррор», «Арсенал», «Автопатруль», «Автобус», «Велосипед», «Дикқат пиёда», «Дикқат болалар», «Дикқат темир йўл», «Ёнгин хавфсизлиги ойлиги», «Ижро», «Маст ҳайдовчи», «Назорат», «Орият», «Ойна», «Паспорт-виза», «Спитамен», «Турмуш», «Тозалаш», «Трактор», «Устахона», «Қорадори», «Қидирув», «Фамхўрлик», «Хонадон», «Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги» каби тезкор-профилактик ва махсус тадбирлар белгиланган бўлса-да, кейинчалик қабул қилинган ҳамда ҳозирда амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги 151-сон буйруғида⁴ ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикасининг мазкур тадбирлари назарда тутилмаган.

Бешинчиси — ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикаси тадбирларининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб ва шартларда ишлаб чиқилиши.

Юқорида таъкидланганидек, ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси билан боғлиқ ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар қонун ва қонуности ҳужжатлар билан етарли тартибга солинмаган. Бу эса ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикасининг самарадорлигига ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Натижада ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг ички ишлар органларида бошқа субъектлари орасида ҳуқуқбузарликларнинг маҳсус профилактикаси ҳақида тасаввурга ҳам эга эмаслик ҳолатлари кузатилмоқда.

Шу боисдан, модомики, ҳуқуқбузарликлар маҳсус профилактикаси ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасалар томонидан қонуний асосда бир хилда амалга оширилиши талаб қилинар экан, у ҳолда ҳуқуқбузарликлар маҳсус профилактикаси тадбирларини ишлаб чиқиш тартиби ва шартларини қонун ҳужжатлари билан белгилаш зарур. Бу борада маҳсус тадбирларнинг республика, вилоят, шаҳар (туман), маҳалла (қишлоқ, овул) ёки муайян шахс доирасида амалга оширилишига алоҳида эътибор берилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Олтинчиси — ҳуқуқбузарликлар маҳсус профилактикасининг фақат ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи тегишли орган ва муассасалар томонидан амалга оширилиши.

«Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунга кўра ҳуқуқбузарликларнинг маҳсус профилактикаси ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасалар, яъни маҳсус ваколатга эга субъектлар томонидан амалга оширилади. Бироқ, юқорида таъкидлангандек, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси амалиёти таҳлилларига кўра, ҳуқуқбузарликлар маҳсус профилактикаси аксарият ҳолларда ички ишлар органлари томонидан

амалга оширилиши кузатилади. Шу боис қонун ҳужжатларида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ва муассасаларнинг ҳуқуқбузарликлар маҳсус профилактикасини ташкил этиш ва амалга оширишга доир ваколатларини аниқ белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Холоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, ҳуқуқбузарликларнинг маҳсус профилактикаси ўз хусусиятларига эга бўлиб, унинг моҳиятини тўла-тўқис англаб этиш жамиятда ҳуқуқбузарликларнинг маҳсус профилактикаси самарадорлигини таъминлаш имконини беради.

Ўйлаймизки, ҳуқуқбузарликлар маҳсус профилактикасининг моҳияти ва хусусиятларини очиб бериш борасида илгари сурилаётган таклиф ва тавсиялар, энг *аввало*, ҳуқуқбузарликлар маҳсус профилактикаси ва унинг имкониятлари ҳақида аниқ ва обьектив тасаввур ҳосил қилишга; *иккинчидан*, ҳуқуқбузарликлар маҳсус профилактикасини профилактиканинг бошқа турларидан фарқлашга; *учинчидан*, ҳуқуқбузарликлар маҳсус профилактикасини унинг хусусиятларига таянган ҳолда тўғри ва тизимли ташкил этишга; *тўртинчидан*, амалиётда ҳуқуқбузарликлар маҳсус профилактикасини кўллаш самарадорлигини таъминлашга; *бешинчидан*, қонун ва қонуности ҳужжатлардаги ҳуқуқбузарликлар маҳсус профилактикаси чора-тадбирларини, унинг хусусиятларини белгиловчи нормаларни такомиллаштириб боришга хизмат қиласди.

¹ Криминология. Умумий қисм / И.Исмаилов, Қ.Р.Абдурасулова, И.Ю.Фазилов; – Т., 2015. – Б. 92.

² Ҳўжақулов С. Б. Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасини такомиллаштириш (Ички ишлар органлари фаолияти мисолида). Юрид. фан. бўйича фалсафа д-ри (PhD) ... дис. – Т., 2018. – Б. 42–43.

³ Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни // URL: <http://www.lex.uz>.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2017 йил 12 июлдаги «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги 151-сон бўйрги // URL: <http://www.lex.uz>.

Д. Р. Тураева,

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси жиноят ҳуқуқи кафедрасининг катта ўқитувчиси

СУДГА ҚАДАР ИШ ЮРИТУВИДА ЖАБРЛАНУВЧИННИНГ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ

Аннотация. Мақолада судга қадар иш юритувида жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жараёнида юзага келадиган масалалар таҳдил қилинган.

Таянч сўзлар: жиноят, жиноят процесси, судга қадар иш юритиш, терговга қадар текширув, жиноят процесси иштирокчилари, жабрланувчи, зарар, маънавий зарар, жисмоний зарар, мулкий зарар.

Защита прав и интересов потерпевшего в досудебном производстве

Аннотация. В статье анализируются вопросы, возникающие в процессе защиты прав и интересов потерпевших в досудебном производстве.

Ключевые слова: преступление, уголовный процесс, досудебное производство, участники уголовного процесса, потерпевший, защита прав и интересов потерпевшего, ущерб, моральный вред, физический вред, имущественный вред.

Protection of the rights and interests of the victim in pre-judicial proceedings

The summary. The article analyzes the issues that arise in the process of protecting the rights and interests of victims in pre-trial proceedings.

Keywords: Criminal trial, pre-judicial manufacture, a crime, the victim, protection of the rights and interests of the victim, participating in criminal trial, harm put by a crime, moral harm, physical harm, property harm.

Суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари фаолиятининг самарадорлигини кучайтириш, аҳолининг одил судловга ишончини ошириш, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4966-сон фармонларининг қабул қилиниши ушбу йўналишдаги давлат сиёсатини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқди. Мазкур фармонлар билан суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ этиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тасдиқланиб, жиноят туфайли етказилган зарарни қоплаш ва жиноятчиликнинг олдини олиш учун илгор хорижий тажрибани ўрганиш ва қонунчилигимизни такомиллаштириш вазифаси юклатилди.

Ишни судга қадар юритиш босқичи терговга қадар текширувдан, яъни ижтимоий хавфли қилмиш юз берган-бермаганилиги, шу қилмишни содир этган шахснинг айбли-айбсизлигини аниқлаш билан бирга,

ижтимоий хавфли қилмиш натижасида фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган мулкий зиённинг миқдорини аниқлаш талаб этилади.

Таҳлиллар шуни кўрсатади, 2018 йил якуни бўйича 282 086 691 сум моддий зарар аниқланган бўлса, шундан 226 993 546 сўм зарар, яъни 14,7 % ундирилмаганлигини кўришимиз мумкин. Ушбу кўрсаткич 2017 йил яқунига келиб жиноят оқибатида жабрланувчига етказилган зарар миқдори жами 330 743 854 сўмни ташкил этган бўлса, шундан 265 207 747 сўм миқдори, яъни 14 % и ундирилмаган. Лекин ушбу кўрсаткич фақат очилган жиноят ишлари юзасидандир. 2017 йилда фош этилмаган жиноятлар сони 51565 тани, 2018 йилда эса 353191 тани ташкил этади. Бундан очилмай қолган жиноятлар оқибатида жабрланувчиларга етказилган зарар ундирилмасдан қолаётгани ҳамда фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларининг тўлиқ таъминланмаётганини кўришимиз мумкин.

Юридик адабиётларда таъкидланишича, жиноят иши бўйича жиноий тажовуз, яъни жиноят белгиларини ўзида мужассам этган ижтимоий хавфли қилмиш тўғрисида етарли далиллар бўлган ва улар асосида қўзгатилган жиноят иши бўйича жиноят қонуни билан қўриқланадиган манфаатлари: ҳаёти, соғлиғи, шаъни ва қадр-қиммати, шунингдек сиёсий, меҳнатга оид, мулкий ва бошқа ҳуқуқ ва эркинликларига зарар етган шахс жабрланувчи деб эътироф этилади².

Ақли норасо шахс деганда ижтимоий хавфли қилмишни содир этиш вақтида ақли норасо ҳолатда бўлган, яъни сурункали руҳий касаллиги, руҳий ҳолати вақтинча бузилганлиги, ақли заифлиги ёки бошқа тарздаги руҳий касаллиги сабабли ўз ҳаракатларининг аҳамиятини англай олмаган ёки ҳаракатларини бошқаролмаган шахс тушунилади.

Ўзбек тилининг изоҳли лугати ва русча-ўзбекча лугатларда «зарар» ва «зиён» тушунчалари синоним эканлиги қайд этилган.

Маънавий зарар деганда – жабрланувчига қарши содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳаракати

ёки ҳаракатсизлик оқибатида у бошидан кечирган (ўтказган) маънавий ва жисмоний азоблар (камситиш, жисмоний оғриқ, зарар қўриш, нокулайлик ва бошқ.) тушунилади³.

Жисмоний зарар деганда – содир этилган жиноят ёки ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) оқибатида жабрланувчининг соғлиғига етказилган шикаст, тан жароҳати ёки баданига, тана аъзоларига, уларнинг бутунлигига бошқача тарзда етказилган зарар тушунилади.

Мулкий зарар деганда – содир этилган жиноят ёки ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) оқибатида жабрланувчига тегишли бўлган мулкка, мулкий ҳуқуқларга етказилган моддий, иқтисодий зарар тушунилади⁴.

Айрим ҳуқуқшунос олимларнинг махсус илмий изланишларида жиноят ёки ижтимоий хавфли қилмишга тайёргарлик қўриш ёки сунқасд қилиш туфайли маънавий, жисмоний ёки мулкий зарар етишининг реал хавфи тугилган бўлса, шунингдек юридик шахс, унинг мулки ёки ишчанлик обрўсига зарар етган тақдирда ҳам мазкур субъектларни жабрланувчи сифатида эътироф этиш лозимлиги таъкидланади⁵. Амалиётда шахснинг жиноят ёки ижтимоий хавфли қилмиш туфайли маънавий, жисмоний ёки мулкий зарар кўрганлиги етарли далиллар билан тасдиқланган тақдирда уни жабрланувчи деб эътироф этиш ҳақида суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан қарор, суд томонидан эса ажрим чиқарилади. Ушбу процессуал ҳужжат чиқарилган вақтдан бошлаб шахс жабрланувчи мақомига ҳамда ЖПКнинг 55-моддасида кўрсатилган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

Бироқ жиноят процессида кўриладиган фуқаровий даъволар нафақат мулкий зиённи қоплаш, балки жабрланувчини дафн этиш ёки унинг стационар даволаниши учун кетган харажатларни, сугурта тариқасида тўланадиган пул, нафақа ёки пенсия пулини ундиришга ҳам қаратилади. Етказилган зиённи қоплаш бевосита жиноят содир этган шахсга нисбатан тайинланадиган жазо тури

ва миқдори, ҳаттоти, ярашув асосида гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчини жиноий жавобгарлиқдан озод қилишнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Жиноий ҳаракатлар оқибатида етказилган моддий зарарни қоплаш масаласига доир суд амалиёти тўғрисида»ги (11.09.1998) 21-сонли қарорида мазкур ҳолатларга эътибор қаратилиб, «амнистия акти қўлланилиши туфайли суд ажрими билан жиноий жавобгарлиқдан озод этилган шахсларга нисбатан фуқаровий даъво кўрмай қолдирилганда, манфаатдор шахслар фуқаровий ишларни юритиш тартибида даъво билан судга мурожаат этиш хуқуқига эга. Жиноят ишида маънавий зарарни тўлдириш ҳақидаги фуқаровий даъвони кўришда суд маънавий зарар моддий жиҳатдан қопланнишига фақат қонунда белгиланган ҳолларда йўл қўйиши» тъкидланган. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Жиноят-процессуал кодекс жиноят процессида фуқаровий даъво институтини қўллаш борасида юзага келадиган бошқа муносабатларни ҳам тартибга соладиган қуйидаги қоидаларни назарда тутган:

— айбланувчи, судланувчи ёки фуқаровий жавобгарнинг даъвони тан олганлиги ва фуқаровий даъвогар, айбланувчи, судланувчи ёхуд фуқаровий жавобгарнинг ўзаро келишганлиги тўғрисида ариза бериши фуқаровий даъво бўйича иш юритишнинг тугатилишига олиб келмайди. Зеро, фуқаровий даъво жиноятнинг предметини ташкил қиласидиган нарсага зиён етказилиши муносабати билан қўзгатилганида келишув асосида даъвонинг жиноят ишини юритишдан чиқарилиши жиноят ишининг бутунлай тугатилишига асос мавжудлигини англатади;

— даъводан воз кечининг қабул қилиниши даъво бўйича иш юритишни тугатишга асос бўлади ва жиноят процессида ҳам, фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида ҳам фуқаровий даъвогарни ўша шахсга айнан шу асосда даъвони қайта қўзгатиш хуқуқидан маҳрум бўлади. Масалан: ўзгалар

mulkinini talon-torozh қилиш ёки ўзгалар mulkinini talon-torozh қилиш билан boғliq bўlmagan jinoyatlar yozasidan қўzgatilgan ёки ярашuv aсосida tugatilgan jinoyat ishlari yozasidan;

— судланувчининг ёки тиббий ўйсингдаги mажбуrolv chorasinini қўllash masalasi ҳал этиlaётgan shahsnинг mulkij ziён etkazganlik ҳaракati zaruriy mudoafa chegarasidan chiqmagan ҳolda sodir etilgani aniqlanسا, fuқaroviy dаъvo rad etiladi;

— daъvonining ҳажми jinoyat tawsifiga va aйбланувчига жазо tайinlashga taъsir etmasa, fuқaroviy daъvoni qanoatlantiriшda суд daъvo chegarasidan chiqishga ҳaқli bўladi;

— jinoyat processida қўzgatilgan fuқaroviy daъvo qanoatlantirilmagan takdirda, daъvogar shu shahsiga va huddi shu aсосларга kўra fuқaroviy суд iшларini юритиш тартиbiда daъvo қўzgatishi xуқуқidan maҳrum bўladi;

— jinoyat processida fuқaroviy daъvo jinoyat iши қўzgatilgan paitdan boшlab to судга қадар қўzgatiliши mumkin;

— fuқaroviy, meҳnat va boшqa soxa қонун ҳujjatlarida belgilangan daъvo muddati jinoyat processidagi fuқaroviy daъvoga nisbatan қўllanilmaydi. Shu bois fuқaroviy daъvo қўzgatishi, uni kўrib chiqish va ҳal қилиш учун davlat boжи undirilmaydi. Bu borada қonuny қulailiklar jinoyat iши bўyicha processuал chiқimlarни tejaшha, processs iшtirokchilarinинг chalғimasligiga, etkazilgan mulkij zarar sodir etilgan jinoyatnинг tarkiibiy қismi bўlganligi sababli қўzgatilgan fuқaroviy daъvo jinoyat iшини юритиш doirasida kўriliishi va shu orқали ularning яхlitligini taъminlashga йўналтирилган choralar deb tushuniшni taқozo etadi;

— ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача bўlgan shahslar etkazilgan zarar учун umumiy aсосларда mustaqil жавобгар bўladilar. Bояга etmagannining zararни қоплаш учун etarli mol-mulki ёки boшqa daromad manbalari bўlmagan ҳollarda, zarar ёки uning

қопланмай қолган қисми бундай шахснинг ота-онаси ёки бошқа қонуний вакиллари томонидан тўланади;

— моддий зарар судланувчи ва жиноят иши унга нисбатан тугатилган шахснинг биргаликда содир этилган жиноий ҳаракатлари оқибатида етказилган бўлса, суд зарарни тўла ҳажмда қоплаш мажбуриятини маҳкумга юклайди.

Жиноят процессида фуқаровий даъво жиноят содир этилиши оқибатида йўқолган ва иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган мол-мулкнинг миқдори ёки қонуний эгаси бу мулқдан воз кечиб, унинг қийматини ундириб бериш юзасидан қўзғатилиши ЖПКнинг 288-моддасида кўрсатилган. Бундай мазмундаги даъво жиноят содир этилиши натижасида жабрланувчи ёки юридик шахснинг йўқолган ва дастлабки тергов чогида айбланувчи ёки учинчи шахсдан олиб қўйилган, ашёвий далил деб эътироф қилинган мулк эгасига ҳеч бир шикоятсиз моддий қийматини тўлиқ сақлаган ҳолда қайталиши тўғрисидаги қоиддан келиб чиқади.

Албатта, мулқдор ёки мулкнинг қонуний эгаси қайтарилаётган мулқдан воз кечиши сабаблари суд томонидан ўрганилиб, воз кечиш асосли деб топилганида фуқаровий жавобгарга берилади. Агарда мулқдан воз кечиши суд асоссиз деб ҳисобласа, даъво қаноатлантирилмайди ёхуд қисман қаноатлантирилиб, қайтариладиган мулкнинг қиймати қанча пасайган бўлса, шу сумма жабрланувчи ва фуқаровий даъвогар фойдасига ундириб берилади.

Масалан: автоҳалокат туфайли ишда жабрланувчи тариқасида эътироф этилган шахсга тегишли «Кобалт» русумли автомашина яроқсиз ҳолатга келган. Мулк эгаси автомашинадан воз кечиб, унга янги автомашина олиб беришини фуқаровий жавобгардан талаб қилиб, даъво аризаси билан мурожаат этади. Суд мутахассис ёрдамида автомашинанинг дастлабки ва кейинги қиймати, таъмирлаш қийматини эса таъмирлашни амалга ошираётган корхона берган хужжат асосида аниқлаб, даъвогарга яроқсиз

• ҳолатдаги автомашинанинг қийматини ва унинг автоҳалокатдан олдинги қийматини ташкил қиласидиган суммалар фарқини жавобгардан ундириб берган.

Жиноят-процессуал кодекснинг 35-боб 290-моддасига мувофиқ, ишни судга қадар юритиш босқичида ҳукмнинг фуқаровий даъво ва бошқа мулкий ундиришларга доир қисми ижросини таъминлаш учун суриштирувчи, терговчи ёки суд гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёхуд фуқаровий жавобгарнинг мол-мулкини хатлади⁶.

Мол-мулк қуйидаги мақсадларда хатланади:

— жиноят туфайли етказилган мулкий зиённи қоплаш;

— жиноят содир этган ёки учинчи шахслардан топилиб, тортиб олинган ва мулқдор ёки қонуний эгасига қайтарилган мол-мулкнинг қийматини ундириш;

— айрим процессуал чиқимларни маҳкумдан ундириш.

Бироқ иш материаларида мол-мулк рўйхатининг йўқлиги мулкий зарарни қоплаш тўғрисидаги масалани кўрмасдан қолдиришга асос бўла олмайди, чунки бундай мол-мулк ҳукм ижроси жараёнида ҳам аниқланиши мумкин.

Қонунчилигимизда айнан гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёхуд фуқаровий жавобгарнинг тасарруфида бўлган мол-мулкни хатлашга рухсат берилади. Бундан ташқари, ушбу турдаги процессуал ҳаракатларни ўтказиш доираси чегараланади. Зоро, 2009 йил 14 апрелда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 110-сонли қарори билан «Қарздор ва унинг оиласининг нормал турмуш кечириши учун зарур бўлган, ижро хужжатлари бўйича ундирув қаратилиши мумкин бўлмаган уй анжомлари ва жиҳозлари, кийимлар ҳамда бошқа буюмлар рўйхати» тасдиқланган бўлиб, унга кўра қарздор – жисмоний шахсга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ёки унинг умумий мулқдаги улуши бўлган мол-мулк ва буюмларининг рўйхатидан ташқари гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи

ёхуд фуқаровий жавобгар оиласининг меъёрдаги турмушини таъминлашда зарур бўлган уй-жой, уй анжомлари ва жиҳозлари, кийим ва буюмлар хатланмайди.

Аммо Ўзбекистон Республикасига қарши жиноятларда, яъни давлатга хоинлик қилиш, Ўзбекистон Республикасининг Президентига тажовуз қилиш, терроризм, қўпорувчилик жиноятларини содир этганик учун фойдаланилган ёхуд бундай жиноятлар қасдан одам ўлдириш, босқинчилик, талончилик ёки бошқа ижтимоий хавфлилик даражаси оғир, ўта оғир жиноятлар билан боғлиқ ҳолларда содир этилган бўлса, турар жойлар ёки яшаш учун мўлжалланмаган жойлар – мулк шаклидан, кимнинг, яъни гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёхуд фуқаровий жавобгар тасарруфида бўлишидан қатъи назар – хатланади.

Мулкни хатлаш суриштирувчи, терговчининг қарори ёки бу процессуал ҳаракатни бажаришни тергов органларига топширишга ҳақли бўлган суднинг ажрими асосида амалга оширилади. Хатлаш:

– мулкдорга ёки мол-мулкнинг эгасига мол-мулкни тасарруф қилишда (масалан, кўчмас мулк, бино ва иншоотлар бўлиши мумкин);

– зарур ҳолларда хатланган мол-мулкдан фойдаланиш ман этилганлигини эълон қилишда (бунда автомашина, яъни қўчар мулклар);

– хатланган мол-мулкни тортиб олиш ва уни сақлаш, сақлаб туриш учун бошқа шахсларга топширишда ифодаланади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суд-хукуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг хукуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2016 йил 21 октябрь ПФ-4850-сон Фармони // Халқ сўзи. –2016. –209(6644)-сон.

² ИИВ ахборот марказининг 2018 йил яқунлари ҳисоботи.

³ Сахаддинов С. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. Умумий қисм (илмий-амалий шарҳ). – Т., 2014. – Б. 592.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни кўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»ги (28.04.2000 й.) 7-сонли қарорининг 2-банди.

⁵ Сахаддинов С. Кўрсатилган асар. – Б. 125.

⁶ Ачилов С.М. Возможности усиления защиты прав потерпевшего в уголовном процессе: Дис. ... канд. юрид. наук. – Т., 2010. – С. 153.

⁷ Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси. Расмий нашр (2018 йилнинг 1 июлигача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). – Т., 2018.

Мулкни хатлашда хатланган мол-мулк суриштирувчи ёки терговчи томонидан мутахассис иштирокида жиноят содир этилган вақтдаги давлат улгуржи нархидан, бозор ёки комиссияий нархлардан келиб чиқиб баҳоланади. Ҳукмнинг фуқаровий даъвога оид қисми ижросини таъминлаш мақсадида мол-мулкни хатлаш чоғида бу ҳақда тузиладиган баённомада мулкдор ёки мол-мулк эгаси киритиш зарур деб ҳисоблаган ва қиймати зиённи қоплаш учун етарли бўлган мол-мулк кўрсатилиши ва мол-мулк хатланганлиги тўғрисидаги баённоманинг нусхаси мол-мулки рўйхатга олинган шахсга ёки унинг вояга етган оила аъзоларидан бирига, улар бўлмаган тақдирда, мол-мулк рўйхатга олинган ҳудуддаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи вакилига топширилиб, тилхат олинади.

Айбдор шахсларнинг мол-мулкини хатлаш мулкий зарар қопланишини таъминлашнинг муҳим шаклларидан ҳисобланади. Иш материалларида мол-мулк рўйхатининг йўқлиги мулкий зарарни қоплаш тўғрисидаги масалани кўрмасдан қолдиришга асос бўла олмайди, чунки бундай мол-мулк ҳукм ижроси жараёнида ҳам аниқланиши мумкин. Шу билан бирга, судлар хусусий ажрим чиқариш йўли билан суриштирув ва тергов органлари томонидан айбдор шахсларнинг мол-мулкини хатлаш чорасини кўрмаганлиги ёки ўз вақтида чора кўрмаганлиги тўғрисидаги ҳар бир ҳолатга муносабат билдиришса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

У. А. Ирисбеков,

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси терроризм ва одам савдосига қарши курашиш кафедрасининг катта ўқитувчиси

ЭКСТРЕМИЗМГА ҚАРШИ КУРАШДА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ

Аннотация. Мақолада сўнгги йилларда МДҲ давлатларида экстремизмга қарши курашиш соҳасида амалга оширилаётган ҳаракатлар ҳамда қабул қилинаётган норматив-хукуқий хужжатлар ёритилган.

Таянч сўзлар: экстремизм, экстремистик ҳаракат, диний экстремизм, сиёсий экстремизм.

Опыт зарубежных государств в борьбе с экстремизмом

Аннотация. В статье освещаются принятые нормативно-правовые документы, а также осуществляемые практические действия по борьбе с экстремизмом в странах СНГ за последние годы.

Ключевые слова: экстремизм, экстремистское движение, религиозный экстремизм, политический экстремизм.

The experience of foreign countries in the fight against extremism

Annotation. The article highlights the adopted regulatory documents, as well as ongoing practical actions to combat extremism in the CIS countries in recent years.

Keywords: extremism, extremist movement, religious extremism, political extremism.

Бугун ҳар қандай соҳани такомиллаштиришда хорижий давлатларнинг илгор тажрибаларини ўрганиш ва амалиётда кўллаш замон талабларидан бирига айланди. Мазкур талаблардан келиб чиқиб, мавзу доирасида ўрганилган муаммолар хорижий мамлакатларда қай тартибда ҳал этилганлиги тадқиқ этилди.

Муқаддас ислом динини ниқоб қилиб, бутун ер юзи бўйлаб одамларни бир-бирига қарши қўйиб, қон тўкишни ташкил қилаётган, амалда эса фақат ўзининг хузур-ҳаловатини ўйлаётган кимсаларни Европада фундаменталистлар, Марказий Осиёда ақидапарастлар ёки экстремистлар деб аташади. «Экстремизм» сўзи лотин тилидан олинган бўлиб, «ўта» деган маънони, яъни ижтимоий-сиёсий характердаги муаммоларни ҳал этишда ўта кескин чора-тадбирлар, фикр ва қарашларни ёқловчи назария ва амалиётни англатади.

Мавзу доирасида ўрганилган муаммолар хорижий мамлакатларда қай тартибда ҳал этилганига эътибор қаратадиган бўлсак, Шанхай конвенцияси ҳамда МДҲнинг модель қонуни,

шунингдек МДҲ давлатларининг Россия, Озарбайжон, Қозогистон давлатларининг диний экстремизмга қарши кураш борасидаги ташкилий-хукуқий жиҳатлари ўрганилган.

Хусусан, 2000 йилда МДҲга аъзо давлатлар хукуматларининг кенгашида Ташкилотга аъзо давлатларнинг халқаро терроризм ва экстремизмнинг бошқа кўринишларига қарши курашиш бўйича 2003 йилгача мўлжалланган дастури қабул қилинди. Шунингдек, 2005 йил 26 августда МДҲга аъзо давлатларнинг терроризм ва зўравонлик кўринишидаги экстремизмга қарши курашда Концепция қабул қилинганлиги, мазкур концепцияда экстремизм умумий таҳдид сифатида кўрилиб, унга қарши курашдаги ҳамкорлик масалалари кўрсатиб ўтилган¹.

Ушбу хужжат асосида МДҲнинг Парламентлараро Ассамблеяси халқаро терроризм ва экстремизмнинг бошқа кўринишларига қарши кураш бўйича намунавий қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиши бошлади ва бу жараён 2009 йилга қадар давом этган. МДҲ давлатлари худудида экстремизмга қарши курашнинг ташкилий-хукуқий жиҳатларини

тартибга солувчи илк норматив-хуқуқий ҳужжат МДҲга аъзо давлатларнинг 2009 йил 14 майдаги 32-9 сонли «Экстремизмга қарши кураш тўғрисида»ги намунавий қонуни қабул қилинди. Мазкур қонунда «экстремистик фаолият», «экстремистик материаллар» тушунчаларига кенг таъриф берилган.

2001 йил 15 июнда қабул қилинган Терроризм, айирмачилик ва экстремизмга қарши кураш ҳақидаги Шанхай Конвенциясида² унинг мақсадлари учун қўлланиладиган атамалар, халқаро ҳамкорлик, Конвенция моддаларини қўллаш бўйича миллий қонунчилик, Конвенцияга аъзо бўлиш учун депозитарийлар, Конвенция бўйича маслаҳат ва тажриба алмашиш, Конвенцияга мос ҳолда Марказий ваколатли органлар ва уларнинг ваколатлари, Марказий ваколатли органларнинг ўзаро ахборот алмашиши, ушбу органларнинг ўзаро ҳамкорлиги ҳамда халқаро сўров бўйича мажбуриятлари ёритилган. Шу билан бирга, 2002 йил 7 июндаги «ШҲТга аъзо давлатлар ўртасида регионал антитеррор тузилмаси ҳақидаги келишув» кабиларни яққол мисол қилиб кўрсатишимиш мумкин³.

Юқоридаги ҳужжатлар Россия, Беларусь, Озарбайжон, Қозогистон давлатларининг экстремизмга қарши курашиш соҳасини тартибга солувчи қонунчиликни янгилаш учун асос ва андоза бўлиб хизмат қилди.

Хусусан, **Россия Федерацияси** томонидан 2002 йил 25 июнда «Экстремистик фаолиятга қарши кураш тўғрисида»ги қонун қабул қилиниб, мазкур қонунда унинг мақсади ва асосий вазифалари, асосий тушунчалар, экстремистик фаолиятга қарши курашнинг асосий принцип ва йўналишлари, экстремистик фаолиятга қарши курашиш субъектлари, экстремистик фаолият профилактикаси ва бошқа хуқуқий жиҳатлари кўрсатилган.

Шунингдек, **РФ Жиноят кодексининг 280, 282-282³-моддаларида** экстремистик ҳаракатлар учун жавобгарлик масалалари белгиланган бўлиб, унинг 280-моддаси «Экстремистик ҳаракатларни амалга ошириш учун ошкора унданганик» учун жавобгарлик

белгиланган. Бундан ташқари, ЖКнинг 282-моддасида ОАВ ёки Интернет орқали, миллати, дини, ижтимоий гуруҳидан қатъи назар, ҳар қандай шахс ёки гуруҳга нисбатан нафрат ва адват уйготиш, инсон манфаатларини камситишга қаратилган ҳаракат учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Шунингдек, **РФ ЖКнинг 282²-моддасида жамоат ва диний бирлашма ва ташкилотлар фаолиятини ташкил этиш юзасидан суд томонидан қонуний кучга кирган ҳукми мавжуд бўлса, экстремистик фаолият олиб борганилиги учун жавобгарлик белгиланган⁴.**

Қайд этиш жоизки, Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган ЖКда мазкур ҳаракатлар учун жавобгарлик умумий тартибда кўзда тутилган.

Бундан ташқари, Бош прокуратура, ички ишлар органлари, Федерал хизмат хавфсизлиги ҳамда ҳудудий ўзини ўзи бошқариш органлари экстремизмга қарши курашувчи субъектлар ҳисобланади. Мазкур ташкилотлар орасида Бош прокуратуранинг ўрни самарали бўлиб, агар экстремистик ҳаракатлар содир бўлиши ёки содир этилгани ҳақида маълумотлар бўлса, бош прокурор ёки унинг ўринbosарлари тезкорлик билан мазкур диний, жамоат ташкилотлари ва ОАВга огоҳлантириш юборади. Агар шу ҳолат бир йил давомида такрорланса, бу ташкилотнинг фаолияти тўхтатилади⁵.

Шунингдек, Президент ҳузурида бир қанча ташкилотлар – Миллатларро муносабатларга оид кенгаш, Диний ташкилотлар билан ҳамкорликни амалга оширувчи кенгаш, хукumat таркибидаги диний ташкилотларни бирлаштирувчи комиссия ва федерация субъектлари даражасида турли комиссиялар – ташкил қилиниб, фаолият юритиб келади. Бунга қарши курашувчи субъектлар қаторида **Россия Федерациясининг Хавфсизлик Кенгashi алоҳида ўрин тутади**. Мазкур ташкилот маслаҳат органи бўлиб, унинг асосий вазифалари фуқароларнинг ҳаётий муҳим манфаатларини, жамият ҳамда давлатни ички ва ташқи таҳдидлардан ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, **РФ Президенти**

томонидан қарор қабул қилишда алоҳида аҳамият касб этади⁶.

Бундан ташқари, РФда 26 июль 2011 йилда ташкил қилинган Идоралараро комиссия фаолият юритиб, унинг таркибига Мудофаа, Маданият, Таълим, Адлия, Миграция вазирликлари, Тергов қўмитаси, Ички ишлар вазирлигининг вакиллари киради. Бу давлат органлари томонидан диний экстремизмга қарши курашда давлат сиёсати, амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш чора-тадбирлари режаси, концепция, стратегия, дастурлар каби ҳужжат лойиҳаларини ҳамкорликда ишлаб чиқиб, мазкур ҳужжатларнинг ҳудудлардаги ижросини назорат қиласди.

Бундан ташқари, РФда Жамоатчилик палатаси ташкил қилинган бўлиб, у нодавлат ташкилот сифатида ўз фаолиятини экстремизмга қарши курашга йўналтирган. Масалан, у ўз ваколати доирасида аҳоли орасидаги муаммоларни мониторинг қиласди ва тегишли тартибда давлат хизматларига маълумот беради. Хусусан, мазкур ташкилот таркибида экстремизмга қарши кураш комиссияси ташкил қилинган бўлиб, ҳудудларда унинг вакиллари экстремизмга қарши кураш борасида профилактика ишлари, ёшлар тарбияси, миллатлараро низоларни келтириб чиқаришнинг олдини олиш каби йўналишларда фаолият кўрсатади.

Бундан ташқари, Татаристон Республикасида «Мулоқот» маркази ташкил қилинган бўлиб, унга муқаддам деструктив гуруҳлар таъсирига тушиб қолган шахслар жалб қилинган. Экстремистик фоялар таъсирига тушиб қолиш эҳтимоли катта бўлган шахслар билан аудиторияда мулоқот ўрнатилиб, бунга олиб келган ҳолатлар аниқланади ва бошқа шахсларга ибрат бўлиши учун мулоқот асосида амалий ёрдам кўрсатилади.

Шунингдек, **Озарбайжон** давлатида экстремизмга қарши кураш борасида 2015 йил 4 декабрда Экстремизмга қарши кураш тўғрисида қонун қабул қилинган. Унинг 1-моддаси 1.0.9-бандинга кўра, маҳсус операциялар ди-

ний экстремизмни аниқлаш ва унинг олдини олишга ҳамда фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, уларга етказилиши мумкин бўлган заарни камайтиришга қаратилган.

Ушбу қонунинг 4-моддаси 4.0.5-бандинда эса диний экстремизм хавфи остида бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш устунлиги, 4.0.6-бандинга кўра экстремистик фаолиятга қарши курашга жалб қилинган ходимларнинг тактикаси ва техник усуларини минимал равиша ошкор қилиш белгиланган.

Шунингдек, 7-модданинг 7.2.9-бандинга кўра диний экстремизмга қарши курашда маҳсус операция ҳудудида жисмоний ва юридик шахсларга алоқа ва коммунал хизматлар вақтинча тўхтатилиши, 7.2.10-бандинда эса диний экстремистик фаолиятнинг олдини олишда шахс ва корхоналарнинг телефон суҳбатларини эшитиш, техник каналлардан ахборот ва бошқа тезкор маълумотларни чекловсиз олиш белгилаб кўйилган.

Озарбайжон давлатининг Жиноят кодекси ўрганилганида қўйидагилар маълум бўлди. ЖКнинг 167¹- моддасида динга эътиқод қилиш ёки диний оқимга аъзо бўлиш, шунингдек диний маросимларда иштирок этиш ва диний таълим олиш учун мажбур қилганлик учун⁷, 167²-моддасида эса диний аудио-видео ва бошқа материалларни сотиш ёки тарқатиш, ишлаб чиқариш ва импорт қилганлик учун жавобгарлик белгиланган.

Озарбайжонда 2018 йил январь ойида экстремизмга қарши кураш бўйича режа ишлаб чиқилиб, мазкур режада диний экстремизмга қарши курашда давлат органлари ўртасида ҳамкорликда семинарлар ташкил қилиш, улар ўртасида вазифаларни мувафиқлаштириш белгиланган. Шунингдек, мазкур давлатда «Ёшлар орасида миллий, диний бағрикенглик, тинчлик ва гуманистик қадриятларни илгари суриш бўйича дастур» ишлаб чиқилиб, унинг асосий мақсади сифатида ёшлар орасида диний бағрикенглик, маънавий қадриятларни асраш, миллатлараро тотувликни таъминлаш қайд этилган⁸. 2016 йил 23 июнда Озарбайжон

давлатида экстремистик ва террористик ташкилотларда иштирок этаётган фуқароларни мазкур давлат фуқаролигидан маҳрум қилиш тўғрисида қонун қабул қилинган⁹.

Қозоғистон Республикасида 2005 йил 18 февраль куни қабул қилинган «Экстремизмга қарши кураш тўғрисида»ги қонунда унинг мақсади ва қўлланиладиган асосий тушунчалар, экстремизмга қарши курашнинг асосий вазифа ва принциплари, асосий ўйналишлари, давлат органларининг экстремизмнинг олдини олиш, аниқлаш ва бартараф этиш бўйича ваколатлари, ташкилотларнинг экстремизмни амалга ошириш бўйича жавобгарлиги, экстремистик материалларни олиб кириш, чоп эттириш, тайёрлаш ва (ёки) тарқатишга йўл қўймаслик белгилаб қўйилган¹⁰. Масалан, «Экстремизмга қарши кураш» тўғрисидаги қонуннинг 1-моддасида экстремизмнинг мустақил шакллари сифатида «қуролли қўзголонни ташкил этиш ва унда қатнашиш» ҳамда «этник ва миллатчилик адоватини қўзгатиш» масалалари кўрсатилган.

Қонунинг ана шу моддасида *сиёсий, миллий ва диний* экстремизмнинг турлари акс этган бўлиб, ҳар бир терминга алоҳида таъриф берилган. *Сиёсий экстремизм* сифатида «конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартириш, шунингдек Қозоғистоннинг суверенитетини бузиш, миллий хавфсизлик ёки давлатга таҳдид қилиш, ҳокимиятни қўлга олиш ёки мажбуран ушлаб туриш ва ноқонуний равишда тузиш, тартибсизликларни ташкил этишга раҳбарлик қилиш ва унда иштирок этиш» кўрсатилган. *Диний экстремизм*га зўравонлик ёки зўравонликка чақириш билан боғлиқ бўлган диний нафрат ёки жанжални қўфатиш, шунингдек дин омилини қўллаган ҳолда хавфсизлик, ҳаёт, соглиқ ёки фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига таҳдид солувчи диний амаллардан фойдаланиш сифатида таърифлар берилган.

Мазкур давлатда экстремистик харакатлар учун Жиноят кодексининг 179, 180, 181, 182, 183, 258, 259, 260-моддалари, 404-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмлари

ҳамда 405-моддасида жавобгарлик белгилangan. Масалан, ЖКнинг 180-моддасида сепаратистик ҳаракатлар учун алоҳида жавобгарлик белгилangan. 183-моддасида экстремистик материалларни чоп этишга рухсат бериш масаласи кўрсатилган бўлиб, унда миллий, этник, диний ва ижтимоий адоват қўзгатиш, конституцион тузумни ўзгартириш ҳамда урушга тарғиб қилиш масалалари бўйича жавобгарлик кўрсатилган¹¹.

Қайд этиш жоизки, ЖКнинг 260-моддасига кўра террористик ёки экстремистик ҳаракатга мамлакат ташқарисида тайёргарлик кўрганлик учун уч йилдан беш йилгача озодлиқдан маҳрум қилиш жазоси белгилangan. Шунингдек, 2017 йил 11 апрелда Қозоғистон Республикасининг Конституциясига ўзгартишлар киритилиб, унга кўра суд қарори асосида «ёлланганлик», «халқаро ташкилотларга ёки шахсларга қасд қилиш», «давлатга хоинлик қилиш», «Президент ҳаётига тажовуз қилиш», «сепаратистик фаолият», «экстремистик гуруҳ тузиш ёки уни бошқаришда иштирок этиш» каби жиноятлар учун фуқароликдан маҳрум қилиш жазоси белгилangan¹².

Маълум бўлишича, Ўзбекистон ҳамда Қозоғистон ЖК моддаларининг диспозициясида экстремистик уюшма тузишнинг мақсади бевосита кўрсатилмаган.

Бироқ, Россия ЖКнинг тегишли моддалирида экстремистик жиноятлар содир этиш учун жиноий режалар ишлаб чиқиши ва (ёки) шароит яратиш каби мақсадларга ҳаволалар мавжуд. Бу ҳолатда жиноятни квалификация қилишда мақсад роль ўйнамайди, бироқ у жазо тайинлашда инобатга олинади¹³.

Бундан ташқари, экстремизмга қарши кураш борасида Миллий хавфсизлик қўмитаси, Бош прокуратура ва Ички ишлар органдари ўз фаолиятини амалга оширади. Шунингдек, диний ташкилотлар билан алоқа қўлувчи давлат органи ўз фаолиятини амалга ошириб, мазкур ташкилот томонидан диний ташкилот ва бирлашмалар, миссионерлик фаолиятларини ўрганиш ва таҳдил қилиш, амалдаги «Дин эркинлиги тўғрисида»ги қонун ҳужжат-

ларини бузиш билан боғлиқ ишларни бажаради. Шунингдек, ОАВнинг ваколатли органи назорат қилиш, экстремистик тарғиботларнинг олдини олишга қаратилган бир қанча ишларни амалга оширади.

Қозогистон Республикасида 2013–2017-йилларга мўлжалланган «Экстремизм ва терроризмнинг олдини олишга қаратилган Дастан»¹⁴ қабул қилиниб, унда Олтой худудида 2015–2019 йилларда турли экстремистик ва террористик гояларга қарши кураш вазифалари белгиланган. Мазкур дастан бўйича экстремизм ва терроризмдан ҳимоя қилиш масаласига 98 млрд танга маблағ сарф қилиниб, мазкур маблағларнинг асосий қисми Яқин Шарқдан қайтиб келган фуқароларни реабилитация қилиш ишларига йўналтирилган¹⁵. Шунингдек, Дин ишлари бўйича амалий тадқиқот маркази томонидан «Йўл харитаси» ишлаб чиқилиб, унда радикал диний руҳдаги шахсларни қайта тарбиялаш методикаси кўрсатилган¹⁶.

Хусусан, бу методика бўйича аввал мағкуравий бўшлиқларни текшириш мақсадида анкета сўрови ўтказилади, кейин одатий динга эътиқод қилиши ҳамда Қуръон, Ҳадис, Фикҳ билан боғлиқ манбалар ҳақида маълумотга эгалиги текширилиб, мазкур ҳолатда аниқланган камчиликларни бартараф этиш мақсадида анъанавий ислом дини ҳақида асосли маълумотлар берилиб, реабилитация қилинади.

Маълум бўлишича, аксарият МДҲ давлатлари қонун ижодкорларининг экстремистик уюшма тузиш жиноятининг объектив томони борасидаги қарашлар бир-бирга тўғри келмайди. Масалан, Қозогистон Республикасининг маҳсус қонунида «экстремизм» тушунчасига уни бир неча турларга таснифлаб таъриф берилган.

Бироқ қонунда жиноятнинг объектив томони ихчамлаштирилиб, экстремистик гуруҳ тузиш ва унга раҳбарлик қилиш сифатида чегаралаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасида «Экстремизмга қарши кураш тўғрисида»ги қонун 2018 йил 1 ноябрдан кучга кирди. Ушбу қонунда экс-

тремизмга қарши курашиш соҳасидаги муносабатлар тартибга солиниб, асосий тушунчаларга таърифлар берилди. Хусусан, доимо баҳсли бўлиб келган «экстремистик фаолият» тушунчасига, «Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузуми асосларини зўрлик билан ўзгартиришга, ҳудудий яхлитлиги ва суверенитетини бузишга, ҳокимият ваколатларини эгаллашга ёки ўзлаштиришга, қонунга хилоф қуроли тузилмалар тузишга ёки уларда иштирок этишга, террорчилик фаолиятини амалга оширишга, зўрлик ёки зўрлик ишлатишга ошкора даъват қилиш билан боғлиқ ҳолда миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзгатишга, жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид солувчи материалларни тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ёки намойиш этишга, шунингдек экстремистик ташкилотларнинг атрибуларини ёки рамзий белгиларини тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ёки намойиш этишга, бирор-бир ижтимоий гуруҳга нисбатан сиёсий, мафкуравий, ирқий, миллий, этник ёки диний адоват ёхуд душманлик сабабли оммавий тартибсизликларни амалга оширишга ва ушбу ҳаракатларни амалга ошириш учун ошкора даъват қилишга қаратилган ҳаракатларни режалаштиришга, ташкил этишга, тайёрлашга ёки содир этишга доир фаолият» деган таъриф ишлаб чиқилди.

МДҲ давлатлари жиноят қонунчилигидаги экстремистик уюшма тузиш учун жиноий жавобгарликни назарда тутувчи нормалар санкцияларини таҳдил қиласиган бўлсак, ушбу жиноят тuri учун ҳар бир давлат жазони ўз миллий урф-одатлари, хукуқий маданияти ва жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги сиёсатига мос равища жазо белгилаганлигини кўришимиз мумкин.

МДҲ давлатларининг ЖКларида жазонинг асосий турлари (озодликдан маҳрум этиш) билан бир қаторда жарима, маълум лавозимни эгаллаш ёки маълум фаолият тuri билан шугулланиш хукуқидан маҳрум этиш ва мол-мulkни давлат фойдасига мусодара қилиш каби қўшимча жазо турлари ҳам мавжуд.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда экстремизмга қарши курашиш муаммоси энг долзарб масалалардан бирига айлангани кузатилмоқда. Мазкур жараённи давлатларнинг экстремизмга қарши курашишга қаратилган қонунчиликларида янгиланишлардан ҳам кўриш мумкин. Хусусан, қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Экстремизмга қарши кураш тўғрисида»ги қонуни ижросини тўлиқ таъминлаш орқали мамлакатда экстремизм билан боғлиқ таҳдидларга қарши самарали курашиш мумкин.

Ўзбекистон хавфсизлигига таҳдидлар маълум тизимнинг эмас, балки мамлакати-

мида фаолият кўрсатиб келаётган барча соҳаларнинг барқарор ривожланишига катта салбий таъсир кўрсатади ва унинг издан чиқишига олиб келади. Юқоридагиларни назарда тутган ҳолда ҳар бир соҳа вакиллари, аввало огоҳлик ва ҳушёрликни оширган ҳолда юқори савиядаги маънавий-маърифий, сиёсий дунёқараш билан юксак профессионаллик асосида ишга ёндашиши, фаолияти давомида юртимиздаги ва жаҳондаги ислоҳотларнинг моҳияти ҳамда аҳамиятини ўз вақтида англаб етиб, қонун доирасида иш юритиши мақсадга мувофиқдир.

¹ Канунникова Н. Г. Зарубежный опыт противодействия международному экстремизму и терроризму// Юридическая наука и правоохранительная практика. – 2014. – № 3(29). – С. 164–165.

² Шанхайская конвенция о борьбе с терроризмом, сепаратизмом и экстремизмом (г. Шанхай, 15 июня 2001 года) // Избранные документы ШОС. – 2005. – С. 54–65.

³ Исполнительный комитет Региональной антитеррористической структуры Шанхайской организации сотрудничества // веб сайт <http://ecrats.org/ru/> 13.03.2018.

⁴ УК РФ Консультант плюс //URL: <http://www.consultant.ru>, 11.03.2018.

⁵ Галахов С. С. К вопросу о субъектах противодействия экстремистской деятельности и их функциях // Веб-сайт «Государство и право. Юридические науки» / URL: <https://cyberleninka.ru>, 10.03.2018.

⁶ Положение Совета Безопасности Российской Федерации // URL: <http://www.scrf.gov.ru>, 11.03.2018.

⁷ Озарбайжон давлати Жиноят кодекси // www.online.zakon.az, 11.03.2018.

⁸ Озарбайжон давлати диний экстремизмга қарши курашни кучайтиromoқда //URL: musavat.com, 04.04.2018.

⁹ Антитеррористические меры в Азербайджане// URL: minval.az/news, 10.04.2018.

¹⁰ Законы Казахстана // URL: https://online.zakon.kz/document/?doc_id=30004865, 12.03.2018.

¹¹ Законы Казахстана // URL: http://online.zakon.kz/document/?doc_id=31575252 12.03.2018.

¹² РИА Новости // URL: <https://ria.ru/world/20170411/1491960801.html>, 14.03.2018.

¹³ Борисов С.В. Преступления экстремистской направленности: проблемы законодательства, теории и практики. – М., 2010. – С. 50–52.

¹⁴ Правовая система// URL: <http://lexicity93.weebly.com/blog/programma-protivodejstviya-ekstremizmu> 10.03.2018.

¹⁵ Законы// URL: <https://zonakz.net>, 11.03.2018.

¹⁶ КНБ представил план действий по борьбе с экстремизмом и терроризмом// URL: <https://tengrinews.kz>, 15.03.2018.

Н. Н. Бекмуродов,

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси тезкор-қидириув фаолияти кафедрасининг
катта ўқитувчиси*

ТЕЗКОР-ҚИДИРИУВ ФАОЛИЯТИНИ АХБОРОТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ВА ТЕЗКОР-ҚИДИРИУВ ИШИНИ ЮРИТИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация. Мақолада ички ишлар органларининг тезкор қидириув фаолиятини ахборот билан таъминлаш тушунчаси, шунингдек маълумотларни тўплаш ва тизимлаштириш, тезкор-қидириув фаолияти натижаларини текшириш ва баҳолаш, етарли асослар мавжуд бўлган тақдирда тегишли қарорлар қабул қилиш мақсадида тезкор-қидириув иш юритуви ишларини юритишнинг хусусиятлари кўриб чиқилган.

Таянч сўзлар: тезкор-қидириув фаолияти, ахборот билан таъминлаш, тезкор-қидириув ишини юритиш, ҳамкорлик, ахборот, ҳукуқ, мажбурият, масъулият, қонун.

Особенности информационного обеспечения оперативно-розыскной деятельности и оперативно-розыскного производства

Аннотация. В статье рассматривается понятие информационного обеспечения оперативно-розыскной деятельности органов внутренних дел, а также цель сбора и систематизации сведений, проверки и оценки результатов оперативно-розыскной деятельности, принятия на их основе соответствующих решений при наличии оснований, особенности заведения дел оперативно-розыскного производства.

Ключевые слова: оперативно-розыскная деятельность, информационное обеспечение, оперативно-розыскное делопроизводство, содействие, информация, права, обязанности, ответственность, закон.

Features of information support of operational investigative activities and operational investigative proceedings

Annotation. The article deals with the concept of information support for operational search activities law enforcement bodies, as well as the purpose of gathering the system of information, investigation and evaluation of the results of operational search activities. Furthermore, making decisions on them based on appropriate decisions, peculiarities of doing business of operational search proceedings are discussed in the article.

Keywords: information support for operational search activities, operational search clerical work, assistance, information, the rights, the duties, responsibility, the law.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги ПФ-5005-сонли «Ички ишлар органлари фаолияти самара-дорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг маъсулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонига асосан ҳамда ички ишлар органлари жиноятларни ўз вақтида аниқлаш, олдини олиш қидириув ишларини амалга оширишни такомиллаштириш, фуқароларнинг ҳукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини сақлаш, шахс, жамият

ва давлат ҳавфсизлигини таъминлаш, ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикаси бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Айниқса, ички ишлар органларининг маҳаллаларда жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар ҳавфсизлигини таъминлаш, ҳукуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш учун ташкил этилган қуий бўғинини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича салмоқли ишлар бажарилди.

Ўтган 2018 йил давомида ички ишлар органлари томонидан олиб борилган комплекс чора-тадбирларда республиканинг барча ҳудудларда ҳукуқбузарликларнинг

барвақт олдини олиш, жамиятда жиноятчиликка нисбатан муросасизлик муҳитини яратиш, аҳолининг энг муҳим муаммоларини ҳал қилиш орқали уларнинг ишончини оқлаш ва жамоатчилик кучидан кўпроқ фойдаланилиши натижасида республика ҳудудида жиноятларнинг камайишига эришилди.

Жиноятларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва фош этишда ички ишлар органлари тезкор бўлинмаларининг ахборот билан таъминланганлиги муҳим ҳисобланади.

Ахборот билан таъминлаш ўзида кўп қиррали ҳуқуқий, ташкилий, методик ва техник тавсифларни мужассамлаштирган тезкор ва криминалистик таъминлашнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Тезкор-қидирав фаолиятини ахборот билан таъминлашда асосий эътиборни криминалистик ва тезкор-қидирав ҳисобларни шакллантиришга ҳамда уларни юритишга қаратиш лозим бўлиб, жиноятларни фош этишда эса тезкор-қидирав фаолиятини амалга ошириш жараёнида олинган маълумотлардан фойдаланилади.

Ички ишлар органларининг тезкор бўлинмалари тезкор қидирав фаолиятининг вазифаларини бажариш мақсадида тезкор-қидиравга мўлжалланган ахборот тизимларини яратиш ва улардан фойдаланишга ҳақли.

Мавжуд манбаларни ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, маълумотларни тўплаш ва тизимлаштириш, тезкор-қидирав фаолиятнинг натижаларини текшириш ва баҳолаш, шунингдек «Тезкор-қидирав фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг 15-моддасида назарда тутилган асослар мавжуд бўлгани, улар асосида тегишли қарорлар қабул қилиш мақсадида тезкор-қидирав ишлари юритилади.

Тезкор-қидирав ишларининг рўйхати ва уларни юритиш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

Ички ишлар органлари тезкор бўлинмаларининг ахборот яратиш, уни тўплаш, ишлаш, жамлаш, сақлаш асосида ахборот ресурсларини шакллантиришга, бунинг учун ахборот технологиялари ва уларни таъмин-

лаш воситаларини ишлаб чиқиш, мазкур технология ва ресурслардан тезкор-қидирав фаолияти субъектлари зиммаларига юклатилган вазифаларни бажаришлари учун ахборот излаш ва ҳужжатлаштирилган тарзда уларга тақдим этишда фойдаланиш ҳуқуқи мустаҳкамланган.

Ахборот тизими деганда ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ҳамда ундан фойдаланиш имконини берадиган, ташкилий жиҳатдан тартибга солинган жами ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва алоқа воситалари тушунилади¹.

Тезкор-қидирав фаолиятининг аниқ вазифаларига тааллуқли тезкор ахборот алоҳида ҳужжатлар ва ҳужжатларнинг алоҳида масивларида, тезкор-қидиравга мўлжалланган ахборот тизимлари (кутубхоналар, архивлар, фондлар, маълумот базалари ва банклари ҳамда бошқа ахборот тизимлари)даги ҳужжатлар ва ҳужжатларнинг масиви тарзида, тезкор-қидирав иш юритувининг маҳсус ишларида жамланиши ва тартибга солиниши мумкин.

Ахборот-қидирав аҳамиятига эга ахборот тизимлари ёрдамида ички ишлар органларининг тезкор-қидирав фаолиятини ахборот билан сифатли ва самарали таъминлаш, улар фаолиятида қонунийликни, бинобарин, тезкор-қидирав тадбирлари объеклари бўлмиш фуқароларнинг ҳуқуқларини таъминлаш учун шарт-шароит яратилади.

Тезкор-қидирав иш юритуви ишлари деганда тезкор қизиқиш уйғотувчи шахс ва фактлар ҳақидаги маълумотларга, ҳужжатларни, тезкор-қидирав фаолияти вазифаларини бажариш мақсадида тезкор-қидирав тадбирларини ўtkазиш асослари, шартлари, режалари, ташкил этилиши, амалиёти ва натижаларини акс эттирадиган маълумотларни тўплаш, сақлаш, қайта ишлаш ва тизимлаштириш учун мўлжалланган маҳсус ахборот жамланмалари тушунилади.

Тезкор-қидирав ишларини юритиш тезкор-қидирав фаолияти масалаларини ҳал қилиш учун ички ишлар органларининг куч, восита ва усувлари асосида бу вазифаларни

бажариши мумкин бўлмаган ёки ниҳоятда қийин бўлган тақдирда қўлланиладиган тезкор-қидириув тадбирлари мажмууни амалга оширишдир. Тезкор-қидириув ишларини юритиш жараёнида фактик маълумотлар тартибга солинади, таҳлил қилинади ва қайд этилади. Тезкор бўлинмалар томонидан олинган ушбу маълумотлар тегишлича расмийлаштирилганидан кейингина тезкор-қидириув тадбирлари, тергов ҳаракатларини тайёрлаш ва ўтказишда ёхуд суд қарорларини қабул қилишда фойдаланилиши мумкин.

Тезкор-қидириув ишини юритишнинг ўзига хос жиҳатлари мавжуд бўлиб, тезкор бўлинмалар томонидан тезкор-қидириув иш юритуви туфайли тезкор-қидириув фаолияти вазифаларини бажариш, ижтимоий адолатни таъминлаш, жабрланувчиларни жиноятлардан ҳимоя қилиш, шунингдек тезкор-қидириув фаолияти субъектлари бўлмиш тезкор бўлинмаларнинг фаолияти, улар ўтказаётган тадбирларнинг асослилиги устидан назоратни таъминлаш учун шароитлар яратилади.

Масалан, фуқароларнинг хуқуқларини чеклаш билан боғлиқ тезкор-қидириув тадбирлари давомида жиноий қилмишларга таалкуқли ахборотни олишга фақат прокурор санкцияси билан ҳамда тегишли маълумотлар бўлганда гина йўл қўйилади. Бундай ахборот тезкор-қидириув иш юритуви материалларида жамланиб боради, шу боис уларнинг юритилиши инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари кафолатларидан бири ҳисобланади².

Бундан ташқари, тезкор-қидириув ишларининг юритилиши тезкор-қидириув фаолияти устидан идоравий ва прокурор назорати амалга оширилиши тезкор-қидириув тадбирлари ўтказилиши учун шартшароит ва асосларни аниқлаш, зарур чекловларни қўллаш имконини беради ҳамда давлат органларининг ўзбошимчалигидан кафолатланишини таъминлайди.

Шундай қилиб, тезкор-қидириув иш юритувини амалга ошириш куйидагиларга имкон беради:

- ◆ – тезкор-қидириув фаолиятини амалга ошириш жараёнида тўпланган маълумотларни мустаҳкамлаш;
- тезкор-қидириув тадбирларини ўтказиш жараёнида тўпланган материалларни таҳлил қилиш ва баҳолаш;
- тезкор-қидириув тадбирларини режалаштириш;
- тезкор қидириув тадбирларини ўтказиш учун масъулларни белгилаб олиш ва тайинлаш;
- тезкор-қидириув тадбирларининг қонунийлигини таъминлаш ва назорат қилиш.

Тезкор-қидириув иш юритуви ишларининг хусусиятларидан бири бўлган тезкор-қидириув ишларининг юритилиши тезкор бўлинмалар ходимларida тезкор-қидириув тадбирларини ўтказиш чоғида фикрлашнинг ижтимоий-фойдали алгоритмларини шакллантириб, бутун тезкор-қидириув фаолиятига мақсадли ўзига хослик бағишлиайди, бу эса жиноятга қарши кураш вазифаларини муваффақиятли бажариш имконини беради.

Ички ишлар органларининг тезкор бўлинмаларида тезкор-қидириув иш юритуви ишларининг хусусиятлари ҳар бир муайян турдаги ишни юритиш, тугатиш, тўхтатиш асослари, тартиби, тезкор-қидириув фаолиятини амалга оширувчи субъектлар бўлган органларнинг бажарадиган вазифалари, ваколатлари, фаолият хусусиятларидан келиб чиқиб, Ички ишлар вазирлигининг норматив-ҳуқуқий хужжатларида белгилаб қўйилган.

Тезкор аҳамиятга эга маълумотлар жиноятларни исбот қилиш жараёнида жуда муҳим бўлиб, исбот сифатида буюм, предмет, ҳодисаларни аниқлаб беради, ундаги маълумотлар таркибида далил манбаи бўлиши мумкин бўлган шахс ёки ҳужжатларни намоён этади.

Ички ишлар органлари тезкор бўлинмалари содир этилиши режалаштирилаётган жиноятларнинг олдини олиш, уларни изи «совимасдан» фош этиш максадида тезкор қидириув фаолиятини амалга оширувчи яхлит ва ҳаракатчан тизим ҳисобланади.

Хуоса қилиб айтишимиз мумкинки, тезкор-қидирав фоалиятининг ахборот билан тўлиқ таъминланганлиги жиноятларниг олдини олиш, уларни аниқлаш ва фош этиш, тергов ва суддан яшириниб юрган ҳамда бедарак йўқолган шахсларни топишида кутилган натижаларга эришиш мумкинлигини кўрсатмоқда. Тезкор-қидирав фоалиятини амалга ошириш жараёнида тўпланган

маълумотларни алоҳида ҳолларда кўриб чиққанимизда улар тезкор аҳамиятга эга бўлмаслиги мумкин, лекин тўпланган ахборотни жамлаб таҳлил қилиш, олинган ахборот асосида тезкор тадбирларни ўтказиши тўғри режалаштириш, тезкор-қидирав ишини ўз вақтида сифатли юритиш тезкор-қидирав фоалиятининг вазифаларини бажаришда муҳим ўрин тутади.

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги қонунининг 3-моддаси.

² Ўзбекистон Республикасининг «Тезкор-қидирав фоалияти тўғрисида»ги қонунига шарҳ / А.А.Ҳамдамов, Т.Р.Сайтбаев, С.Н.Гордеев, Р.Т.Рашитходжаев. – Т., 2015. – Б.127.

ЯНГИ НАШРЛАР

НОВЫЕ ИЗДАНИЯ

Фирибгарлик жиноятини барвақт олдини олиш бўйича ҳудуд методикаси (Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари мисолида): Методик ва амалий қўлланма / М. Р. Чутбаев, М. Д. Рахимов, М. Э. Мўминов ва бошқ.; Масъул муҳаррир: Б. А. Матлюбов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2019.

Кўлланмада Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ИИБ ҳузуридаги Тергов бошқармалари томонидан шу турдаги жиноятлар юзасидан 2017 ва 2018 йиллар давомида тергов қилиниб, судга юборилган жиноят ишлари бўйича тузилган айблов хуосалари асосида фирибгарлик жиноятини содир этган шахсларнинг демографик хусусиятлари, жиноятнинг содир этилиши, вақти, жойи, энг кўп содир этилган ҳафта кунлари, ойлар, жиноятдан кўпроқ жабрланадиган шахслар қатлами таҳлили орқали уларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берадиган шарт-шароитларни бартараф этиш, фирибгарлик жиноятини барвақт олдини олиш ҳамда унинг профилактикасини амалга ошириш борасида аниқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Ушбу қўлланма амалдаги Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 168-моддасида назарда тутилган фирибгарлик жинояти таҳлили асосида тайёрланиб, мамлакатимиздаги олий таълим муассасаларининг хукуқшунослик ўйналиши бўйича таълим берувчи профессор-ўқитувчилар таркиби, тингловчи (курсант) ва талабалар, шунингдек хукуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг амалиётчи ходимларига мўлжалланган.

A. A. Нуридуллаев,

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти
умумназарий ҳуқуқий фанлар кафедрасининг доценти, юридик фанлар номзоди

ЭКОЛОГИК ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР УЧУН ЖИНОЙИ ЖАВОБГАРЛИК: ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА ТАҲЛИЛИ ВА МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Аннотация. Мақолада атроф муҳитни жиноят-ҳуқуқий муҳофаза қилиш масалалари Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатлар қонунчилиги асосида қиёсий-ҳуқуқий тадқиқ этилган, Ўзбекистонда атроф муҳитни жиноят-ҳуқуқий муҳофаза қилиш самародорлигини ошириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: жиноий жавобгарлик, атроф муҳит, экология, экологик жиноят, юридик шахс жавобгарлиги.

Уголовная ответственность за экологические правонарушения: анализ зарубежного опыта и совершенствование национального законодательства

Аннотация. В статье проведен сравнительно-правовой анализ законодательства Республики Узбекистан и зарубежных стран в сфере уголовно-правовой охраны окружающей среды, разработаны предложения по повышению эффективности уголовно-правовой охраны окружающей среды в Узбекистане.

Ключевые слова: уголовная ответственность, окружающая среда, экология, экологическое преступление, ответственность юридических лиц.

Criminal liability for environmental offenses: analysis of foreign experience and improvement of national legislation

Annotation. The article contains a comparative legal analysis of the legislation of the Republic of Uzbekistan and foreign countries in the field of criminal environmental protection, offers are developed to increase the effectiveness of criminal environmental protection in Uzbekistan.

Keywords: criminal liability, environment, ecology, ecological crime, legal entity liability.

Экология соҳасидаги жиноий жавобгарликни тартибга солувчи замонавий жиноят қонунчилигини самарали такомиллаштириш мақсадида доимий равишда хорижий мамлакатларнинг атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишга оид қонунчилигини кузатиш ва қиёсий таҳлил қилиб бориш талаб этилади. Шу нуқтаи назардан, айрим ривожланган хорижий мамлакатларнинг қонунчилик тажрибаси қизиқиши уйготади.

Жумладан, Францияда атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни «Атроф муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисида» (19.07.1976), «Чиқиндиларни қайта ишлаш ва материалларни тиклаш тўғрисида» (15.07.1975), «Чиқиндиларни йўқ қилиш

жараёнида денгизларни ифлослантиришнинг олдини олиш ва жазолаш тўғрисида»ги (07.07.1976) қонунлар ташкил қиласди. Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида қабул қилинган сўнгги қонунчилик ҳужжатларидан бири «Сув тўғрисида»ги (03.01.1992) қонун бўлиб, у сувни миллат бойлигининг таркибий қисми сифатида муҳофаза қилишга йўналтирилган.

«Сув тўғрисида»ги қонунда ҳуқуқбузарга нисбатан қўлланилиши кўзда тутилган қатор моддалар белгиланган. Унга биноан, ҳар қандай шахснинг Франция ҳудудидаги ер усти, ер ости ёки денгиз сувларига бевосита ёки билвосита бирор модда ёки ашёларнинг тўкилиши ёки тушишига йўл қўйиб бериши натижасида, ҳаттоқи вақтинчалик бўлса

ҳам, саломатлик учун ёхуд флора ва фауна учун салбий оқибатларга ёинки сув таъминотининг сезиларли ўзгаришига ёки сузиш ва чўмилиш ҳудудларининг чекланишига олиб келса, у жарима ёхуд икки ойдан икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинади. Айборга ушбу жазо чораларидан фақат биттаси қўлланилади. Боз устига, суд маҳкумнинг сув муҳитини қайта тиклаши тўғрисида қарор чиқариши ҳам мумкин.

«Сув тўғрисида»ги қонун, шунингдек ушбу қонунни ижро этиш мақсадида қабул қилинган бошқа қонунчилик ҳужжатлари қоидаларининг бузилиши ҳолатларини аниқлаш ва қайд этиш билан атроф табиий муҳит, қишлоқ хўжалиги, саноат, қурилиш, транспорт, денгиз, соғлиқни сақлаш, мудофаа масалалари билан шугулланувчи ваколатли давлат хизматчилари; божхона ходимлари; контрабандага қарши кураш хизмати ходимлари; Миллий ов қўмитаси ва Олий балиқчилик кенгашининг ваколатли ходимлари; Франция Денгизларни ўзлаштириш тадқиқот институтининг ваколатли тадқиқотчи, муҳандис ва техник ходимлари; денгиз портларининг бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарлари; Миллий ўрмон хўжалиги қўмитаси ва унинг муассасалари масъул ходимлари; миллий боғларнинг ваколатли ходимлари шугулланади. Ҳуқуқбузарлик ҳолатини қайд этишга ўрмон хўжаликлари ходимлари ҳам ҳақлидирлар.

Франция қонунчилигида, жиноятлар учун жазо билан бир қаторда, атроф табиий муҳитни сақлаб қолиш соҳасида ҳамкорлик қилган шахсларга нисбатан рағбатлантирувчи чоралар ҳам кўзда тутилган. Хусусан, тозалаш қурилмасини ишлаб чиқсан, уни соз ҳолатда сақлаган табиатдан фойдаланувчилар тегишинча моддий рағбатлантирилади¹.

2000 йил 18 сентябрда Франциянинг Экология кодекси қабул қилинди. У давлат ички қонунчилиги тизими иерархиясида Конституциядан кейинги иккинчи ўринда туради. Франция Экология кодекси Умумий ва Maxsus қисмлардан ташкил топган (жами

975 та модда). Умумий қисм (биринчи китоб) ўзида кодекснинг принциплари, мақсади, экологик жавобгарликни белгилайди. Maxsus қисм (иккинчи-олтинчи китоблар)да табиатни, ўрмонларни, сув ва ҳавони муҳофаза қилиш тартибга солинади.

Биринчи китоб — умумий қоидалар ва принципларга, навбатдаги тўрт китоб — табиий муҳит, флора ва фаунага оид муносабатларни тартибга солишга, олтинчи китоб эса тўлалигича Франциянинг денгиз орти ҳудудларига бағишиланган².

Евropa Иттифоқининг жиноятчилик муаммолари бўйича Евropa қўмитаси 1978 йилда аъзо давлатлар қонунчилик органларига юридик шахсларни экологик жиноятлар субъектлари сифатида тан олишни тавсия этди. Ушбу тавсиялар Буюк Британияда татбиқ этилмоқда. Мазкур тавсиялар АҚШнинг қатор штатларида ҳам амал қиласди.

2006 йил 20 январда Россия Фанлар академияси Давлат ва ҳуқуқ институти томонидан ташкил этилган конференция якунлари бўйича қўйидаги тавсиялар илгари сурилди: «Россия Федерациясида атроф табиий муҳитнинг оғир ҳолати, бунинг устига экологик жиноятлар бўйича жиноят ишлари сонининг жуда ҳам камлиги юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлиги муаммосига мурожаат этишни тақозо этади. Бунда ушбу жавобгарлик халқаро конвенциялар томонидан тавсия этилишини, юридик шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги эса РФнинг амалдаги Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодекси билан тартибга солинишига эътибор қаратиш лозим»³.

Ҳозирги кунда ташкилотларни экологик ҳуқуқбузарликлар учун жазолаш масаласи Буюк Британия, Ирландия, Нидерландия, Норвегия, Исландия, Франция, Финляндия, Испания, Дания ва Бельгия каби ривожланган давлатлар қонунчилигида ижобий ҳал этилган бўлса, Шарқий Евropa мамлакатларининг айримларида (Польша, Словакияда 1996 йилдан бўён) ташкилотлар учун жавобгарлик қўллаш механизми ишга туширилмоқда, яна баъзиларида (Болгария, Хорватия,

Литва, Чехия) ушбу масала қизгин муҳокама предметига айланган.

Хорижий мамлакатларнинг юридик шахслар учун жавобгарлик белгиланган қонунчилик нормаларини ҳамда бу борадаги суд амалиётини ўрганиш асосида юридик шахсларни жавобгарликка тортиш бўйича учта моделни ажратиб кўрсатишими мумкин. Биринчи моделда (Англия, Франция, Дания, Финляндия ва Испанияда) ташкилот аъзоларининг жинояти ташкилот зиммасига юкланди. Унга асосан, ташкилотларга нисбатан жавобгарликни қўллаш учун индивидуал жиноят-хуқуқий айни аниқлаш талаб этилади. Иккинчи моделда (АҚШ, Австралия, Швейцария ва Нидерландияда) эса жавобгарлик бирон-бир аниқ шахсга йўналтирилмайди, бунда жамоавий жавобгарлик муҳим ўрин тутади. Учинчи моделга (Швеция ва Польша) мувофиқ, самарадорликни таъминлаш мақсадида ташкилотнинг айбини исботлаш талаб этилмайди. У ташкилотларнинг мутлақ жавобгарлигини белгилайди ҳамда унга биноан, ташкилот ўз-ўзидан атроф табиий муҳит учун хавф манбаидир. Шу боис хавфни амалга ошириш ташкилот зиммасига жавобгарлик юклайди.

Испания Жиноят кодексининг 334-моддасида ов қилиб ёки балиқ овлаш натижасида йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган турларни нобуд қилганлик, шунингдек ўрмон ҳайвонларига оид қонунларни бузган ҳолда уларнинг кўпайиши ёки кўчиб юришига халал берадиган бошқа фаолиятни амалга оширганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Ушбу норма мазкур биологик турларни ва уларнинг қолдиқларини ташиш ёки улар билан савдо қилишни ҳам тақиқлайди⁴.

Испания Жиноят кодексининг 335-моддасида юқоридаги моддада кўзда тутилмаган ҳайвонлар турларини овлаш учун рухсати бўлмай туриб овлаганлик учун жавобгарлик кўзда тутилади.

Ушбу кодекснинг 336-моддасида қонуний рухсатномаси бўлмай туриб, ов ёки балиқ ови учун заҳарли, портловчи ва шунга

♦ ўхшаш вайронкор кучга эга қурол ёки воситалардан фойдаланганлик учун жавобгарлик белгиланган.

Испания Жиноят кодекси ўзбек жиноят қонунчилигидан фарқли равища, ноқонуний ов қилганлик учун жавобгарлик алоҳида моддада белгиланган. Зотан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида мазкур тоифадаги қилмишлар учун жавобгарлик ҳайвонот ёки ўсимлик дунёсидан фойдаланиш тартибини бузиш деб номланган 202-моддада бошқа жиноятлар билан бирга белгиланган. Шунингдек, жиноятлар учун белгиланган санкцияларда ҳам сезиларли тафовутлар кўзга ташланади. Испания Жиноят кодексида ҳам атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги жиноятлар учун фақат жисмоний шахслар жавобгарликка тортилиши кўзда тутилган.

Америка Қўшма Штатларида атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва экологик хавфсизлик масалалари билан анча илгари шугуллана бошлашган бўлиб, ҳозир бу борада бир қатор ижобий натижаларга эришишган. Хусусан, АҚШда: 1) мамлакат Президенти қошида Табиат сифати бўйича кенгаш ташкил этилган бўлиб, у умумий мувофиқлаштирувчи вазифаларни бажаради; 2) Атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича агентлик (ЭПА)нинг асосий вазифаси эса экологик қонунчилик ижроси устидан бевосита умумий раҳбарликни амалга ошириш ҳамда ифлосланиш ҳолати устидан назоратни таъминлашдан иборат.

АҚШда мамлакатда полиция функциясини бажарувчи Федерал қидирав бюроси, Адлия департаменти ва Мудофаа вазирлиги ҳам экологик хавфсизликни таъминлаш тизимида муҳим бўғин ҳисобланади. Хусусан, ФҚБ экологик жиноятларни алоҳида аҳамиятга эга қилмишлар сифатида баҳолаб, бу соҳа учун маҳсус терговчилар штатларини жорий этган. Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш борасида АҚШ Қуролли Кучлари ҳам ўз ўрнига эга. Қуролли Кучлар, хусусан, экологик оғат ва табиий ҳодисалар рўй берганида ва шу каби вазиятларда тезкор

чораларни кўриш зарурати туғилганида фуқароларга ёрдам бериш учун ҳам жалб этилади⁵.

АҚШ қонунчилигининг ўзига хослиги шундаки, унда турли ҳуқуқбузарликлар, жумладан экологик қилимашлар учун ҳам жавобгарлик турларини кўзда тутувчи мустақил ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд эмас. Ушбу давлат ҳуқуқий тизимида штатлар даражасидаги жиноят кодекслари амал қиласди. Табиатни муҳофаза қилиш қонунчилиги соҳасидаги алоҳида оғир ҳуқуқбузарлик учун жарима ва (ёки) турма қамоги тарзидаги жазо чоралари қўлланилади.

Узоқ вақт мобайнида жарима (айниқса, уларнинг миқдори катта бўлса) кучли рағбатлантирувчи омил бўлиб хизмат қилиши ҳамда келгусида ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиши таъкидланади. Бироқ тажриба шуни кўрсатдики, жуда катта миқдордаги тижоратнинг барқарорлигига кўп миллионли жарималар ҳам сезиларли таъсир кўрсата олмайди. Ушбу ҳолатда турма қамоги муқобил жазо чораси сифатида тарбиявий функцияни самаралироқ адo этибина қолмай, атроф муҳитни ифлослантирувчи тадбиркор экологик харажатларни маҳсулотларга қўшимча нарх белгилаш орқали қоплашининг ҳам олдини олади⁶.

АҚШда *юридик шахсларнинг жавобгарлиги* институти амал қиласди. Хусусан, Нью-Йорк штати Жиноят кодексининг 20-§ида «Корпорацияларнинг жиноий жавобгарлиги» белгиланган. Чунончи, ушбу параграфнинг «Тажовуз иштирокчилари ва иштирокчилик учун жавобгарлик» деб номланувчи 20-моддасида корпорация ҳаракатларида «Атроф муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисида»ти қонуннинг 71-2721-§ларида кўзда тутилган фелония қилимиши таркиби бўлса, айбдор деб топилиши тўғридан-тўғри мустаҳкамланган⁷.

Моддий зарар етишига сабаб бўлган ҳуқуқбузарлик учун суд тартибида фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик чоралари қўлланилиб, жарима солинади ва етказилган

экологик зарар қоплатилади. Суд қарори билан ундириладиган фуқаролик жарималари АҚШ суд амалиётида маъмурий жаримага тортилиш айбдор шахсни етказилган зарарни қоплаш мажбуриятидан озод этмайди.

АҚШдаги моддий жавобгарликка оид институтнинг ўзига хослиги шундаки, унда моддий жавобгарлик қатъий, қўшма ва қарама-қарши хусусият касб этади. Ушбу мураккаб тушунча асосида ташкилот мулкдорининг нафақат ўз айби билан амалдаги қонунчиликни бузиши туфайли келиб чиқадиган моддий жавобгарлиги, балки айбисиз ҳолда зарар етказганлиги учун жавобгарлиги ҳам қамраб олинади. Бошқача айтганда, корхона, муассаса ва ташкилот аввалги эгасининг ўша вақтда қонуний бўлган ҳаракатлари туфайли келиб чиқадиган зарарли оқибатлар учун ҳам амалдаги мулкдор жавобгар ҳисобланади. Демак, моддий жавобгарликка ташкилот (ер участкаси)нинг ҳуқуқбузарлик аниқланган вақтдаги мулкдори тортилади. Хавфли чиқиндилар уюми жойлашган ер майдонининг мулкдори, гарчанд зарар ер майдони ижарачиси ёхуд унинг аввалги эгаси томонидан етказилган бўлса ҳам, экологик зарарни қоплаши шарт ҳисобланади.

Моддий жавобгарликка тортилган шахс ўз ташаббуси билан бошқа айбдорларга нисбатан суд иши қўзғатишга ҳақли. Бу тахлитда қатъий таъсир чоралари белгиланганлиги барча айбдорларни ва ҳар бир шахснинг айбдорлик даражасини аниқлашнинг қийинлиги ёки имкони йўқлиги билан изоҳланади (зеро, ташландиқ чиқиндилар уюмидан жуда кенг доирадаги шахслар фойдаланади).

Жанубий Корея Жиноят кодексида экологик жиноятларга бағищланган алоҳида боб бўлмаса-да, «Сув босиши ва сув утилизацияси билан боғлиқ жиноятлар» ва «Ичимлик суви билан боғлиқ жиноятлар» боблари (XIV ва XVI боблар) кўзда тутилган бўлиб, уларда қонун чиқарувчи сувларни

турли ҳуқуққа хилоф тажовузларни комплекс муҳофаза қилишни таъминлашга ҳарарат қилган. Ушбу нормаларнинг ўзига хослиги шундаки, уларда мазкур жиноятлар учун оғир жазо чоралари белгиланган. Жумладан, Жанубий Корея Жиноят кодексининг «Сув етказиш тизимидан фойдаланишни қийинлаштириш» номли 193-моддасининг санкциясида ичимлик эҳтиёжи учун сув етказиш тизими бўйича етказиладиган тоза сувни ифлослантирган ёхуд сув захирасини ифлослантириш орқали сувни истеъмолга яроқсиз ҳолга келтирган шахслар учун бир йилдан ўн йилгача каторга ишлари жазоси кўзда тутилган⁸.

Корея Халқ Демократик Республикаси Жиноят кодексининг 3-бўлими «Давлат ерлари бошқаруви тартибига тажовуз қилувчи жиноятлар» деб номланиб, унда сувни ифлослантириш, дарё ва булоқларни муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш, сув фаунаси ресурсларини ноқонуний овлаш ва шу сингари қилмишлар учун жавобгарлик белгиланган⁹.

Ушбу давлат ЖКнинг 88-моддасида — фойдали балиқ, сув ва ўсимлик ресурсларини, башарти қилмиш маҳсус рухсатномасиз, ноқонунний усууллар билан, тақиқланган ҳудудда ёки ман этилган мавсумда овлаганлик учун, 89-моддасида — дарёга ёки ер майдонига зарарли моддаларни ташланганлик учун (башарти бундай қилмиш оқибатида балиқ бойликларига, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига зарар етса, ёнки фуқаролар ҳаёт кечириши учун жиддий тўсиқларни юзага келтирса), 91-моддасида эса тўғонлар ёки уларнинг курилмаларини бузганлик, дарё ва ҳавзаларнинг ўрмон муҳофаза полосаларини кесганлик учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган.

Хитой Халқ Республикаси Жиноят кодексида сув дунёси маҳсулотларини ноқонунний овлаш, сув, ер, атмосферани ифлослантириш каби жиноятлар қамраб олинган. Жумладан, XHR ЖК 340-моддасида балиқ овлаш тақиқланган ҳудудларда, тақиқланган мавсумда ёки ман этилган восьиталар билан сув дунёси маҳсулотларини

ноқонунний овлаганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган¹⁰.

XHR ЖКнинг 338-моддаси таркибида юқумли касалликлар манбаи, заҳарли ёки хавфли чиқиндилар бўлган радиоактив ифлослантирувчи моддаларни ноқонунний жойлаштириш, сақлаш ёхуд ер, сув ёки атмосфера ҳавосига чиқариш натижасида жиддий экологик ҳалокат рўй берса, давлат ёки хусусий мулкка ёхуд инсонлар ҳаёти ёки соғлигига салмоқли зарар етказса, жавобгарлик келиб чиқиши белгиланган¹¹.

Хорижий мамлакатларда экологик қонунчилик талабларини бузганлик учун жиноий жавобгарликка оид нормаларни ўрганиш асосида миллий қонунчилигимизни такомиллаштиришга қаратилган қўйидаги хуласаларга келишимиз мумкин:

биринчидан, хорижий мамлакатларда айнан экологик ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жавобгарлиги борасида муҳим ютуқларга эришилган. Таъкидлаш жоизки, МДҲ мамлакатлари, шу жумладан мамлакатимиз ҳуқуқшунос олимлари томонидан экологик ҳуқуқбузарликлар учун юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлигини белгилаш имконияти хусусида фикр-мулоҳазаларга дуч келиш мумкин. Шу маънода, фикримизча, мамлакатимизда ҳам юридик шахсларнинг экологик ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликка тортилиши тизимини жорий этиш ҳамда бу борада қонунчиликка тегишли ўзгартишлар киритиш зарур. Зоро, корхона айби билан етказилган зарарнинг якка шахс томонидан тўланиши ва умуман, корхона фаолияти учун фақат якка шахс (лар)нинг ўз мулки билан жавоб бериши мақсадга мувофиқ эмас. Шунинг учун бу соҳани ислоҳ қилган ҳолда жавобгарликнинг жарима турини қўллаган ҳолда мазкур корхоналарни жавобгарликка тортиш механизмини ишлаб чиқиш вақти келди, деб ҳисоблаймиз;

иккинчидан, экологик жиноятларга қарши курашда қўлланиладиган рағбатлантирувчи ва таъсир чораларидан миллий қонунчиликни такомиллаштиришда фойда-

ланиш ҳам самарали бўлиши мумкин. Зеро, юртимизда бозор иқтисодиёти шаклланиб бораётган ҳозирги шароитда тадбиркорларни атроф табиий муҳитни муҳофаза қилишга рагбатлантириш ижобий натижага бериши аниқ;

учинчидан, табиатдан фойдаланувчи-ларнинг экологик-хуқуқий онгини оширишга қаратилган талаблар ҳам алоҳида илмий аҳамиятга эга. Жумладан, табиатдан фойдаланувчилар учун давлат томонидан маҳсус ўқув курслари ташкил этилиши фуқаролар-

нинг экологик-хуқуқий онгини ошириш ва экологик жиноятларни профилактика қилишда муҳим омил бўлиб хизмат қилган бўларди.

Мухтасар айтганда, атроф табиий муҳит ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш тўгрисидаги хорижий қонунчиликни қиёсий таҳлил қилиш, шубҳасиз, катта қизиқиш уйғотади, зотан, уларнинг ижобий тажрибаси миллий қонунчиликни такомиллаштириш борасида таклиф ва мулоҳазалар ишлаб чиқишида асос бўлиб хизмат қиласди.

¹ Меньших А. А. Охрана окружающей среды во Франции. Уголовно-правовые аспекты // Журнал Российской права. – 2000. – № 10. – С. 149.

² Кромакер П. О чудо-кодексе Франции // Экологическое право. – 2002. – № 5. – С. 39–40.

³ 10 лет УК РФ: достоинства и недостатки // Государство и право. – 2006. – № 9. – С. 113.

⁴ Уголовный кодекс Испании. – М., 1998. – С. 108.

⁵ Лапина М. А. Опыт деятельности зарубежных правоохранительных органов по обеспечению экологической безопасности // Экологическое право. – 2000. – № 1. – С. 33–34.

⁶ Краснова И.О. Экологическое право и управление в США. – М., 1992. – С. 57–58.

⁷ Жевлаков Э. К. Вопросу об ответственности юридических лиц за совершение экологических преступлений // Уголовное право. – 2002. – № 1. – С. 11.

⁸ Уголовный кодекс Республики Корея / Науч. ред. и предисл. А.Н. Коробеева: Пер. с корейского В. Б. Верхоляка. – СПб., 2004. – С. 138.

⁹ Уголовный кодекс Корейской Народно-Демократической Республики / А.М. Иванов, Л.Г. Корчагин. Уголовный Закон и уголовная политика на Корейском полуострове: Компаративный анализ. – Владивосток, 2002. – С. 141–146.

¹⁰ Уголовный кодекс Китайской Народной Республики. – СПб., 2001. – С. 227.

¹¹ Кадырметов М.А. Предложения по совершенствованию уголовного законодательства Российской Федерации, регламентирующего ответственность в области природоохранной деятельности в аспекте сравнительно-правового анализа уголовных законов зарубежных стран // Вестник ТИСБИ. – 2008. – № 3.

Ж. Ч. Гойибов,

Бухоро вилояти ИИБ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириши бошқармаси бошлиги

ТЕРГОВ ОРГАНЛАРИНИНГ ҲУҚУҚНИ ҚҮЛЛАШ АМАЛИЁТИ

Аннотация. Мақолада ҳуқуқни қўллашнинг моҳияти, амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг мазмуни, тергов фаолиятининг йўналишлари, тергов фаолиятидаги муаммолар таҳлил қилинган, тергов органларининг ҳуқуқни қўллаш фаолиятини такомиллаштиришга оид таклифлар берилган.

Таянч сўзлар: ҳуқуқни қўллаш, суд-ҳуқуқ ислоҳотлари, жиноят ишини тергов қилиш, тергов органлари.

Правоприменительная практика следственных органов

Аннотация. В статье анализируются сущность правоприменения и судебно-правовых реформ, направления и проблемы следственной деятельности, даются соответствующие рекомендации по совершенствованию правоприменительной деятельности следственных органов.

Ключевые слова: правоприменение, судебно-правовые реформы, расследование уголовного дела, следственные органы.

Law enforcement practice of investigative bodies

Annotation. This article analyzes the essence of law enforcement and judicial-legal reforms, directions and problems of investigating activity and appropriate recommendations on improvement of law enforcement activities of the investigating bodies.

Keywords: law enforcement, judicial-legal reforms, investigation of criminal case investigating bodies.

Ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишга қаратилган ислоҳотлардан кўзланган натижага эришишда суд-тергов органларининг ҳуқуқни қўллаш фаолияти салмоқли ўрин тутади. Одил судловни амалга оширишда тергов органларининг ҳуқуқни қўллаш фаолияти ҳақиқатни аниқлаш ва бузилган ҳуқуқларни тиклашда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, «...Конституция ва қонун устуворлиги ҳамда қонунийлик тамоилларининг сўзсиз таъминланиши инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг муҳим кафолатидир. Биз бу фикрни янада теран англаб олишимиз керак. Шу нуқтаи назардан, Конституция ҳамда қонун талабларига оғишмай амал қилиш маънавий савиямиз, маданиятимизнинг асосий мезонига айланиши шарт»¹.

Тергов органларининг ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳақида сўз юритишдан авввал «ҳуқуқни қўллаш» атамасининг мазмунига тўхталиш жоиз.

Ҳуқуқни қўллаш – ваколатли органлар ва шахсларнинг юридик иш бўйича фактлар ва муайян ҳуқуқий нормалар асосида алоҳида қарор тайёрлаш ва қабул қилиш борасидаги ҳокимият мазмунига эга фаолиятидир.

«Ҳуқуқни қўллаш» ибораси қўйидаги маъноларда қўлланади: а) тергов органларининг ҳуқуқни қўллаш фаолияти, б) содир этилган ҳуқуқбузарлик учун юридик жавобгарлик чорасини белгилаш ҳамда в) тарбиявий, тиббий йўсингидаги мажбурлов чораларини қўллаш.

Ҳуқуқни қўллаш, ўз аҳамиятига кўра, ҳуқуқий тартибга солишнинг ҳуқуқ ижодкорлигидан кейинги муҳим омилидир. Алоҳида қарорлар юридик нормаларнинг ҳаётга татбиқ этилишини таъминловчи, уларни ўз ҳукми билан мустаҳкамловчи юридик кучга эга бўлиб, хулқ-атворнинг қонунийлик мезони вазифасини бажаради.

Ҳуқуқни қўллаш қўйидаги *белгиларга* эга:

1) давлат ҳокимиятини юритиш ваколати берилган органлар ёки мансабдор шахслар томонидан амалга оширилади;

-
- 2) индивидуал хусусиятга эга бўлади;
 - 3) муайян ҳуқуқий оқибатлар, яъни субъектив ҳуқуқлар, мажбуриятлар, жавобгарликни белгилашга қаратилади;
 - 4) маҳсус назарда тутилган процессуал шаклларда амалга оширилади;
 - 5) алоҳида юридик қарор чиқариш билан яқунланади.

Ҳуқуқни қўллаш уни амалга оширишнинг бош функцияси бўлган ҳуқуқий тартибга солиш жараёнида давлат мажбурловидан фойдаланган ҳолда юридик таъминлаш фаолиятининг зарурлигини ифодалайди. Ҳуқуқни қўллаш бўйича маҳсус фаолиятга бўлган эҳтиёж асосан давлат мажбурловидан фойдаланиш зарурати билан боғлиқ. Ҳуқуқ соҳасида давлат мажбурлови қонунийлик режими шароитида ўз-ўзидан амалга киритилмайди. Ҳуқуқ нормалари давлат мажбурловини қўллаш имкониятингина назарда тутади.

Юқоридагиларга кўра, ҳуқуқни қўллаш деганда ҳуқуқ ижодкорлигини ёки маъмурий органларнинг давлат-ҳокимият ваколатларига асосланган юридик нормаларни ҳаётга татбиқ этиш борасидаги ҳаракатларини тушуниш лозим.

Ҳуқуқни қўллаш фаолиятига қўйидаги хусусиятлар хосдир:

- 1) ҳуқуқ нормаси уни қўллаш ваколатига эга бўлган органлар ёки мансабдор шахслар томонидан амалга оширилади;
- 2) ҳуқуқни қўллаш давлат фаолиятининг муҳим шакли ҳисобланади;
- 3) ҳуқуқни қўллаш доимо қонуларда аниқ белгилаб қўйилган тартибда амалга оширилади;
- 4) ҳуқуқни қўлловчи давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолияти белгилаб қўйилган муайян принциплар асосида ташкил этилади (қонун устуворлиги, ижтимоий адолат, мақсадга мувофиқлилик, асослантирилганлик принциплари буларнинг энг муҳимларидир);
- 5) муайян иш бўйича қарор қабул қилиши ёки уни расмийлаштириши давлат органлари ёки мансабдор шахслар ҳуқуқни қўллаш

фаолиятининг якуни ҳисобланади (ҳуқуқни қўллаш жараёнида унинг муайян ҳаётий вазият ёки шахсга нисбатан юридик оқибатлари ишлаб чиқилади ва шакллантирилади)².

Амалдаги жиноят-процессуал қонун хужжатларига биноан, тергов органларига прокуратура, Давлат хавфсизлик хизмати, ички ишлар ва божхона органларининг тергов (сурештирув) идоралари киради. 2017 йилдаги суд-ҳуқуқ ислоҳотларига асосан, тергов фаолияти сурештирув ва дастлабки тергов шаклларида амалга оширилади³.

Жиноятчиликка қарши курашувчи органлар тизимида тергов органлари алоҳида ўрин тутади. Тергов идораларнинг фаолияти тўлигича жиноятларни очиш, тергов қилиш ва уларнинг олдини олишга қаратилган.

Тергов органларининг ҳуқуқни қўллаш амалиёти қўйидаги вазифаларни бажаришга йўналтирилган:

- жиноятларни тез ва тўлиқ очиш;
- жиноят ишини судда кўриб чиқиш ва жиноят содир этишда айборларни жавобгарликка тортиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

– жиноят туфайли етказилган зарарни қоплаш ёки ҳукм чиқарилганидан кейин амалда қоплаш учун зарур шароитлар яратиш;

– жиноятларнинг сабабларини аниқлаш ва бунга имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини кўриш;

– фуқароларни амалдаги қонун-қоидаларга қатъий риоя этиш ҳамда ҳуқуқий жиҳатдан маданиятли, фуқаролик жамиятига садоқатли қилиб тарбиялаш.

Тергов органларининг ҳуқуқни қўллаши қўйидагиларга қаратилган:

- жиноят ва жиноят-процессуал қонунни қўллаш;
- жиноят содир этилганлигини ва бу қилмиш орқали жиноят қонунининг қайси нормаси бузилганлигини аниқлаш;
- жиноят учун жавобгарликни истисно қилувчи ҳолатлар бор ёки йўқлигини

аниқлаш, агар мавжуд бўлса, қонунни қўллаш амалиётини якунлаш;

– содир этилган жиноят учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш ва одил судловни амалга ошириш учун зарур шароит яратиш;

– жиноят-процессуал қонун ҳужжатларининг айрим вазифаларини бажариш бўйича процессуал қарорлар қабул қилиш;

– зарур ҳолларда жиноят процесси иштирокчиларига нисбатан процессуал мажбурлов чораларини қўллаш.

Тергов органларининг ҳуқуқни қўллаш фаолияти қўйидаги **йўналишларда** амалга оширилиши мумкин:

– содир этилган жиноят ҳақидаги ариза, хабар ва бошқа маълумотларни кўриб чиқиш, терговга қадар текширув ўтказиш ва тегишли қарор қабул қилиш;

– жиноят ишлари бўйича дастлабки терговни амалга ошириш;

– жиноят натижасида етказилган моддий, жисмоний ва маънавий зарар оқибатларини бартараф этиш;

– жиноят сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш;

– тергов давомида процесс иштирокчиларининг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилмаслигини таъминлаш, уларни ҳимоя қилиш;

– гумон қилинувчи, айланувчига нисбатан қамоқ тарзидағи эҳтиёт чорасини, лавозимдан четлаштириш ва тиббий муассасага жойлаштириш мажбурлов чораларини қўллаш бўйича фаолият;

– Ўзбекистон Республикасининг процессуал фаолият билан боғлиқ халқаро шартномалари ижросини таъминлаш, хорижий давлатларнинг тергов ва суд органлари билан алоқа қилиш ва ҳ.к.

Ҳозирги кунда тергов органлари терговга тегишлилик асосида (**ЖПК** 345, 381-2-м.) ўзларига тааллуқли жиноятларга доир ишлар бўйича ҳуқуқни қўллаш фаолиятини амалга ошириб келмоқдалар. Бугун содир этилаётган жиноятларнинг аксарият қисми ички ишлар

органлари томонидан тергов қилинмоқда. Жиноятларнинг терговга тегишлилиги тергов органлари таркибига кирган идоранинг хизмат вазифаларидан келиб чиқсан ҳолда белгиланган.

Шунингдек, барча турдаги жиноятлар жамоат хавфсизлиги билан боғлиқлигидан келиб чиқиб, баъзида ички ишлар органлари тергов идоралари томонидан бошқа тергов идораларининг ваколатига кирадиган ишлар бўйича ҳам терговни амалга ошириш ҳолатлари тез-тез учраб туради. Ушбу ҳолатни ички ишлар органлари куч ва воситаларининг имкониятлари бирмунча кенглиги билан ҳам изоҳлаш мумкин. Шу билан бирга, тергов органлари доимий равишда ҳамкорликда фаолият олиб борадилар. Умуман олганда, тергов органларининг бугунги фаолияти самарали ташкил этилган, дейиш мумкин.

Тергов органларининг ҳуқуқни қўллаш амалиёти мазмунан жиноят ҳақидаги хабарлар бўйича терговга қадар текширув ўтказиш, мавжуд асосларга кўра жиноят иши қўзғатиш ва жиноят ишларини тергов қилиш, белгиланган тартибда терговни тамомлаш бўйича процессуал фаолиятни қамраб олади. Бошқача айтганда, бу жиноят-процессуал қонунга асосан ҳаракатланиб, жиноят қонунининг тўғри татбиқ этилишини таъминлаш учун терговга қадар текширув ўтказиш ва жиноят ишларини тергов қилиш фаолиятидир.

Тергов идораларининг суриштирувчи ва терговчилари жиноят содир этилгани ҳақида келиб тушган хабарларни текшириш тартибини белгиловчи жиноят-процессуал нормаларни қўллашда иштирок этадилар. Аризада акс этган ахборот ўз тасдигини топмаса, жиноят ишини қўзғатиш рад этилади. Аммо агар жиноят эмас, бошқа бир деликт ёки қоидабузарлик юз берган бўлса, улар ушбу қилмиш бўйича чора кўриш ва уни келтириб чиқарган сабабларни бартараф этиш мақсадида суриштирув органлари ва бошқа давлат муассасалари ҳамда жамоат бирлашмалари билан ҳамкорликда ҳаракат қиласидилар.

Жиноят ишини қўзгатиш ҳақидаги масала терговга қадар ўтказилган текширув натижаларидан келиб чиқиб ҳал этилади. Агар жиноят ишини қўзгатиш ҳақида қарор чиқарилса, бу иш бўйича дастлабки терговни амалга ошириш тартибига оид процессуал нормаларни қўллаш асосида ҳуқуқни қўллаш амалга оширилади.

Жиноят процессининг мустақил босқичи сифати жиноят ишларини тергов қилиш жиноят-процессуал қонун ҳужжатларидан келиб чиқувчи бир қатор хусусиятларга эга. Тергов мобайнида суд жиноят ишини пухта ўрганиб чиқиши ҳамда қонуний ва асосланган қарор қабул қилиши учун замин яратилади. Тергов амалиётида учрайдиган хатолар таҳлил этилганида уларнинг аксарияти ўтказилган терговнинг сифатсизлиги, бальзан эса терговчиларнинг нохолислиги, билимсизлиги ва эътиборсизлиги туфайли келиб чиққани маълум бўлади.

Тергов ва суд фаолиятининг алоқаси чамбарчас бўлиб, улар ҳуқуқни қўллаш жараёнининг турли вақтларда юз берадиган икки босқичидир. Тергов органларининг ҳуқуқни қўллаш амалиётида қўйидаги асосий **функцияларни** белгилаш мумкин:

- жиноий ҳодиса ҳақида келиб тушган ариза ёки хабарни терговга қадар текшириш;
- жиноят иши қўзгатиш ҳақидаги масалани ҳал этиш;
- жиноят ишларини тергов қилиш;
- жиноятларнинг олдини олиш;
- фуқароларни тарбиялаш ва маърифатли қилиш;
- тергов амалиётини умумлаштириш ва такомиллаштириш чораларини кўриш.

Тергов органлари ҳуқуқни қўллаш амалиётининг долзарб аҳамиятга эга жиҳатлари мавжуд бўлиб, уларга:

- аниқланган жиноят ҳодисаси юзасидан белгиланган муддатларда жиноят иши қўзгатиш ёки қўзгатишни рад этиш бўйича ҳуқуқни қўллаш (325-моддага асосан);
- жиноят ишини тугатиш бўйича ҳуқуқни қўллаш;

– судга қадар иш юритувда шахс ҳуқуқларини таъминлаш бўйича ҳуқуқни қўллаш;

– процессуал мажбурлов чораларини қўллаш тартибига оид ҳуқуқни қўллаш амалиёти;

– ярашув ва амнистия актига асосан терговни тамомлаш бўйича ҳуқуқни қўллаш амалиёти;

– тезкор-қидирав фаолияти натижаларидан фойдаланиш бўйича ҳуқуқни қўллаш амалиёти кабиларни киритиш мумкин.

Тергов органларининг ҳуқуқни қўллаш амалиётида бир қанча **муаммолар** ҳам учраб туради. Жумладан:

1) жиноят қонуни билан белгиланмаган ижтимоий хавфли қилмишларни баҳолаш;

2) жиноят қонуни талабларини тўғри татбиқ этиш;

3) суд-ҳуқуқ ислоҳотлари натижасида қонунчиликка киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг мазмунини тергов амалиётига татбиқ этиш;

4) гумон қилинувчи ва айбланувчи-ларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга эътибор кучайиб бораётгани, уларнинг процессуал мақоми кенгайтирилаётган шароитда жиноятдан жабр кўрган шахсларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашга етарли эътибор берил-маслиги ҳолатлари мавжудлиги;

5) тергов органлари фаолиятини тартибига солувчи қонунлар ва бошқа идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги ихтиофлар;

6) айрим жиноят ва жиноят-процессуал қонун нормаларини қўллашнинг моддий асослари, чиқим ва харажатларни қоплаш;

7) ҳуқуқни қўллаш тартибининг мураккаблиги ва замон талаблари мос келмаслигига боғлиқ муаммолар мавжуд.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексидаги бир қатор нормаларга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар асосида эндиликда ишни судга қадар юритиш жиноятга оид ариза, хабар ва бошқа маълумотлар қабул қилинган пайтдан

бошланади ҳамда терговга қадар текширув ва жиноят ишини тергов қилишни ўз ичига олади.

Шунингдек, жиноят-процессуал қонунчиликда терговга қадар текширув органларининг рўйхати келтирилиб, уларнинг ҳуқуқий мақоми тартибга солинди. Жиноятта оид ариза, хабар ва бошқа маълумотларни текшириш натижаси юзасидан қарор қабул қилишга доир тадбирларни, шунингдек иш учун аҳамиятли бўлиши мумкин бўлган жиноят излари, нарса ва ҳужжатларни мустаҳкамлаш васақлаш чораларини кўриш эса уларга асосий вазифалар сифатида юклатилди.

Суриштирув, дастлабки тергов билан бирга, жиноят ишини тергов қилиш шаклларидан бири сифатида белгиланди. Суриштирув органларининг фаолияти ва суриштирувнинг умумий шартлари тартибга солиниб, ЖПКнинг 3812-моддаси тартибида суриштирув органлари томонидан суриштирув олиб бориладиган жиноят ишлари тақсимлаб берилди⁴. Шу тариқа суриштирувнинг зиммасига ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни тергов қилиш юклатилган бўлса, оғир ва ўта оғир жиноятларни тергов қилиш вазифаси дастлабки тергов имкониятлари орқали таъминланадиган бўлди.

Бунинг самараси ўлароқ, оғир ва ўта оғир жиноятлар юзасидан дастлабки терговнинг сифатини ошириш, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни эса қисқа муддатларда тергов қилиш, энг асосийси, фош қилинмаган жиноятларни очиш юзасидан сифатли тергов ҳаракатлари олиб бориш учун замин яратилди. Бу каби ислоҳотлар, ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг соҳани ривожлантиришга доир раҳбарий кўрсатмаларининг ижросига хизмат қилмоқда. Зоро, давлатимиз раҳбари айтганидек, «тергов идоралари ихтиёрида қисқа муддатда тезкор қонуний қарорлар қабул қилиш имконияти мавжуд эканига қарамай, қўшимча суриштирув ёки

тергов ҳаракатлари талаб этилмайдиган материаллар бўйича асоссиз равишда муддатни узайтириш, чўзиш, фуқароларни сарсон қилиш каби салбий амалиёт ҳамон учрамоқда»⁵. Шу боис тергов органлари фақат айблаш билан чекланмай, жиноятларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни ўрганиш, профилактика мақсадида ҳар бир жиноят тафсилотларини ички ишлар органлари раҳбарлари, профилактика инспекторлари ва маҳалла фаоллари иштирокида чукур таҳлил қилиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жиноятларни тергов қилиш вазифаси юклатилаётган суриштирувчилар тегишли ички ишлар органлари хизмат кўрсатадиган ҳудудлардаги аҳоли яшайдиган манзилларга яқин жойларда ташкил этилаётган ички ишлар бўлинмаларнинг ўзида фаолият олиб бориши йўлга қўйилди. Мазкур тажриба фуқаролар учун ҳам, тергов органлари учун ҳам қатор қулайликлар яратиши билан бирга, Халқ – билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилининг гоявий ўзагини ташкил этувчи «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга – хизмат қилиши керак»⁶ деган муҳим пинципга ҳам тўлиқ мос келади.

Тергов органлари ҳуқуқни қўллаш амалиётининг ривожланиш истиқболларини куйидаги йўналишларда кўриш мумкин:

биринчидан, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни янада такомиллаштириш;

иккинчидан, тергов органлари фаолиятини тизимли ташкил этиш ва амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини, тергов органларининг хизмат вазифаларини такомиллаштириш;

учинчидан, айрим турдаги жиноятларга доир ишлар бўйича, яъни унча оғир бўлмаган ва ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларга оид ишлар бўйича судга қадар иш юритувни соддалаштириш ва ушбу жиноятлар бўйича тергов ўтказишни терговга қадар текширув органлари ваколатига ўтказиш;

тўртинчидан, айrim жиноят-хуқуқий ва жиноят-процессуал институтларни қайта кўриб чиқиш ёки қонунчиликдан чиқариш йўналишида (масалан, судланганлик, рецидив, холислар иштироки, жиноят иши қўзгатилишининг муқаррарлиги, диспозитивлик ва бошқалар);

бешинчидан, тергов органлари фаолияти устидан суд назоратига оид қонун нормаларини кенгайтириш ва такомиллаштириш.

Тергов органларининг хуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш учун куйидаги **чоралар** кўрилиши мақсадга мувофиқ:

1) тергов органлари фаолиятининг норматив-хуқуқий базасини кенгайтириш, терговчиларнинг хуқуқларини кенгайтирувчи ва кафолатловчи судга қадар иш юритиш ёки жиноятларни тергов қилиш тўғрисида қонун қабул қилиш;

2) прокуратура тизимидағи тергов органларига тааллуқли ишлар сифатида

фақат мансабдор шахслар томонидан содир этилган жиноятлар тоифасини қолдириш ва тергов органларини алоҳида қўмитага бирлаштириш;

3) терговга қадар текширув органлари томонидан унча оғир бўлмаган ва ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларга оид ишлар бўйича соддалаштирилган тартибдаги судга қадар иш юритуви олиб бориш орқали ишни судга юбориш тартибини жорий этиш;

4) тергов органлари фаолиятини ташкил этиш бўйича прокурор томонидан амалга ошириладиган айrim процессуал ваколатларни тергов органининг бошлиғига ўтказиш;

5) тергов органлари томонидан хуқуқни қўллаш амалиёти битта жиноят иши бўйича қанча маблағ сарфланишини ҳисобга олган ҳолда амалдаги тартибнинг самарадорлигини ошириш.

¹ Конституция – эркин ва фаровон ҳаётимиз, мамлакатимизни янада тараққий эттиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллигига багишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи. – 2017. – 8 дек.

² Алексеев С. С. Общая теория государства и права: В 2-х т. Т.1. – М., 1981. – С. 320.

³ «Суриштирув институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 6 сентябрдаги ЎРҚ-442-сон Қонуни // URL: <http://lex.uz/docs/3328284>.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // URL: <http://www.lex.uz>.

⁵ Мирзиёев Ш.М. Инсон манбаатларини таъминлаш учун аввало унинг хуқуқ ва эркинликлари, осуда ва фаровон ҳаёти ҳимоя қилинмоғи керак // Халқ сўзи. – 2017. – 10 фев.

⁶ Қонун устуворлиги ва инсон манбаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига багишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи. – 2016. – 8 дек.

Ш. О. Мамадалиев,

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси олий ўқув юртидан кейинги таълим
факультети бошлиғи, фалсафа фанлари доктори, профессор;*

А. А. Ташипулатов,

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари;

М. У. Жўраев,

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг жамоат тартибини сақлаши бўйича ўринбосари

ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИДА МИЛЛИЙ ГОЯНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация. Мақолада миллий гояни шакллантириш ва ривожлантириш муаммолари таҳдил қилинган, миллий гояни янада ривожлантиришга доир илмий қарашлар асослантирилган.

Таянч сўзлар: мафкура, миллий гоя, мафкуравий иммунитет, мафкуранинг асосий гоялари, бузгунчи ва вайронкор гоялар, мафкуравий полигон.

Вопросы развития национальной идеи на новом этапе развития Узбекистана

Аннотация. В статье анализируются проблемы формирования и развития национальной идеологии, обосновываются научные взгляды на дальнейшее развитие национальной идеи.

Ключевые слова: идеология, национальная идеология, идеологический иммунитет, основные идеи идеологии, деструктивные и разрушительные идеи, идеологический полигон.

Issues of development of the national idea at the new stage of development of Uzbekistan

Annotation. The article analyzes the problems of the formation and development of national ideology, substantiates scientific views on the further development of the national idea.

Keywords: national ideology, ideology, ideological immunity, main ideas of ideology, destructive and destructive ideas, ideological testing ground.

Ўзбек халқининг асрий орзуси бўлган мустақиллик 1991 йил 31 августда эълон қилинди ва шу сониядан мустақиллик гояси халқни бирлаштирувчи, уни бунёдкорлик ишларига сафарбар этувчи буюк кучга айланди. Халқимизнинг фидокорона меҳнати туфайли ички ва ташқи сиёсатни мустақил белгилайдиган демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти ва ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти институтлари шакллантирилди. Ўзбекистон халқаро сиёсат ва ҳуқуқ субъектига айланди. Бу – инкор этиб бўлмайдиган буюк гала-бадир. Бироқ ҳаёт бир жойда турмайди, у доимий ҳаракат, ўзгариш ва ривожланишни талаб этади.

Бугун бир қутбли дунёning кўп қутбли дунёга айланиш жараёни мураккаб ва зиддиятли кечмоқда. XX асрнинг иккинчи ярмида устуворликка эга бўлган либерализм, социал демократизм, консерватизм каби устувор гоялар прагматик руҳдаги миллий гоялар билан янгиланмоқда. Ушбу жараён мустақиллигини сақлаб қолишни истаган ҳар бир давлатдан халқ манфаатларини ифода этувчи миллий гоясини ривожлантиришни талаб этади.

Маълумки, мустақилликнинг дастлабки йилларида миллий гоя фан даражасига кўтарилиб, таълим тизимига жорий этилди. Миллий гоя бўйича мутахассислар тайёрлаш ва илмий даражалар бериш тизими йўлга

кўйилди. Дарслик, ўқув қўлланмалари нашр этилди, диссертациялар ҳимоя қилинди. Бу ўхшали йўқ миллий тажрибадир. Бироқ миллий тажрибани ўрганиш ижобий натижалар билан бирга айрим камчиликлар ҳам мавжудлигини кўрсатмоқда.

1. Миллий гоя моҳият, сабаб эмас, балки ҳодиса ва оқибат сифатида тавсифланганлиги боис Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, миллатлараро тотувлик, диний бағрикентлик каби умуминсоний гоялар мавҳум тушунчаларга айланниб қолди.

2. Миллий гоя ва дунёқарааш ўртасидаги боғлиқлик назардан четда қолди. «Борлиқ онг ва дунёқараашни белгилайди» деган материалистик ёндашувдан тўлиқ воз кечилмади. Аслида, дунёқараашни ўзгартирасдан борлиқни ўзгартириб бўлмайди. Бугун Ўзбекистонда борлиқ ўзгарган, аммо айрим инсонларда эскича дунёқарааш сақланиб қолган. Миллий гоянинг асосий вазифаси бўлган дунёқараашни шакллантириш тўлиқ амалга ошмади.

3. Миллий гояни таълим тизимида ўқитиш билан чекланиб қолинди. Театр, маданият, кино каби санъат турларининг мазмунига чуқур сингмади. Бу эса «Республика миллий гоя ва мафкура илмий-амалий маркази» аморф тузилма сифатида тутатилишига сабаб бўлди.

4. Миллий гоянинг келажакни башоратлаш функциясига етарли эътибор берилмади. Натижада миллий гоя релятивлик функциясини бажара олмади. Миллий гоя – догма эмас. У тараққиётга етакловчи идеал бўлиши лозим эди. Ҳанузгача «замон қаҳрамони» образи шакллантирилмади.

5. «Миллий гоя» тушунчасига умум эътироф этган таъриф берилмади. «Гоя – мафкуралар йигиндиси» деган таъриф билан чекланилди.

6. Миллий гоя халқни бунёдкорлик ва ривожланиш мақсади атрофида тўлиқ бирлаштира олмади. Бу эса барча инсон ресурсларини тараққиёт ва ривожланиш йўлида етарлича сафарбар этиш имконини бермаяпти. Ваҳоланки, барча тараққий этган

давлатларда ривожланишнинг замирида инсон омили ётади.

7. Миллий гоянинг мафкуравий иммунитетни шакллантиришдаги ўрни пастлигича қолмоқда. Бу эса фуқароларимиз, айниқса, ёшларимизнинг бошқа ёт гоялар таъсирига осон тушиб қолишида ҳамда турли мафкуравий таҳдидларга ўзининг кескин позициясини билдириласлигига намоён бўлмоқда.

Миллий гоя — миллатни буюк мақсадлар атрофида бирлаштирувчи ҳамда ички имкониятларни ҳаракатта келтирувчи қадриятлар тизими. Мустақил фикрлаш, ишлаш ва яшаш миллий гоянинг моҳиятини ташкил этади. Шу боис ҳар бир инсон жамият, давлат ривожланишининг манбайини ўзидан, яъни ички имкониятларидан излаши лозим. Ўз-ўзини бошқариш, назорат қилиш ва баҳолаш миллий гоянинг талабидир.

Ўзбекистон ривожланишининг янги босқичи талабларидан келиб чиқиб, Ҳарататлар стратегиясининг қўйидаги гоялари умумжамият шиори сифатида тавсия этилади:

«Миллий тикланишдан миллий юксалиш сарии»;

«Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши шарт»;

«Халқ бой бўлса, давлат бой ва қудратли бўлади»;

«Бир жаҳолатга қарши ўн маърифат билан курашмоқ керак».

Қўйидаги қадриятлар эса мафкуранинг асосий гоялари сифатида таклиф этилади.

Дўстлик ва меҳр-муҳаббат гояси. Бугун дунёда дегуманизация, деинтеллектуализация жараёни кузатилмоқда. Дўстлик ўрнини хиёнат, сотқинлик, меҳр ўрнини худбинлик, эгоцентризм, жаҳолат эгаллаётганидан кўз юмиб бўлмайди. Меҳрсизлик оқибатида дунёда ҳар 40 дақиқада битта суицид содир этилиб, 20 та ўзини ўзи ўлдиришга уриниш бўляпти. Худбинлик оқибатида дунёда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотларининг тўртдан бир қисми (1.6 млн тонна) ахлатхоналарга ташланмоқда.

«Оила экологияси», «бир жинсли оила» каби тушунчалар пайдо бўлди, душман қидириш тамойилга айланяпти. Демак, дўстлик, меҳрмухаббат миллий гоя даражасида ўрнатилиши лозим.

Ростгўйлик юяси. Халқимизда «бошингга қилич келса ҳам, тўғри гапир», «ҳақиқат эгилади, букилади, аммо синмайди» деган нақллар бор. Динимизда ёлғончилик кечириб бўлмас гуноҳ ҳисобланади. Аммо бугун ёлғон гапириш «норма»га айланиб қолмоқда. Чинни сўзлаган туҳматда, ёлғонга ишонтирган иззатда бўлиб боряпти. Дунё социологлари бугун инсонларнинг 90% ишларини битириш учун ёлғондан фойдаланаётганини таъкидлашмоқда. Дунё ОАВда тарқатилаётган ахборотларнинг 8 фоизи холис, 92 фоизи манипуляцияга қаратилган¹. Жаҳонда «буюк» ёлғонлар маҳсус мафкуравий лабораторияларда тўқиб чиқарилиб, миш-мишлар орқали тарқатилаётгани ҳам бор ҳақиқат. Ростгўйлик бўлмаган жойда файз-барака бўлмайди, иккисизламачилик, сотқинлик, хиёнат авж олади. Бугун халқимизда ростгўйликка чанқоқлик бор. Бу чанқоқни сўз эркинлиги ва ошкораликнинг ўзи билан қондириб бўлмайди. Демак, ростгўйлик миллий гоя даражасида қадрланишга тўла ҳақлидир.

Адолатпарварлик юяси. Халқимиз ҳамиша адолат қидириб яшаган, адолатсизликдан нафратланган. Буюк Амир Темур «Куч – адолатдадир» деган шиорга бир умр содик қолган. Аммо бугун дунё амалиётида «адолат – кучда», «ким зўр бўлса – ўша адолатли», «кучли – доимо ҳақ», деган қоидалар шаклланаётганини қузатиш мумкин. Бу қоидалар тарихда урушларга сабаб бўлган буюк хатодир. Шу сабабли халқ интилаётган адолатни – «фикр, сўз ва амал» бирлигини таъминлаш масаласи миллий гоя даражасида ўрганилиши керак. Бозор иқтисодиёти, рақобат адолатли бўлиши шарт.

Меҳнатсеварлик юяси. Ўзбек халқи азалазалдан меҳнатсевар халқ бўлган. Меҳнатсеварлик халқимизнинг – ажralmas фазилати. Халқимизда ҳунарли киши улуғланган.

◆ «Ҳунар – ҳунардан ризқинг унар» деган мақол халқ ҳикматига айланган. Динимизда Баҳовуддин Нақшбанднинг «Дил ба ёру даст ба кор» деган сўzlари шиорга айланган. Ялқовлик, дангасалик қораланган. Бугун меҳнатга бўлган иштиёқдан кўра, истеъмолчиликка берилиш жараёни кузатилади. «Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик» деган ҳикмат унтилиш арафасида. Жиноятларнинг асосий сабаби ҳам меҳнатсиз бойлик ортиришга интилиш билан боғлиқ. Коррупция, порахўрлик каби жиноятларнинг аксарияти меҳнатсиз бойлик излаш ортидан содир бўляпти. Ўзбекистон коррупция, хуфиёна иқтисодиёти даражаси бўйича юқори погоналардан жой олган. Ўзбекистонда фаол аҳолининг сони 13,2 миллионни ташкил этади, шундан 5,8 миллиони расман ишлаб чиқаришга жалб этилган². Бундай вазиятда инсон онгидаги ўзгариш ясаш долзарб аҳамият касб этади. Ўзбекистонни ишлаб чиқарувчилар жамиятига айлантириш учун меҳнатсеварликни миллий гоя даражасига кўтариш зарур.

Илмга интилиш юяси. Ўзбекистон қадимдан илм ва маърифат маскани бўлган. У Ибн Сино, Ал-Хоразмий, Ином Бухорий, Ат-Термизий каби буюк мутафаккир ва алломаларнинг ватанидир. Бу юртда шоирлар султони Алишер Навоий ижод қилган. Дунёвий ва диний билимлар уйғунликда ривожланган. Халқ қалбида «Бешикдан то қабргача илм изла» деган қоида амал қилган. Олимлар ҳамиша иззат ва ҳурматда бўлган. Аммо кейинги пайтларда ижтимоий онгда пулпарастлик, амалпарастлик, буюмпарастлик устуворлик касб этаётгани кузатилмоқда. Аксарият ёшлар «илм излаш»дан кўра «пул излаш»ни афзал кўрмоқда. Шу боис молдунё талашиб билан боғлиқ жиноятларнинг сони йилдан-йилга ортмоқда. Бугун дунёда интеллектуал индустря, инновацион иқтисодиёти ривожланишининг бош омилига айланган. Бу илм-фансиз тараққиётга эришиб бўлмаслигини англатади. Шунинг учун «илм излаш» миллий гоя даражасида ўрганилиши лозим.

Эл-юрга садоқат ғояси. Қадимдан ўзбек халқи уй-жойим, оиласам дейдиган халқ сифатида танилган. Оила муқаддас ҳисобланган. Эл-юрга садоқатнинг амалий ифодаси бўлган ватанпарварлик улуғланган. Миллатлараро тутувлик, диний бағрикенглик ўзбек халқининг ментал хислатлариридир. Тўмарис, Широқ, Спитамен, Муқанна, Жалолиддин Мангуберди, Нажмиддин Кубро, Амир Темур каби ватанпарварлар эл-юрга садоқатда ибрат намунасига айланган. Бироқ ҳозир аксарият ёшлар дунёқарашида ўзбек халқининг тили, тарихи, урф-одати ва ахлоқига нисбатан нигилистик, ўзга халқларга нисбатан космополитик муносабатлар устуворлик қилмоқда. Бугун ривожланган давлатларда яшаш уларнинг «идеал»ига айланиб бораётганини қузатиш мумкин. Бундай шароитда ёшлар онгига она тили, Ватан тарихи, халқининг урф-одати ва қадриятларига нисбатан фахр, миллий гурур туйгуларини шакллантириш улкан аҳамият касб этади. «Миллий руҳ» бўлмаган жойда она юрга садоқат, ривожланиш ҳам бўлмайди. Демак, «Эл-юрга садоқат»ни миллий ғоя даражасига кўтариш лозим.

Инсонпарварлик ғояси. Ўзбекистон халқи инсонпарварлик илмига асос соглан юрт. «Авесто» – инсонни улуғловчи таълимот. «Фозил одам», «ориф инсон», «комил инсон» ғоялари халқимизнинг онги-

шууърига сингдирилган. Ор-номус, ҳаё, ҳалоллик, болажонлик фазилат ҳисобланган. Дини, тили, терисининг ранги, миллати, келиб чиқишидан қатъи назар, инсон – олий қадрият сифатида эътироф этилган. Бугун инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга, ҳар бир инсонни мулкдор қилишга, айниқса, хусусий мулк дахлсизлигини таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда. Мулкдорлар синфи шаклланиб, хусусий тадбиркорлик жамият ривожланишини белгиловчи кучга айланди. Бироқ кўпчилик инсонларда кузатувчанлик, томошабинлик, бефарқлик, лоқайдлик, дангасалик, истеъмолчилик кайфияти сақланиб қолмоқда. Бундай шароитда инсонпарварликни хайр-эҳсон билан алмаштирмаслиқ, «ҳар бир оила – тадбиркор» дастурини ҳаётга жорий этиш муҳим. Инсонпарварлик – душман эмас, дўст, яхшилик қидириш фазилати. Шу боисдан инсонпарварлик миллий ғоянинг негизини ташкил этади.

Мақолада келтирил таклифлар миллий ғоянинг хусусиятларини ифодалаб, Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, миллатлараро тутувлик, диний бағрикенглик, ижтимоий ҳамкорлик, комил инсон ғояларининг мазмунини Ҳаракатлар стратегиясига мос равища ривожлантиришга хизмат қилади.

¹ Бозоров О. Миллий ғоя ва тарбибот самарадорлиги. – Т., 2018. – Б. 3.

² URL: www.kun.uz. 19.09.2018. Ўзбекистонда барча иш билан банд.

Н. Т. Тургунова,

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси хизмат фаолияти психологияси кафедраси ўқитувчиши

ХАЛҚ ИШОНЧИ – ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ РИВОЖЛАНИШИННИГ МУҲИМ ОМИЛИ

Аннотация. Мазкур мақолада «халқ ишончи» ва «фуқаролик жамияти» тушунчаларининг мазмуни, уларнинг ўзаро алоқаси, жамият ривожидаги ўрни ҳамда қонунчилик асослари таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: халқ ишончи, фуқаролик жамияти, фуқаролик жамияти институтлари, давлат, сиёсий иштирок, фуқаролик позицияси.

Доверие народа – важный фактор развития гражданского общества

Аннотация. В статье анализируются содержание понятий «доверие народа» и «гражданское общество», их взаимосвязь, а также место и роль в развитии общества.

Ключевые слова: доверие народа, гражданское общество, институты гражданского общества, государство, политическое участие, гражданская позиция.

People's confidence – main factor of development of civil society

Annotation. The article analyzes content of people's confidence and civil society concept, their relationship and role in the development of country, legal basis.

Keywords: people's confidence, civil society, people's society institutions, state, political participation, civic stand.

Бугун Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар, янгиланишлар давлат ва халқ муносабатларининг янги услуби шакланаётганидан далолат бермоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонаси (pm.gov.uz) ҳамда Халқ қабулхоналари жорий этилаётгани фикримизга далил бўла олади¹.

Давлат идораларининг халқ билан ўзаро мулоқот ўрнатишининг ушбу усули юксак талабчанлик, ҳар бир раҳбар ўзига бириклирилган вазифага шахсан жавобгарлиги, қарорлар барча босқичларда демократик тарзда муҳокама қилиниши ҳамда фуқароларнинг ўз фикрларини эркин билдириши билан уйгунилигига кўринади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралда ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси мамлакатимиз янги тараққиёт босқичининг

концептуал асоси бўлди. Ушбу дастурий хужжат Ўзбекистонда бошқа соҳалар билан бир қаторда давлат бошқарувида ҳам тегишли ислоҳотларга кенг йўл очиб берди.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар, янгиланишларнинг туб мазмун-моҳиятини «халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак», «инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун», «ўзаро мулоқот», «халқ ишончини қозониши», «одамларни ҳаётидан рози қилиши» каби принциплар ташкил қилмоқда. Уларнинг ҳаётга жорий этилиши, ўз навбатида, халқимизнинг давлат идораларига нисбатан ишончини ошириш ва таъминлаш билан узвиййидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев мамлакатимиз тарихида биринчи марта Олий Мажлисга Мурожаатномасида ушбу тажрибанинг дунёдаги кўплаб тараққий топган мамлакатларда қўлланиб келаётганини таъкидлаб, шундай деган эди: «Ўзбекистонда олиб борилаётган

кенг кўламли ислоҳотлар, авваламбор, халқ билан мулоқот принципига гоят уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб, бизнинг иш фаолиятимиз самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади...»².

Бунда юқорида қайд этилган «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак»³ деган принцип асосий кўрсаткич сифатида белгилаб олинди. Унинг асосида давлат ҳоқимияти идораларининг аҳоли билан доимий мулоқот қилиши (1), унинг қонуний талаблари, мурожаат ва таклифларини ўрганиши (2) ҳамда уларни тизимли равишда амалга ошириши (3) каби вазифалар устувор аҳамият қасб этди.

Ҳар томонлама пухта ўйланган ва асосланган ҳолда амалга оширилаётган ижобий ўзгаришлар замерида фуқаролик жамиятининг таркибини ташкил этувчи янги демократик институтларнинг ривожланиши масаласи ҳам мужассамдир.

Бу эса, ўз навбатида, юртимизда фуқаролик жамиятининг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий муҳити юксалишига хизмат қилмоқда. Мазкур ижобий жараёнлар кишига мамнуният бағишлиши билан бир қаторда, ҳар биримизнинг демократия неъматлари истеъмолчиси бўлиш билан чекланиб қолмасдан, ана шу неъматларни яратувчи фаол шахслар сифатида ўзлигимизни намоён этишимиз бугунги давр талаби эканлигини кўрсатади.

Асосийси, мамлакатимиз кейинги йилларда тараққиётнинг янги бочқичига қадам қўйиши сабабли модернизация суръатлари янада жадаллашди, давлатнинг халқа қайишиши жараёни бошланди, халқни рози қилиш асосий мақсадга айланди.

Демак, халқимиз ишончининг замерида ана шундай устувор принциплар бор. Айни шу устуворликни аниқлаш мақсадида Республика «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан айрим тадқиқотлар ўтказилган бўлиб, унга кўра юртдошларимизнинг мутлақ кўпчилиги, яъни 97,5 фоизи мамлакатимиздаги

bugungi ijtimoiy-iqtisodiy ҳолатни «яҳши ва барқарор» деб ҳисоблаши маълум бўлди⁴. Бу эса бугун фуқароларимизнинг келажакка ишончи ва дахлдорлик туйгуси юксак эканлигини англалади.

Бинобарин, юртдошларимизнинг давлат ва жамият ҳаётида фаол фуқаролик позициясини намойиш этган ҳолда иштирок этиши, ўз навбатида, жамиятимизни янада демократлаштириш, эркинлаштириш ва фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ҳамда изчил ривожлантириш билан чамбарчас боғлиқdir. Шу маънода, сўнгти йилларда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида демократик ўзгаришларни амалга ошириш жараёнда фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, нодавлат нотижорат ташкилотларининг роли ва аҳамияти, ижтимоий фаоллиги, умуман, улар фаолиятининг самарадорлигини кучайтиришга қаратилган муҳим ишлар амалга оширилиб келмоқда.

Жамиятдаги ижтимоий муносабатларни тавсифловчи асосий омиллардан бири фуқароларнинг давлат ҳоқимияти ва бошқарув органларига ишончидир. Бундай ишонч амалда шахс, жамият ва давлат муносабатлари узвий ҳамда изчил бўлишига хизмат қилади. Айни пайтда, ўзаро муносабатлардаги ишонч жамиятни бирлаштирувчи, унинг барқарорлиги ва ривожини белгиловчи механизм вазифасини бажаради. «Ишонч» ижтимоий-фалсафий категория сифатида сиёсий ва ижтимоий онгнинг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобланади.

«Халқнинг ишончи» тушунчаси – асрлар мобайнида шаклланган сиёсий ва ҳуқуқий онг маҳсули бўлиб, инсонларни фуқаролик жамияти институтлари орқали давлат бошқарувида иштирок этишга, давлатни халқ манфаатларига жавоб берадиган сиёсат олиб боришга ундейдиган асосий манбадир.

Россиялик олим О.М. Гараев таъкидлаганидек, «халқнинг ишончисиз кучли фуқаролик жамияти ҳам, давлат ҳам бўлмайди»⁵. Бунда халқнинг ишончи ҳар иккисининг ривожланишига боғлиқлиги кузатилади.

Ўрганишлар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, айрим ҳолларда шахс, жамият ва давлат муносабатларидағи муайян салбий ўзгаришларга айнан ишонч етишмаслиги сабаб бўлмоқда. Бунинг оқибатида жамият тараққиётига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган турли эҳтимолий таҳдидлар келиб чиқмоқда. Шу нуқтаи назардан, ўзаро муносабатлarda ишончни мустаҳкамлаш, унинг асосларини яратиш ва кафолатлаш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда қабул қилинган қонунларнинг туб мазмун-моҳияти фуқароларнинг қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган. Ўтган йиллар давомида бу борада кўпгина ишлар амалга оширилди, жумладан фуқаролик жамияти институтлари фаолияти билан боғлиқ қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Юртимизда халқнинг давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига бўлган ишончини ошириш механизмларини такомиллаштиришнинг фалсафий-сиёсий жиҳатларига эътибор қаратиш ҳамда қонунчилик базасини янада мустаҳкамлаш борасида қатор чоралар кўрилди. Жумладан, ўтган давр мобайнида ушбу соҳага оид 200 дан зиёд норматив-хуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 34-моддасида фуқароларнинг жамоат бирлашмаларига уюшиш ҳуқуқи мустаҳкамлаб кўйилган бўлиб, унга кўра «Ўзбекистон Республикаси фуқаролари касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар»⁶.

Айтиш жоизки, Конституциямиз учинчи бўлимининг «Жамоат бирлашмалари» деб номланувчи XIII бобидаги моддалар фуқаролик жамиятининг анъаналарини тиклаш, жамоат бирлашмаларининг мақомини ҳуқуқий тарзда расмийлаштириш, уларнинг реал ва барқарор ривожланишини таъминлашга қаратилган конституциявий қоидалардан ташкил топган. Энг муҳими, Конституциямизда фуқаролик

жамияти институтларини ташкил этиш ва улар фаолиятининг ҳуқуқий асослари эътироф этилган, уларнинг давлат билан ўзаро ҳамкорлиги принциплари белгиланган.

Ана шу конституциявий нормаларни амалда қўллаш мақсадида «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида», «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида», «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида», «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида», «Сиёсий партиялар тўғрисида», «Жамоат фондлари тўғрисида», «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида», «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида», «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида», «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида», «Ижтимоий шерикчилик тўғрисида» қонунлар қабул қилинди.

Қолаверса, фуқаролик жамияти институтлари фаолият кўрсатадиган ҳуқуқий маконни янада кенгайтириш мақсадида 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган муҳим вазифалар ижроси доирасида амалдаги қонун ҳужжатлари янада такомиллаштирилди ва натижада 2018 йил 12 апрель куни бугунги давр талабларидан келиб чиқадиган «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонун қабул қилинди.

Хуоса ўрнида таъкидлаш лозимки, фуқароларнинг юқори даражадаги ижтимоий-сиёсий кайфияти, мамлакатимиз келажагига бўлган ишончи фуқаролик жамияти институтларининг ривожланишига муҳим омил бўлиб хизмат қиласи. Бунинг учун давлат идоралари халқ манфаатларини кўзлаб фаолият юритиши, бундан фуқароларимиз мамнун бўлиши, қолаверса, фуқаролик жамияти институтлари давлат ва халқ ўртасидаги мулоқотни таъминлашда кўприк вазифасини ўташи билан бирга фаоллик кўрсатиши керак бўлади.

¹ «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28 декабрь 2016 йилдаги ПФ-4904-сонли Фармони // URL: www.lex.uz/docs/3089924

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // URL: <http://uza.uz/oz/documents/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyevning-oliy-22-12-2017>

³ Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 24 йиллигига багишланган тантанали маросимдаги маърузаси // URL: president.uz/uz/lists/view/2

⁴ URL: <http://ijtimoiy-fikr.uz>

⁵ Гараев О.М. Сила власти в доверии народа. Российская академия народного хозяйства и государственной службы при Президенте РФ Россия, 119571 г. Москва, пр. Вернадского, 82, стр. 1.

⁶ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.

ЯНГИ НАШРЛАР

НОВЫЕ ИЗДАНИЯ

Хўжақулов С. Б. Ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасини такомиллаштириш:
Монография. — Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019.

Монографияни тайёрлашда ҳуқуқбузарликлар умумий профилактикасини такомиллаштириш бўйича илмий-назарий холосалар, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиши мақсади кўзланган.

Монография натижаларидан мавзуга оид халқаро ҳуқуқий нормалар, миллий қонун ҳужжатларини ва уларни қўллаш амалиётини такомиллаштиришда, тегишли қонун нормаларини шарҳлашда, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, ички ишлар органларининг профилактик фаолияти, маъмурий ҳуқуқ ва жиноят-процессуал ҳуқуқи фанларини илмий-назарий жиҳатдан янада бойитишда, янги илмий-тадқиқотларни олиб боришда, шунингдек ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ривожлантириш ҳамда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг фаолиятини такомиллаштиришга багишланган қонун ҳужжатлари лойиҳасини ишлаб чиқишида фойдаланиш мумкин.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ёки унда иштирок этувчи амалиёт ходимлари, олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, изланувчилари, шунингдек тингловчи ва курсантларига мўлжалланган.

T. R. Сафарова,

Ўзбекистон Миллий университети таянч докторанти

ЎЗБЕКИСТОНДА ЭТНОМАДАНИЙ ТУРИЗМ ЭВОЛЮЦИЯСИ

Аннотация. Мақолада этномаданий туризмнинг келиб чиқиши, турли ижтимоий-тариҳий босқич ва вазиятларда намоён бўлиш хусусиятлари, Шарқ ҳалқлари тариҳида учрайдиган кўринишлари тадқиқ этилган. Этномаданий туризмни муваффақиятли ривожлантиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар берилган.

Таянч сўзлар: туризм, этнография, интеграция, сайёхлик, маданият, маданий алоқалар.

Эволюция этнокультурного туризма в Узбекистане

Аннотация. В статье исследуются генезис этнокультурного туризма, особенности его проявления на различных социально-исторических этапах и в различных ситуациях, его проявления, встречающиеся в истории восточных народов. Даются предложения и рекомендации по успешному развитию этнокультурного туризма.

Ключевые слова: туризм, этнография, интеграция, туризм, культура, культурные связи.

The evolution of ethnocultural tourism in Uzbekistan

Annotation. The article examines the genesis of ethnocultural tourism, the features of its manifestation at various socio-historical stages and in various situations, its manifestations encountered in the history of eastern peoples. Suggestions and recommendations for the successful development of ethnocultural tourism are given.

Keywords: tourism, ethnography, integration, tourism, culture, cultural ties.

Ўзбекистон улкан сайёхлик салоҳиятига эга бўлиб, нафақат Марказий Осиёда, балки бутун дунёда туризм марказларидан бири саналанади. Хитой ва Европа мамлакатларини боғлайдиган қадимий Буюк Ипак йўли орқали бориладиган сайёҳлар учун энг жозибадор шаҳарларда турли тариҳий даврларга оид кўплаб меъморий ёдгорликлар мавжуд. Ўзбекистоннинг қадимий шаҳарларида замонавий архитектура ўтган асрлардаги миллий меъморий ёдгорликларга уйғунлашган. Мамлакатимиз ҳайвонот ва ўсимлик оламининг бойлиги, чўлу биёбонларидаги қўриқхоналари, тоғадирлари ва дарёлари, шифобахш сувли булоқлари, амалий санъат намуналари ва ўзига хос ҳалқ маданияти анъаналари билан кўплаб чет эллик сайёҳларни жалб этмоқда.

Туризм (ҳам миллий, ҳам ҳалқаро) узоқ тариҳий ривожланиш самараси бўлиб, унинг пайдо бўлиши қадимги даврларга бориб тақалади. «Этномаданий туризм» атамаси, этимологик нуқтаи назардан, «ҳалқ

маданияти» ва «сайёҳлик» сўзларидан ясалган. Алишер Навоийнинг ёзишича, «сайёҳ» сўзи кезувчи, сайд қилувчи маъноларини англатади¹. Ўзбек тилининг изоҳли лугатида эса «саёҳат» сўзи дам олиш, ҳордиқ чиқариш ёки дунёни кўриш маъноларини англатиши қайд этилган². Бинобарин, этномаданий туризм ҳалқ маданиятини ўрганишга қаратилган сайёҳлик фаолияти, дам олиш ва ҳордиқ чиқариш билан боғлиқ фаолият туридир.

Этномаданий туризмни маҳсус предмет сифатида олий таълим соҳасига олиб кирган ва унга оид илк ўкув қўлланмани ёзган А. Г. Бутузовнинг фикрига кўра, бошқа ҳалқларнинг маданияти, этнографияси ва турмуш тарзига қизиқиши антик даврдаёт мавжуд бўлган. Илк этнологик билимларнинг пайдо бўлиши эса кишиларнинг амалий эҳтиёжлари билан бевосита боғлиқдир.

Инсоннинг ўзини бошқа этнослардан фарқлаши, фалсафий-психологик феномен сифатида, ўзини маълум бир ҳалқ, миллатга

мансуб деб билиш ҳамда бошқа этнослардан ажратиши келтириб чиқарган³.

Этнослараро фарқлар ҳақидаги назариялар Қадимги Миср, Ассурия, Юнонистон ва Рим давлатларида пайдо бўлган вақтдан буён ўзга халқлар маданияти, турмуш тарзи ва этнографиясига оид манбаларга қизиқиш англанган саъй-ҳаракатлар, саёҳатлар ва ҳатто ҳарбий юришлар тарзида шакллана бошлаган. Марказий Осиё ҳудудидан топилган петроглифлар (тош ва қояларга ўйиб ишланган тасвиirlар) ҳайратланарли тарзда Хитой, Тува, Монголия, Узоқ Шарқ ва Сибирь халқларида ҳам учрайди⁴. Бизнинг фикримизча, бу тасодифий ҳол эмас: мазкур ҳудудларда яшовчи этнослар ўртасида маданий алоқалар бўлган, уларнинг ташаббускорлари якка сайёҳлар ёки кўчманчи элатлар бўлган.

Тарихий манбалардан маълум бўлишича, милоддан аввалги VI–V асрларда Ўрта Осиё, Хитой, Эрон, Месопотамия, Ҳиндистон ўртасида турли алоқалар йўлга қўйила бошлаган. Бақтрия йирик шаҳарлардан бири бўлиб, унда зардустийлик дини кенг тарқалган. Саклар, массагетлар, парфияликлар, кушонликлар, скифлар, юэчжилар улкан кенгликларда, даштда истиқомат қилишган, улар ўзига хос ижтимоий-маданий ва сиёсий бирлик ташкил этишган.

Тарих фанининг отаси Геродот Марказий Осиё халқлари ҳақида этнографик маълумотлар келтира туриб, уларнинг майший ҳаёти ва урф-одатларини баён қилган. Александр Македонскийнинг Шарққа юришлари натижасида икки қитъя ўртасидаги ҳарбий, иқтисодий ва маданий алоқалар доираси кенгаяди. Птоломей Лаг, кейинчалик Арриан, Квинт Курций Руф, Плутарх улар ҳақида жуда қимматли ва катта тарихий-маданий аҳамиятга эга хабарлар қолдирганлар. Масалан, Арриан ва Квинт Курций Руф Самарқанд ҳақида ҳайрат ва фарҳ билан ёзганлар⁵.

Мазкур тарихчи-солномачилар юнон-македонияликлар сафида бўлишган. Шу боис уларнинг ҳикоялари анча ишончли ва асосли

ҳисобланади. Демак, ҳарбий юришларда қатнашган айрим кишилар, солномачилар, илм аҳли ўзлари гувоҳ бўлган, эшитган нарсаларни, ўз даври учун муҳим бўлган воқеа-ҳодисаларни ёзиб қолдирганлар. У пайтларда саёҳлик касб, машгулот бўлмаган, солномалар ва сафарномалар битиш тасодифий олиб борилган. Тўғри, айрим подшолару ҳукмдорларнинг ўз сарой солномачилари, хаттотлари бўлган, бироқ уларнинг маълумотлари анча чекланган хусусиятга эга бўлган.

Қадимги Хитой солномаларида Хан империяси билан Марказий Осиё давлатлари ўртасида иқтисодий ва маданий алоқалар ўрнатилгани, бу алоқалар давлатлар томонидан кўллаб-қувватлангани ёзиб қолдирилган. Милоддан аввалги иккинчи асрда Хан империяси элчиси Чжан Цянь биринчи бўлиб расмий миссия билан Суғдиёна ва Бақтрия (ҳозирги Қзбекистон, Тоҷикистон ва қисман Афғонистон ҳудуди)га келган. Элчи императорга сафар ҳисоботида: «Довон давлати (ҳозирги Фарғона водийси ҳудуди)да етмишга яқин шаҳар ва қишлоқлар бўлиб, аҳоли гуруч ва буғдой етиширади, узумчилик ва ундан олинадиган шароб (виночилик) ривожланган, айниқса, баланд бўйли, оёқлари мустаҳкам учар ва чиройли аргумоқлари ҳайратомузdir. Бу ердан пиёз, пахта, анор, ёнгоқ, бодринг урувларини олиш мумкин», деб ёзган.

Кўриниб турибдик, элчи фақат дипломатик миссияни бажармаган, у ўлкамиз халқларининг турмуш тарзи, агромаданияти, қандай фойдали нарсаларга эга экани ҳақида император учун зарур маълумотлар ҳам тўплаган.

Буюк Ипак йўли Шарқ ва Фарб ўртасидаги карvon йўлигина бўлиб қолмай, балки савдо-сотиқни ривожлантириш, маданиятларни яқинлаштириш, халқлар ўртасидаги ўзаро ишончни мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилди. Ушбу йўл туфайли ўн икки минг чақиримлик йўлдаги халқларнинг маданияти, урф-одатлари ҳам бир-бирига

таъсир этди. Ҳатто христианлик ва ислом дини Хитойгача етиб борди⁷.

Тарихий манбалар Буюк Ипак йўлиниң ривожланишида Амир Темурнинг хизматлари катта бўлганини кўрсатади. Амир Темур Хитой ҳоқони Тайцзуга йўллаган мактубида: «Карвонсаройлар ўртасида йўллар очилди, йўллардаги қароқчилар йўқ қилинди, узоқ юртларга борувчилар ўзларини хотиржам ҳис этадиган бўлди», деб таъкидлаб ўтган.

Тарихий манбаларда, Соҳибқироннинг Хитойга саккиз марта элчи юборгани қайд этилади. Масалан, 1388—1500 йиллар давомида Амир Темур авлодлари томонидан 130 га яқин элчи гуруҳлари юборилган. Бу гуруҳлар ичida савдогарлар, зиёратчилар, уламолар ҳам бўлган, улар йўллардаги воқеа-ҳодисаларни маҳсус дафтарларга битишган, қайтгач эса саройга ҳисоботлар топширишган. Ўз навбатида, Хитойдан ҳам элчилар, савдогарлар келиб, иқтисодий-маданий алоқаларни кенгайтирганлар.

Япон олимлари Кадзуо Енокининг Мин сулоласи давридаги Хитойнинг Амир Темур ва темурийлар билан дипломатик муносабатларига багишлиланган асарлари, Едзи Манусининг «Амир Темур Кўрагоний. Темурийлар шажараси», Гари Хандснинг «Темур ва император Юн Ле», Хироши Ватанебенинг «Мин даврида мусулмонлар мамлакатларидан келган элчилар ва хирож тўпловчилар миссияси рўйхати» каби асарларида Амир Темурнинг давлат, ижтимоий-сиёсий қурилиш, ҳарбий юришлар, дипломатия, дин, фан, маданият соҳасидаги кўпқиррали фаолияти ёритилган.

Шарқ ҳалқларида саёҳатномалар қолдирган элчилар, сайёҳлар, савдогару-олимлар кўп бўлган. Носир Хисровнинг (1003—1088) араб мамлакатларига қилган саёҳатлари, Абдураззоқ Самарқандийнинг (1413—1482) Ҳиндистонга сафарлари, Ибн Хурдодбех (820—913), Ибн Ҳавқал (976 йилда вафот этган), Ал-Идрисий (1110—1161), Абу Фидо (1273—1331), Ал-Хоразмий (783—850), Абу Райҳон Беруний (973—1048) асарларида келтирилган турли ўлка ва ҳалқлар ҳақидаги

маълумотлар, хабарларни бунга мисол қилиб келтириш мумкин. Уларнинг ҳар бирида кўплаб этнографик, географик ва ижтимоий ҳаётга оид маълумотлар мавжуд. Ўрта осиёлик олимларнинг асарларида Хитой ва Шарқий Туркистоннинг географик ўрни, табиити, хўжалиги, шаҳарлари, ҳалқларининг урф-одатлари, савдо йўллари ҳақида муҳим хабарлар келтирилган.

Масалан, Абу Райҳон Берунийнинг «Қонуни Маъсудий» китобида Шарқий Туркистон ва Хитойнинг иирик шаҳарлари рўйхати, уларнинг географик кенглик ва узунликлари берилган. Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луготит турк» ва Нажиб Бакронинг «Жаҳоннома» асарларида бу ўлкаларнинг тогу-тошлари, қазилма бойликлари тавсифланган⁸.

Берунийнинг «Ҳиндистон» асари сафарнома битиш борасидаги энг иирик ва қимматли тажрибадир. Унда олимнинг Ҳиндистонни кезиб, қандай материаллар тўплагани, илм фидойиси сифатида инсон ақлу идрокига мувофиқ келадиган барча ажойиботлар ҳақида маълумотлар йиққани кўринади. Беруний ҳар бир шаҳар, ҳар бир вилоят ва ҳар бир жойдаги урф-одат, жуғрофий ўзига хосликлар бўйича илмий тадқиқотлар натижаларини келтиради, уларни таҳдил қиласди⁹.

Умуман, сайёҳлар Ўрта Осиёдан Хитойга, Ҳиндистон, Эрон, Бобил ва Арабистонга бир неча бор бориб, ушбу ўлкалар ҳақида муҳим манбалар тўплашган ва ёзib қолдиришган. «Бунда бирорлар савдо қилгани борсалар, бошқа бир тоифа сайёҳлар ислом дини тарғиботчиси сифатида ташриф буюрганлар, баъзилари эса элчи ёки шунчаки оддий сайёҳ бўлиб ҳам бориб келганлар.

Амир Темурнинг тўртингчи ўгли Шоҳруҳ Мирзо салтанатида Ҳиротга биринчи бор Хитой элчилари келган. 1419 йилда Шоҳруҳ Мирзо элчилар, савдогарлар ва бошқа одамларини Хитойга жўнатади. Ана шу сафарда Абдураззоқ Наққош ҳам қатнашади. Бу ўринда Шоҳруҳ Мирзонинг Абдураззоқ Наққошга берган кўрсатмаси эътиборлидир.

«Мирзо Бойсунгур (ўз номидан) Султон Аҳмад билан Фиёсиддин Наққошни (элчиларга қўшиб) юборар экан, Хожа Фиёсиддинга дор-ус-салтанат Ҳиротдан чиқиш қунидан то қайтиб келиш қунигача ҳар бир шаҳар ва вилоятда йўлларнинг қандайлиги, вилоят ва иморатларнинг сифати, шаҳарларнинг қонун-қоидалари, подшоҳларнинг куч-қудрати ва уларнинг давлатни бошқаришдаги сиёсат услуги, у шаҳар ва диёрларнинг ажойиботлари ва номдор мамлакатларнинг феъл-авторига оид нимаики кўриб билса, ҳаммасини қундалик тарзида қунмакун ёзib бориши лозимлигини таъкидлаган»¹⁰. Кўриниб турибдики, Шоҳруҳ Мирзо элчиларига нафақат бориб-келиш ёки дипломатик алоқалар ўрнатишни, балки Хитойга бориши йўллари, давлатни бошқариш усуллари, сарой ҳақида маълумотлар тўплашни ҳам буюрган. Марокашлик сайёҳ Ибн Баттутанинг «Саёҳатнома» асари ҳам бизнинг мавзуга бевосита тааллуқлидир. 1333 йилда Мовароуннаҳда бўлган ушбу сайёҳ ўлкамиз, унинг табиати, халқлари, меҳнат қилиш ва яшаш тарзи, урф-одатлари ҳақида маълумотлар тўплаган. Унда ёзилишича, «қайр полизкорлиги ва қирқма қайр қовунларининг ватани бўлган Хоразм ерларида етиштириладиган қовун, қовоқ каби полиз маҳсулотлари қадимдан Амударё этаклари аҳолисининг одатий севимли озуқаси ҳисобланган. Хоразмликларнинг айтишига қараганда, дум бериб пишган ва янги узилган қовун фақат чанқовни босибгина қолмай, овқат ўрнида ҳам истеъмол қилинган. Шунинг учун ҳам хоразмликлар узоқ сафарга отланганларида ёки жамоат ишлари – хашарларга борганларида ўзлари билан кўпроқ қовун олиб кетишга ҳаракат қилганлар»¹¹. Шунингдек, Ибн Баттута ўлкамиз иқлими, табиати, халқларнинг асосий машғулоти, уйжойларнинг кўриниши, йўл ва шаҳарларнинг тузилиши, мавсумий пайтларда машғулотлар тўғрисида ҳикоя қиласи. Ибн Баттута чин сайёҳ ва илм кишиси сифатида маълумотлар йигади, ўз ватандошларини Ўрта Осиё билан таништиришга ҳаракат қиласи.

Аждодларимиз орасида шундай фидойи инсонлар бўлганки, у ёки бу нарсани билиш, ўрганиш учун узоқ йиллар сафарларда юрган, кўп мамлакатларни кезиб, излаган ҳақиқатини топишга мусассар бўлган. Масалан, Имом Бухорий ҳадислар тўплаш учун бутун Арабистон ва Эрон шаҳарларини кезиб чиқкан, бир ҳадиснинг чинлигини аниқлаш учун Маккага қирқ марта бориб келган. Беруний «Ҳиндистон» асарига манба, далиллар тўплаш учун юртма-юрт кезиб, заҳматлар чеккан. Мутасаввуфларнинг «Ҳақни излаш»и мудом қаландарлик, зоҳидона турмуш тарзи, оламни кезиш билан боғлиқ бўлган.

Бу мисоллар туризмнинг генезиси қадим-қадимларга бориб тақалишини қўрсатади, инсон қалбида узоқдаги сирли нарсани билишга иштиёқ яшашини қўрсатади.

Этномаданий туризмнинг обьекти халқ, миллат, элатларнинг маданияти, турмуш тарзи, урф-одатлари, маданий бойликлари, артефактларидир. Сайёҳларни айнан этномаданий обьектлар қизиқтиради, уларга ўзлариникидан фарқ қилувчи маданий бойликлар ҳақида бирор нарсани билиш, ўрганиш муҳим. Шу жиҳатдан, этномаданий туризм тогли жойлар ва сув ҳавзаларига бўлган саёҳатлардан фарқ қиласи. Лекин туризмнинг ушбу турлари ҳам маданий хизматлардан мутлақ холи эмас.

Масалан, Тошкент вилоятининг Хўжакент қўргонидан ўтгач Билдирсой тепасига чиқиш маҳсус мосламалар бўлиши, хавфсизлик таъминланиши ва меҳмонхона хизматлари кўрсатилишини талаб қиласи. Айнан шу нуқтаи назардан, тоғ туризмiga этномаданий туризм шакли сифатида қараш мумкин.

Ёки Тошкент дengизига сайёҳатни олайлик. Бу сайёҳатни кема, унинг бошқарувчиси, хавфсизликни таъминловчи йўриқчисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Демак, экотуризм ҳам маданий хизматни тақозо этади. Шу нуқтаи назардан ҳам, у этномаданий туризм тизимида ўрганилиши даркор.

Этномаданий белги ўзига хосликдадир. Айнан ушбу ўзига хослик, бетакрорлик сайдхонинг диққатини жалб этади, уни тарихий мерос, миллый анъана ва урфодатлар билан қизиқишга ундаиди. Бугун дунёда кечётган глобаллашув мамлакатлар маданий ҳаётидаги ранг-барангликни, ўзига хосликларни камайтирмақда, интеграция байроби остида уларни унификациялаштирмақда. Бу эса сайдхони ранг-баранглик, бетакрорлик, миллый ўзига хослик излашга ундамоқда. Шу сабабли улар ўтмишни ўз ҳаёт тарзида сақлаб қолаётган, анъанавий маданиятини асрардан манфаатдор миллат ва элатлар тарихини қизиқиб ўрганадилар, уларниң тарихий-маданий бойликларини ўз кўзлари билан кўришга интиладилар. Бундай имкониятни эса этномаданий туризм беради.

Туризм бозорида маълум бир ўринни эгаллаш, сайдхони жалб қилиш орқали ижтимоий-иктисодий ривожланишни таъминлаш давлатларнинг сиёсатига айланниб қолган. Этномаданий бойликларга эга давлатлар улардан самарали фойдаланишга, ўзидаги туризм бозорини шакллантиришга интилмоқда.

Фикримизча, худудларда этномаданий туризмни янада муваффақиятли ривожлантириш учун қуйидаги вазифаларни амалга ошириш зарур:

1) этномаданий туризм саноатини шакллантиришнинг маҳсус қонунлари ва

уларнинг ҳуқуқий механизмларини ишлаб чиқиш;

2) худудларда этномаданий туризмни ривожлантириш учун мавжуд барча материаллар, ҳужжатлар, дастурлар ва режаларни тўплаш;

3) барқарор этник туризмни ривожлантириш учун инвестиция имкониятларини баҳолаш ва маълумотлар базаси шаклида инвестицион таклифлар тўпламини шакллантириш;

4) этник туризм хизматларига талаубни ўрганиш;

5) этник туризмни ривожлантиришдан манфаатдор турли ташкилотларнинг ҳамкорлик тармоғини яратиш.

Бундан ташқари, тегишли ташкилотлар томонидан этник туризмни барқарор ривожлантириш имкониятини баҳолаш, шунингдек туб аҳолининг этник туризм салоҳиятидан фойдаланиш ва ўз худудларини ривожлантириш истаги ва қобилиятини аниқлаш учун маркетинг тадқиқотлари ўтказилиши керак. Табиийки, буни тегишли мутахассисларсиз амалга ошириб бўлмайди, бу эса маҳаллий аҳолидан этник туризм соҳасида малакали мутахассислар тайёрлашни талаб қиласди.

Ўйлаймизки, юқоридаги тавсия ва таклифларни ҳаётга татбиқ этиш туризм инфратузилмасининг янада ривожланишига хизмат қилиб, унинг жозибадорлиги ошиши ва сайдхонлар оқими кўпайишига олиб келади.

¹ Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли лугати. Т. III. – Т., 1984. – Б. 27.

² Ўзбек тилининг изоҳли лугати. Т. II. – М., 1981. – Б.10.

³ Бутузов А. Г. Этнокультурный туризм. – М., 2013. – С. 9.

⁴ Дервииш Р.А., Левтееева Л.Г., Мусакаева А. Памятники истории и религии и культуры в Узбекистане. – Т., 1994. – С. 12.

⁵ Древние авторы о Средней Азии. – Т., 1940. – С. 53, 66.

⁶ Обидов М. Буюк ипак йўлидаги Шинжон. – Фаргона, 2017. – Б. 39–40.

⁷ Ўша жойда. – Б. 40–41.

⁸ Ўринбоев А., Бўриев О. Фиёсиддин Наққошнинг Хитой сафарномаси. – Т., 1991. – Б. 4, 5.

⁹ Беруний, Абу Райхон. Ҳиндистон. – Т., 1973.

¹⁰ Ўринбоев А., Бўриев О. Фиёсиддин Наққошнинг Хитой сафарномаси. – Т., 1991. – Б. 10.

¹¹ Ибрагимов Н. Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саёҳати. – Т., 1993. – Б. 62.

III. X. Зулфиқоров,

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтининг доценти,
юридик фанлар номзоди

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТИ ВАКОЛАТЛАРИ БОШЛАНИШИННИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

Аннотация. Мақолада Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати ваколатларини амалга ошириш масалалари кўриб чиқилган, депутатнинг халқ вакили сифатидаги вазифаси, «депутат мандати» тушунчасининг мазмунни таҳдил қилинган, хорижий мамлакатлар парламентларининг қонунчилиги тажрибаси ёритилган.

Таянч сўзлар: парламент, Олий Мажлис, Қонунчилик палатаси, депутат, ҳуқуқий мақом, ҳуқуқ ва мажбуриятлар, мандат муносабатлари, депутат мандати, кафолат.

Особенности реализации полномочий депутата Законодательной палаты Олий Мажлиса

Аннотация. В статье рассматриваются вопросы реализации полномочий депутата Законодательной палаты Олий Мажлиса, анализируется роль депутата как народного представителя, раскрывается понятие депутатского мандата, исследуется законодательный опыт парламентов зарубежных стран.

Ключевые слова: парламент, Олий Мажлис, Законодательная палата, депутат, правовой статус, права и обязанности, мандатные отношения, мандат депутата, гарантии.

Features of the implementation of the powers of a deputy of the Legislative Chamber of the Oliy Majlis

Annotation. The article discusses the implementation of the powers of a deputy of the Legislative Chamber of the Oliy Majlis, analyzes the role of the deputy as a people's representative, reveals the concept of a deputy mandate, examines the legislative experience of parliaments of foreign countries.

Keywords: Parliament, Oliy Majlis, Legislative Chamber, deputy, legal status, rights and obligations, mandatory relations, deputy's mandate, guarantees.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. М. Мирзиёев 2017 йил 12 июлда бўлиб ўтган Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан ўтказилган учрашувда: «Депутат – фикри-зикри билан халқа энг яқин одам, доимо эл-юргининг ташвиш ва муаммолари билан яшайдиган, катта билим ва тажрибага эга бўлган шахс»¹ эканлигига алоҳида ургу бериб ўтган эди.

Дарҳақиқат, Асосий қонунимизнинг 10-моддасида ҳам айнан халқ номидан иш юритиш ваколати бевосита Олий Мажлисга юклатилган. Шундай экан, депутатлар халқ

вакили сифатида доимо халқнинг ишончига, хурмат-эътиборига сазовор бўлишга ҳаракат қилишлари, самарали меҳнат фаолияти, жонкуяру фидойилиги билан атрофдагилар учун намуна бўлишлари лозим.

Парламент аъзоси фуқаролар вакили сифатида ўз фаолиятини бевосита сайловчилар билан ҳамкорликда олиб боради. Шу асосда депутатлар қонунчилик жараёнида бевосита иштирок этиб, бутун халқнинг ҳуқуқий кафолатини таъминлашга қаратилган қонунлар яратиша қатнашади.

Юридик фанлар доктори, профессор О. Т. Ҳусанов таъкидлаб ўtgанидек, «депутат-

лар бор маҳорат, билим ва тажрибаларини ишга солиб, сайловчилар, халқ, ҳудудий ва партиявий манфаатлар муштараклигига эришишни кўзлаб фаолият олиб борганларидагина асосий мақсадга эришиш мумкин. Шунинг учун халқ олдидаги жавобгарлигини ҳис этиб, уларнинг талаб-истак, ҳоҳишларини рўёбга чиқаришда иштирок этишлари уларнинг асосий бурчидир»².

XV–XVI асрларда Франция қироли қошида табақа-вакиллик хусусиятига эга бўлган маслаҳат органи – Генерал Штатлар чақирила бошлаган. Ўрнатилган тартибга мувофиқ, ҳар бир табақа унга ўз депутатини сайлар, депутат сайловчиларнинг кафолатли вакили сифатида уларнинг кўрсатмаларига қатъий риоя қилиши шарт бўлган. Депутат вакиллик органидан муддатидан аввал чақириб олиниш мумкин бўлган, сессия тугаши билан эса сайловчилар топшириқларининг бажарилиши ҳақида ҳисбот берган. Ўрта асрлар Франциясида асосий ҳудудларда бўлиб ўтадиган сайловларда сайловчилар ўз ҳоҳиш-истаклари депутатлар томонидан инобатга олинниши учун уларни маҳсус юритилган дафтарларга ёзиб қолдирганлар³.

Депутатлик фаолияти турли давлатлар парламентларида ўзига хос бўлиб, тарихий, миллий жиҳатлар, давлатнинг тузилиши ҳамда бошқарув шаклига, парламентнинг шаклланиш тартиби ва фаолиятига асосланган. Маълумки, депутатлар мандатининг ўзига хос кўринишлари, мандатлар ўртасидаги узвийлик, уларнинг бир-биридан фарқли хусусияtlари мавжуд.

Россиялик ҳуқуқшунос олим А. А. Безуглов депутатнинг ҳуқуқий мақомига ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан бир қаторда депутатлик мандати табиатининг сиёсий-ҳуқуқий жиҳатлари, депутатлик мандатининг юзага келиши ва амалга ошиш муддати, депутатлик ваколатларининг кафолатлари, ҳисбодорлик каби белгилар киришини қайд этади⁴.

Дарҳақиқат, депутатлик мандати депутатлик фаолиятини белгиловчи муҳим мезон ҳисобланади. Шу орқали у халқ ва сайлов-

чилар манфаатларига хизмат қилишда зарурний чегарани белгилаб олади.

Депутатлик мандати муаммоси депутатнинг парламент аъзоси сифатида кимнинг ҳоҳиш-иродасини ифода этиши, парламент, унинг палаталари қарорларини қабул қилишда бевосита иштироки, сайловчилар манфаатларини ҳимоя қилиши билан бевосита bogliq. Парламентдаги фаолияти учун депутат ўз сайловчилари олдида ҳуқуқий жавобгардир. Сайловчилар депутатларга ижро этишлари лозим бўлган йўл-йўриқлар беришлари ва баъзи ҳолларда уни чақириб олиш масаласини қўйишлари мумкин.

Машхур француз мутафаккири Ж. Ж. Руссо ўз даври депутатларининг фаолиятига «халқ депутатлари халқнинг бевосита вакили бўла олмайдилар, улар фақат ундан ваколат олган кишилардир»⁵, деб баҳо берган.

Императив мандат принципи 1871 йилги Париж Коммунасининг тажрибасига таяниб, мазкур тажрибани ўз қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаган собиқ социалистик мамлакатлар парламентлари фаолиятида эътироф этилди. Париж Коммунаси жамиятни сиёсий ташкил этишнинг шундай бир янги типини шакллантириди, унда депутатлар ўз сайловчиларнинг йўл-йўриқларига қатъий риоя қилишлари лозим бўлиб, исталган вақтда алмаштирилишлари мумкин эди⁶.

Аммо ҳуқуқшунос олимлар орасида социалистик тузум шароитида жамият ҳаётига мансуб муаммоларни тез ҳал қилишга кўмаклашмайдиган, давлат ҳокимияти қонун чиқарувчи органининг ижодий фаолиятини бўғадиган императив мандат тўғрисида сўз юритиш учун ҳеч қандай асос йўқ, деган қарашлар мавжуд эди⁷. Шунга қарамай, депутатлар ва сайловчиларнинг ўзаро муносабатлари хусусияти собиқ Иттифоқ даврида сайловчиларнинг ўз депутатларига йўл-йўриқлар бериш, шунингдек сайланган депутатларни чақириб олиш, уларнинг ҳисботларини тинглаш имкониятлари қонун ҳужжатларида мустаҳкамланishi билан белгиланар эди.

Шундай қилиб, тоталитар тузум депутат императив мандатининг мустабид сиёсий тузум шароитларида кўп жиҳатдан расмий хусусиятга эга бўлган уч институт: депутатларни чақириб олиш, депутатларга йўл-йўриқ бериш ва уларнинг ҳисоботларини тинглаш хуқуқларини ўз ичига олган.

Украина Республикасининг «Украина халқ депутатининг мақоми тўғрисида» ги қонунига мувофиқ, депутат ўз округидаги сайловчилар олдида жавобгар ҳамда ҳисобдордир, агар у сайловчилар ишончини қозонлмаса, қонунда белгиланган тартибда парламентдан чақириб олинади⁸. Демак, Украинада айнан императив мандат кўришилари мавжуд бўлиб, депутат сайловчилар берган топшириқларни ўз вақтида бажаришга мажбур.

Императив мандатнинг мазмуни ва моҳиятини россиялик олими С. А. Авакян шундай таърифлайди: «Императив мандат шароитида уни тавсифлайдиган учта элемент бўлиши мумкин: сайловчиларнинг топшириқлари, депутатнинг ўз сайловчилари олдидағи ҳисботи, сайловчилар томонидан депутатнинг чақириб олиниши»⁹. Олимнинг ушбу фикрида ноаниқлик мавжуд бўлиб, императив мандат учун юқорида келтирилган учала элемент бўлиши шартми ёки улардан биттаси етарлими, деган саволни юзага келтиради.

Н. М. Исмоилов бу борада шундай ёзади: «Парламент депутатлари императив мандатга эга бўладилар, яъни улар ўзларининг сайловчилари олдиғагина жавобгар ҳисобланадилар. Бу усул, жумладан, сабиқ тоталитар тузум даврида ҳам қўлланилар эди. Мен ўзим 1985 йилда туман Кенгаши депутатлигига сайланадиган вақтимда сайловчиларим бизга магазин қуриб берасиз, деб кўрсатма берган. Сайланганимдан сўнг бу топшириқни бажармаганман. Аммо бундай усул жамиятга катта фойда келтирмайди. Шунинг учун ҳам эндиликда, мустақил Ўзбекистонимизда депутатларнинг мандати эркин ҳисобланади»¹⁰. Бироқ амалда депутатларни чақириб олиш тўғрисидаги қонун ҳозиргача қўлланилмоқда.

Тадқиқотчи хуқуқшунос Е. И. Колюшининг эътирофига кўра, «шўролар даврида халқ депутати императив депутат мандатига эга бўлган»¹¹. Юридик фанлар доктори О.З. Муҳаммаджановнинг таъкидлашича, айни ҳолда императив мандат инкор этилишига қарамай, унинг ўрнига депутатни партияга тобе қилиб қўядиган, унга ўз виждони ва эътиқодларига мувофиқ, партия манфаатларидан эмас, балки миллӣ манфаатлардан келиб чиқиб иш тутиш имкониятини доим ҳам беравермайдиган партия мандати эътироф этилади. Бу жуда мураккаб муаммо бўлиб, партия аъзосининг мақомини белгилайдиган қонун хужжатларида ўз ечимини топиши лозим»¹².

Императив мандатни кенгроқ маънода, яъни парламент аъзосининг ўз сайловчilarinинг тўғридан-тўғри билдирилган хоҳиш-иродасини бажариши, қолган ҳолларда эса эркин ҳаракат қилиш мажбурияти деб тушунган тақдиримизда ҳам императив мандат гояси жиддий эътиrozлар тугдиради. Парламент аъзоси ўз сайловчilarinинг хоҳиш-иродасини миллӣ манфаатларга зид деб топса, мазкур хоҳиш-иродани бажариши ёки истеъфога чиқиши ёки бўлмаса чақириб олиниши лозим.

Америка Қўшма Штатларида, – деб таъкидлайди А. Токвиль, «сайловчилар депутатни сайлагач, уни ўз режалари билан таништириб, депутат бажариши лозим бўлган аниқ вазифаларни юклашади. Сайловчилар депутатларга мамлакатнинг равнақи йўлида қандай ишлар қилишини уқтириш билан бирга, ўзларининг шахсий эҳтиёжларини бажаришига ҳам умид билдирадилар»¹³. Кўриниб турибдики, сайловчилар ўз манфаатларини билдиришлари билан бирга, мамлакат ривожига ўз ҳиссаларини қўшиш умидлари борлигини ҳам намоён этадилар.

Демократик ва ривожланган давлатлар конституцияларига мувофиқ, парламентлар ва уларнинг барча аъзолари бутун миллатнинг вакиллари саналади ва ҳеч ким уларга мажбурият юклай олмайди. Бу эркин

мандатни тавсифлайдиган хусусиятдир. Бу борада А.А.Азизхўжаев қуйидаги фикрларни илгари суради: «Халқ ўз қўлидаги ҳокимиятни ўзи сайлаб қўйган вакиллари орқали – Олий Мажлис депутатлари воситасида амалга оширади. Улар ўз ваколатларини сайловчилардан оладилар ва ўз фаолиятларида халқ манфаатларини ифода этадилар»¹⁴.

Шунингдек, Н.М.Исмоиловнинг таъкидлашича, «жаҳондаги ривожланган мамлакатларнинг парламентларида депутатлар одатда профессионал тарзда иш олиб борган ҳолда, эркин мандатта эга бўладилар. Бундай депутат мамлакатнинг барча фуқаролари манфаатларини ифодалайди ва ўз сайловчиларининг иродасига бевосита тобе ҳисобланмайди»¹⁵.

Германиялик тадқиқотчи Конрад Хессе эркин мандат принципини илмий асослар экан, депутат ўз сайловчилари овоз берган ҳолатни қўллаб-кувватлашга мажбур эмаслигини қайд этади ва «эркин мандат замонавий партиявий давлатчилик билан ноаниқ бир зиддиятга киришади» деган фикрни илгари суради. Бу ерда депутат ўзини қўллаб-кувватлаган партия олдида тобе бўлиб қолишига ишора қилинаяпти. Депутат партия интизоми, ўзининг парламентда муҳокама қилинаётган масалаларга муносабатини белгилаб берувчи партия фракцияларининг қарорларига боғланиб қолади¹⁶.

А.А.Азизхўжаевнинг фикрига кўшилган ҳолда таъкидлаймизки, Қонунчилик палатасининг депутати ўз ваколатларини бевосита сайловчилардан олган ҳолда, ўз фаолиятлари даврида, энг аввало, халқ манфаатларини инобатга олиб, ўз олдига қўйилган вазифаларни бажаради.

Депутат, биринчи навбатда, ўз имкониятларидан тўлиқ фойдаланган ҳолда ўз нуқтаи назари, мустақил фаолият йўналишларини аниқ белгилаб олган ҳолда иш юритади. Дарҳақиқат, депутатлар ўз вазифаларини қанчалик самарали бажарсалар, сайловчилар уларга шунчалик хурмат, ишонч билан муносабатда бўладилар.

Россиялик ҳуқуқшунос олимлар Т.Ю.Архирейский, Е.А.Клименколарнинг

фикрига кўра¹⁷, депутатлик мақоми икки томонлама намоён бўлади: биринчиси – халқ вакили сифатида, иккинчиси – мансабдор шахс сифатида. Депутатнинг бундай ҳуқуқий ҳолати парламентнинг икки хил табиатидан, яъни вакиллик ва қонунчилик хусусиятидан ҳамда депутатнинг профессионал фаолияти хусусиятидан келиб чиқади. Бинобарин, депутат мандатининг моҳияти депутатнинг халқ вакили сифатидаги фаолиятида халқнинг хоҳиширодасини ифодалашида намоён бўлади. Айнан депутат вакиллик функциясини амалга оширишда ўз мансаб ҳуқуқ ва мажбуриятларига кўра тавсифланади.

Аксарият ривожланган мамлакатларда депутатлар эркин мандатга эга бўладилар: улар бутун миллат, халқ вакиллари ҳисобланадилар, ҳеч ким уларга ижро этиш мажбурий бўлган йўл-йўриқлар беришга ҳақли эмас; улар муддатидан илгари чақириб олиниши мумкин эмас¹⁸.

Таъкидлаш лозимки, бу қоидалар қатор тараққий этган хорижий мамлакатлар қонун ҳужжатларида ҳам ўз аксини топган. Жумладан, ГФР Асосий қонунининг 38-моддасига мувофиқ, Германия Федератив Республикаси Бундестагининг депутатлари «бутун халқ вакиллари ҳисобланадилар, йўл-йўриқлар ва кўрсатмалар билан боғлиқ бўлмайдилар ҳамда ўз виждонларигагина бўйсунадилар». Италия Конституциясининг 67-моддасида: «Парламентнинг ҳар бир аъзоси миллат манфаатларини ифода этади ва ўз вазифаларини императив мандатсиз амалга оширади», деб белгилаб қўйилган. Франция Конституциясининг 27-моддасига мувофиқ, «ҳар қандай императив мандат бекор қилинади»¹⁹. Хорижий мамлакатлар парламентаризми амалиётидан кўриб турибизки, ушбу давлатларда халқ вакиллари ўз фаолиятларини эркин мандат асосида амалга оширадилар ва ҳар қандай императив мандат инкор қилинади.

Эркин депутат мандатининг мазмунини умумий тарзда қуйидагича тавсифлаш мумкин: а) мандат умумий ҳисобланади (яъни

сайлов округлари бўйича сайланган депутатлар бутун миллат номидан иш кўрадилар); б) мандат императив эмас, балки факультативдир, чунки уни амалга ошириш мажбурловдан холи (депутат ўз сайловчилари нинг фикрини эътиборга олиши шарт эмас); в) мандат чақириб олиниши мумкин эмас; г) мандат ўзини амалга оширишда мандат берувчининг ҳаракатларини маъқуллашни талаб этмайди (депутатларнинг хоҳиш-иродаси халқ хоҳиш-иродаси билан бирлиги шак-шубҳасиздир).

Шу билан бирга, эркин депутат мандати принципини мутлақлаштириш ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Бу ўринда партия рўйхатлари бўйича сайланган депутатлар парламентда овоз беришда, кўпинча, ҳатто улар кўрилаётган масала юзасидан бошқача фикрга эга бўлган ҳолларда ҳам партия интизомига бўйсуниб, ўз фракциясининг йўриғида юришга мажбур бўлишларини эътиборга олиш лозим.

Масалан, Ҳиндистонда нафақат партиядан ўз ихтиёрига кўра чиқиш, балки ўзбошимчалик билан овоз бериш ёки партия кўрсатмасига зид равишда овоз бериш ҳам депутатлик мандатини бекор қилиш учун асос бўлиши мумкин²⁰.

Миллий қонунчилигимизда ҳам, яъни 2004 йил 2 декабрда қабул қилинган «Халқ депутатлари Маҳаллий кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенат аъзосини чақириб олиш тўғрисида»ги қонуннинг 1-моддасига кўра, «депутатнинг уни депутатликка номзод қилиб кўрсатган орган (сиёсий партия) олдиғаги мажбуриятларини бажармаганилиги» уни чақириб олиш учун асос бўлади²¹.

Депутатнинг партияга тобелиги масаласини ҳал қилишга бундай ёндашувни ижобий ҳолат деб бўлмайди. Зеро, айни ҳолда императив мандат инкор этилишига қарамай, унинг ўрнига депутатни партияга тобе қилиб қўядиган, унга ўз виждони ва эътиқодларига мувофиқ, партия манфаатларидан эмас, балки миллий манфаатлардан

келиб чиқиб иш тутиш имкониятини ҳар доим ҳам беравермайдиган партия мандати эътироф этилади.

Эркин депутат мандати концепциясини ёқлаб чиқсан россиялик ҳукуқшунос олим А.В.Зиновьев депутатларнинг ҳукуқий мақомини илмий ўрганиб, шундай холосага келади: «Эркин мандат жуда ҳам демократик бўлиб, депутат ўз сайловчилари олдида ҳеч қандай мажбуриятга эга эмас, шу ўринда сайловчилар ҳам депутатни ортга чақириб олиш ҳукуқидан маҳрумдирлар. Ҳеч нарса деб бўлмайди! Депутатлар иши учун яхшигина пул олишади ва улар ҳар қандай мажбуриятдан холидирлар»²².

Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси депутатининг мандати борасида қонунларимизга аниқлик киритиш талаб этилади. Депутат мандатининг эркинлиги ёки императивлигига оид норма қонун ҳужжатларида мустаҳкамланмаган. Қолаверса, ҳукуқшунос олимлар орасида Ўзбекистонда парламент аъзолари эркин мандатга эга деган фикр мавжуд.

Дарҳақиқат, Қонунчилик палатасининг депутати ҳозирги кунда қандай мандат асосида фаолият олиб боришини аниқлаштириш лозим. Шу мақсадда, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги қонунга депутатлик мандатини белгилаб берувчи аниқ қоида киритилиши лозим. Шу нуқтаи назардан, депутатлик мандатини «яrim эркин мандат» сифатида белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ, чунки амалдаги қонунларимизда императив мандатнинг ҳам, эркин мандатнинг ҳам асослари мавжуд.

Хусусан, мазкур қонуннинг 9-моддасида белгиланган депутатларнинг сайловчилар олдида ахборот бериб туриши ҳақидаги қоида бевосита эркин мандатни ифодаласа, шу модданинг ўзида сайловчиларнинг ишончини оқлай олмаган депутат қонунда белгиланган тартибда чақириб олиниши мумкинлиги акс эттирилгани эса императив мандатнинг кўринишини ифодалайди. Эътироф

этиш лозимки, депутатлик мандати депутатнинг юридик табиатини ифодалашда, унинг

хуқуқий мақомига тавсия беришда муҳим ўрин тутади.

- ¹ Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т., 2018. – Б.540.
- ² Ҳусанов О. Ваколат ва масъулият // Ҳаёт ва қонун. – 2005. – №1. – Б.3.
- ³ Арановский К.В. Государственное право зарубежных стран. – М., 1998. – С. 434.
- ⁴ URL: www.5ballov.ru.
- ⁵ Безуглов А.А. Теоретические проблемы правового статуса советского депутата: Автореф. дис. ... д-ра юрид. – М., 1971. – 39 с.
- ⁶ Рассо Ж.Ж. Трактаты. – М., 1969. – С. 222.
- ⁷ Конституционное право России. В 3-х томах. – М., 2001. – С.637.
- ⁸ Ўша жойда. – Б. 637–638.
- ⁹ URL: www.5ballov.ru.
- ¹⁰ Авакян С. Федеральное собрание – парламент России. – М., 1999. – С.232.
- ¹¹ Колюшин Е.И. Конституционное (государственное) право России. – М., 1999. – С. 248.
- ¹² Мухамеджанов О.З. Ўзбекистон Республикасида икки палатали парламент фаолиятининг ташкилий-хуқуқий асосларини шакллантириш: Юрид. фан. д-ри ... дис. – Т., 2004. – Б.175.
- ¹³ Токвиль А. Демократия в Америке. – М., 1992. – С.194.
- ¹⁴ Азизхўжаев А. Демократия – халқ ҳокимияти демакдир // Жамият ва бошқарув. – 1997. – № 1. – Б. 4.
- ¹⁵ Исмоилов Н. Депутатлик халқ ишончи демакдир // Ўзбекистон овози. – 2004. – 16 нояб.
- ¹⁶ Hesse K. Grundzuge des Verfassungsrechts der Bundesrepublik Deutschland.18., erg. Aufl. Heidelberg: Muller, Jur. Verl., 1991. – 241 s.
- ¹⁷ Архирейская Т.Ю., Клименко Е.А. Депутатский мандат как основа конституционно-правового статуса депутата в Российской Федерации // Universum: Экономика и юриспруденция: электрон. научн. журн. – 2017. – № 6(39).
- ¹⁸ URL: Чиркин В.Е. Конституционное право зарубежных стран. – М., 1997. – С. 243.
- ¹⁹ Конституции мира: Сб. конституций государств мира / Сост. У. Таджиханов, А. Х. Сайдов. Т. 8. – Т., 1997. – С.134.
- ²⁰ Конституционное (государственное) право зарубежных стран. Общая часть. Т. 1–2. – М., 1999. – С. 505.
- ²¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2005. – № 8–9. – 64-м.
- ²² Зиновьев А. В. Конституционное право России. – М.–СПб, 2000. – С.184.

M. M. Инагамова,

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси давлат-ҳуқуқий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси,
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

ЎЗБЕКИСТОНДА АЁЛ ҲУҚУҚЛАРИГА ОИД НОРМАЛАР ШАКЛЛАНИШИННИГ БОСҚИЧЛАРИ

Аннотация. Мақолада Ўзбекистонда аёл ҳуқуқларига оид нормалар шаклланишининг асосий босқичлари ҳамда аёлларга нисбатан майший зўравонликларга қарши курашишнинг ҳуқуқий механизмларини ишлаб чиқиш масалалари таҳдил қилинган.

Таянч сўзлар: аёлларнинг бандлиги, иқтисодий фаровонлик, репродуктив саломатлик, таълим олиш ҳуқуқи, аёлларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштироки, камситиши.

Этапы развития прав женщин в Узбекистане

Аннотация. В статье анализируются основные этапы развития прав женщин в Узбекистане и разработка правовых механизмов борьбы с бытовым насилием в отношении женщин.

Ключевые слова: занятость женщин, экономическое благосостояние, репродуктивное здоровье, право на образование, участие женщин в управлении государством и обществом, дискриминация.

Stages of the development of women's rights in Uzbekistan

Annotation. The article analyzes the main stages of the development of women's rights in Uzbekistan and the development of legal mechanisms to combat domestic violence against women.

Keywords: women's employment, economic welfare, reproductive health, the right to education, the participation of women in government and society, discrimination.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги жамият ҳаётига улкан янгиликлар олиб кириши билан бирга, инсонга, унинг ҳуқуқ ва эркинларига муносабатда ҳам янгича ёндашувларни талаб этди. Аввало, собиқ тузумдан фарқли равишда, давлат инсонга, жумладан аёлга муносабатни ўзгартиришни кун тартибига қўйди.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида бевосита инсон ҳуқуқларига оид 400 дан, хусусан, аёл ҳуқуқларига тегишли 50 дан ортиқ турли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганлигини қайд этиш ўринлидир.

Аввало, мамлакатимизда хотин-қизлар ва эркакларнинг teng ҳуқуқли эканлиги давлатнинг Асосий қонунида конституциявий-ҳуқуқий норма даражасида мустаҳкамланганлигини таъкидлаш жоиз¹. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда амалда бўлган 18 та кодекс ва 900 дан ортиқ қонунларнинг 400 га яқинида, 35 мингдан зиёд қонуности ҳужжатларининг 20 мингдан ортифида

аёллар ҳуқуқлари ва эркинларига оид ҳуқуқий нормалар учрайди².

Ўзбекистонда айнан аёллар ҳуқуқлари муҳофазаси соҳасида турли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга қаратилган 80 дан ортиқ қонун ва қонуности ҳужжатлари мавжуд бўлиб, Конституцияда, шунингдек 10 га яқин кодексларда маҳсус ҳуқуқий нормалар учрайди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексида³ «барча фуқаролар оиласи муносабатларда тенг ҳуқуқларга эгадирлар» (3-модда), «эр ва хотин оиласи тенг ҳуқуқлардан фойдалана-дилар ва улар тенг мажбуриятларга эгадирлар» (19-модда) деб қатъий белгилаб қўйилгани сўзимизнинг тасдигидир.

Фикримизча, аёллар ҳуқуқларига оид қонунчилик ривожининг ҳуқуқий механизmlарини илмий жиҳатдан таҳдил этишда қуйидаги йўналишларга алоҳида эътибор қаратиш лозим: *бираинчидан*, мустақилликнинг илк йилларида Ўзбекистонда аёлларнинг ижтимоий, иқтисодий аҳволи;

иккинчидан, давлат сиёсий-хуқуқий мақомининг аниқ белгиланиши ва танлаб олинган мақсад ҳамда вазифаларнинг уйғунлиги; *учинчидан*, инсон хуқуқларини таъминлаш бўйича давлат ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажариши; *тўртинчидан*, давлат ва жамият бошқарувида аёллар иштирокини кенгайтириш зарурати кабилар.

Ўзбекистон Ҳукуматининг ташаббуси билан (1991 йил 27 декабрь) Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси ташкил этилиб, барча ҳудудларда унинг бўлинмалари фаолияти йўлга қўйилди. Қўмитанинг ташкил этилиши мамлакат амалиётида янги механизм бўлиши билан бирга, шу даврнинг зарурати бўлиб, унинг асосий мақсади – аёлларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг хуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини янада яхшилаш ва истеъодини юзага чиқариш, оиласда маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантиришда хотин-қизларнинг ролини янада кучайтиришдан иборат этиб белгиланди.

Бундан ташқари, аёлларнинг бандлиги, иқтисодий фаровонлиги, репродуктив саломатлиги, таълим олиш хуқуқи ҳамда давлат ва жамият бошқарувида иштироки, шунингдек уларга нисбатан камситишларни бартараф этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш тадбирлари тўғрисида»ги (1995 йил 2 март) фармонига⁴ кўра, аёллар мақомининг пасайиши тамойили (тенденцияси)га қарши туриш зарурлиги тасдиқланди ва аёллар ҳаракатига катта кўмак бўлиши билан бирга, ҳокимиятнинг барча даражалардаги ижро органларида аёллар иштирокини таъминлаш назарда тутилиб, унга кўра Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши сийоси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туман

ҳамда шаҳарлар ҳокимларининг хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосари лавозимлари жорий этилди. Ушбу лавозимларга тегишли хотин-қизлар қўмиталирининг раислари тайинланди, уларга оила, оналик ва болаликнинг ижтимоий муҳофазаси учун масъулият юкланди⁵. Шу тариқа аёллар барча даражаларда ижроия ҳокимият органларида қатнашиши учун катта имконият яратилди.

Фикримизча, Ўзбекистонда аёл хуқуқларига оид ҳалқаро нормаларнинг миллий амалиётга жорий этилиши, уларни бажариш борасидаги чора-тадбирлар ҳақида адабиётларда турли фикрлар учраса-да⁶, айнан мамлакатимизда аёл хуқуқларига оид миллий қонунчилик ривожланишининг босқичлари ҳақида аниқ фикр билдирилмаган. Шу сабабли уларнинг қўйидаги асосий босқичларини алоҳида ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Биринчи босқич 1991–2000 йилларни ўз ичига олиб, бу даврда Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгани ва ҳалқаро хуқуқнинг тенг хуқуқли субъекти сифатида дунё ҳамжамияти томонидан тан олингани, шунингдек дунёдаги инсон хуқуқлари бўйича энг нуфузли ташкилот – БМТга аъзо бўлгани билан ҳам аҳамиятлидир. Мазкур босқичда, аввало, Ўзбекистон инсон хуқуқлари, жумладан аёл хуқуқлари устуворлигини тан олиш, уни таъминлашга оид ҳалқаро хуқуқий нормалар ижроси бўйича барча мажбуриятларни ўз зиммасига олишини эълон қилди.

Иккинчи босқич 2001–2015 йилларни ўз ичига олиб, бу босқич аёл хуқуқларини рўёбга чиқаришда муҳим ўрин тутади. Бу даврда аёлларнинг сиёсий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш борасида бир қатор ислоҳотлар амалга оширилди. Аввало, аёлларнинг сайлов ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги миллий тажриба алоҳида аҳамиятга эга.

Учинчи босқич – 2016 йилдан ҳозирги вақтгача бўлган давр. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича

Харакатлар стратегиясида белгилаб берилган вазифаларни инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги (2018 йил 2 февраль) фармони⁷, «Ижтимоий реабилитация қилиш ва мослаштириш, шунингдек оиласиб-маиший зўрлик ишлатишнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2018 йил 2 июль)⁸ ҳамда «Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги (2019 йил 7 мартағи)⁹ қарорлари имзоланди.

Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Оила» илмий-амалий маркази янги ташкил этилган хотин-қизлар билан ишлаш ва оиласарда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассислар фаолиятининг асосий вазифалари ва устувор йўналишлари, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа ташкилотлар билан биргаликда аёлларни тайзиқ ва зўравонликлардан ҳимоя қилиш, улар ўртасида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчилик профилактикасини самарали ташкил этиш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини ва маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлашга шахсан жавобгар эканликлари белгиланди.

Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлаш мақсадида Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ҳудудларда ижтимоий мослашув марказлари фаолияти йўлга қўйилди, айни дамда уларнинг сони 130 дан ошди, 2019 йилнинг биринчи чораги охирiga бориб эса, мамлакатнинг барча туманларида аёллар мослашуви марказлари ишга туширилди. Барча марказлар ишларини мувофиқлаштирувчи Республика маркази фаолиятини ташкил қилиш ишлари якунига етказилади¹⁰.

Бундан ташқари, Хотин-қизлар қўмитаси томонидан зўравонликнинг олдини олиш мақсадида «1146» қисқа рақамли ишонч телефони ва қизлар учун тиббий мақсадларда хизмат қилувчи «1003» маҳсус телефон рақами ишга туширилди. Бугунга келиб мазкур ишонч телефон рақамига мурожаат қилган аёллар сони 7 мингга яқинлашди¹¹.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга муносиб турмуш ва меҳнат шароитлари яратиш, тадбиркорлик ташаббусларини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда камситилишига йўл қўймаслиқ, шунингдек бу борада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бориши устидан тизимили парламент назоратини амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда гендер тенгликни таъминлаш бўйича фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида” қарор қабул қилди. Унга кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси ташкил этилди. Қўмитанинг асосий вазифалари қаторида мамлакатда гендер тенгликни таъминлашга, хотин-қизларнинг давлат ва жамият ишларида фаол иштирок этишига қаратилган давлат сиёсатини амалга оширишга доир тавсиялар ишлаб чиқиш, гендер тенглик масалалари ва оила институтини ривожлантиришга оид қонунларни мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мақсад ва вазифаларига ҳамда ҳалқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқлиги нуқтаи назаридан кўриб чиқиш ва тегишли хулосалар бериш каби муҳим йўналишлар белгиланди.

Шунингдек, Қўмита зиммасига аёллар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш бўйича умумэътироф этилган ҳалқаро нормаларни миллий қонун ҳужжатларига имплементация қилиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш, гендер

тенглик масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси қўшилган халқаро ҳужжатлар нормаларининг амалиётга жорий этилиши ҳамда унда белгиланган тавсиялар ижро қилиниши юзасидан мониторинг олиб бориши вазифаси ҳам юклатилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида» (2018 йил 20 октябрь) 841-сонли қарор қабул қилинди. Унга кўра, Ўзбекистонда гендер тенгликни таъминлаш, аёлларга нисбатан камситиш ва зўравонликнинг барча шакларини тутатиш, шунингдек коммунал хизматлар, инфратузилма ва ижтимоий ҳимоя тизимлари, уй хўжалигини юритиш бўйича ҳақ тўланмайдиган меҳнатни тан олиш, хотин-қизларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳаётнинг барча босқичларида ҳар томонлама

иштирок этишларини ҳамда қарор қабул қилишда етакчилик қилишлари учун тенг имкониятларни таъминлаш босқичларида давлат дастурларини қабул қилиш жараёнига тўла сингдириш белгиланган. Ушбу босқичда аёл ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид қонунчиликни ривожлантириш билан бирга, уларнинг ижросини таъминлашга ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Айниқса, жамият ҳаётида жуда кўп кузатилаётган майший, оиласиий зўравонликларга қарши курашишнинг ҳуқуқий механизмларини ривожлантиришга эътибор қаратилаётгани дикқатга сазовордир. Умуман, мамлакатимизда мустақиллик йилларида аёл ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид қонунчилик тизими изчил ривожланиб бормоқда. Келгусида мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни амалда татбиқ этишга ички ишлар органлари ходимлари ҳам муносаби ҳисса қўшишлари лозим.

¹ Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18, 46-моддаларида барча фуқаролар, жумладан аёл ва эркакларнинг тенг ҳуқуқли эканлиги белгиланган, шунингдек 14-бобда оналик ва болалик давлат муҳофазасида эканлигини акс эттирувчи маҳсус конституциявий нормалар мавжуд.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг миллий электрон базаси. www.lex.uz; Қонун ҳужжатлари электрон базаси www.norma.uz.

³ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1998. – 5–6-сонга илова; 2003. – №1. – 8-модда; 2004. – № 1-2. – 18-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2007. – № 14. – 133-модда; 2008. – № 16. – 117-модда; 2009. – № 37. – 401-модда; 2010. – № 35–36. – 300-модда; № 37. – 313-модда; 2011. – № 40. – 410-модда; № 51. – 542-модда; 2013. – № 18. – 233-модда; 2014. – № 4. – 45-модда.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1995. – № 4. – 71-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2004. – № 21. – 251-модда.

⁵ Қаранг: *Абдурасулова Қ.* Ўзбекистонда хотин-қизлар ҳуқуқлари кафолатлари // Ҳуқуқ ва бурч. – 2014. – № 3. – Б.17–18.

⁶ Қаранг: *Файзуллаева Э.* Гендер зўравонлик // Гендер муносабатлар назарияси ва амалиётига кириш. – Т., 2007. – Б. 343–345.

⁷ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. 03.02.2018. – 06/18/5325/0653-сон.

⁸ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. 04.07.2018. – 07/18/3827/1445-сон.

⁹ Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. 09.03.2019. – 07/19/4235/2727-сон.

¹⁰ Қаранг: Дунё миёсида ҳар уч аёлдан бири зўравонлик қурбони бўлмоқда // kun.uz. 26.11.2018.

¹¹ Ўзбекистонда «Хотин-қизларга нисбатан зўравонликка қарши 16 кун» акцияси бошланди // Халқ сўзи газетасининг расмий веб-сайти. www.xs.uz.

Дж. Х. Юлдашев,

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси жамоат тартиби ва хавфсизликни таъминлаши кафедраси
бошлигининг ўринбосари, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛИГИГА ДОИР ИШЛАРНИ ЙУРИТИШНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига доир ишларни юритишнинг бугунги ҳолати ҳамда уни оптималлаштириш масалалари таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: ҳалқаро ҳуқуқ нормалари, фуқаролик, фуқароликка доир ишлар, фуқароликка доир ишларни юритиш, фуқароликка доир ишларни юритишни соддалаштириш ва оптималлаштириш.

Оптимизация деятельности по вопросам гражданства Республики Узбекистан

Аннотация. В статье проанализировано современное состояние деятельности по вопросам гражданства Республики Узбекистан и даны предложения по её оптимизации.

Ключевые слова: международно-правовые нормы, гражданство, дела о гражданстве, производство дел по гражданству, упрощение и оптимизация производства дел о гражданстве.

Optimization of proceedings on the citizenship of the Republic of Uzbekistan

Annotation. The article analyzes the current state of cases on citizenship of the Republic of Uzbekistan and introduces the issues of its optimization.

Keywords: international-legal norms, citizenship, cases of citizenship, proceedings on citizenship, simplification and optimization of the production of cases on citizenship.

Маълумки, инсон ҳуқуқлари қаторида субъектив (табиий) ҳуқуқлар мухим ўрин тутади. Шахснинг ҳуқуқий мақоми (ҳолати) шундай ҳуқуқлар сирасига кириб, ҳалқаро ҳуқуқ нормаларига кўра ҳар қандай давлат бу борадаги мажбуриятларни жиҳдий кафолатлаши лозим. «Фуқаролик» эса мамлакатда шахснинг ҳуқуқий ҳолатини белгиловчи энг мухим институтлардан бири ҳисобланади. Чунки шахс билан давлат муносабатининг асоси ушбу институтдир¹.

Юридик адабиётларда мазкур институтнинг мазмун-моҳиятини изоҳлашга уринишларни кузатиш мумкин. Жумладан, К.Ю. Садуллаев «фуқаролик» деганда индивид билан давлат ўртасида ҳам миллий ҳуқуқда, ҳам ҳалқаро ҳуқуқда ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларга асосланган ҳуқуқий муносабатларга киришувчи субъектлар ўртасидаги муносабатни тушунади². Ҳуқуқшунос олимлар X. Одилқориев ва Б. Очилов эса: «Фуқаролик деганда шахснинг маълум бир давлат билан ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларга

эга бўлишида ифодаланувчи мустаҳкам сиёсий-ҳуқуқий алоқа тушунилади»³, деб таъкидлашади. Бундан маълумки, ушбу институт индивид (шахс) билан давлат ўртасидаги алоқаларнинг нафақат юридик жиҳатдан, балки сиёсий жиҳатдан ҳам мансублигини кўрсатади. Шундай экан, ҳар қандай давлат ўз фуқароларига нисбатан ўзаро ҳуқуқлари билан бир қаторда, муайян мажбуриятлари асосида ҳам боғлиқдир. Бу эса ҳар қандай давлат фуқароликка доир ишларни юритиша миллий қонунчилик талабларига ҳам, ҳалқаро ҳуқуқ нормаларига ҳам амал қилиши лозимлигини англаради. Шу маънода, ҳозирда демократик давлатлар ўз фуқароларига ҳимоя қилиниш ҳуқуқини берувчи тенг ҳуқуқли аъзоликни таъминламоқда.

Бугун шахснинг ҳуқуқий ҳолатини кафолатлаш борасида ҳалқаро стандартлар ишлаб чиқилиб, амалда қўлланилаётганлигини эътироф этиш лозим. Тадқиқот натижалари шахснинг фуқаролик мақомини белгилаш

билин боғлиқ масалаларни тартибга солувчи ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни (таъсир доирасини инобатга олган ҳолда) шартли равишда қўйидаги уч асосий гурухга ажратиш имконини бермоқда:

- 1) ҳалқаро универсал ҳужжатлар;
- 2) минтақавий ҳужжатлар;
- 3) икки томонлама тузилган шартнома ва битимлар.

Ушбу ҳужжатларнинг ҳалқаро универсал аҳамият касб этувчилари барча мамлакатлар учун амал қилиниши лозим бўлган муайян мажбуриятлар юклashi мумкин. Хусусан, «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси»да⁴ (1948 йил 10 декабрдаги БМТ Бош Ассамблеясининг 217 А (III)-резолюцияси билан қабул қилинган) келтирилишича, «ҳар қандай инсон фуқаро бўлиш ҳуқуқига эга (15-м. 1-қ.). Ҳеч ким ўзбошимчалик билан ўз фуқаролигидан ёки уни ўзгартириш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин эмас (15-м. 2-қ.)». «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўгрисидаги ҳалқаро пакт»да (1966 йил 16 декабрдаги БМТ Бош Ассамблеясининг 2200 А (XXI)-резолюцияси билан қабул қилинган) мазкур стандарт талабларига кўра (12-м.), бирон бир қонун ҳужжати шахснинг эркин ҳаракатланиш ҳуқуқини чеклаш асоси бўлиши мумкин эмас (миллий хавфсизликни таъминлаш учун белгиланган ҳолатлар бундан мустасно).

Шу нуқтада назардан, мамлакатимизда ҳам фуқароликка доир ишларни юритишининг ҳалқаро ҳуқуқ нормалари ва жамият ҳаётига қай даражада мослигини ҳамда амал қилишини кузатиб бориш ҳамда мониторинг қилиш мазкур жараённи самарали таъминлаш механизmlарини доимий равишда такомиллаштириш имконини беради. Шу боис уни таъминлашга доир фаолиятни ҳуқуқий тартибга солиш муаммоларини тадқиқ этиш кечикириб бўлmas вазифа ҳисобланади.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаги, бугунги кунда мамлакатимизда фуқароликка доир ишларни юритишини ҳуқуқий жиҳатдан кафолатловчи асосий норматив-ҳуқуқий

ҳужжатлар – Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлдаги «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўгрисида»ги қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 20 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиши тартиби тўгрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 500-сон фармони ҳисобланади.

Ушбу қонун ҳужжатларини ўрганиш натижаларидан маълумки, уларга бугунга қадар фуқароликка доир ишларни юритиши механизmlарини соддалаштирувчи жиддий қўшимча ва ўзгартишлар киритилмаган. Бу эса таҳлил этилаётган соҳадаги иш юритиши тизими қай ҳолатда эканлигини очиқ-ойдин намоён этади.

Жумладан, мазкур қонун ҳужжатларида ҳуқуқ тизимимиз нормаларини амалда қўллаш принципларининг ҳали-ҳамон ўз аксини топмаганлиги бугунги объектив эҳтиёжларни қондириш борасида муаммолар юзага келиши мумкинligини тасдиқлайди. Бу борада хорижий (МДХ) мамлакатлар қонунчилиги таҳлилиниң кўрсатишича, Молдова (7-м.)⁵, Россия (4-м.)⁶, Беларусь (3-м.)⁷ ва Украина (2-м.)⁸ давлатлари фуқаролик тўгрисидаги қонун ҳужжатларида муҳокама этилаётган масалага алоҳида аҳамият қаратилган. Шу аснода, фикримизча, миллий қонунчиликка фуқароликка доир ишларни юритишининг қўйидаги асосий «принциплари»ни киритиш мақсадга мувофиқдир:

- 1) ягона фуқаролик принципи;
- 2) тенг фуқаролик принципи;
- 3) фуқароликнинг бир томонлама ўзгартирилиши ёки бекор қилинишига йўл қўйилмаслиги принципи;
- 4) фуқароликнинг узлуксизлиги (доимийлиги) принципи;
- 5) конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларнинг кафолатланганлиги принципи;
- 6) дипломатик ҳимоя принципи;
- 7) ҳалқаро ҳуқуқ нормаларининг устунлиги принципи.

Шунингдек, таҳлиллар паспорт тизими нинг ҳуқуқий асоси сифатида 1992 йил

2 июлдаги «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги қонунни бугунги талаблар асосида янги таҳрирда қабул қилишга эҳтиёж катталигини кўрсатмоқда. Чунончи, унда қонуннинг мазмун-моҳиятини очиб берувчи асосий тушунчалар («фуқароликка мансублик», «икки (кўй) фуқаролик», «доимий яшаш», «фуқароликни ўзгартиши», «фуқароликка қабул қилиш», «фуқароликдан чиқиш», «фуқароликни ўйқотиши», «фуқароликни тиклаш»)нинг акс этирилмаганлиги, ушбу соҳадаги ишларни юритишда хуқуқни қўллаш амалиёти учун бир қатор муаммоларни юзага келтирмоқда.

Бу борада Молдова (1-м.), Россия (3-м.), Украина (1-м.) ва Қирғизистон (3-м.)⁹ давлатлари қонунчилиги уларда фуқароликка доир ишларни юритишининг мазмун-моҳиятини очиб берувчи асосий тушунчаларга аниқ илмий таърифлар берилганини кўрсатади. Шу сабабли, назаримизда, миллий қонунчилигимизда ҳам таҳлил этилаётган соҳадаги ишларни юритиши амалиёти самарадорлигини оширишга хизмат қўлувчи асосий тушунчаларни акс этириш лозим.

Фуқароликка доир ишларни юритишда унга (фуқароликка) мансублик юзасидан сифатли текширувларни олиб бориш, қонунчилиқда у билан боғлиқ коллизия ва хуқуқий бўшлиқларни бартараф этиш эса, шахснинг эркин ҳаракатланиш хуқуқи тўлиқ рўёбга чиқишига хизмат қиласди. Афсуски, таҳлил этилаётган соҳадаги қонунчилиқ бартараф этилиши лозим бўлган хуқуқий бўшлиқлардан холи эмас.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлдаги «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги қонунига мувоғиқ, шахснинг Ўзбекистон фуқаролигига мансублигини аниқлашда фақатгина прописка фактига асосланилаётгани, бу борадаги бошқа мезонларнинг инобатга олинмаслиги ҳам шахснинг паспорт олиш ҳамда эркин ҳаракатланиш хуқуқини таъминлаш самарадорлигига жиддий таъсир кўрсатмоқда. Масалан, Қонун кучга киргунга

(1992 йил 28 июлга) қадар шахснинг ҳарбий ҳисобга олинганлиги; унинг давлат чегараси орқали мамлакатга кирганлиги; қонуний тирикчилик манбаи (мехнат фаолияти)га эга бўлганлиги; фарзанд кўрганлиги; никоҳ қайд этилганлиги; солиқ ёки бошқа мажбурий тўловлар тўлаганлиги каби фактларнинг мавжудлиги ҳам фуқароликка мансублик бўйича холоса қилиш имконини бермайди.

Шу боис ҳозирда фуқароликка мансубликни аниқлаш амалиётида турли баҳс-мунозалар кузатилиб, қонунчилиқда фуқароликка мансубликни суд тартибида баҳолашни кафолатловчи мукаммал позицияни белгилаш зарурати юзага келмоқда.

Шу ўринда яна бир табиий савол туғлади: Ўзбекистон Республикаси фуқаролигидан чиқишга доир ишларни юритиши амалиёти бугунги эҳтиёжларга мосми? Миллий қонунчилиқ нормалари халқаро хуқуқ нормалари талабарини ўзида қай даражада акс этирган? Албатта, бу каби саволлар ҳар қандай хуқуқшуносни ўйлантириши табиий. Амалдаги қонунчилигимиз нормалари таҳлили мазкур ҳолатни қўйидагича тушуниш лозимлигига ишора қиласди. Жумладан, Ўзбекистон фуқаролигидан чиқиш жараёни ўзига хос мураккабликларни (қонунчилиқда аризаларни кўриб чиқиш муддати бир йил этиб белгиланганлиги сабабли) юзага келтиришини инобатга олган ҳолда, (шу билан бирга, айрим ҳолларда фуқароларнинг жиноий жавобгарликдан бўйин товлаш мақсадида ҳам) аксарият фуқаролар фуқароликни белгиланган тартибда тарк этишдан манфаатдор эмас.

Қолаверса, бугунги қоида асосида мамлакат доимий пропискасидан чиқиб, хориждаги консуллик рўйхатига кириш ҳам фуқаролар манфаатига унчалик мос келмайди, чунки доимий пропискадан чиқиш асосида чет элда муайян давр яшаб қайтиб келиш барча ҳолларда ҳам шахста давлатда қайта прописка қилиниш имконини бермайди (масалан, айтайлик шахс Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилоятидаги доимий пропискадан чиқиб, хориждаги

консуллик рўйхатига кирса, қонунчилиқда (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 16 февралдаги «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар — Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги 41-сон қарорига 1-илова билан тасдиқланган низомда) уни илгариги доимий яшаш манзили бўйича прописка қилиш тартиби назарда тутилмаган).

Бундан ташқари, 1992 йил 2 июлдаги «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида»ги қонунда уч йил давомида узрли сабабларсиз доимий консуллик ҳисобида турмаган шахслар фуқаролигини йўқотиши ҳам назарда тутилган. Натижада фуқаро олдида қўйидаги икки йўл пайдо бўлиши табиий: *биринчиси* – мамлакатдаги қўчмас мулкига эгаликни ҳамда доимий яшаш хукуқини сақлаб қолиш мақсадида пропискадан чиқмасдан хорижий мамлакатга яшаш учун кетиши (бу ҳолда фуқаро хукуқларини чет давлатдаги консуллик муассасаларимиз тўлиқ ҳимоялаш имконига эга бўлмайди); *иккинчиси* – бошқа давлатга бир умрга кетиши асосида Ўзбекистон фуқаролигидан чиқмасдан ўша давлатнинг фуқаролигини қабул қилиш.

Шу билан бирга, Россия, Қозогистон, Қиргизистон каби давлатлар томонидан Ўзбекистон Республикаси фуқаролигида бўлган шахсларни фуқароликка қабул қилиш давомида фуқароликдан расман чиқиш талаб қилинмаётгани ҳам республикада икки фуқароликка эга бўлган шахслар сони ортишига сабаб бўлади. Бу эса, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21-моддаси ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг

Фуқаролиги тўғрисида»ги (1992 йил 2 июль) қонунининг 10-моддасида белгиланган ягона фуқароликни тан олиш принципига зид ҳолат ҳисобланади. Шунингдек, Д.С.Акрамходжаева таъбири билан айтганда, давлатимиз хукуқий сиёсатининг бош мақсади бўлган мамлакатда барқарорлик ва хукуқий тартиботни мустаҳкамлашгага¹⁰ имкон бермайди. Бу борада, бизнингча, мамлакат фуқаролигидан чиқиш тартиб-таомилларини ҳам бироз соддалаштириш мақсадга мувофиқ.

Мазкур масала бўйича хорижий давлатлар қонунчилиги муҳокама этилган муаммони ҳал этишга қаратилган намунавий нормаларга эга эканлигини кузатиш мумкин. Чунончи, Грузияда (38-м. 1-қ.)¹¹ фуқароликдан (соддалаштирилган тартибда) чиқиши доир ишларни юритиш муддати ариза берилган кундан бошлаб уч ойгача бўлган муддатни ташкил этади. Ушбу турдаги мурожаатларни кўриб чиқиш, Россия (35-м. 4-қ.) – 6 ойгача, Беларусь (34-м. 2-қ.) – 6 ойгача ва Қозогистонда (32-м. 2-қ.)¹² – 6 ойгача бўлган муддатни талаб этади. Кўриниб турибдик, миллий қонунчилигимиз ҳам Ўзбекистон фуқаролигидан чиқиш бўйича мурожаатларни кўриб чиқиш тартиб-таомилларини оптималлаштиришни назарда тутувчи қўшимча ва ўзгартишлар киритишига муҳтож.

Умуман олганда, юқорида таҳлил этилган масалалар юзасидан шундай хулоса қилиш мумкинки, фуқаролик тўғрисидаги ишларни юритиш янада оптималлаштирилишини таъминловчи нормаларни қонун хужжатларига киритиш миллий қонунчилигимизда мавжуд коллизия ва ҳукуқий бўшлиқларни бартараф этиши билан бирга, шахс ҳукуқларини самарали кафолатлашда ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

¹ Конституциявий ҳукуқ / Х.Т.Одилқориев, Ш.Н.Бердияров, И.Э.Хожаназаров. – Т., 2013. – Б. 39.

² Садулаев Қ. Ю. Фуқароликнинг миллий ва халқаро ҳукуқий асослари: Юрид. фан. номз. ... дис. автореф. – Т., 2011. – Б. 7.

³ Одилқориев Х., Очилов Б. Ҳозирги замон халқаро ҳукуқи. – Т., 2002. – Б. 119.

⁴ Инсон ҳуқуқларига оид асосий ҳужжатлар тўплами / Масъул муҳаррир юридик фанлар доктори, проф. А.Х. Сайдов. – Т., 2013. – Б. 31.

⁵ Закон Республики Молдова от 2 июня 2000 года №1024 «О гражданстве Республики Молдова» // URL: http://lex.justice.md/document_rus.php?id=22054258:156FAF87 (мурожаат вақти: 05.05.2019).

⁶ Федеральный закон Российской Федерации от 31 мая 2002 года N 62-ФЗ (с изменениями на 1 мая 2016 года) «О гражданстве Российской Федерации» // URL: <http://docs.cntd.ru/document/901819226> (мурожаат вақти: 05.05.2019).

⁷ Закон Республики Беларусь от 1 августа 2002 года №136-З «О гражданстве Республики Беларусь» // URL: http://base.spinform.ru/show_doc.fwx?rgn=3114 (мурожаат вақти: 05.05.2019).

⁸ Закон України від 18 січня 2001 року N2235-III «Про громадянство України» // URL: <http://zakon5.rada.gov.ua/laws/show/2235-14> (мурожаат вақти: 05.05.2019).

⁹ Закон Кыргызской Республики от 21 мая 2007 года № 70 «О гражданстве Кыргызской Республики» // URL: <http://cbd.minjust.gov.kg/act/view/ru-ru/202103> (мурожаат вақти: 05.05.2019).

¹⁰ Акрамходжаева Д.С. Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий сиёсатининг долзарб муаммолари: Юрид. фан. номз. ... дис. автореф. – Т.: ТДЮИ, 2012. – Б. 4.

¹¹ Органический закон Грузии от 25 марта 1993 года № 193 «О гражданстве Грузии» // URL: http://pravfond.ge/?page_id=471 (мурожаат вақти: 05.05.2019).

¹² Закон Республики Казахстан от 20 декабря 1991 года № 1017-XII «О гражданстве» (с изменениями и дополнениями по состоянию на 22.12.2016 г.) // URL: http://online.zakon.kz/Document/?doc_id=1000816 (мурожаат вақти: 05.05.2019).

ЯНГИ НАШРЛАР

НОВЫЕ ИЗДАНИЯ

Психология тарихи: Маъruzalар курси/ Б. Н. Сирлиев, Э. Н. Сирлиев, О. А. Турсунова; Масъул муҳаррир п.ф.н. доц. Д. Н. Арзикулов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019.

Ушбу маъruzalар курсида психология фанига оид антик давр таълимотлари, ўрта аср Шарқ ва Farb мутафаккирларининг психологик қарашлари, психологик билимларнинг табиий фанлар негизидаги ривожи, психология фанининг фан сифатида тан олиниши ва ривожланиши, уйғониш даври психологияси, психологик мактаблар тараққиёти, Ўзбекистондаги психология фани ривожи, ўзбек психология мактаблари ва уларнинг психология фани тараққиётидаги роли ҳақидаги маълумотлар ёритилган.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясида таълим олаётган тингловчи ва курсантларга, ички ишлар органлари тизимида хизмат қилаётган амалиёт ходимларига, шунингдек, ушбу соҳада илмий изланишлар олиб бораётган тадқиқотчиларга мўлжалланган.

III. Р. Рашидов,

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси криминология кафедрасининг ўқитувчуси

ЯШАШ ҲУҚУҚИ ИНСОННИНГ ТАБИИЙ ҲУҚУҚИДИР

Аннотация. Мақолада яшаш ҳуқуқи инсоннинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган табиий ҳуқуқи сифатида ёритилган.

Таянч сўзлар: Конституция, яшаш ҳуқуқи, ўлим жазоси, фуқаро, маҳкум.

Право на жизнь – естественное право человека

Аннотация. В статье освещено право на жизнь как неотъемлемое право человека, закрепленное в Конституции Республики Узбекистан.

Ключевые слова: Конституция, право на жизнь, смертная казнь, гражданин, осужденный.

The right to life is a natural human right

Annotation. In the article was written about the man's right to life as imprescriptible right in the Constitution of the Republic of Uzbekistan.

Keywords: Constitution, right to life, death sentence, citizens, convict.

Дунё яралибдики, инсоният қанчадан-қанча мураккаб даврларни бошидан ўтказган. Қатор ихтиrolар яратилган қонли урушлар туфайли ривожланиш тўхтаган, лекин инсоният ҳеч қачон олга интилишдан тўхтамаган. Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, ўрта асрлардаги хунрезликлар-урушларни ҳисобга олмасак, инсоннинг ҳаёти ҳамиша муҳим саналган. Инсон ҳаёти, соелифи, қадр-қиммати олий қадрият ҳисобланиб, улар қонунлар билан муҳофаза қилинган. Шахсий ҳаётдан маҳрум қилиш оғир жиноят ҳисобланган.

Мамлакатимиз Конституциясининг 24-моддасига асосан, «яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суюқасд қилиш оғир жиноятдир». Бу ҳам юртимиизда инсон ҳаётига олий қадрият сифатида қаралишини тасдиқлади.

Инсоннинг барча табиий ва узвий ҳуқуқлари орасида яшаш ҳуқуқи биринчи даражали бўлиб, унинг мантиқий давоми сифатида шахс ҳуқуқларининг исталган бирини мазкур фундаментал ҳуқуқнинг ёйилган, кенгайтирилган ёки аниқлаштирилган кўриниши, деб ҳисоблаш мумкин. Зеро, шахс субъектив ҳуқуқларининг ҳар бири, албатта, ҳаёт кечириш кўринишларидан бири, яшаш ҳуқуқининг ифодасидир. Ҳатто

жиноят содир этган шахс ҳам ҳаётдан маҳрум этилиши мумкин эмас, чунки шахсга ўлим жазоси тайинланиб, у ижро этилганидан кейин суд хатоси аниқланса, уни тўғрилашнинг имкони бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг энг муҳим вазифаси жиноят, жиноят-процессуал қонун хужжатлари, жиноий жазо тизимини изчиллик билан босқичма-босқич либералластириш ҳисобланади. Республикаизда бу борада қатор ишлар амалга оширилди.

Жумладан, ўлим жазосини жазо тури сифатида жиноий қонунчилигимиздан чиқариш бўйича ишлар босқичма-босқич амалга оширилди ва ниҳоят, 2005 йил 1 августда «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги Президент фармони эълон қилинди. Унда 2008 йилнинг 1 январидан республикаизда жазо тури сифатида ўлим жазоси бекор қилиниши, унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси жорий этилиши белгиланди¹.

2007 йил 11 июлда Ўзбекистон Республикасининг «Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатла-

рига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди². Мазкур қонунга асосан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида назарда тутилган ўлим жазосининг ўрнига умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси киритилди.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 51-моддасига биноан, умрбод озодликдан маҳрум қилиши фавқулодда жазо чораси бўлиб, маҳкумни маҳсус тартибли жазони ижро этиш колониясига жойлаштириш орқали жамиятдан муддатсиз ажратиб қўйишдан иборатdir.

Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси Ўзбекистонда фақат иккита жиноят, яъни жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (ЖК 97-м. 2-қ.) ҳамда терроризм (ЖК 155-м. 3-қ.) учун белгиланган эди. Шу ўринда республикамиизда бу масалага инсонпарварлик билан ёндашилганини таъкидлашимиз зарур. Зеро, умрбод озодликдан маҳрум этиш жазоси Польша ва Германияда – 5 та, Бельгия ва Россияда – 6 та, Данияда – 9 та, Грузияда – 11 та, Швецияда – 13 та, Беларусда – 14 та, Япония ва Озарбайжонда – 16 та, Қозогистонда ва Кореяда – 17 та, Францияда – 18 та, Голландияда – 19 та, Молдовада – 24 та, Хитой Ҳалқ Республикасида эса 64 та жиноят учун қўлланади³.

Қонумизнинг инсонпарварлиги яна шунда қўринадики, суд иш бўйича барча ҳолатларни ҳар томонлама холис ўрганиб, айборни умрбод эмас, балки унга муқобил жазо тури сифатида узоқ муддатли (20 йилдан 25 йилгача) озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм этиши ҳам назарда тутилган.

2008 йил 1 январидан ўлим жазосининг бекор қилиниши натижасида Ўзбекистонда энг либерал жиноят қонуни яратилди. Бир жиҳатни алоҳида қайд этиш керакки, қонунида ўлим жазоси бўлган мамлакат ўзини ҳуқуқий-демократик давлат деб атай олмайди. Чунки инсонни ўлимга маҳкум этиш демократик принципларга тўғри келмайди.

Ўзбекистон ўлим жазосининг бекор қилиниши жиноятчилик қўпайиб кетишига

олиб келади, деган фикрнинг нотўғри ва асоссиз эканлигини бутун дунё ҳамжамиятига исботлаб берди.

Ўлим жазосининг бекор қилиниши, жазоларнинг либераллаштирилиши жуда катта эътиборга молик ҳодиса бўлди. Бунга ўз хатосини тушуниб етганлар, чин дилдан пушаймон бўлганларга берилган яна бир имконият сифатида қарашимиз ҳам мумкин. Шу имкониятни бериш орқали қизиқонлик қилиб, билиб-билмай жиноят содир этган қанчадан-қанча ёшлар жамиятимиз ривожига ўз ҳиссаларини қўшишига ишонч билдирилди. Бундан ташқари, бир неча минглаб оиласарнинг сақлаб қолинди, сонсаноқсиз болалар етим, кўнгли ўксик ҳолда улгайишининг олди олинмоқда.

Халқаро амнистия ташкилотининг маълумотига кўра, дунёда ўлим жазоси батамом бекор қилинган мамлакатлар 80 та, фақат алоҳида ҳолларда (ҳарбий жиноятлар учун) бу жазо сақланган мамлакатлар 15 та, жиноят қонунида ўлим жазоси сақланган бўлса-да, кейинги ўн йил давомида жазо ижро қилинмаган мамлакатлар 23 та, йил сайин бу жазони камроқ қўллаётган мамлакатлар эса 78 тани ташкил этади.

Умуман, ҳозирги вақтда дунёнинг кўплаб мамлакатларида ўлим жазосидан воз кечилмоқда. Бундай саъй-ҳаракатларни кенг жамоатчилик маъқулламоқда⁴.

Эътироф этиш керак бўлган яна бир муҳим жиҳат Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан мамлакатимиз тарихида илк бор 2700 нафар маҳкумни, шу жумладан, жазони ижро этиш колонияларидан турли шароитлар туфайли жиноят содир этган, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлган, тузалиш йўлига қатъий ўтган, яшаш жойи ва жазони ижро этиш муассасида ижобий тавсифланган 956 нафар шахсни афв этиш тўғрисида фармон қабул қилинишидир⁵.

2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонига кўра Рамазон ҳайити муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси

23-бандига асосан билиб-бilmай жиноят содир этган, ҳозирги вақтда қилмишига пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига ўтган озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган 226 нафар фуқаронинг афв этилишини ушбу улкан ишларнинг давоми сифати кўрсатишими мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда ўлим жазосининг бекор қилиниши мамлака-

тилизда инсон ҳаёти ва эркинлиги ҳамда яшаш ҳуқуқи дахлсиз эканлигини яна бир бор исботлади. Қолаверса, ушбу тарихий ҳужжат инсонийлик ва бағрикенгликнинг юксак намунаси сифатида нафақат халқимиз, балки жаҳон жамоатчилиги томонидан катта хайриҳоҳлик билан кутиб олинди. Зоро, яшаш ҳуқуқи – энг олий ҳуқуқдир.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги 2005 йил 1 август фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2005. – № 30-31. – 223-м.

² Ўзбекистон Республикасининг «Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 2007 йил 11 июль қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг ахборотномаси. – 2007. – № 6. – 248-м.

³ Якубов А.С. Важный этап последовательной либерализации судебно-правовой системы Узбекистана // Правда Востока. – 2007. – 26 июня.

⁴ Абдурасулова Қ.Р. – Фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш – демократик ислоҳотларнинг муҳим асоси // Ўзбекистон овози. – 2013. – 14 дек.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 25 йиллиги муносабати билан афв этиш тўғрисида»ги фармони. 2017 йил 5 декабрь // lex.uz.

ЯНГИ НАШРЛАР

НОВЫЕ ИЗДАНИЯ

Юлдашев Дж. Х. Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини таъминлашнинг назарий-ҳуқуқий ва ташкилий жиҳатлари: Монография. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019.

Мазкур монографияда паспорт тизими тушунчаси, моҳияти, таркиби, Ўзбекистон Республикасида паспорт тизими соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар ва уларнинг натижалари, паспорт тизимини ташкилий-ҳуқуқий таъминлаш муаммолари, ушбу соҳадаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик амалиёти, шунингдек паспорт тизимини таъминлаш борасидаги илгор хориж тажрибаси таҳдил қилинган.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ва бошқа юридик таълим муассасалари курсант (талаба) ва тингловчилари, докторант ва мустақил изланувчилари ҳамда профессор-ўқитувчилари, шунингдек ички ишлар органларининг амалиёт ходимлари учун мўлжалланган.

M. Зиёдуллаев,

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси раҳбар кадрларни тайёrlаши факультети бошлиги,
юридик фанлар доктори, доцент

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ТАЯНЧ ПУНКТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ, ПРИНЦИП ВА ФУНКЦИЯЛАРИ

Аннотация. Мақолада ички ишлар органлари таянч пунктларининг ҳуқуқий мақоми кўриб чиқилган, таянч пунктлари фаолиятининг асосий йўналишлари, принциплари ва функцияларини қонун хужжатларида аниқ белгилаш юзасидан таклифлар берилган.

Таянч сўзлар: ички ишлар органлари, таянч пунктлари, фаолиятининг асосий йўналишлари ва принциплари, таянч пунктларининг вазифалари ва функциялари, профилактика инспекторлари.

Основные направления, принципы деятельности и функции опорных пунктов органов внутренних дел

Аннотация. В статье рассмотрен правовой статус опорных пунктов органов внутренних дел, даны предложения по точному определению в законодательных актах основных направлений и принципов деятельности, а также функций опорных пунктов органов внутренних дел.

Ключевые слова: органы внутренних дел, опорные пункты, основные направления и принципы деятельности, задачи и функции опорных пунктов, инспектора профилактики.

Main directions, principles of activity and functions of strongholds of internal affairs bodies

Annotation. The article discusses the legal status of the strongholds of the internal affairs bodies, offers are made for the precise definition in the legislative acts of the main directions and principles of activity, as well as the functions of the strongholds of the internal affairs bodies.

Keywords: internal affairs bodies, : base stations of internal affairs bodies, main directions and principles of activity, tasks and functions of strong points, preventive inspectors.

Мустақиллик йилларида суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида маъмурий ҳудудларда жамоат тартиби ва хавфсизликни, ҳуқуқбузарликлар профилактиказини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашни узлуксиз амалга ошириш имкониятига эга бўлган, халқимизнинг маънавияти ва миллий қадриятларига асосланган янги тизим – ички ишлар органларининг таянч пунктларига асос солинди. Таянч пунктлари фаолиятининг ҳуқуқий, ташкилий-методик асослари, моддий-техник имкониятлари ҳамда кадрлар билан боғлиқ шарт-шароитлари ва уларни бошқаришнинг ўзига хос тизими шаклланди.

Бунинг натижасида таянч пунктлари аҳоли турар жойларида тинчлик ва осойишталикни, ҳуқуқ-тартибот ва жамоат хавфсизлигини таъминловчи асосий масканга айланмоқда. Уларда ички ишлар органлари соҳавий хизматларининг ўзаро ҳамда давлат органлари ва муассасалари, жамоатчилик тузилмалари билан узвий ҳамкорлиги йўлга қўйилмоқда. Профилактика инспекторларини уй-жой, хизмат хоналари ва автомашиналар билан таъминлаш масалалари ҳал қилиб берилмоқда.

Жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарликнинг барваҳт олдини олиш борасидаги саъй-ҳаракатлар натижасида ва аввало,

кенг жамоатчилик иштирокида 2019 йилнинг ўтган 6 ойи давомида республикамиз худудида умумий жиноятлар сони 32,1фоизга, жиноят қидирув йўналиши бўйича эса 41,7фоизга камайди¹.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда милиция таянч пунктларининг фаолияти йўлга қўйилган дастлабки даврларда уларнинг моҳиятини тушуниш, мақсади ва вазифаларини белгилаб олишда, табиийки, турлича ёндашувлар ва ўзига хос қийинчиликлар кузатилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг илгари қабул қилинган, сўнгра янгисига алмашган ва амалдаги буйрукларида ҳамда олиб борилган илмий-тадқиқот ишларида «милиция таянч пункти» тушунчасини турлича таърифлаш, унинг моҳиятини ҳар хил талқин этиш ҳоллари кузатилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги (16.09.2016 й.) қонунининг қабул қилиниши бу борадаги бир тўхтамга келиш имконини берди. Қонуннинг 15-моддасида ички ишлар органлари таянч пунктлари туманлар ва шаҳарлар ички ишлар бошқармалари (бўлимлари)нинг асосий қуий бўғини бўлиб, ички ишлар органларининг жамоатчилик билан ҳамкорлигини таъминлаш мақсадида ташкил этиладиган ҳамда қишлоқ, овул ва маҳаллаларда жамоат тартиби сақланишини, фуқаролар хавфсизлигини, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини, жиноятчиликка қарши курашишни бевосита таъминлаши белгилаб қўйилди².

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси, «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чоратадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5005-сон (10.04.2017 й.) фармони ҳамда унинг

ижросига доир бир қатор қарорлар қабул қилиниши ички ишлар органлари таянч пунктларининг фаолиятини янада такомиллаштиришга хизмат қилди. Тизимда амалга оширилган ислоҳотлар натижасида ички ишлар органларининг аҳолига яқинлигини таъминлаш ва узоқда жойлашган аҳоли пунктларида фуқароларга қулайликлар яратиш мақсадида республикада кўшимча равишида 175 та шаҳар, кўргон ИИБлари ва 824 та таянч пунктлари ташкил этилди³. Қолаверса, профилактика инспекторларининг сони 5867 нафардан 6969 нафаргача оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2896-сон (18.04.2017 й.) қарори ва у билан тасдиқланган Ички ишлар органлари таянч пункти тўғрисидаги низомнинг қабул қилиниши ички ишлар органлари таянч пунктларининг ҳуқуқий мақомини, уларнинг фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш масалаларини ҳуқуқий жиҳатдан янада мустаҳкамлашга хизмат қилди. Низомда ички ишлар органлари таянч пунктларининг асосий вазифалари, профилактика инспекторларининг фаолиятини ташкил этиш, уларнинг ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда жавобгарлиги, профилактика инспекторларининг давлат ташкилотлари, бошқа ташкилотлар ва аҳоли билан ҳамкорлиги, таянч пунктларини ташкил этиш ва уларнинг моддий-техник таъминоти масалалари аниқ белгилаб қўйилди.

Ўрганиш ва таҳлиллар шуни кўрсатдики, давлат органлари, муассасалари ёки нодавлат ташкилотларнинг ҳар қандай таркибий тузилмаси самарали фаолият кўрсатиши учун қонун ҳужжатларида ушбу тузilmанинг ҳуқуқий мақомини белгилашда мазкур тузилма фаолиятининг асосий йўналиш, вазифа, принцип, функция, ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгилаш талаб этилади. Жумладан, Ўзбекистон Республика-

сининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги (16.09.2016й.) қонунига назар соладиган бўлсак, унинг 2-моддасида — ички ишлар органларининг асосий вазифалари, 4-моддасида — ички ишлар органлари фаолиятининг асосий йўналишлари, 5-моддасида — асосий принциплари, 16-моддасида — ички ишлар органларининг мажбуриятлари, 17-моддасида эса уларнинг ҳуқуқлари аниқ белгилаб берилган.

Бироқ ички ишлар органлари таянч пунктларининг фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлили нафақат Ички ишлар органларининг таянч пункти тўғрисидаги низомда, балки Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида ҳам ички ишлар органлари таянч пунктлари фаолиятининг асосий йўналиш ва принциплари, функция, ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб қўйилмаганинг кўрсатди. Бу эса ички ишлар органлари таянч пунктларининг фаолиятини тизимли ва самарали ташкил этишда, уларнинг олдига қўйилган мақсад ва вазифаларга эришишда муайян қийинчилик ва тушунмовчиликлар келтириб чиқаради.

Шу боис, фикримизча, ички ишлар органлари таянч пунктларининг фаолиятини тартибга солувчи қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида улар фаолиятининг асосий йўналиш ва принципларини ҳамда уларнинг функцияларини аниқ белгилаш мақсадга мувофиқдир.

1. Ички ишлар органлари таянч пунктлари фаолиятининг асосий йўналишлари кўйидагилар:

жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, яъни одатий ва алоҳида шароитларда, жумладан оммавий тадбирларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш, оммавий тартибсизликлар ва фавқулодда вазиятлар юзага келганида ҳуқуқий тартиботни таъминлаш, фуқароларнинг шахсий ва мулкий хавфсизлиги, жамият ва давлат манбаатларининг турли тажовузлардан ҳимоя қилинишини таъминлаш билан боғлиқ фаолият;

◆ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси — ҳуқуқбузарликлар умумий, маҳсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, уларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берадиган шартшароитларни аниқлаб бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чоратадбирларини амалга ошириш фаолияти;

маъмурий-процессуал фаолият, яъни маъмурий ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, қайд этиш ва улар бўйича тегишли ҳужжатлар тўплаш, ҳуқуқбузарни таянч пункти ва ички ишлар органлари навбатчилик қисмларига маъмурий тартибда олиб бориш ва ушлаб туриш, ўз ваколатлари доирасидаги маъмурий ишлар юзасидан юрисдикциявий қарор ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қарорларни ижро этиш билан боғлиқ бўлган, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси ва бошқа қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинадиган ҳуқуқий ва процессуал чора-тадбирлар;

тезкор-қидирув фаолияти — қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ, содир этилиши мумкин бўлган жиноятларни аниқлаш, бартараф этиш ва очиш, содир этишга тайёргарлик кўрилаётган жиноятлар ва бошқа гайриижтимоий хатти-ҳаракатларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш, жиноятчиларни аниқлаш ва қўлга олиш, қидирувдаги ва бедарак йўқолганларни топиш, шахси номаълум мурдаларнинг шахсини аниқлаш мақсадида кўриладиган тезкор-қидирув чораларини бевосита амалга ошириш ва ушбу жараёнда иштирок этиш билан боғлиқ тадбирлар;

жиноят-процессуал фаолият — жиноят-процессуал қонун нормаларига мувофиқ, ҳодиса содир бўлган жойда тезкор-тергов гуруҳи етиб келгунинга қадар иш учун аҳамиятга эга бўлган жиноят ва бошқа ҳолатларнинг изларини аниқлаш, уларни қўриқлаб туриш, кечиктириб бўлмас тергов ҳаракатларини

ўтказишида кўмаклашиш, терговга қадар ишни юритишига қаратилган чора-тадбирлар;

жиноий жазолар ижросини таъминлаши — норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган: муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш жазолари ва шартли ҳукмнинг ижроси устидан назоратни амалга ошириш, маҳкумларни ахлоқан тузатиш ҳамда уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишига қаратилган фаолият.

Ички ишлар органларининг таянч пунктлари фаолиятини асосий йўналишларга ажратиш уларнинг фаолиятини тўлиқ мониторинг қилиш, мавжуд муаммоларни назарий ва амалий жиҳатдан тизимли равишда ўрганиш орқали таянч пунктларини самарали бошқаришига хизмат қиласди.

2. Ички ишлар органлари таянч пунктларининг фаолиятини тартибга соловчи қонунлар ва уларни қўллаш амалиёти таҳлилига асосланиб, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ички ишлар органлари таянч пунктлари фаолиятининг қўйидаги асосий *принципларини* аниқ белгилаш мақсадга мувофиқдир:

- қонунийлик;
- фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этиш ва уларни хурмат қилиш;
- инсонпарварлик;
- таъсир кўрсатиш чора-тадбирларини фарқлаш ва якка тартибдаги ёндашиш;
- ҳамкорликда тенг ҳуқуқлилик, ўзаро хурмат, манфаатларнинг инобатга олиниши ва масъулият;
- очиқлик ва шаффофлик.

Мазкур принципларнинг қонун ҳужжатларида белгиланиши таянч пунктлари фаолиятида фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг, қонун устуворлигининг таъминланишига, профилактика инспекторлари ва бошқа субъектлар хизмат фаолиятида муайян чора-тадбирларни тизимли равишда амалга ошириши ҳамда хизматга бўлган масъулияти

oshiрилишига, қолаверса, таянч пунктлари субъектларининг ҳуқуқий ҳимоя қилинишига имкон беради.

3. Бошқарув фанида «принцип», «фаолият йўналиши», «вазифа» каби категориялар қаторида «функция» тушунчasi ҳам қўлланилади. Юридик адабиётларда «функция» — давлат ва ҳуқуқнинг ижтимоий ролини тавсифловчи тушунча сифатида баён этилади⁴. Бевосита ички ишлар органларининг функциялари ҳақида сўз борганида рус олими Н.Н.Жильский уларни «ўзининг моҳияти ва ижтимоий-ҳуқуқий аҳамиятини акс эттирувчи ички хусусиятлар ва принципиал белгиларга эга бўлган ички ишлар органлари фаолиятининг йўналишлари»⁵ сифатида тавсифлайди. Яна бир олим А.В.Жаглин ҳам ички ишлар органларининг функцияларини ички ишлар органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири бўлган жамоат тартибини сақлаш мисолида очиб беришга ҳаракат қиласди⁶. Шундан кўриш мумкинки, юридик фанда «ички ишлар органларининг функциялари» «ички ишлар органларининг вазифалари»га нисбатан кенгроқ тушунча бўлиб, ички ишлар органлари фаолиятининг асосий йўналишларини акс эттиради.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнидаги ҳуқуқ ижодкорлиги ва уни қўллаш амалиётида ички ишлар органлари ёки муайян соҳавий хизматнинг функциялари сифатида улар вазифаларининг амалда ижросини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар белгилаш кўзга ташланмоқда. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2896-сон (18.04.2017й.) қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси тўғрисидаги низомда Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармасининг функциялари сифатида

унинг асосий вазифалари ижросини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар белгиланган. Бу эса «функция» тушунчасини икки хил, яъни кенг маънода – фаолиятнинг алоҳида йўналиши сифатида ва тор маънода – вазифалар ижросига қаратилган чора-тадбирлар сифатида тушинишни тақозо этади.

Шу сабабли қонун ҳужжатлари ва уларни қўллаш амалиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда ички ишлар органларининг таянч пунктлари зиммасидаги вазифаларни бажариш учун амалга ошириши лозим бўлган қўйидаги функцияларни муайян норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан аниқ белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқдир:

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини аҳоли, айниқса вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ташкил этиш, ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берувчи шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш ва бартараф этиш бўйича функциялар:

– маъмурий ҳудудни профилактик кўздан кечириб, криминоген вазиятни ўрганиб бориш, унга таъсир кўрсатувчи омиллар, ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берувчи шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш ва бартараф этиш;

– хизмат ҳудудида истиқомат қилувчи шахсларни ўрганиш ва келгусида уларнинг ҳар бирига файриижтимоий ёки бошқа ҳуқуққа хилоф хулқ-атвор эҳтимоли нуқтаи назаридан индивидуал ташхис қўйиш ҳамда профилактик аҳамиятга эга таъсирчан чораларни кўриш;

– вояга етмаганларни жиноят ва бошқа салбий хатти-ҳаракатларга жалб қилувчи, фарзандлари тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи ота-оналар, уларнинг ўрнини босувчи шахслар, ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оиласларни аниқлаш, улар билан якка тартибда профилактик ишлар ташкил этиш;

– таълим муассасаларида ўқувчиларнинг дарс машғулотларига қатнашиши (даво-

мати)ни ўрганиб бориш, мунтазам равишда ўқишига келмаётган ва ўқишдан бўйин товлаётган вояга етмаганларнинг уйларига бориб, бунинг сабабини биргаликда ўрганиш, оиласвий шароити билан яқиндан танишиш;

– тадбиркорликни ривожлантиришга кўмаклашиш ва аҳоли, айниқса, ёшлар бандлигини таъминлашга йўналтирилган чораларни амалга ошириш;

– ҳудуддаги ҳуқуқбузарлик содир этилиши эҳтимоли юқори бўлган жойлар ҳамда маъмурий назорат ўрнатилган, профилактик ҳисобга олинган, ов қуролига эга бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил шахслар яшайдиган турар жойларни доимий равишда назорат қилиб бориш;

– ички ишлар органларининг маъмурий назорати ва профилактик ҳисобида турган, жиноят ва ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган шахсларга маҳалладаги обрўли фуқаролардан мураббийлар бириктирган ҳолда кенг жамоатчилик иштирокида улар билан якка тартибдаги профилактик ишларни олиб бориш;

– содир бўлган жиноятларнинг сабаблари ва бунга имкон берган шарт-шароитларни маҳаллаларда кенг жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиш ҳамда бартараф этиш чораларни кўриш.

Жиноятларни аниқлаш, бартараф этиш ва фош қилишда, тергов ва суддан яшириниб юрган шахсларни, шунингдек бедарак ўйқолган фуқароларни қидиришда иштирок этиш бўйича функциялар:

– тайёрланаётган ва содир этилаётган ҳамда содир этилган жиноятларни аниқлаш, бартараф этиш ва фош этиш бўйича тезкор-қидириув тадбирларини ташкил этиш ва ўтказища иштирок этиш;

– тергов ва суддан яшириниб юрган шахсларни қидириб топиш бўйича ўзаро ахборот алмашиш, бу борада тезкор-қидириув тадбирларини ташкил этиш ва ўтказища иштирок этиш;

– қидирувда юрганлар ва гараз ниятили бошқа шахслар яшириниши мумкин бўлган

хонадонлар, қаровсиз бинолар ва хилват жойларнинг жамоатчилик назоратида бўлишини таъминлаш;

— бедарак йўқолган фуқароларни қидириб топиш ва шахси номаълум мурдаларнинг шахсини аниқлаш ишларида иштирок этиш;

— жамоатчилик назорати масканларининг ишини ташкил этиш, уларда фуқароларнинг иштирокини кучайтириш.

Вояга етмаганлар ва ёшлар билан уларни Ватанга муҳаббат, ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга, ёш авлодни терроризм, экстремизм, зўравонлик ва шафқатсизлик гояларидан ҳимоялашга йўналтирилган ишларни бевосита амалга ошириш бўйича функциялар:

— фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда маҳаллалардаги оиласларни ўрганишда фарзандлари тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи ёки улар тарбияси билан шугулланмайдиган отоналар, уларнинг ўрнини босувчи шахслар ва нотинч оиласларни аниқлаш ҳамда улар билан тарбиявий-профилактик ишларни амалга ошириш, оиласларда вояга етмаганлар ва ёшларни китобхонликка ўргатиш бўйича тушунтириш ишлари олиб бориши;

— маҳаллалар ва таълим муассасаларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, таълим муассасаларининг маъмурияти, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг бошлангич ташкилотлари ҳамда давлат ва жамоатчилик ташкилотларининг вакиллари билан биргаликда вояга етмаганлар ва ёшларни Ватанга муҳаббат, ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қилиувчи маданий-маърифий ва оммавий спорт тадбирлари ўтказилишини таъминлаш;

— вояга етмаганлар ва ёшларни ҳукуқбузарлик ёки жиноят содир этишга ундовчи, уларнинг онгини заҳарлаб, турли экстремистик гоялар таъсирига тушириш мақсадида бундай ташкилотларга аъзо бўлишга даъват этувчи, ноқонуний тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борувчи, қонунга хилоф

равиша диний таълим берувчи шахсларнинг таъсиридан ҳимоя қилиш, бундай шахсларни аниқлаш ва улар билан якка тартибда профилактик ишлар олиб бориш;

— вояга етмаганлар ва ёшларнинг ўқишдан бўш вақтлари, ёзги таътил пайтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида, уларни ёзги дам олиш оромгоҳларига, таянч пунктлари инфратузилмасидаги факультатив тўгаракларга жалб этиш чораларини кўриш;

— маҳаллалар ва таълим муассасаларида мутахассисларни жалб этган ҳолда вояга етмаганлар ва ёшларнинг жиноят йўлига кириб кетишининг олдини олиш, уларни терроризм, диний экстремизм, зўравонлик ва шафқатсизлик гояларидан ҳимоялаш бўйича ҳукуқий тарғибот ишларини амалга ошириш.

Аҳоли билан унинг энг муҳим муаммоларини ҳал этиш ва ижтимоий кескинликни юмшатиши масалаларида тўғридан-тўғри очиқ мулоқотни йўлга қўйиш бўйича функциялар:

— маҳаллаларда уйма-уй юриб, фуқаролар билан тўғридан-тўғри очиқ мулоқот қилиш, оиласлардаги аҳволни ва мавжуд муаммоларни ўрганиш ҳамда уларни барта-раф этиш бўйича ички ишлар бошқармаси (бўлими, бўлинмаси) ва сектор раҳбариятига таклифлар киритиш;

— фуқароларга мавжуд муаммолари ва уларни қийнаётган масалаларни қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ ҳал этишлари учун ҳукуқий ёрдам ва маслаҳатлар бериш;

— таянч пунктларида фуқаролар ва юридик шахслар вакилларининг бевосита қабулини ташкил этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ўрнатилган тартибда қабул қилиш ва қонун талабларига мувофиқ ҳал этиш чораларини кўриш;

— жиноят ёки ҳукуқбузарлик содир этилган ҳақида хабар келиб тушганида унинг ўз вақтида, ўрнатилган тартибда рўйхатга олиниши ва ҳал этилиши чораларини кўриш;

— ўз фаолияти натижалари бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш орган-

лари олдида кенг жамоатчилик иштирокида ҳар ойда ҳисобот бериб бориш.

Хуқуқбузарлардан жабрланганларнинг, файрижтимоий хулқ-авторга эга, хуқуқбузарлик содир этишга мойил, шунингдек хуқуқбузарлик содир этган шахсларнинг ижтимоий реабилитацияси ва мослашувини таъминлаш бўйича функциялар:

– фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда ҳудудда истиқомат қилувчи хуқуқбузарлик ва жиноятдан жабрланганларга, хусусан одам савдоси, терроризм ва экстремизм қурбонларига хуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатилишини таъминлаш;

– ҳудудда истиқомат қилувчи ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ фуқаролар, кам таъминланган оиласлар, бокувчисини йўқотганлар, ёлғиз яшовчи ва жиноят қурбони бўлиши эҳтимоли катта бўлган бошқа шахслар билан виктомологик профилактика чора-тадбирларини амалга ошириш, зарур ҳолларда уларга тегишли ёрдам кўрсатиш;

– вояга етмаганларни ўрнатилган тартибда ижтимоий-хуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларига ёки ихтисослаштирилган ўқувтарбия муассасаларига жойлаштириш;

– ҳудудда истиқомат қилувчи сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик ёки заҳарвандликка чалинган шахсларни мажбурий даволанишга юбориш чораларини кўриш;

– ҳисобда турган руҳий касалларнинг юриш-туриши, хулқ-авторидан доимий равиша хабардор бўлиб, назорат қилиб бориш ҳамда зарур ҳолларда уларга психологик ва тиббий ёрдам кўрсатилишини ташкил қилиш;

– жазони ижро этиш муассасалари ва ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чораларини кўриш;

– хуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, хуқуқбузарлик ва жиноят содир этган шахслар билан якка тартибдаги профилактик ишларни амалга ошириш

жараёнда заруратдан келиб чиқиб, уларга хуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатилиши бўйича тегишли органларга таклифлар киритиш.

Хуқуқбузарлар профилактикаси, фуқароларнинг хуқуқий маданиятини ошириш масалаларида ички ишлар органларининг бошқа бўлинмалари, давлат органлари, ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қилиш бўйича функциялар:

– ҳудудда жиноят ва хуқуқбузарларнинг олдини олиш, уларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шартшароитларни аниқлаш, ўрганиш ва бартараф этиш юзасидан ички ишлар органларининг бошқа бўлинмалари, тегишли давлат органлари, ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ўзаро ахборот алмашиб бориш;

– хизмат ҳудудида жиноят ва хуқуқбузарларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш, бартараф этиш ва фош этиш, тергов ва суддан яшириниб юрган шахсларни ушлаш учун ички ишлар органларининг бошқа бўлинмалари ва тегишли давлат органлари билан ҳамкорликда тезкор-профилактик тадбирлар ва қўшма рейдлар ўтказиш;

– ҳудудда содир этилган жиноят ва маъмурий хуқуқбузарлар маҳаллалардаги сайдёр суд мажлисларда кўриб чиқилишини ташкил этиш;

– маҳаллаларда, таълим муассасалари ва меҳнат жамоаларида ички ишлар органларининг бошқа бўлинмалари, давлат органлари, ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан биргаликда аҳоли ўртасида жиноят ва хуқуқбузарларнинг олдини олиш, қабул қилинган янги қонунларнинг мазмунини аҳолига етказиш учун хуқуқий тарғибот ишларини ўтказиш;

– жиноят ва маъмурий хуқуқбузарларнинг сабаблари ва содир этилишига

имкон берган шарт-шароитларни маҳаллаларда ўрганиш, уларни бартараф этиш бўйича ўтказилган мухокама йиғилишлари, сайёр суд мажлислари ва ҳуқуқий тарғибот тардбиrlарини оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда телевидение, радио ва даврий матбуотда ёритиб бориш;

— аҳолига содир этилган жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг оқибатларини, ҳудудда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича амалга оширилган ишларнинг натижаларини етказиб бориш ҳамда янги қабул қилинган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини тушунтириб бериш бўйича газета ва журнallарда мақолалар чоп этиш.

Замонавий ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг таҳлилига асосланиб шуни айтиш мумкинки, қонун ҳужжатларида ички ишлар органлари таянч пунктларининг функцияларини аниқ белгилаб қўйиш уларга юқлатилган вазифаларнинг мазмунини бир хилда тушуниш ва чуқур англаб этиш, ижросига батафсил ва

тизимли ёндашиш ҳамда пировардида таянч пунктларининг фаолияти самарали бўлишига хизмат қиласи.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, ишимизни тўғри ташкил этиш, унинг самарадорлигини таъминлаш, сифат жиҳатидан замон талаблари даражасига кўтаришни бугун ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда⁷. Шундай экан, ички ишлар органларининг аҳолига энг яқин, қўйи бўгини бўлган таянч пунктлари фаолиятининг асосий йўналишлари, принциплари ва функцияларини қонун ҳужжатларида аниқ белгилаб қўйиш орқали уларнинг ҳуқуқий мақомини кучайтириш мазкур масканларнинг ишини тўғри ташкил этишга, фаолиятининг самарадорлигини оширишга, пировард натижада эса маҳаллаларда аҳолининг тинчлиги ва осойишталиги, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланишига, ҳуқуқбузарликларнинг барваҳт олди олинишига, самарали ва хавфсиз жамоат тартиби ўрнатилишига хизмат қиласи.

¹ Асосий вазифалар белгилаб олинди: ИИВ Ҳайъати мажлиси // Postda. – 2019. – 10 август.

² Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги (16.09.2016 й.) қонуни // Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тўплами. – 2016. – № 38. – 438-м.

³ Мухамедов Ў. Ҳ. Ҳаракатлар стратегияси асосида ички ишлар органлари тизимидағи ислоҳотлар: биринчи босқич якунлари ва истиқболдаги вазифалар // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. – 2017. – № 4. – Б5.

⁴ Радко Т.Н., Толстик В.А. Функции права. – Нижний Новгород, 1995. – С. 26.

⁵ Жильский Н.Н. Органы внутренних дел в государственном механизме обеспечения общественного порядка и безопасности граждан (организационно-правовой анализ): Дис. ... д-ра юрид. наук. – Санкт-Петербург, 2000. – С. 88.

⁶ Жаглин А. В. Функции органов внутренних дел на современном этапе построения правового государства // URL: <https://cyberleninka.ru/article/v/funktsii-organov-vnutrennih-del-na-sovremennom-etape-postroeniya-pravovogo-gosudarstva> (мурожаат вақти: 03.12.2018).

⁷ Мирзиёев Ш. М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз // Халқ сўзи. – 2016. – 15 дек.

В. Б. Ҳақлиев,

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси катта ўқитувчиси, тарих фанлари номзоди, доцент;

Т. Х. Алтмишев,

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳуқуқбузарлик профилактикаси бош бошқармаси жамоат хавфсизлиги ва ҳуқуқбузарлик профилактикаси фаолиятини мувофиқлаштириши бўлими бошлиги

МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИ ВА ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ҲАМКОРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Аннотация. Мақолада маҳалла институтининг ички ишлар органлари билан ҳамкорлиги, унинг ҳуқуқий асослари, афзалликлари ва аҳамияти таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: фуқаролик жамияти, ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳалла, уруғ жамоаси, оила, оқсоқол, фуқаролар йигини, профилактика хизмати, жамоат тартиби ва хавфсизлик, жиноятчиликка қарши кураш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, «оммавий маданият», ёшлар, яратшириш комиссиялари.

Анализ правовых основ сотрудничества института махалли с органами внутренних дел

Аннотация. В статье изложены основные понятия правовых основ сотрудничества института махалли с органами внутренних дел, их анализ, преимущества и значение.

Ключевые слова: гражданское общество, органы самоуправления, махалля, родовая община, семья, старейшины, сход граждан, профилактическая служба, общественный порядок и безопасность, борьба с преступностью, «массовая культура», молодежь, примирительная комиссия.

Analysis of the legal basis for the cooperation of the mahalla institute with the internal affairs bodies

Annotation. The article sets out the basic concepts of the legal foundations of cooperation between the mahalla institution and the internal affairs bodies, their analysis, advantages and significance.

Keywords: civil society, self-government bodies, makhalla, clan community, family, elders, gathering of citizens, preventive service, public order and security, fight against crime, «mass culture», youth, reconciliation commission.

Демократик принципларга асосланган фуқаролик жамияти қарор топишида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг аҳамияти каттадир. Жаҳонда XX асрнинг 50-йиларидан сўнг давлат бошқарувининг номарказлашуви натижасида маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари (муниципал)¹ жамиятнинг асосий институтларидан бирига айланди. Ўзбекистонда эса маҳалла институти ноёб ўзини ўзи бошқарув шакли сифатида қадимдан фаолият кўрсатиб келади.

Махалла — Ўзбекистонда маъмурий ҳудудий бирлик, ўзини ўзи бошқаришнинг халқимиз анъаналари ва қадриятларига хос усули ҳисобланади. Ўзини ўзи бошқариш органлари маҳаллий давлат органлари тизимига кирмайди. Унинг мансабдор шахслари

фуқаролар томонидан сайланадилар ва маҳаллий аҳолининг вакиллари сифатида расмий фаолият олиб борадилар.

Шу ўринда маҳалланинг тарихи ва шаклланиши ҳақида қисқача маълумот келтириш мухим деб ҳисоблаймиз. «Махалла» сўзи арабча бўлиб, лугавий жиҳатдан «жой, ўрин, макон» деган маъноларни англатади.

Тарихий манбаларда қайд этилишича, жез даврининг ёдгорлиги бўлган Сополли-тепада саккизта оила яшаган. Уларни фақат уруғ жамоасигина эмас, балки ишлаб чиқариш манфаатлари ҳам бирлаштириб турган. Кейинчалик уларнинг сафига патриархал тизим асосида 100 дан ортиқ оиласалар келиб қўшилган. Катта оиласалар жамоасини улар орасидан сайланган

оқсоқол бошқарган. Оқсоқоллар², ўз навбатида, оқсоқоллар олий кенгашига бирлашган. Оқсоқоллар, одатда, жамоа – қишлоқ ҳаёти билан боғлиқ барча масалаларни олий кенгаш орқали ҳал қилишган.

Милл. авв. 3-асрдан мил. 5-асрнинг бошлатигача Фаргона (Паркан) давлатида³ ҳам оқсоқоллар кенгashi мұхим масалаларни ҳал қилиган. Кенгаш, асосан, сұлҳ тузиш, вазирлар таркиби ва солиқдарни тайинлаш, уруш әзілон қилиш, жамоа ишларига сафарбар этиш каби масалалар билан шуғулланған.

Маҳалла институтининг ваколатлари масаласи Ўрта асрларда ҳам муносиб ўринга әга бўлган. Шу сабабли ушбу масалалар ўтмишдаги Шарқ мутафаккир олимлари, давлат ва жамоат арбобларининг ҳам әзтиборидан четда қолмаган. Буюк алломаларнинг асарларида адолатли жамият ва инсоннинг қадр-қиммати улуғланиши билан бир қаторда жамоа (маҳалла) бўлиб яшаш тарзи, унинг жамият ҳаётидаги ўрни, жамоа томонидан амалга ошириладиган вазифа ва ваколатлари тўғрисида кўпроқ фикрмuloҳазаларни учратиш мумкин.

Жумладан, биз савдо-хунармандчилик мавзеларини ифодаловчи «маҳалла» атамасини биринчи марта Шарқ илк уйгониши даври мутафаккирларидан бўлган **Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луготит турк» асарида учратамиз⁴.**

Бухорода бундан 1100 йил илгари 19 та катта маҳалла мавжуд бўлган, бу маҳаллалар ўзини ўзи идора қилиб, ўз ваколатларига әга бўлганлиги, бу Қадимги Шарқ мамлекатлари, жумладан Ўзбекистон худудида вужудга келган илк давлатлар ва уларнинг бошқарув фаолиятида ҳам ёрқин ифодасини топганлигини Шарқнинг таниқли мутафаккирларидан бири **Абу Жаъфар Наршахий ҳам IX асрда ёзган «Бухоро тарихи» асарида таъкидлаб ўтган.**

Маҳаллалар, айниқса, **Амир Темур** тузган давлатда жадал ривожланган бўлиб, бу даврда маҳалла оқсоқоли «кадхудо» деб аталган ҳамда маҳаллий аҳоли томонидан сайланган ва унга әзтибор, ишонч катта

бўлган ҳамда зиммасига жавобгарлик, масъулият юкланиб, уларга бошқарув масалаларида катта ваколатлар берилган.

Ўзбекистонда маҳалла нуфузини оширишга қаратилган мұхим ҳуқуқий асослар қабул қилинган ва бу жараёнлар ҳозир ҳам давом этмоқда. Уларга Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 22 апрелдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги (янги таҳрири) ЎРҚ—350-сон қонуни, Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 22 апрелдаги «Фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида» (янги таҳрири) 351-сон қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 10 июлдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини ташкил этиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги 196-сон қарори, Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майда қабул қилинган «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 3 февралдаги ПФ-4944-сон фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 апрелдаги «Аҳоли муаммолари билан ишлашда маҳалла институтининг мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5700-сонли фармони кабилар киради.

Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 22 апрелдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунинг 11–14-моддаларига асосан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда уларнинг субъектлари ваколатлари доирасида профилактика хизматлари билан ҳамкорликда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ушбу соҳада мамлекатимизнинг маҳаллаларида маънавий мұхит барқарорлигини, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, ёшларни она Ватанга

ва миллий истиқдол гоясига садоқат руҳида тарбиялаш, аҳолини ижтимоий қўллаб-кувватлаш борасидаги ишларнинг самардорлигини ошириш, шунингдек инсон ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ички ишлар органларининг профилактика (катта) инспекторлари билан жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш йўналишларида самарали ҳамкорлиги ўрнатилган.

Профилактика инспекторларининг ҳамкорлигини самарали ташкил этиш мақсадида маҳалла фуқаролар йиғини билан таянч пунктларини бир бинода жойлаштиришга эътибор қаратилмоқда.

Профилактика (катта) инспектори *фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарши органлари* билан аҳоли, энг аввало, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга қаратилган тадбирлар, ҳуқуқий тарғибот ишларида ахлоқ-одоб доирасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, вояга етмаганлар ва ёшларни оммавий маданиятнинг салбий таъсирларидан ҳимоя қилишда, экология ва табиатни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва қўкаламзорлаштириш комиссияларининг аъзоси сифатида иштирок этиб, шунингдек бошқа йўналишлар бўйича комиссияларга уларнинг ваколатлари доирасидаги масалаларни кўриб чиқиша кўмаклашиб, маҳаллада хавфсизликни таъминлаш мақсадида хонадонларга кирибчиқиб, фуқароларнинг оиласи турмуш тарзини ўрганиш ва мавжуд муаммоларни тегишлилиги бўйича ҳал этиш чораларини кўришда ҳамкорлик қиласи.

Булардан ташқари, профилактика (катта) инспектори маҳалла *фуқаролар йигинлари* билан тегишли ҳудудда қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларининг ижро

етилиши, шу жумладан тадбиркорлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши, иморатлар қуриш ҳамда ҳовлилар ва уйлар атрофидаги ҳудудларни сақлаш қоидаларига риоя этилиши, ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза этиш устидан назоратни амалга оширишда, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига, ҳалқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказиладиган жойларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашда, тўй ва бошқа маросимларни ўтказиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалга оширишда, маҳалладаги ёшларнинг бўш вақтлари қўнгилли ўтишини яхшилаш мақсадида спорт ва бошқа қизиқарли тадбирларни ўтказишда иштирок этади.

Бугун яраштириш комиссиялари билан профилактика (катта) инспекторларининг ҳамкорлиги ижобий самара бермоқда. Хусусан, ҳамкорликдаги ишлар натижасида ўтган йиллар мобайнида минглаб оила-турмуш соҳасидаги можароли масалалари муҳокама қилинган оиласарнинг нотинчлигига барҳам берилган⁵.

Маҳаллада тинчлик ва осойишталикни таъминлашда ички ишлар органлари билан ҳамкорлик катта аҳамиятга эга эканлигини унутмаслигимиз керак.

Ҳозирги кунда маҳалланинг ички ишлар органлари билан ҳамкорлигини таъминлашга хизмат қилувчи ҳуқуқий асослар ишлаб чиқилган ва амалиётга кенг жорий қилинмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 3 февраль ПФ-4944-сонли Фармони 1-бандида маҳалла институтини янада такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари сифатида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашда, ҳуқуқбузарликларнинг барваҳт олдини олишда, фуқароларда қонунга ҳурмат ҳиссини кучайтиришда маҳаллаларнинг бевосита иштиrokerини кенгайтириш белгиланган.

Фармонда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига юклатилган вазифаларнинг самарали ижросини таъминлаш мақсадида маҳалла фуқаролар йигини Кенгаши таркибига фуқаролар йигини раисининг ўринbosарларини (фуқаролар йигини раисининг кексалар ва фаҳрийлар ишлари ҳамда ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиларини), ҳудуддаги профилактика инспекторларини, таълим муассасалари ва қишлоқ врачлик пунктлари (оиласвий поликлиникалар) раҳбарларини киритиш ва уларнинг ўз фаолияти юзасидан йилнинг ҳар чорагида фуқаролар йигини (фуқаролар вакилларининг йигилиши)га ҳисобот беришлари амалиётини жорий этиш белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 5005-сонли фармонида ички ишлар органлари фаолиятида тўпланиб қолган жиддий камчилик ва муаммолар келтирилган.

Шунингдек, мамлакатимизда ички ишлар органлари тизимини ислоҳ қилишнинг энг муҳим йўналишлари сифатида халқ билан аниқ мақсадни кўзлаб ўтказиладиган тизимили мулоқотни таъминлаш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан яқин ҳамкорликни ривожлантириш, аҳолининг энг муҳим муаммолари ҳал этилишига ҳар томонлама кўмаклашиш зарурлиги белгиланди.

Маҳалла ва ички ишлар органлари ҳамкорлигининг асослари сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 апрелдаги «Аҳоли муаммолари билан ишлашда маҳалла институтининг мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5700-сонли фармони ҳам муҳим ўрин тутади. Фармонининг 2-бандига кўра

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши Ўзбекистон Хотинқизлар қўмитаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон фермер, дечқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Ўзбекистон Республикаси *Ички ишлар вазирлигининг* маҳаллада ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини сақлашда кекса авлод вакиллари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар нафақадаги ходимларининг бой ҳаётий тажрибасидан унумли фойдаланиш мақсадида «Кексалар маслаҳати» гурӯҳларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилган.

Маҳалла билан ички ишлар органлари ҳамкорлигининг кучайиши жиноятчиликнинг камайишига хизмат қилади.

Шунинг учун маҳаллада тинчлик ва осоиишталикни таъминлаш, ҳудудда жиноят содир этилишининг олдини олиш, уларни барвақт аниқлаш учун аҳоли ўртасида ички ишлар органлари билан биргаликда профилактик тадбирлар ўтказилмоқда.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва уларнинг комиссиялари билан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси борасида ҳамкорлик ўрнатилиши алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 октябрдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 274-сонли қарори асосида Фуқаролар йигининг яраттириш комиссияси тузилади.

Яраттириш комиссияси ўз вазифаларини амалга оширишда фуқаролар йигини ҳудудидаги ички ишлар органлари профилактика инспектори, таълим муассасалари ва бошқа ташкилотлар, фуқаролар йигини кенгаши аъзолари, фуқаролар йигини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича бошқа комиссиялар билан ҳамкорлик қилади.

Шунингдек, маҳалла гиёхвандлик ва ичкиликтозликка ружу қўйганларни, оила-

турмуш доирасида мунтазам ҳуқуқбузарликлар содир этувчиларни, ўзларининг жамиятга зид хатти-ҳаракатлари билан фарзандларининг тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётган ёки уларни тарбиялаш билан шуғулланмаётган ота-оналарни, нотинч оилаларни, вояга етмаганларни турли ҳуқуқбузарликлар содир этишга ундовчи шахсларни, ёшлар онгини заҳарлаб, уларни турли экстремистик гоялар таъсирига тушириш мақсадида мазкур йўналишдаги ташкилотларга аъзо бўлишга даъват этувчи шахсларни, ноқонуний тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борувчи шахсларни, ёшларга қонунга хилоф равишда диний таълим берувчиларни, конституциявий тузумга қарши турли иғволар тарқатувчи шахсларни аниқлаш ҳамда улар билан профилактикарбиявий ишлар олиб боришда ички ишлар органлари билан ҳамкорлик қилиши белгилаб қўйилган.

Бугунги кунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига одамларнинг моддий фаровонлигини ошириш, аҳолини иш билан таъминлаш ва кучли ижтимоий муҳофаза қилиш каби муҳим вазифалар кўйилган.

Мамлакатимизда олиб борилаётган исло-
ҳотлардан кўзланган натижаларга эришишда
жамоатчилик назоратини ривожлантириш
долзарб вазифа ҳисобланади. Жамоатчилик
назорати, энг аввало, коррупция, тамагир-
лик, маҳаллийчилик, лавозимни суистель-
мол қилиш, фирибгарлик, одамлар онгини
бузғунчи ғоялар билан заҳарлаш каби
таҳдидларнинг олдини олиш ҳамда уларга
барҳам бериштга хизмат қилади.

Маълумки, жамоатчилик назорати тарихий илдизларга эга. Чунончи, мамлакатимизда у азал-азалдан маҳаллалар, оқсоқоллар кенгаши кўринишларида амал қилиб келган. Жумладан, ҳар бир оиласда ота-оналар томонидан фарзандларга тарбияга бефарқ бўлмаслиқ, огоҳ бўлиш каби фазилатлар сингдирилган.

Давлат ҳокимияти органлари фаолияти үстидан жамоатчилик назорати йўннатилиши

фуқаролик жамиятининг энг муҳим шартларидан биридир.

Ўзбекистон Республикасининг «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги (2018 йил 12 апрель) қонунида жамоатчилик назорати тартибга солинган. Хусусан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг давлат органлари мансабдор шахслари ҳисоботлари ва ахборотини эшитиши **жамоатчилик назоратининг асосий шаклларидан бири сифатида кўрсатилган**. Қонуннинг 3-моддасида эса фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари жамоатчилик назорати субъектларидан бири эканлиги белгиланган.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоатчилик назоратининг бошқа субъектлари жамоатчилик мониторингини ҳам ўтказиши мумкин.

Қонуннинг 14-моддасида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан давлат органлари мансабдор шахсларининг ҳисоботлари ва ахборотини эшитиш» белгиланган бўлиб, унга кўра фуқаролар йигини:

Қарақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг фуқаролар йиғинлари фаолияти соҳасига кирувчи масалалар юзасидан ҳисоботларини;

ички ишлар органлари профилактика инспекторларининг, жойлардаги таълим муассасалари раҳбарларининг ҳисоботларини;

тегишинча оилавий поликлиникалар ва қышлоқ врачлик пунктлари раҳбарларининг ахборотини;

тегишли ҳудудда жойлашган ташкилотлар раҳбарларининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ҳудуднинг санитария ҳолати, уни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш масалаларига доир ҳисоботларини эшитади.

Умуман олганда, жамоатчилик назорати жамиятда ижтимоий адолат қарор топиши, шахс, жамият ва давлат алоқаларида тенглик, ўзаро масъулият ва жавобгарликни оширувчи асосий омилdir.

Айни пайтда профилактика инспектори, маҳалла раиси ва ярашириш комиссияси бир жойда, замонавий жиҳоз ва зарур алоқа воситалари билан таъминланган биноларда фаолият юритаётгани учраётган муаммоларни жойида тезкорлик билан ҳал этишда ёрдам бермоқда.

Натижада ички ишлар органларининг маҳалла фаоллари, Хотин-қизлар қўмитаси, Ёшлар иттифоқи, прокуратура ва бошқа органлар билан ҳамкорлиги натижасида 2018 йилда 2301 маҳаллада биронта ҳам жиноят содир этилмади. 2019 йилнинг ўтган 6 ойи давомида республикамиз ҳудудида умумий жиноятлар сони 32,1 фоизга камайди⁶.

Бундан ташқари, профилактика инспекторининг яшаши учун маҳалланинг ўзида уйжойлар қуриб бериш жорий этилди. Чунки профилактика инспекторига фуқаролар йигинига тегишли бинодан уй ажратилиши уни маҳалла ҳаётига янада яқинлаштиради. Қолаверса, профилактика инспектори учун хизмат қилаётганд ҳудудда яшаш жойи бўлиши энг катта қулайликдир. Давлатнинг профилактика инспекторларини уй-жой билан таъминлашга эътибори маҳаллада осойишталикни мустаҳкамлаш, турли ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олишда катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

¹ Ингл. «municipal» – муниципал, яъни «ўзини бошқариш».

² «Оқсоқол» туркий сўз бўлиб, «юрг отаси» деган маънони англатади. Илгари маҳалла ва қарияларнинг бошлиғи, кейинчалик қабила бошлиқлари шу ном билан аталган. Қаранг: *Жувонмардиеев А.* XVI–XIX асрларда Фарғонада ер-сув масалаларига доир. – Т., 1965. – Б.78.

³ Қадимги Фарғона турли давр манбаларида Довон, Бохан, Полона, Паркане каби номлар билан эслатиб ўтилади. Маълумотларга қараганда Эрши (Марҳамат) шаҳри Довоннинг пойтахти бўлган. Антик давр Довон аҳолиси дехқончилик, узумчилик, йилқичилик билан шугууланган. Довоннинг «самовий отлари» ўлқадан ташқарида ҳам маълум ва машҳур бўлган. Мил. авв. II асрнинг охирларида Хитой ҳукмдорлари Довон ерларини босиб олишга ҳаракат қиласанлар. Аммо қўшни давлатлар томонидан қўллаб-қувватланган довонликлар ўз мустақиллигини сақлаб қолишига муваффақ бўлганлар. Қаранг: <http://e-tarix.uz/vatan-tarixi/66-2010-03-06-11-51-21.html>.

⁴ *Махмуд Кошғарий*. Туркий сўзлар девони (Девону луготит турк). – Т., 1963.

⁵ Саитқулов Қ.А. Ички ишлар органлари профилактика хизматларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигини ташкил этиш: Ўқув-амалий қўлланма / Юрид. фан. д.-ри, проф. И. Исмаиловнинг таҳририда. –Т., 2015. –Б.123.

⁶ Асосий вазифалар белгилаб олинди: ИИВ Ҳайъати мажлиси // Postda. –2019. –10 авг.

С. А. Нурумбетова,

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси криминалистик экспертизалар кафедрасининг ўқитувчиси

ТРАСОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗАЛАРДА ДАСТЛАБКИ ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация. Мақолада ҳодиса жойини кўздан кечириш тергов ҳаракатида амалга ошириладиган ва трасологик экспертизаларнинг тадқиқотларини ўтказишда алоҳида эътибор қаратиладиган дастлабки тадқиқотларнинг муҳим томонлари ҳамда ҳозирги кунда эътибордан четда қолаётган ва айни вақтда трасологик тадқиқотларнинг самарадорлигини пасайтираётган томонлари таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: кўздан кечириш, таърифлаш, моделлаштириш, техник воситалар, фотосурат, процессуал ҳамкорлик.

Особенности предварительных исследований в трасологических экспертизах

Аннотация. В статье проанализированы значимые аспекты предварительных исследований, которые имеют особое значение при проведении следственных мероприятий в ходе осмотра места происшествия и проведения исследований трасологических экспертиз, а также аспекты, которые на сегодняшний день особенно актуальны и в то же время снижают эффективность трасологических исследований.

Ключевые слова: осмотр, описание, моделирование, технические средства, фотография, процессуальное взаимодействие.

Features of preliminary studies in trasological examinations

Annotation. The article analyzes the significant aspects of preliminary studies, which are of particular importance when conducting investigative measures during the inspection of the scene of the incident and conducting studies of traiological examinations, as well as aspects that are currently especially relevant and at the same time reduce the effectiveness of traiological studies

Keywords: review, description, modeling, technical means, photography, procedural co-operation.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари эксперт-криминалистика тизимларининг ходимлари ўзларига юклатилган вазифа ва функцияларга мувофиқ илмий-техник восита ва усулларни, маҳсус билим ва малакаларни қўллаш асосида жиноятларни фош этиш ва тергов ҳаракатларидаги иштирок этиш учун жалб этилади. Шу боис ушбу жараёнда эксперт-криминалистика хизматларининг фаолиятидаги самарадорлик кўзга ташланади. Жумладан, воқеа жойида ишни бошлагандা мутахассис дастлабки тадқиқот сифатида жиноят ҳолатларини, унинг содир этилиш жойини қўриқлаш юзасидан ҳаракатларни

ўрганиши, ҳал қилиниши лозим бўлган вазифаларни аниқлаши керак. Бу жараёнда мутахассис жабрланувчи билан мулоқотга киришиши ва воқеа тафсилотларини аниқлаштириши мумкин. Жабрланувчи билан мулоқотда эса мутахассис ўз ҳаракатларининг мақсад ва вазифалари бўйича жабрланувчига тегишли изоҳдар бериши лозим. Ёки мутахассиснинг сўроқ, юзлаштириш, таниб олиш учун далилларни тақдим этиши, воқеа жойида кўрсатмаларни текшириш, мурдалар экспутизациясининг техник-криминалистик таъминотида иштирок этиш жараёнида, ушбу тергов ҳаракатларини ўтказишда нутқ ва тасвирни мустаҳкамлаш мақсадида овоз ёзиш, видео-ёзув, фотосуратга олишни қўллаши мумкин.

Айни шу жараёнда ҳам мутахассис ушбу тергов ҳаракатларининг барча иштирокчиларига тегишили тушунтиришлар беради.

Эксперт-криминалистика хизматининг фаолиятидаги дастлабки тадқиқотлар ушбу хизмат ходимларининг экспертизаларни бажариш, ашёвий далилларни қабул қилиш ва қайтариш тартиби билан боғлиқ фаолиятида ҳам намоён бўлади.

Эксперт-криминалистика хизмати ходимининг терговчи ёки жиноят процессининг барча иштирокчилари билан ҳамкорлиги, энг яхши натижаларни қўлга киритиш учун, экспертиза ўтказишнинг барча босқичларida (уни тайинлаш ёки ўтказиш жараёнида ва эксперт хulosаларини баҳолашда) амалга оширилиши лозим. Бир қатор ҳолларда терговчининг ёки жиноят процесси иштирокчиларининг экспертиза ўтказишдаги иштироки алоҳида аҳамиятга эга. Бу терговчига ҳам, ҳимоячи ёки гумон қилинувчиларга ҳам эксперт тадқиқоти услубини яхшироқ тушуниш, эксперт хulosаларини тўгри ва аниқ баҳолаш, уларнинг иш бўйича далиллар тизимидағи ўрнини аниқлаш имконини беради.

Суд экспертизасининг тобора кенгайиб бораётган имкониятлари ашёвий далилларнинг янги турларини текшириш, тадқиқотларни янада чуқурроқ амалга ошириш ва аниқ натижалар олишга имкон яратади.

Воқеа жойидан топилган турли излар, ашёвий далиллар, қонунбузарлик билан боғлиқ бошқа обьект ва хужжатлар бўйича ўтказилган дастлабки тадқиқотлар орқали жиноятнинг обьекти, содир этилган вақти, жойи, шунингдек жиноятчининг ҳаракатлари, шахси, жиноий ҳаракат натижасида келтирилган зарар, жиноятни содир этишга имкон яратган шарт-шароитлар ҳақида турли маълумотлар олиш мумкин ва содир этилган жиноятларга жазо бериш учун суд-экспертизаларининг ҳам аҳамияти бор. 2018 ва 2019 йилларнинг дастлабки олти ойи давомида ўтказилган экспертиза хulosаларининг қиёсий таҳлилидан маълум бўлишича, 2018 йилда ўтказилган кўздан кечириш

тергов ҳаракатларида 1179 та трасологик из олинган бўлиб, улардан 1008 таси бўйича трасологик экспертизалар ўтказилган. 2019 йилнинг шу даврида эса 1030 та трасологик из олинган бўлиб, улардан 885 таси бўйича трасологик экспертиза ўтказилган (бу барча турдаги тадқиқотларнинг 12,64 % ини¹ ташкил этади). Трасологик экспертизалар ўтказилиш сони бўйича дактилоскопик экспертизалардан кейинги иккинчи ўринда турса-да, уларга бугун амалиётда талаб катта.

Ушбу таҳлилдан маълум бўлишича, кўздан кечиришда олинган излар етарли даражада яроқли бўлмагани боис, трасологик излар бўйича экспертиза хulosалари талаб даражасида бўлмаяпти ва исботлаш жараёнида ўз аҳамиятини йўқотяпти. Ушбу муаммоларнинг мавжудлиги уларнинг илмий-назарий ва амалий ечимини топиш заруратини келтириб чиқармоқда.

Дастлабки трасологик тадқиқотлар воқеа-ҳодиса ва унинг оқибати орасидаги сабабий боғлиқликни аниқлаш, мазкур шароитда ҳосил бўлган из туркумларини таҳлил қилиш ва улар асосида юз берган воқеа-ҳодиса тафсилотини билиш имкониятини беради. Масалан, транспорт восита-сининг ўйналиши ва ҳаракатланиш тартиби (тормозланиш, тўхташ), транспорт воситаларининг тўқнашуви қаерда юз бергани (йўлнинг қайси чизигида), қайси томони билан ва қандай бурчак остида урилгани, автомобилдан бири қайси томонга улоқтириб юборилгани, транспорт воситасининг ағдарилган-ағдарилмагани, машинани ким бошқаргани ва бошқа тафсилотларни аниқлашга имкон яратилади.

Одатда, идентификацион ва диагностик масалалар умумий асосда ҳал қилинади. Зеро, обьектни излари ва уларнинг ҳосил бўлиш механизмлари ёрдамида аниқлаш муҳим криминалистик аҳамиятга эга. Мазкур масалаларни ҳал қилиш жиноят қуролларини аниқлаш, жиноят субъекти (унинг жисмоний аломатлари, кийим-кечаги ва кўникумлари), жиноят содир этиш усуllibarli, жиноий суиқасд тўғрисида батафсил

маълумотларга эга бўлиш имконини беради. Бунда олинган натижалар изларнинг трасологик экспертизасини ўтказиш босқичлари ва шакли нуқтаи назаридан турли аҳамиятга эга бўлади².

Башарти бундай тадқиқот воқеа содир бўлган жойда терговчи томонидан мустақил равишда ёки мутахассис иштирокида амалга оширилса, олинган натижалар асосан қиди́рув мақсадларида қўлланилади. Хулосалар дастлабки процессуал мазмунга эга бўлиб, тинтув, ушлаб туриш ва сўроқ қилишда қўлланилади. Кўздан кечириш баённомасида изларнинг жойлашиши, улардаги умумий ва хусусий аломатлар айтиб ўтилади.

Иzlарни трасологик текшириш лаборатория шароитида эксперт томонидан муайян обьектдан қолдирилган изларни яширин тарзда текшириш билан боғлиқ мақсадларда амалга оширилади. Бундай шароитда олинган натижалар ўтказилган тадқиқот ҳақидаги маълумот қўринишида қайд этилиб, оператив аҳамиятга эгалиги ҳамда, ушбу маълумотни олиш манбаи сир тутилиши кераклиги боис, жиноят иши материалларига қўшилмайди.

Жиноят процессида трасологик билимларни қўллашнинг асосий шаклларидан бири экспертиза ҳисобланади. Эксперт тадқиқоти давомида олинган далиллар содир этилган жиноятни исботлаш аҳамиятига эга бўлгани боис улардан тергов ва судда фойдаланилиши мумкин. Бунда жиноят содир этилган жойда топилган излар ва жиноят содир этган шахс орасидаги ўзаро алоқадорликни аниқлаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Трасологик экспертиза – идентификацион (айнанлаштириш) ёки диагностик масалаларни ҳал қилиш-қилмаслигидан қатъи назар, илгари юз берган физик жараён: жиноят содир этиш обьектининг буюм сирти билан таъсирлашиши оқибатида қолган излар, қулф яхлитлигининг бузилиши, транспорт воситаларининг тўқнашуви кабиларни аниқлашга хизмат қиласиди³. Эксперт томонидан аниқланган далиллардан фойда-

ланиш исботлашнинг моҳиятини ташкил этиб, ушбу жараёнда муайян шахснинг жиноий ҳаракатлари ва қолдирилган излар орасидаги сабабий боғланиш аниқланади.

Масалан, муайян пойабзal аниқ бир шахсга тегишлилиги ва бошқа ҳеч ким томонидан кийилмаганлиги исботланганидан сўнг эксперт томонидан воқеа содир бўлган жойда топилган изларни идентификация қилиш орқали мазкур шахснинг жиноят содир этишга алоқадор эканлиги исботланади.

Трасологик экспертиза орқали жиноят содир этилишига алоқадор далиллар ҳам топилади (масалан, тамғани юзаки қўйиш, эшикка ички қурилмаси етарлича мустаҳкам бўлмаган қулф осиш ва ҳ.к.). Жиноят содир этилишига сабаб бўлган ҳолатлар аниқланганидан сўнг эксперт тадқиқоти асосида уларни келажакда бартараф этиш бўйича профилактик тавсиялар ишлаб чиқлади.

Экспертизанинг аҳамияти аниқланган фактлар ёки ўтказилган тадқиқотлар сони билан чекланиб қолмай, кўпроқ бундай фактларнинг табиати ва мазмуни билан баҳоланади⁴. Шунинг учун экспертнинг хуласасида иш бўйича йиғилган барча далилларнинг баҳоланиши лозим бўлган аҳамиятли хусусиятларини ҳам кўрсатиб ўтиш жоиз.

Ходиса жойидан топилган трасологик изларни имкон қадар қайд қилиб олишга эътибор бериш лозим, чунки кўп ҳолларда трасологик обьектлар бўйича билим ва кўнижмалар етарли эмаслигидан уларнинг аҳамиятли томонларини ҳисобга олмаган ҳолда четлаб ўтилади.

Дастлабки трасологик тадқиқотларни диагностик нуқтаи назардан ҳал қилиш имкониятини ҳисобга олган ҳолда профессор Г.Л. Грановский томонидан воқеа содир бўлган жойни вазиятдан келиб чиққан ҳолда таҳдил қилиш таклиф қилинган. Мазкур таҳдилнинг алоҳида жиҳатларидан бири унинг обьекти жиноят содир этилган жой излари акс этган моддий томонидан иборат эканлиги билан ажралиб туради⁵.

Дастлабки тадқиқотда қуйидагилар эътиборга олинади: воқеанинг дастлабки

умумий таҳлили, нарса-буюм ҳолати (турдош излар гуруҳи)ни ажратиб кўриш мумкин бўлган воқеа содир бўлган жойнинг жойлашиши, нарса-буюм вазиятини ажратиб олиш имконияти (ҳар хил турларга мансуб алоҳида излар), изларни алоҳида ўрганиш имконияти, изнинг умумий тузилишини ўрганиш, хulosалар чиқариш.

Эксперт хulosаси ашёвий далил манбаи ҳисобланиши қонунда кўрсатилган⁶. Ҳар қандай ашёвий далил сифатида эксперт хulosаси терговчи, прокурор ва суд томонидан текшириб кўрилиши ва ашёвий далил сифатида тан олиниши, эксперт томонидан аниқланган далилларнинг ишга тегишлилиги, эксперт хulosаларининг ишончлилиги ва уларнинг далилий аҳамияти тасдиқланиши зарур.

Ҳодиса содир бўлган жойда аниқланган из ва объектларнинг дастлабки тадқиқотларини самарали ўтказиш имконини берувчи турли техник-криминалистик воситалар мавжуд бўлиб, уларнинг кўпчилиги ҳам бугунги кун амалиётида кенг қўлланилмайди, лекин бу изларга ёки объектларга нисбатан беътибор бўлиш керак дегани эмас.

Топилган излар ёки объектларни қайд этишда, яъни баённомага киритишда ҳам уларни таърифлаш тадқиқоти амалга оширилади. Шу боис бу жараёнда ҳар бир белгига эътибор берган ҳолда, ўлчамлар, умумий ва хусусий белгилар бўйича батафсил ёзib бориш талаб этилади. Вақтни тежаш мақсадида кўп ҳолларда, «бу ҳолатлар фотожадвалда бор бўлади», деган фикр билан бу жараёнга ҳам қисқартиришлар киритилади. Лекин мутахассис ҳам фотожадвалларда камчиликларга йўл қўйиши мумкин. Объектлар кўп бўлган вазиятларда уларни кўпинча жамланган ҳолда расмга

олиш ҳолатлари бўлади, бу эса ҳар бир из ёки объектнинг қаердан олингандиги бўйича аҳамиятини йўқотади.

Дастлабки тадқиқотлар нафақат ҳодиса жойини кўздан кечиришда, балки экспертиза хulosасини шакллантиришда ўтказиладиган тадқиқотларнинг аввалида ҳам амалга оширилади. Яъни терговчи томонидан экспертиза ўтказиш тўғрисидаги қарор билан объектларни экспертга тақдим этган пайтдан ва бу жараён тақдим этилган объектларни кўздан кечириш ҳамда терговчи қарорини расмийлаштиришдан бошланади. Агар ҳодиса жойини кўздан кечиришда олинган излар ёки объектларга нисбатан ўтказилган дастлабки тадқиқотларда хатоликлар бўлса, бу экспертиза хulosасини шакллантириш жараёнига ҳам бевосита таъсир кўрсатади.

Хавфсизлик чоралари кўрилмаган бўлса, бу ҳам изларга нисбатан олиб бориладиган тадқиқотларнинг самарадорлигини пасайтиради. Дастлабки тадқиқот жараёни нафақат изларни текшириб қабул қилиш, балки терговчи томонидан қўйилган саволларни кўриб чиқиши ҳам талаб этади. Чунки терговчи томонидан объектга нисбатан трасологик ҳал этилиши мумкин бўлган саволлар қўйилганлигини, агар улар экспертизинг ваколатидан ташқари бўлса, уларни ўзгартириш ёки терговчи қарорида кўрсатилган из ёки объектга нисбатан камчиликлар бўлса, уларни ҳам бартараф этиш талаб этилади. Шуни таъкидлаш керакки, эксперт ва терговчи томонидан якка тартибда ёки ҳамкорликда амалга ошириладиган дастлабки тадқиқотларнинг аҳамиятли томони бу жиноятларнинг тез ва самарали очилишига, экспертиза хulosаларининг етарлича асослантирилган ва илмий асосланган тарзда бажарилишига имкон яратади.

¹ Сравнительная таблица выполненных экспертиз ЭКЦ МВД Республики Узбекистан за 6 месяцев 2018 и 2019 гг.

² Майлис Н.П. Концептуальные и методические основы судебной трасологии. – М., 2005.

³ Майлис Н.П. Судебная трасология. – М., 2003.

⁴ Трасология и трасологическая экспертиза / В.А.Ярмак, Н.Ю.Жигалов, П.П. Смольяков. – М., 2002.

⁵ Грановский Г.Л. Основы трасологии. Общая часть. – М., 1965.

⁶ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. – Т., 2017.

Б. А. Артиков,

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси фуқаролик ҳуқуқи фанлари кафедраси ўқитувчиси

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ МУЛКИНИ ОПЕРАТИВ БОШҚАРИШ ҲУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация. Мақолада ички ишлар органлари мулкини оператив бошқариш масалаларининг назарий ва амалий жиҳатлари таҳлил қилинган, шунингдек ички ишлар органларида мулк ҳуқуқи вужудга келишига оид қисқача маълумотлар келтирилган.

Таянч сўзлар: давлат мулки тушунчаси, мулкни оператив бошқариш ҳуқуқи, ички ишлар органлари, моддий-техник таъминот.

Особенности оперативного управления собственностью органов внутренних дел

Аннотация. В статье анализируются практические и теоретические особенности задач оперативного управления собственностью органов внутренних дел, а также приводятся краткие сведения о возникновении права на собственность в органах внутренних дел.

Ключевые слова: государственная собственность, право оперативного управления, особенности оперативного управления собственностью органов внутренних дел, материально-техническое обеспечение.

Features of operational management of the property of internal affairs bodies

Annotation. The article analyzes the practical and theoretical features of the tasks of operational management of the property of internal affairs bodies, as well as provides brief information about the emergence of property rights in internal affairs bodies.

Keywords: state ownership, the right of operational management, features of the operational management of the property of internal affairs bodies, material and technical support.

Мустақиллик қўлга киритилган дастлабки кунлардан бошлаб, мамлакатимизда жамиятнинг барча соҳаларида, жумладан, ички ишлар идоралари фаолиятида ҳам туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Шу боис қонун устуворлигини таъминлаш, хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда давлат корхоналари ва муассасалари томонидан шартнома талабларига тўлиқ риоя этилишига эришиш ҳозирги даврнинг долзарб муаммоларидан биридир. Зеро, иқтисодий муносабатларни шакллантиришнинг асоси ҳисобланган шартнома хўжалик юритувчи субъектлар ҳуқуқий муносабатларини юзага келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асос бўлиб хизмат қиласи, мулкий ва молиявий муносабатларнинг тартибга солинишини

таъминлайди, ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг хатти-ҳаракатларини тартибга солади, ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди.

Мамлакатимизда ички ишлар идораларининг юрт тинчлиги ва халқ фаровонлигини таъминлаш борасидаги устувор вазифаси жиноятчиликнинг олдини олишдир. Бу борадаги ишларнинг самарадорлиги, биринчи навбатда, моддий-техник таъминланганлик даражасига боғлиқ. Ҳусусан, ички ишлар органларининг мулки ҳисобланган ва улар ўз фаолиятида фойдаланадиган моддий-техник воситалар замон талабларига мос бўлиши зарур.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддаси, Фуқаролик кодексининг

167-моддасига асосан мамлакатимизда мулкнинг хусусий ва оммавий шакиллари фарқланади. Ички ишлар органларининг мулки оммавий мулк, аниқроғи, давлат мулки бўлиб, ундан оператив бошқарув ҳуқуқи асосида фойдаланилади.

Ички ишлар органлари таркибий тузилмаларининг қандай мулклардан фойдаланиши уларнинг вазифаларига қараб белгиланган. Хусусуан, тезкор қидирув хизмати томонидан фойдаланиладиган айрим мулклар ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизматларига тақдим этилмаслиги мумкин. Аммо, ички ишлар органларининг барча тизимларида мулклар умумий мулк ҳисобланиб, улар учун алоҳида жавобгар шахслар белгиланади. Бунда умумий жавобгар шахслар билан бирга алоҳида мулклар учун жавобгар шахслар ҳам белгиланиши мумкин. Хусусан, ҳар бир ходим фойдаланиши учун тақдим этилган жиҳозлар, моддий-техник воситалар ушбу ходимнинг жавобгарлигига ўтади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонида барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари, давлат ҳамда хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг халқ билан бевосита мулоқотни йўлга қўйиш чора-тадбирларини рўёбга чиқариш, аҳоли уларга эркин мурожаат эта олишини таъминлаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари бузилганилиги тўғрисидаги мурожаатларнинг, хабарларнинг ўз вақтида олинишини таъминлаш назарда тутилган. Шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимиға, жиноятчиликка қарши курашиш ва жамоат тартибини сақлаш бўйича ички ишлар органларининг фаолиятини тубдан такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилиши белгиланган¹.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев: «Асосий қонуни мизда умумэътироғ этилган демократик принциплар билан бирга, халқимизнинг

бебаҳо қадриятлари ва бой давлатчилик тажрибасини ифодалаш муҳим эди. Айнан Биринчи Президентимизнинг саъй-ҳаракатлари билан Конституциямизда «**Инсон ва унинг қадр-қиммати**» деган улуг тушунча марказий ўринга қўйилди»² деб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш мамлакатимизда доимо асосий вазифа сифатида эътироғ этиб келинганligини таъкидлаб ўтди.

Юқоридаги вазифалар ижросининг самарадорлигини оширишда энг муҳим омиллардан бири ички ишлар органлари фаолиятининг моддий-техник таъминланганлик даражасидир. Шу боисдан ички ишлар органлари тизимларида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бугунги босқичида ички ишлар органлари ривожланган давлатлар тажрибаси ва халқимиз менталитетини инобатга олган ҳолда давр талабидан келиб чиқиб моддий таъминотини яхшилашга қаратилганилигини алоҳида қайд этиб ўтиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг маъсулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 10 апрелдаги ПФ-5005-сонли фармонида энг янги ахборот-коммуникация технологияларини тизимга жорий этиш, ички ишлар органларини замонавий воситалар ва асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш даражаси қониқарсизлигича қолаётгани кўрсатиб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ-2896-сонли қарорида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг татбиқ этишнинг устувор вазифалари белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев: «Биз «Адолат – қонун устуворлигига» деган тамойил асосида жамиятимизда қонунга ҳурмат, ҳукуқбузарлик ҳолатларига муросасизлик ҳиссини кучайтиришга қаратилган ишларимизни жадал давом эттирамиз. Бу борада ҳукуқбузарлик ҳолатларининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилади. Бунинг учун, аввало, маҳалла имкониятларидан кенг фойдаланиш, профилактика инспекторларининг иш самараси ва маъсулиятини ошириш, улар учун муносиб хизмат ва турмуш шароитини яратиб бериш чораларини кўришимиз даркор»³, – деб таъкидлаб ўтди.

Шундай экан, ички ишлар органлари фаолиятини моддий-техникавий таъминлашни ташкил этиш ва такомиллаштириш долзарб масалалардан ҳисобланади. Бунда ички ишлар органларини моддий-техник жиҳатдан таъминлаш мақсадида олиб келинаётган товарларнинг яроқлилик муддати ва даражасига алоҳида эътибор қаратиш, буни назорат қилиш мұхим.

Ички ишлар органлари олдига қўйилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, бугун уларнинг мулкими оператив бошқариш жараёнини такомиллаштириш масалалари катта аҳамият касб этмоқда.

Жумладан, ички ишлар органлари томонидан истеъмолчи сифатида шартнома асосида корхоналардан маҳсулот, товар, моддий-техник воситаларни қабул қилиб олиш ва ишлатиш жараёнинда бир қатор камчиликлар мавжудлиги оқибатида қуидаги ҳолатлар келиб чиқиши мүмкін:

– олинадиган мулкни етказиб бериш муддатининг ўтиб кетиши, яъни маҳсулот етказиб берувчининг товарни харидорга шартномада назарда тутилган маҳсулот етказиб бериш муддати тугаганидан кейин топшириши;

– ички ишлар органлариша шартномада кўрсатилган мулк (жиҳоз, буюм, техника воситалари)нинг тўлиқ етказиб берилмаслиги, яъни шартномада назарда тутилганидан кам миқдорда топширилиши;

– сифатсиз маҳсулот ва жиҳозларнинг етказиб берилиши.

Хусусан, ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчи сифатида ички ишлар органлари ўртасида тузилаётган олди-сотди шартномаларининг барча шартлари бу жараёнда тўлиқ қўлланилмаётгани натижасида шартнома шартларининг бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги асосида маълум бир камчиликларга йўл қўйилмоқда.

Шу ўринда маҳсулот жўнатиш (юклаш)га тайёрлиги тўғрисида ички ишлар органларининг ўз вақтида хабар бермаслиги, етказиб келинган маҳсулотнинг сифат даражаси пастлиги ҳолатларини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Юқоридагиларни инобатта олган ҳолда ички ишлар органларининг мулкими оператив бошқариш жараёнини такомиллаштириш борасида қуидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

– маҳсулот (товар) учун шартномага мувофиқ ҳақ тўлаш;

– товарга бўлган мулк ҳукуқи унга ўтганидан кейин етказиб берилган маҳсулотнинг тасодифан нобуд бўлиши билан боғлиқ барча харажатлар ва масъулиятни ўз зиммасига олиш;

– етказиб берилган маҳсулотнинг миқдори (бутлиги) ва сифатини текшириб қабул қилиб олиш;

– ички ишлар органларининг барча тизимлари замонавий восита ва асбоб-ускуналар билан жиҳозланишини таъминлаш;

– ички ишлар органлари мулкими ҳимоя қилиш механизмини кучайтириш, хусусан, мулкка бўлган жавобгарликни ошириш;

– ички ишлар органларининг жиҳозлар, буюмлар ва моддий-техника воситаларини ишлаб чиқарувчи корхоналар билан шартнома тузиш механизмларини соддалаштириш, улардан олинадиган жиҳозлар ва бошқа техника воситаларининг электрон шаклда шартномалар тузиш орқали олинини ташкил этиш;

– ички ишлар органлари мулкига бошқа шахслар томонидан етказилган зарарни қоплашнинг қатъий нормаларини белгилаш;

— ички ишлар органлари ходимларининг оператив бошқарувида бўлган мулкка нисбатан жавобгарлик маъсулитини ошириш.

Иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, давлат органлари, хусусан ички ишлар органлари фаолиятини моддий-техник воситалар билан таъминлаш шартномаларнинг кенг кўламда қўлланилишини тақозо этади. Зоро, мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётида юз берган барча ўзгариш ва юксалишларда ички ишлар органлари ходимларининг ҳам ўзига хос ўрни ва сезиларли ҳиссаси бор, албатта. Чунончи, ички ишлар органлари хуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар билан ҳамкорликда эл-юрт осойишталиги, фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини таъминлаб қелмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 457-моддасига биноан, ички ишлар органларининг фаолияти давлат бюджети асосида таъминланиши боис уларнинг эҳтиёжларини давлат эҳтиёжлари деб аташ мумкин. Улар фуқаролик хуқуқий шартномаларни тузиш орқали тушган пул маблағлари эвазига моддий-техник воситалар билан таъминланади. Шу маънода, ИИВ тизимидағи мазкур тузилмаларнинг юридик шахс сифатидаги хуқуқий мақомини ўрганиш мақсадга мувофиқдир⁴. Зоро, фуқаролик хуқуқий шартномалар тузиш ва бунинг натижасида келиб чиқадиган хуқуқий оқибатлар ИИВ тизимидағи тузилмаларнинг юридик шахс сифатида қандай мақомга эга эканларни билан боғлиқ.

Маълумки, амалдаги қонун ҳужжатларига биноан, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Моддий-техник таъминот бошқармаси ИИВ тизимлари учун зарур моддий-техник воситаларни сотиб олишга ҳақлидир. Бу ўринда, тузилаётган олди-сотди шартнома-

сида ички ишлар органлари, табиийки, ҳар доим юридик шахс сифатида харидор (сотиб олувчи) бўлиб қатнашади. Хусусан, у олди-сотди шартномасига мувофиқ, сотувчи ташкилот ва корхоналардан фақат ўз фаолиятида зарур бўлган моддий-техник воситаларни муайян ҳақ эвазига сотиб олади.

«Моддий-техник таъминот» тушунчасига тўхталашибган бўлсак, илмий адабиётларда унинг таърифи ва тушунчасига доир бир қатор фикр-мулоҳазаларни учратиш мумкин. Чунончи, баъзи юридик нашрларда мазкур таъминотга «ишлаб чиқариш соҳасига мансуб фаолият» деб таъриф берилган бўлса, бошқаларида унга ишлаб чиқариш соҳасига мансуб бўлмаган фаолият сифатида қаралади. Баъзи олимлар моддий-техник таъминотни «товар айланишининг мустақил соҳасига мансуб» деб ҳисобласалар, бошқалар бу соҳанинг ўзига хос жиҳатга эгалигини қайд этадилар.

Шунинг учун ҳам иқтисодий ислоҳотларнинг бугунги босқичида, энг аввало, ички ишлар органлари моддий-техник таъминотининг хуқуқий негизи яратилди. Зоро, фақат «мустаҳкам хуқуқий негиз бўлганда гина ўзини оқламаган эски тизимни тўла ишонч билан қайта қуриш, маданий бозор иқтисодиётига эга бўлган янги жамият қуриш мумкин».

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, бугунги кунда ички ишлар органларининг оператив бошқарувида бўлган мулкнинг хуқуқий ҳолати ундан фойдаланиш тартиби ва шу муносабатларни хуқуқий жиҳатдан тартибга солиш нуқтаи назаридан, ички ишлар органлари эгалигида бўлган мулкни оператив бошқариш тўғрисидаги нормани 2016 йил 16 сентябрдаги «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонунига қўшимча ва ўзгаришлар сифатида киритиш мақсадга мувофиқдир.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони // Халқ сўзи. – 2017. – 8 февр.

² Шавкат Мирзиёев. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 24 йиллигига бағишлиган тантанали маросимдаги маъруза // Халқ сўзи. – 2016. – 8 дек.

³ Ўша жойда.

⁴ Камалов О. Ички ишлар органларини моддий-техник воситалар билан таъминлаш бўйича давлат контракти. Юрид. фан. номз. ... дис. автореф. – Т., 2005.

Б. Р. Рўзиев,

Ўзбекистон Республикаси давлат бозхона қўмитаси бош инспектор-эксперти

БОЖХОНА ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ХУҚУҚИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ МУАММОЛАРИ

Аннотация. Мақолада божхона органлари томонидан интеллектуал мулк объектларини ҳимоя қилиш муаммолари таҳдил қилинган ва уларнинг ечимлари таклиф этилган.

Таянч сўзлар: интеллектуал мулк, божхона органлари, интеллектуал мулк объектларининг божхона реестри, товар белгилари, хуқуқ эгаси, ваколатли вакил, хуқуқ, хуқуқбузарлик, ҳимоя, контрафакт.

О проблемах защиты права интеллектуальной собственности таможенными органами

Аннотация. В статье анализируются проблемы защиты объектов интеллектуальной собственности таможенными органами и предлагаются пути их решения.

Ключевые слова: интеллектуальная собственность, таможенные органы, таможенный реестр объектов интеллектуальной собственности, товарные знаки, правообладатель, уполномоченный представитель, права, правонарушения, защита, контрафакт.

On the problems of protecting intellectual property rights by customs authorities

Annotation. The article analyzes the problems of protection of intellectual property by customs authorities and suggests ways to solve them.

Keywords: intellectual property, customs authorities, customs register of intellectual property, trademarks, copyright holder, authorized representative, rights, offenses, protection, counterfeit.

Ўзбекистон Республикасида демократик хуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш, инсоннинг хуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ушбу жараённинг самарали механизмларини яратиш муҳим вазифа ҳисобланади.

Мамлакатимиз жаҳон миқёсида иқтисодий жиҳатдан нуфузли кўрсаткичларга эришиш, ривожланган давлатлар билан савдо-сотиқ муносабатларини янада кенгайтириш, сармоя ва инвестицияларни жалб қилишда ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларининг интеллектуал мулк объектларига бўлган хуқуқларининг ҳимояланганлиги алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон мустақалликка эришганидан бўён ўтган давр ичida интеллектуал мулк соҳасида бир қатор ҳалқаро шартномаларга кўшилди, миллий қонунчилигимизда ушбу соҳани тартибга солувчи қонунлар мажмуи шаклланди.

Дунё ҳамжамиятида юз бераётган иқтисодий ислоҳотлар Ўзбекистон Республика-

сида ҳам мазкур соҳани замон талабидан келиб чиқсан ҳолда янада такомиллаштириш ва ривожлантиришни тақозо этмоқда.

«2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»да интеллектуал мулк ва истеъмолчилар хуқуқлари ҳимоясини янада ривожлантириш борасида қўйидаги вазифалар белгиланди:

товар белгилари, саноат намуналарига бўлган хуқуқларни рўйхатдан ўтказиш ва патентлар бериш тартиботининг шаффоғлигини ошириш;

Ўзбекистонда рўйхатдан ўтган интеллектуал мулк объектларига бўлган хуқуқларнинг ҳалқаро тан олинишини таъминлаш;

контрафакт маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳолатларига қарши ҳаракат дастурларини тасдиқлаш;

товарларнинг сифати ва ингредиентлар таркибини уларнинг номланиши ва маркаларига мувофиқлиги бўйича стандартлар (O'zDStlar)ни қайта кўриб чиқиш¹.

Интеллектуал мулк соҳасида вазирлик ва идоралар ўртасида ҳамкорликни янада мувофиқлаштириш мақсадида 2019 йил 8 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Интеллектуал мулк соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4168-сон қарори қабул қилинди. Унга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлиги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимиға ўтказилди.

Мазкур қарорда ушбу йўналиш тартибга солиниши ва самарали ишлиши учун Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигига Давлат божхона қўмитаси, Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши қурашиб департаменти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан биргаликда интеллектуал мулк объектларининг ягона ва доимий янгиланиб борадиган интеграциялашган маълумотлар базасини ишлаб чиқиш вазифаси топширилди.

Ушбу база ўзида қўйидаги тартиб-таомилларни мужассам этиши назарда тутилмоқда:

хуқуқий ҳимоя олган ва ундан маҳрум бўлган интеллектуал мулк объектларини реал вақт режимида кузатиб бориш;

интеллектуал мулк объектлари хуқуқий ҳимоя олган ва ундан маҳрум бўлганида уларни автоматик равишда тегишлича Интеллектуал мулк объектларининг божхона реестрига киритиш ва ундан чиқариш;

интеллектуал мулк соҳасидаги хуқуқбузарликларни аниқлаш ва уларнинг олдини олишда ваколатли давлат органлари билан ҳамкорлик қилиш².

Ҳозирги кунда божхона органлари томонидан интеллектуал мулк объектларини ҳимоя қилиш бўйича ҳуқуқий асослар яратилган бўлиб, божхона хизмати ўз ваколат доирасида интеллектуал мулк объектларига бўлган хуқуқларни ҳимоя қилишда тегишли ишларни амалга ошириб келмоқда.

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси қабул қилингунига

қадар (2016 йил апрель ойи) интеллектуал мулк объектларини ҳимоя қилиш Божхона кодексининг 9-моддасидагина назарда тутилган, унда божхона органлари томонидан интеллектуал мулк объектларини ҳимоя қилиш тартиби аниқ белгиланмаган эди.

Савдо масалалари бўйича интеллектуал мулк ҳуқуқи тўғрисидаги Битимнинг 51-моддасига асосан томонлар ҳуқуқ эгаларига товар белгилари ёки муаллифлик ҳуқуқини бузуб олиб кирилаётган товарлар тўғрисида аниқ далиллар бўлган тақдирда тегишли суд органларига божхона органлари томонидан товарларни чиқариб юборишни тўхтатиб туриш бўйича ариза бериш имкониятини яратиши назарда тутилган³;

Мазкур халқаро норма ва амалиёт талабларидан келиб чиққан ҳолда янги таҳрирдаги Божхона кодексида божхона органларининг интеллектуал мулк объектларини ҳимоя қилиш бўйича вазифалари аниқ ёритилди. Жумладан, Божхона кодексининг 56-боби «Интеллектуал мулк обьекти ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» деб номланган бўлиб, унга кўра «Интеллектуал мулк обьектлари божхона реестрини юритиш», интеллектуал мулк обьекти ҳуқуқи бузилган товарларга нисбатан чоралар кўриш, тегишли тартибда суд органларига мурожаат қилиш каби механизмлар белгиланди.

Лекин уч йиллик қисқа муддат ичидаги иқтисодиётнинг тез суръатларда ривожланиши ва янги норматив-хуқуқий ҳужжатлар қабул қилинаётгани сабабли божхона органлари томонидан интеллектуал мулк обьектларни ҳимоя қилишда қўйидаги муаммолар юзага келмоқда ва ўз ечимини кутмоқда:

— Божхона реестрга киритилмаган интеллектуал мулк обьектлари божхона органлари томонидан ҳимояга олинмаганлиги (Божхона кодексининг 385-моддасига асосан ҳуқуқ эгаси ёки унинг ваколатли вакили Интеллектуал мулк обьектларининг божхона реестрига киритилганидан кейин интеллектуал мулк обьектларига бўлган хуқуқларнинг ҳимоя қилинишини таъминлаш учун интеллектуал мулк обьектларига

бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, божхона органларига божхона назорати остида турган товарларни чиқариб юборишни тўхтатиб туриш бўйича чоралар кўрилиши учун мурожаат қилиши мумкин);

— ҳуқуқ эгаси ёки унинг ваколатли вакили божхона органлари томонидан интеллектуал мулк обьектига бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун етарли маълумотларни тақдим эта олмаслиги (Божхона кодексининг 385-моддасига асосан ҳуқуқ эгаси ёки унинг ваколатли вакили божхона органлари ариза билан тахмин қилинаётган ҳуқуқбузарликни аниқлаш учун кўмаклашадиган ҳар қандай бошқа ахборот (ишлаб чиқарувчи, экспорт қилувчи, импорт қилувчи ёки юкни қабул қилувчи, товар туриши мумкин бўлган жой ва унинг божхона чегараси орқали олиб ўтилиш санаси, ташилиш хусусиятлари ва ўровининг кўриниши, товар турган жой ёки режалаштирилаётган етказилиш жойи тўғрисидаги маълумотлар) тақдим қилиши лозим);

— контрафакт товарларни аниқлаш механизми мавжуд эмаслиги.

Амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжат талабларига асосан божхона органлари томонидан интеллектуал мулк обьектлари Божхона реестрига киритилганидан сўнг ҳимояга олиниб, ҳуқуқ эгасининг аризасига асосан Божхона ҳудудига олиб кириладиган ва божхона назорати остида турган интеллектуал мулк обьектларига бўлган ҳуқуқларнинг бузилганлик белгилари мавжуд бўлган товарларни чиқариб юборишни тўхтатиб туриш чораларини кўради.

Интеллектуал мулк обьектлари Божхона реестрига товар белгиларини киритиш учун асосий талаблардан бири — интеллектуал мулк обьектлари халқаро даражада ёки Ўзбекистон Республикасида ҳимояга олинганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этишdir.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, Товар белгиларини халқаро рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги Мадрид шартномаси ҳамда «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиқсан жой номлари тўғрисида»ги

◆ ◆ ◆
Ўзбекистон Республикасининг қонунига асосан товар белгилари рўйхатдан ўтказилади ва рўйхатдан ўтган товар белгилари тўғрисида тегишли маълумотлар базаси юритилади.

Мазкур халқаро шартнома ва қонун ҳужжатининг талаблари асосида рўйхатдан ўтган товар ҳимояга олинган ҳисобланади. Ҳозирда товар белгилари тўғрисида Халқаро (WIPO) ва Интеллектуал мулк агентлиги томонидан юритиладиган товар белгилари миллий маълумотлар базасида 20 минг ортиқ товар белгилари рўйхатдан ўтган.

Божхона реестрида рўйхатдан ўтган товар белгилари сони эса 150 тани ташкил этиб, халқаро ва миллий рўйхатдан ўтган 19 мингта товар белгиси божхона органи томонидан рўйхатдан ўтказилмагунича ҳимояга олинмайди. Интеллектуал мулк ҳуқуқи эгаларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига интеллектуал мулк обьектларининг ноқонуний олиб кирилишидан ҳимоя қилиш учун яна бир бор божхона органларидан рўйхатдан ўтказиш ортиқча расмиятчилик ҳамда оворагарчиликларни келтириб чиқармоқда.

Шу боис Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Интеллектуал мулк соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2019 йил 8февралдаги ПҚ-4168-сонли Қарори билан интеллектуал мулк обьектлари ҳуқуқий ҳимоя олган ва ундан маҳрум бўлганида уларни автоматик равишда тегишлича Интеллектуал мулк обьектларини божхона реестрига киритиш ҳамда ундан чиқаришни назарда тутувчи ягона ва доимий янгиланиб борадиган интеграциялашган маълумотлар базаси ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Шунингдек, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, ҳуқуқ эгаси интеллектуал мулк обьектини Божхона реестрига киритганидан сўнг, интеллектуал мулк обьектларини ҳимоя қилиш мақсадида божхона органига божхона органи назоратида турган товарларни чиқариб юборишни тўхтатиб туриш хусусида ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Бунинг учун ҳуқуқ эгаси божхона органига тахмин қилинаётган ҳуқуқ-

бузарликни аниқлашда кўмаклашадиган ҳар қандай бошқа ахборот (ишлаб чиқарувчи, экспорт қилувчи, импорт қилувчи ёки юкни қабул қилувчи, товар туриши мумкин бўлган жой ва унинг божхона чегараси орқали олиб ўтиш санаси, ташиб хусусиятлари ва ўровининг кўриниши, товар турган жой ёки режалаштираётган етказиш жойи тўғрисида маълумот) тақдим этиши лозим. Бироқ ҳуқуқ эгалари ҳуқуқбузарликни аниқлаш учун кўмаклашадиган маълумотни божхона органларига тақдим эта олмаётганликлари сабабли интеллектуал мулк объектларига нисбатан чора кўриш имкони бўлмай қолмоқда.

Амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига асосан ҳуқуқ эгаси ёки унинг ваколатли вакилларига ташқи иқтисодий фаолият қатнашчилари билан боғлиқ маълумотларни тақдим этиш тақиқланган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 июлдаги «Товарларни божхонада электрон шаклда декларациялаш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 605-сон қарори 12-бандига асосан электрон декларациялардаги аниқ келишувлар ва уларнинг ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларига боғлиқлиги тўғрисидаги маълумотлар конфиденциал ҳисобланади).

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасига асосан бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди. Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин⁴.

Ҳар бир шахс ўзига тегишли ҳар қандай мулкни ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга бўлиб, ҳимоя қилишнинг энг самарали усусларидан бири ҳуқуқ эгаси томонидан ҳимоя қили-

нишидир, чунки интеллектуал ҳуқуқ эгаси ўз маҳсулоти тўғрисида аниқ ва батафсил маълумотга эга бўлади. Шу боис ҳуқуқ эгаси ўзига тегишли маҳсулот тўғрисида (маҳсулотни ким қалбакилаштириши мумкинлиги, у билан амалга ошириладиган экспорт-импорт оперциялари, бозордаги нархи кабилар ҳақида) батафсил маълумотларни тегишли давлат органларига тақдим этиши уни самарали ҳимоя қилишга имкон беради.

Юқорида кўрсатиб ўтилганидек, ҳалқаро нормаларда, жумладан Савдо масалалари бўйича интеллектуал мулк ҳуқуқи тўғрисидаги (ТРИПС) Битимнинг 51-моддасида ҳуқуқ эгаларига товар белгилари ёки муаллифлик ҳуқуқини бузиб олиб кирилаётган товарлар тўғрисида аниқ далиллар бўлган тақдирда тегишли суд органларига божхона органлари томонидан товарларни чиқариб юборишни тўхтатиб турни юзасидан ариза бериши белгиланган. Мазкур жараённи тўғри йўлга қўйиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексига **«Божхона реестри маълумотлари асосида интеллектуал мулк объектларини ўз ичига олган товарларни чиқариб юборишни тўхтатиб турниш»** деган янги норма киритилиши мақсадгага мувофиқ.

Божхона органлари Божхона реестри маълумотлари асосида божхона расмийлаштирувига тақдим этилган товарларга нисбатан интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқлар бузилганлиги белгиларини аниқлаганида дарҳол ҳуқуқ эгаси ёки унинг ваколатли вакилини интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқлар бузилганлиги эҳтимоли борлиги тўғрисида хабардор қиласи.

Ҳуқуқ эгаси ёки унинг ваколатли вакили уч иш куни мобайнида интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг ҳимоя қилиниши бўйича чора кўриш тўғрисида ариза беришга ҳақли. Агар уч иш куни мобайнида ҳуқуқ эгаси интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш бўйича чора кўриш тўғрисида ариза бермаган бўлса, товарлар белгиланган тартибда божхона расмийлаштирувидан ўтказилиши лозим.

Контрафакцияга қарши курашувчи халқаро ташкилотлар ҳисоботлари таҳлилига кўра, жаҳонда контрафакт товарларни ишлаб чиқариш асосан (80%) Осиё давлатларига, жумладан, Хитой (улуси 60%дан юқори), Туркия (3%), Сингапур ва Таиланд (2%), Ҳиндистон ва Покистон (1%) ҳиссасига тўғри келади⁵.

Аниқланган контрафакция ҳолатлари компьютер техникаси билан боғлиқ товарларда энг кўп учрамоқда. Айнан шу турдаги контрафакт товарлар Ўзбекистон шароитида аниқланайтган ҳолатларнинг ҳам асосий қисмини ташкил этади.

Бунинг бошқа сабаби ҳам мавжуд. Чунончи, амалдаги қонунчиликда «контрафакт» атамаси «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги қонуннинг 62-моддасидагина акс этган бўлиб, унга кўра ушбу атама фақат муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар обьектларига тегишилдири. Шу боис мазкур соҳадаги ҳуқуқбузарликларни аниқлаш доираси тор бўлиб, асосан аудиовизуал маҳсулотлар, фонограммалар ҳамда компьютер техникаси учун яратилган дастурлар ёзилган дисклардангина иборат бўлиб қолмоқда.

Бундан ташқари, контрафакт товарлар импортига қарши курашда «Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товарлар келиб чиқсан жой номлари тўғрисида» ҳамда «Фирма номлари тўғрисида»ги қонунларни амалга оширишнинг процессуал механизми белгиланмаган.

Айтиш жоизки, ҳозирги кунда жаҳонда ишлаб чиқарилаётган контрафакт маҳсулотларнинг асосий қисми товар белгиси билан боғлиқ маҳсулотлардир. Шу билан бирга, мамлакатимизга четдан қанча миқдорда бошқа турдаги, хусусан, товар белгилари билан боғлиқ контрафакт товарлар кириб

келаётганини аниқлаш деярли иложсиз масала бўлиб қолмоқда.

Амалдаги қонунчиликда «контрафакт» атамаси фақат муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар обьектларигагина тегишли бўлмоқда. Бу, ўз навбатида, товар белгилари каби бошқа интеллектуал мулк обьектларига нисбатан процессуал чоралар кўришда муаммолар келтириб чиқармоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида «Муаллифлик ёки ихтирочилик ҳуқуқларини бузиш» деган норма (149-модда) мавжуд. Лекин товар белгиси, хизматлар белгиси, товар келиб чиқсан жой номидан ноқонуний фойдаланганлик учун жиноий жавобгарлик назарда тутилмаган.

Бундан ташқари, товар белгисидан ноқонуний фойдаланиш билан боғлиқ ҳолатлар аниқланганида товарлар айнан контрафакт эканлиги юзасидан эксперт хulosаси берувчи расмий ташкилот ҳам белгиланмаган. Шу боис контрафакт маҳсулотлар билан боғлиқ қонун бузилиши ҳолати юз берганида уни тўғри квалификация қилиш мақсадида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодек ва Жиноят кодексига контрафакт товарларга доир (масалан, уларни мамлакатга олиб кириш, ташиш, сақлаш, сотиш билан боғлиқ) алоҳида моддалар киритиш зарур.

Шунингдек, товар белгиларидан ноқонуний фойдаланиш билан боғлиқ контрафакт маҳсулотлар аниқланганида процессуал жиҳатдан уларга экспертилек хulosаси олиш лозим бўлади. Товар белгиларини экспертизадан ўтказиш ва рўйхатга қўйиш бевосита Интеллектуал мулк агентлиги томонидан амалга оширилишини инобатга олган ҳолда, ушбу ташкилотга контрафакт товарлар юзасидан эксперт хulosаси бериш ваколатини тақдим этиш мақсадга мувофиқ.

¹URL: <http://www.lex.uz/acts/3107036>

² URL: <http://lex.uz/docs/4195426>

³ URL: [https://nrm.uz/content?doc=71188_soglashenie_po_torgovym_aspektam_prav_intellektualnoy_sobstvennosti_\(trips\)_\(vto_urugvayskiy_raund_mnogostoronnih_torgovyh_pereg](https://nrm.uz/content?doc=71188_soglashenie_po_torgovym_aspektam_prav_intellektualnoy_sobstvennosti_(trips)_(vto_urugvayskiy_raund_mnogostoronnih_torgovyh_pereg)

⁴ Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси // <http://www.lex.uz/acts/35869>

⁵ URL: http://www.akit.ru/contr_stat/

И. Т. Турғунов,

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Юридик таъминлаш ва мурожаатлар билан ишилаш бошқармаси бошлиги, юридик фанлар доктори, доцент

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТИЗИМИ УЧУН ҲАРБИЙ ЮРИДИК ҚАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучларининг Ички хизмат низоми, Гарнizon va қоровуллик хизматлари низоми ҳамда Интизом низоми, шунингдек ҳарбий соҳага оид бошқа қонун ҳужжатлари асосида соҳа учун ҳарбий юридик қадрлар тайёрлашнинг ўзига хос жиҳатлари ёритилган.

Таянч сўзлар: Қуролли Кучлар, ҳарбий соҳага оид қонун ҳужжатлари, юридик қадрлар, юридик хизмат, ҳарбий тузилма.

Подготовка военных юридических кадров для системы Вооруженных Сил Республики Узбекистан

Аннотация. В статье освещаются специфические особенности подготовки военных юридических кадров в соответствии с Уставами Внутренней службы, Гарнизонной и караульной служб, Дисциплинарным уставом Вооруженных Сил Республики Узбекистан и другим законодательством, относящимся к военной сфере.

Ключевые слова: Вооруженные Силы, законодательные акты в военной сфере, юридические кадры, юридическая служба, воинское подразделение.

Preparation military legal personnel for the system of the Armed Forces of the Republic of Uzbekistan

Annotation. The article highlights the specific features of the training of military legal personnel in accordance with the Statutes of the Internal Service, Garrison and Guard Services, the Disciplinary Code of the Armed Forces of the Republic of Uzbekistan and other legislation related to the military sphere.

Keywords: Armed Forces, military sphere, legislation in the military sphere, legal personnel, legal service, military unit, legislative acts.

Хозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимида қонунийлик ва интизомни таъминлаш, ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ҳарбий тузилмалар иштироқидаги шартномавий-ҳуқуқий муносабатларда ҳарбий тузилмаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ифодалаш ҳамда самарали ҳимоя қилиш борасида кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда.

Сўнгги йилларда миллий олий юридик таълимни модернизациялаш, мазкур соҳага халқаро таълим стандартлари ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, долзарб ҳуқуқий муаммолар бўйича комплекс илмий тадқиқотлар ўтказиш, таълим олаётган

ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш бўйича самарали тизим яратиш юзасидан комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди¹.

Жумладан, бу борада қатор ҳужжатлар қабул қилинди, юридик қадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг ўзига хос ҳуқуқий ва институционал тизими яратилди. Хусусан, бу тизимда Тошкент давлат юридик университети, Ички ишлар вазирлиги Академияси, Ички ишлар вазирлиги Малака ошириш институти, Бош прокуратура Академияси, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Қорақалпогистон давлат университети, Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар

малакасини ошириш марказлари фаолият юритмоқда.

Бироқ таҳлилларга кўра, мамлакатимизда юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш зарур. Айниқса, давлат ва хўжалик бошқаруви органларида талаб юқори бўлган **тор доирадаги ва соҳавий мутахассисликлар бўйича юридик кадрлар, айниқса, юридик хизмат ходимларини тайёрлаш тизими мавжуд эмаслиги** ўз ечимини кутаётган долзарб масалалардан саналади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларида қонунчилик ва интизомни таъминлаш, ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ҳарбий тузилмалар иштирокидаги шартномавий-ҳуқуқий муносабатларда ҳарбий тузилмаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини самарали ҳимоя қилиш билан bogлиқ масалаларни ҳал этишда маҳсус ҳарбий юридик кадрларга катта эҳтиёж сезилмоқда.

Аммо мамлакатимизда ҳарбий юридик кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизими мавжуд эмас. Айни вақтда Куролли Кучлар тизимида қабул қилинаётган ва унда фаолият кўрсатаётган юридик кадрлар Тошкент давлат юридик университети, Ички ишлар вазирлиги Академияси, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳамда Қорақалпогистон давлат университетини тамомлаган бўлиб, мазкур олий ўқув юртларида ҳарбий хизматнинг ҳуқуқий асослари, умумҳарбий низомлар, ҳарбий хизматни ўташ ва ташкил этишининг хусусиятлари ҳақида етарли билим берилмайди.

Умуман олганда, Куролли Кучлар фаолияти ўзига хос йирик ва мураккаб ҳуқуқий муносабатлар мажмуи бўлиб, турли қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Ўз мазмунига кўра, ижтимоий ҳаётнинг нисбатан мустақил соҳаларини ташкил этувчи хилма-хил турли ижтимоий муносабатлар мажмуини тартибга соладиган бир неча ҳуқуқ соҳаларига оид нормалардан иборат тузилма қонунчиликнинг комплекс

соҳаси (масалан, транспорт, балиқчилик ҳўжалиги, ҳарбий, темир йўл муносабатларига оид қонунчилик) деб аталади². Бу борада Х.Т.Одилқориев ҳам ҳарбий қонунчиликни комплекс ҳуқуқ соҳаси сифатида тушунтириб, бу борадаги муносабатлар давлат, маъмурий, ер, молия, жиноят ва бошқа ҳуқуқ соҳаларига тегишли нормалар билан тартибга солинишини таъкидлайди³.

Шундай қилиб, Қуролли Кучлар фаолияти амалдаги қонун ҳужжатлари билан бирга ўзига хос маҳсус ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Ички хизмат низоми, Гарнizon ва қоровуллик хизматлари низоми, Интизом низоми ва бошқа бир қатор низомлар — билан ҳам тартибга солинади. Бу эса Қуролли Кучлар тизимида хизмат қилаётган юридик кадрлардан маҳсус ҳарбий-ҳуқуқий билимларга эга бўлишни талаб қиласди.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳарбий хизмат ўташни тартибга солиш, ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқ ва бурчларини, гарнizon ва қоровуллик хизматларининг ички тартиб-қоидаларини белгилаш, Қуролли Кучларда ҳарбий интизом ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш мақсадида қабул қилинган умумҳарбий низомлар ҳамда бошқа низомлар ўз ҳажмига кўра йирик ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланади.

Қуролли Кучлар тизимида юридик хизматда ва юридик мутахассислик талаб этилаётган бошқа лавозимларда хизмат қилаётган ҳарбий хизматчилар ўз фаолиятида амалдаги қонун ҳужжатлари билан бирга умумҳарбий низомлар ва ҳарбий соҳадаги қонун ҳужжатлари асосида фаолият юритади. Шу боис улар мазкур ҳужжатларнинг мазмунини тўлиқ ўзлаштириши учун маҳсус ўқув дастурлари талаб этилади. Юқорида номлари зикр этилган олий ўқув юртларида бундай ўқув дастурлари мавжуд эмас.

Фикримизча, Куролли Кучлар тизимини малакали ҳарбий юридик кадрлар билан таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтида ҳарбий юридик кадрлар

тайёрлайдиган, уларнинг малакасини оширадиган ва қайта тайёрлайдиган маҳсус факультет очиш лозим.

Бундай факультетни очиш зарурати куйидагилар билан ҳам боғлиқ:

биринчидан, Қуролли Кучлар фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишида малакали ҳуқуқшунос кадрларнинг иштироки етарли таъминланмаган. Бу эса Қуролли Кучлар тизимида амалда бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш зарурати юзага келганида бу иш ўз вақтида амалга оширилмаслигига ҳамда улар кўп ҳолларда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мос келмаслигига олиб келмоқда⁴;

иккинчидан, Қуролли Кучлар тизимларига ишга қабул қилинаётган юридик кадрлар таҳсил олган юридик таълим муассасаларининг таълим дастурларида асосан фуқаролик, маъмурий ва жиноят қонун ҳужжатларига оид мавзулар назарда тутилган бўлиб, ҳарбий соҳадаги қонун ҳужжатларига оид мавзулар акс этмаган;

учинчидан, ҳарбий ҳуқуқ нормаларининг тушунчалари ва аҳамиятини ёритувчи адабиётлар етарли эмас;

◆ *тўртинчидан*, Қуролли Кучлар тизимида оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун малакали мутахассислар етишмайди.

Ҳарбий юрист кадрлар тайёрлаш қуйидагиларга имкон беради:

1) Миллий гвардия, Ички ишлар, Мудофаа, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Давлат хавфсизлик хизмати ва ҳарбий прокуратура тизимларини малакали ҳарбий юрист кадрлар билан таъминлаш;

2) Қуролли Кучлар тизимидағи ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий соҳадаги билимларини ошириш;

3) ҳарбий соҳага оид қонун ҳужжатлари мукаммал бўлишига эришиш;

4) ҳарбий соҳада ҳуқуқий таргибот ишларини самарали амалга ошириш.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, келгусида Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтида ҳарбий юридик кадрлар тайёрлаш тизими йўлга қўйилса, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари тизимида юридик мутахасислик талаб этиладиган лавозимларни асосан Миллий гвардия Ҳарбий-техник институтини тамомлаган ҳарбий юридик кадрлар билан жамлаб бориш зарур бўлади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 апрелдаги ПҚ-2932-сон «Тошкент давлат юридик университетида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарори //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – 19-сон. – 335-м; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.04.2018., 07/18/3666/1073-сон, 11.07.2018., 06/18/5475/1489-сон.

² Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т.12. – Т., 2006. – Б. 205.

³ Одилқориев Х.Т., Тультеев И.Т., Азизов Н.П. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. – Т., 2009. – Б. 355.

⁴ Масалан: Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Ички хизмат низоми, Гарнizon ва Қоровуллик хизматлари низоми, Интизомий низомлари 1996 йилда тасдиқланганидан кейин ўтган йиллар мобайнида давлат ва жамият қурилиши соҳасида, жумладан Қуролли Кучлар тизимида жиддий амалий ислоҳотлар амалга оширилган бўлишига қарамай, ушбу низомларга бирор марта ҳам ўзгартиш ва қўшимча киритилмаган. Қолаверса, мазкур низомларнинг нормалари рус тилидан тўғридан-тўғри таржима қилингани боис тушунарсиз баён этилган.

M. R. Рафикова,

*ДБҚ Божхона институти ўқув-услубий ва тадқиқот фаолиятини
мувофиқлаштириши бўлими катта инспектори*

БЎЛАЖАК БОЖХОНА ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ

Аннотация. Мақолада бўлажак божхона органлари ходимларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш масалалари кўриб чиқилган, курсантларда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш яхлит педагогик жараён сифатида комплекс тадқиқ этилган.

Таянч сўзлар: ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий тарбия, ҳуқуқий онг, божхона органи, бўлажак божхона органи ходимлари.

Повышение правовой культуры будущих сотрудников таможенных органов

Аннотация. В статье рассматриваются вопросы, связанные с повышением правовой культуры будущих сотрудников таможенных органов, изучен процесс формирования правовой культуры курсантов как целостная педагогическая система.

Ключевые слова: правовая культура, правовое воспитание, правовое сознание, таможенный орган, будущие сотрудники таможенных органов.

Improving the legal culture of future customs officers

Annotation. The article is devoted to the issues related to the improvement of the legal culture of future personals of customs authority, as well as the process of education of the legal culture of cadet as a holistic pedagogical system is studied.

Keywords: legal culture, legal upbringing, legal awareness, customs authority, future personals of customs authority.

Ўзбекистон Республикаси Президенти нинг 2018 йил 2 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси божхона органлари кадрларини тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3995-сонли қарорида бўлажак божхона органи ходимларининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш бўйича самарали тизимни яратиш, шунингдек республикамиз Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2019 йил 9 январь «Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-5618 Фармони ҳамда ДБҚнинг 2019 йил 19 январдаги «Жамиятда ҳуқуқий маданиятини юксалтириш концепциясини 2019 йилда самарали амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» ижроси доирасида давлат божхона хизмати органлари томонидан амалга

ошириладиган чора-тадбирлар режаси»да «Давлат хизматчиларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириб бориш, уларда коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасизлик муносабатини шакллантириш» асосий вазифалардан бири этиб белгиланди. Мазкур хужжатлардан келиб чиқсан ҳолда, божхона органлари учун малакали кадрлар тайёрлашда бўлажак божхона органи ходимларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнида уларнинг фаоллигини ошириш, юксак маънавиятли, мустақил фикрловчи, қатъий ҳаётӣ позиция, кенг дунёқараш ва чукур билимга эга бўлган ватанпарвар ёшларни тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига қўтарилигани бежиз эмас. Чунки

бўлажак божхона органи ходимининг асосий вазифаларидан бири – божхона соҳасига оид ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, қонун ҳужжатлари бузилишининг олдини олиш ҳамда фуқароларнинг божхона соҳасидаги ҳуқуқий маданиятини оширишдан иборат.

Бўлажак божхона органи ходимларининг ҳуқуқий онги ва маданиятини шакллантириш маҳсус ташкил этиладиган, ҳар бир мақсад йўлига қаратилган фаолият бўлиб, тарбияланувчининг ҳуқуқий онгига таъсир этадиган психологик жараёндир. Психологик жараён эса «ҳуқуқий тарбиялаш», «таъсир этиш субъектлари», «тарбиявий таъсир этишнинг мазмуни», «таъсир этиш объектлари» каби элементларнинг узвийлигини талаб этади.

Ҳуқуқий маданият шахсий эътиқодларга эмас, балки қонунга асосланиб ҳаракат қилиш қобилиятидир. Шунинг учун ҳам маданиятсиз хулқ-атвор, ҳуқуқ нуқтаи назаридан, шахс ёки гурӯҳларнинг юридик нормаларга салбий муносабати, амалдаги қонунларни менсимаслиги ёки бузиши демакдир. Бугун жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга катта эътибор қаратилаётгани бежис эмас. Чунки инсоният цивилизасиясининг ажралмас қисми бўлган ва кишилик жамиятида муҳим роль ўйнайдиган умумий маданиятнинг муҳим бўгини, сўзсиз, ҳуқуқий маданиятдир.

Ҳуқуқий маданият – жамият аъзолари бўлмиш фуқароларнинг ҳуқуқий билим даражаси, ҳуқуққа нисбатан ҳурмати ва жамиятда ҳуқуқнинг юксак қадрият сифатида эъзозланишидир¹.

Ҳуқуқий маданият – қонунчилигимизга ҳурмат билан қараш, уни ўрганиш, ижро этиш, такомиллаштириш, ривожлантириш, ижтимоий муносабатларни тартибга солиш ишларида фаол қатнашиб, демократик давлат барпо этишда адолат барқарорлиги ва қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилишдир. Ҳуқуқий маданият шахснинг ижтимоийлашуви жараёнида етакчи роль ўйнайди. Ҳозирги жамиятда ҳуқуқий

маданият инсон умумий маданиятининг муҳим таркибий қисми сифатида майдонга чиқмоқда.

Ҳуқуқий маданият – шахсни шакллантиришда асосий механизм ҳисобланган ҳуқуқий маълумот ва ҳуқуқий тарбиянинг асосий кўрсаткичи.

Ҳуқуқий маданиятнинг шаклланиш жараёни онгнинг тарақкий этишини, ҳуқуқий тасаввурлар доирасининг кенгайишини, устқурма ва ахлоқий-ҳуқуқий қадриятларнинг шаклланишини, бўлажак божхона органи ходимларида мустақил изланиш фаолиятининг ривожланишини кўзда тутади.

Бўлажак божхона органи ходимларининг ҳуқуқий маданияти нафақат ҳуқуқий онгнинг таркибий элементини, балки ҳуқуқ соҳасидаги фаолиятини ҳам умумлаштиради. Ҳуқуқий маданият ҳуқуқий маълумотларнинг ҳажми, ҳуқуқий билимларнинг даражаси, қонунчилик талабларини, ҳуқуқий ҳодиса ва жараёнларнинг моҳиятини тушуниш, таҳлил қилиш, қиёслаш ва шу асосда тўғри хуросалар чиқариш қобилияти бўлиши билан бирга уларга риоя қилиш кўникмалари ҳамдир. Шунинг учун ҳам бўлажак божхона органи ходимларининг ҳуқуқий маданиятини доимий равишда такомиллаштириб бориш долзарб вазифа ҳисобланади.

Бўлажак божхона органи ходимларининг ҳуқуқий маданияти эса уларнинг хулқ-атворига объектив тарзда таъсир этадиган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, тарихий, миллий, анъанавий, диний, фалсафий, мафкуравий омиллар билан бирга, муайян мақсадга йўналтирилган тарбиявий ишлар воситасида шаклланади. Бунинг учун профессор-ўқитувчилар тингловчиларга назарий ва амалий билимларни бериб бориши, амалиёт билан боғлиқ турли муаммоли масалаларни қўллаши ҳамда уларни мустақил изланишга йўналтириши даркор. Зоро, муаммоли масалалар бевосита реал вазиятлар билан боғлиқ бўлади ва курсантларга реал ҳаётий шароитларда қарор қабул қилиш имконини беради. Бу эса таълим беришнинг жуда муҳим қисми

ҳисобланади, таълим бериш ва ўқитишнинг барқарор мавзуларини ҳамда ўзлаштириш давомида фикрлаш ва ижодий қобилиятнинг шаклланишига ўзаро таъсир қилиш жараёнини йўналтиришни назарда тутади. Бу эса умумий маданий савия ва ҳуқуқий маданиятнинг ривожланишини рағбатлантиради.

Бўлажак божхона органи ходимларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда ҳуқуқий таълим-тарбиянинг ўрни бекиёсдир. Ҳуқуқий тарбия алоҳида жараён бўлиб, инсон ҳаётининг муайян босқичда амалга оширилади. Тарбиянинг муайян вақт давомида амалга оширилмаслиги кейинги босқичларда ушбу жараённи қийинлаштиради. Бу, энг аввало, инсоннинг ёш хусусиятлари билан боғлиқ бўлиб, унинг ўқиб-ўрганиш, тарбия шаклидаги ташки таъсирларга жавоб бериш қобилиятининг пасайиши билан изоҳланади.

Ҳуқуқий тарбия – тарбиянинг ажралмас қисми бўлиб, барча фуқароларда, хусусан, курсантларда ҳуқуқий билимлар асосида, ҳуқуқий онг тушунчасини шакллантириш, ҳуқуқий маданиятни ривожлантириш борасида божхона органлари томонидан олиб бориладиган тадбирларда намоён бўлади. Бунинг натижасида эса қонунчиликни мустаҳкамлаш, ҳуқуқий нормаларни ҳурмат қилиш ва билишга эришилади.

Ҳуқуқий тарбиянинг асосий вазифаларидан бири шахсда ҳуқуқ нормаларини ўрганишга эҳтиёж уйготиш, яъни ўзини мустақил равишда ҳуқуқий тарбиялашга одатлантиришдир. Ҳуқуқий нормаларга ҳурмат руҳида тарбияланган шахс қонунқоидаларга мунтазам равишда амал қилиб боради ва бошқаларни ҳам шунга чорлайди.

Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, инсон 30 ёшга қадар зарур тарбияга, шу жумладан ҳуқуқий тарбияга эга бўлмаса, ҳаётининг кейинги даврида жамият ундан талаб қилаётган йўналишда қайта тарбиялашга таъсирчанлиги камаяди, шаклланиб бўлган фикр, эътиқод ва дунёқарашни ўзгартириш мушкул вазифага айланади. Аксинча, 30 ёшга қадар мактаб, лицей ва

олий ўқув юртларида таҳсил олаётган ёшлар эса ҳуқуқни тўғри тушуниш, унга амал қилиш ҳисси кўпроқ ривожланган бўлади. Улар жамиятдаги, жумладан, ҳуқуқ соҳасидаги ўзгаришларга тезроқ кўникадилар, қонунчиликдаги ўзгаришларни англаб борадилар. Мамлакатимизда 18 ёшгача бўлганлар аҳолининг 40 фоизини, 30 ёшгача бўлганлар эса 64 фоизини ташкил этишини инобатга олсан, ёшларнинг ҳуқуқий таълим-тарбиясини фаолиятимизнинг бош йўналиши сифатида белгилашимиз зарурлиги маълум бўлади².

Бугун юртимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотларнинг мақсади, аввалимбор, инсон манфаатлари билан боғлиқ экан, ҳуқуқий-демократик давлат қуриш, қонун устуворлигини таъминлаш, ялпи маънавий тикланиш жараёнлари, фуқаролик жамияти ва комил инсонларни вояга етказиш, биринчи навбатда, миллий ўзликни англаш жараёнини кучайтириш кўп жиҳатдан таълим-тарбия соҳасидаги ислоҳатларнинг қай дараҷада муваффақиятли ҳал этилишига боғлиқ.

Ҳуқуқий маданият ҳалқимиз, ёшларнинг ҳуқуқий фикрларини ўзлаштиришдаги ҳаётий принципларига амал қиласи ҳамда билим эгаллаш нормаларига айланади. Ҳуқуқий маданият шартли равишда жамиятнинг ва шахснинг ҳуқуқий маданиятига ажратилади. Жамиятнинг ҳуқуқий маданияти ҳуқуқий онг, қонунийлик, қонуларни такомиллаштириш ва ҳуқуқий тажрибанинг муайян даражасини акс эттирадиган ҳамда инсоният ҳуқуқ соҳасида яратган бутун бойликларни қамраб оладиган ижтимоий маданият тури ҳисобланади ҳамда шахс эркинлиги ва хавфсизлигини, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, уни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш ва ижтимоий фаоллигини кафолатлаш учун замин саналади.

Шахснинг ҳуқуқий маданияти жамият ҳуқуқий маданиятининг таркибий қисмидир. Бу фаолият ҳуқуқ соҳасида жамият тараққиётига ва унинг маданиятига мос келади, натижада шахс ва жамият бойиб боради. Шубҳасиз, шахснинг юксак ҳуқуқий мада-

нияти жамиятнинг тараққиётини таъминлайди.

Бўлажак божхона органлари ходимларининг ҳуқуқий маданиятини такомиллаштиришда курсантларнинг ҳуқуқий маданиятини тарбиялаш жараёни яхлит педагогик тизим сифатида комплекс тадқиқ этилди, шунингдек ҳуқуқ тарбия жараёнининг психологик-педагогик моҳияти ва ўзига хос жиҳатлари, ҳуқуқий тарбиялашнинг асосий вазифалари, усул ва воситалари ажратиб кўрсатилди ва таҳлил қилинди.

Курсантлар ҳуқуқий маданиятининг шаклланганлик мезонлари – ҳуқуқий тайёргарлик, ҳуқуққа қадрият сифатида муносабатда бўлиш ва уни амалда қўллаш, ҳуқуқий барқарорлик ва йўналтирилганлик, ҳуқуқий фаоллик мезонлари – ишлаб чиқилиб,

курсантларнинг ҳуқуқий маданиятини самарали шакллантириш ва ривожлантириш технологияси, шахснинг ҳуқуқий маданияти даражасини кўрсатувчи асосий хислатлари ажратиб кўрсатилди.

Тажриба-синов ишларининг бошида ва якунида мазкур касбга хос технологик жараёнларнинг мазмунига мувофиқ **250** нафар курсантда (**125** нафари – назорат гурӯҳларининг, **125** нафари эса тажриба гурӯҳларининг вакиллари) амалий кўникмаларнинг шаклланиш даражаси аниқланди.

Бўлажак божхона органлари ходимлари ҳуқуқий маданиятининг ривожланиши юқори, ўрта ва қутида даражалар кўрсаткичлари (мезонлари) бўйича аниқланди. Натижалар қутидагича бўлди (1-жадвалга қаранг).

Шу ўринда тажриба ҳамда назорат гурӯҳ-

Бўлажак божхона органлари ходимларининг ҳуқуқий маданиятини такомиллаштириш асослари

1-жадвал

№	Ҳуқуқий маданият асосларининг таркибий қисмлари	Даражалари					
		Назорат гурӯҳи		Тажриба гурӯҳи			
		куюи	ўрта	юқори	куюи	ўрта	юқори
1	Ҳуқуқий тарбия жараёни	34	80	11	32	76	17
2	Маънавий-ахлоқий салоҳиятга эгалиги	43	70	12	28	79	18
3	Касбий компетентликни юқори даражада шакллантириш	40	72	13	22	83	20
4	Соҳа бўйича ҳуқуқий, иқтисодий билимларни ошириш, кўникмалар шакллантириш	44	71	10	32	77	16
5	Ахборот технологиялари ва педагогик технологиялардан фойдаланиш	46	66	13	30	76	19
6	Курсантларда юксак ахлоқий, руҳий ва жанговар фазилатларни тарбиялаш	45	69	11	28	79	18
7	Курсантларнинг умумий маданиятини ривожлантириш	48	65	12	33	75	17
8	Ҳар бир курсантга мардлик ва матонат, Ватанга садоқат билан хизмат қилиш ҳиссини сингдириш	50	64	11	25	81	19
9	Курсант ва тингловчи ёшларда мустаҳкам ахлоқий қадриятларни шакллантириш	52	65	9	24	82	19
Ўртача арифметик қиймат:		46	68	11	28	79	18

ларига бириктирилган синаалувчиларнинг тажриба-синов ишлари бошида ва якунида эришган кўрсаткичларини ўзаро қиёслаш мақсадида алоҳида жадвалларда акс эттириш мақсадга мувофиқ топилди (2-жадвалга қаранг).

**Бўлажак божхона органлари
ходимларининг тажриба-синов ишлари
якунида ҳуқуқий маданиятга эгалик
даражаси**

2-жадвал

№	Гуруҳлар	Даражалар		
		юқори	ўрга	қўйи
1	Тажриба гуруҳи ($n_1 = 125$ нафар)	18	79	28
2	Назорат гуруҳи ($n_2 = 125$ нафар)	11	68	46

Педагогик тадқиқотларда таклиф этилаётган методиканинг самарадорлиги тажриба ва назорат гуруҳларига бириктирилган синаалувчилар томонидан тажриба-синов ишларининг аввали ва якунида кўрсатилган кўрсаткичларни ўзаро қиёслаш асосида якуний хулосага келинди. Тадқиқот натижаларини қайта таҳлил этишга оид аксарият математик-статистик методларда илгари сурилаётган фояга кўра қайта таҳлил айнан тажриба ва назорат гуруҳлари синаалувчиларининг тажриба якунида кўлга киритган кўрсаткичлари ўртасидаги фарқقا кўра тадқиқот самарадорлигига баҳо берилади. Ана шу мақсадда Student методи фоясига мувофиқ, тажриба ва назорат гуруҳлари курсантларининг якуний кўрсаткичлари ўзаро қиёсланади. Тажриба-синов натижага

лари якунига кўра тажриба гуруҳида назорат гурухига нисбатан «юқори» кўрсаткич – 7% га, «ўртача» кўрсаткич – 9% га ошиб, «қўйи» кўрсаткич 14% га камайганлиги аниқланди.

Ушбу натижалар ва мазкур статистик маълумотлар биз ишлаб чиқсан ва амалиётда синаб кўрган тизим бирмунча самарали деган хулоса чиқаришимизга асос бўлди.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, бўлажак божхона органи ходимларида ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятнинг шаклланиши шахс назариясига, унинг шаклланишига, тарбияси ва камол топишига тааллуқли диалектик қонуниятлар бўлиб, мамлакатдаги ҳуқуқий тарбия, ҳуқуқий онг, гоя ва ҳуқуқий маданият билан боғлиқдир. Бу, албатта, табиий ҳол, чунки ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқий маданият бир-бири билан диалектик боғлиқ бўлган бир нечта таркибий қисмларни қамраб олган жуда кенг ва мураккаб тушунчадир.

Мазкур таркибий қисмлар: биринчидан, ҳуқуқий маданиятнинг негизи ҳисобланган ҳуқуқ; иккинчидан, ҳуқуқни шахс онги ва ижтимоий онгда намоён қилувчи ҳуқуқий онг; учинчидан, ўзининг амалий фаолиятида ҳуқуқий маданиятни намоён қилувчи юридик муассасалар; тўртинчидан, ҳуқуқий маданиятнинг амалда намоён бўлишини кўрсатувчи ҳуқуқий муносабатлар; бешинчидан, ҳуқуқий маданиятнинг қандай дараҷадалигини кўрсатувчи ҳуқуқий хатти-ҳаракатлар³ бўлиб, уларнинг биридаги ижобий ёки салбий ўзгаришлар, албатта, бошқаларига ҳам таъсир этади. Шунинг учун ҳам бўлажак божхона органи ходимларининг ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтиришда бевосита унинг барча таркибий қисмларини ривожлантириш долзарб вазифа ҳисобланади.

¹ Теория государства и права / Под. ред. Р.А.Ромашова. – СПб., 2005. – С. 341.

² Амонова М.А. Ёшлар ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда Конституциянинг ўрни ва аҳамияти // Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг ахборотномаси. –2018. – Махсус сон. – Б.53.

³ Таджиханов У.Т., Сайдов А.Х. Ҳуқуқий маданият назарияси. Т.1 / Масъул муҳаррир академик Ш.З.Уразаев. – Т., 1998. – Б. 36.

Ж. З. Джумабоев,

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси касбий тайёргарлик факультети бошлигининг ўринбосари

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИДА ВАТАНПАРВАРЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ҲАРБИЙ ТАРБИЯНИНГ ЎРНИ

Аннотация. Мақолада ички ишлар органлари ходимларида ватанпарварлик туйғусини шакллантиришда ҳарбий тарбиянинг ўрни, тингловчи-курсантларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг хусусиятлари, ҳолати ва уни ривожлантириш масалалари кўриб чиқилган.

Таянч сўзлар: ички ишлар органлари ходимлари, олий ҳарбий таълим муассасалари, ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, тарбия жараёнининг ахволи ва уни ривожлантириш масалалари.

Роль военного воспитания в формировании патриотизма у сотрудников органов внутренних дел

Аннотация. В статье рассмотрены вопросы проведения воспитательной работы по формированию и укреплению патриотизма у сотрудников и курсантов высших военных образовательных учреждений, её состояние и перспективы развития.

Ключевые слова: органы внутренних дел, высшие военно-образовательные учреждения, военно-патриотическое воспитание, сотрудники, курсанты, воспитательный процесс.

The role of military education in the formation of a sense of patriotism in the employees of internal affairs bodies

Annotation. The article discusses the issues of educational work on the formation and strengthening of patriotism among employees and cadets of higher military educational institutions, its condition and development prospects.

Keywords: internal affairs bodies, higher military educational institutions, military-patriotic education, employees, cadets, educational process.

«Ватан» сўзи, аслида, арабчадан олинган бўлиб, она юрт, туғилган макон маъноларини билдиради. «Ватан» тушунчаси кенг ва тор маънода қўлланилади. Киши туғилиб ўсган уй, маҳалла, қишлоқ назарда тутилганда тор маъно, бир халқ вакиллари жамулжам яшаётган, уларнинг аждодлари азал-азалдан истиқомат қилган ҳудуд ифодаланганида эса кенг маънога эга бўлади.

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда, «ватанпарварлик ҳар бир давлат ҳаётининг маънавий асоси ҳисобланади ва жамиятни ҳар томонлама ривожлантириш борасида энг муҳим сафарбар этувчи куч сифатида намоён бўлади»¹.

Инсонда ватанпарварлик туйғусини шакллантиришда тарихнинг ўрни бекиёсdir. Ўтмишда она Ватан ҳимояси, юрт тинчлиги учун жонини фидо қилиб, томирида охирги

томчи қони қолгунча душманга қарши қурашган аждодларимизнинг жасорати бунинг мисолидир. Широқ, Спитамен, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик каби аждодларимиз, миллий қаҳрамонларнинг жанг майдонларида кўрсатган ҳарбий маҳоратлари, ўша замон қуролларининг сирасорини пухта эгаллаганлиги, жангни юксак ақл-заковат билан олиб боришлари, мустаҳкам иродаси ва халқига садоқати каби олижаноб фазилатлари тўғрисидаги маълумотлар тарих саҳифаларидан маълум. Тарихий ватанини ёдидан чиқарган одам яшаб турган жойининг ҳам қадрига етмайди. Бундай одамлар юртида бирор ноҳушлик юз берса, дарҳол у жойни тарк этиб, бошқа кулайроқ маконга кетади.

Ватанпарварлик туйғуси халқимизнинг олтин мероси, анъаналари, тили ва маданиятига ҳурмат билан қарап, юрти-

мизнинг тарихини муттасил ўрганиб боришидир. Шунингдек, бу туйғу азиз ва гўзал Ватанимизга юксак эътиқод билан қараш, унга ҳамиша садоқатли бўлиш ҳам демак. Ватанга садоқатли бўлиш барчамизнинг фарзандлик бурчимиз. Бунинг учун эса Ватанни ҳис қила билиш, унга бўлган туйгуларни уйғотиш лозим. Ватан ҳисси шу юрт эгаси бўлган халқни билиш, қадрига этиш ва тан олишдан, буюклигини эътироф этишдан бошланади.

Ҳозирги кунда республикамиз ички ишлар органлари тизими ходимларини истиқомат қилаётган ҳудудига, халқига ва давлатига садоқатли этиб тарбиялаш, Ватанига бўлган муҳаббатини ошириш долзарб вазифалардан ҳисобланади. Бунинг учун республика Ички ишлар вазирлигига қарашли таълим муассасаларида таҳсил олаётган тингловчи ва курсантларни Ватанни ҳис қилиш, уни севишга чорлаш лозим.

Ички ишлар органлари ходимларини ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда Иккинчи жаҳон уруши фаҳрийларининг ўзига хос ўрни бор. Уларнинг урушдан кейинги тинчлик даврини ўрнатиш, жамият хавфсизлигини таъминлаш борасидаги тажриба ва сабоқларини ўрганиш, ибрат олиш, келажак авлодга етказиш вазифаси уларнинг сафи йилдан-йилга камайиб бораётгани туфайли янада долзарб бўлиб қолмоқда.

Таъкидлаш лозимки, уруш фаҳрийлари чуқур ҳурмат ва эҳтиромга сазовор инсонлардир. Чунки улар инсониятни нафақат фашизм балосидан халос қилиш ишига, балки жамоат тартибини сақлаш, халқ учун хавф туғдирувчи жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга ҳам салмоқли ҳисса қўшганлар. Уларнинг ҳаётий тажрибаларидан ички ишлар органлари ходимлар фаолиятининг самарадорлигини оширишда, мамлакатимиз тинчлиги ва мудофаа қудратини мустаҳкамлашда, ИИВ олий таълим муассасаларида таҳсил олаётган тингловчи ва курсантларимизни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда фойдаланиш улкан аҳамиятга моликдир.

Буни амалга ошириш учун эса қўйидаги принципларга риоя қилиш зарур:

– ҳарбий ватанпарварлик тарбиясида авлодлараро ворисийлик принципи ҳаётий ва малакавий тажрибага эга бўлган кекса авлоднинг янги авлод билан бевосита ҳамкорлигини ташкил қилиш орқали ёшларнинг ҳарбий ватанпарварлик тарбияси шакл ва усулларини такомиллаштиришга асосланади. Айни чоғда, у нафақат орттирилган тажрибага, балки назарий билимларга ҳам таянишни талаб қиласди;

– тингловчи ва курсантларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда тархийлик принципи тарихий тараққиётнинг барча даврларидаги ҳарбий саркардаларнинг жанговар фаолиятини, оддий аскардан бош қўмондонгача бўлган барча ҳарбий таркибнинг хулқи, муомаласи, билими ва малакаларини ўрганишга асосланади;

– ҳарбий ватанпарварлик туйғусини шакллантиришда давлат органлари, жамоат ташкилотлари, бирлашмалар ва бошқа ижтимоий институтлар билан ҳамкорлик принципи. Бу эса жамоа орқали амалга оширилади. Жамоавий тарбия тизими ички ишлар органларининг ходимларини Ватан ҳимоясига тайёрлаш стратегияси ва тактикасига асосланади. Фақат жамоагина юксак масъулиятли, Ватанга муҳаббат ҳиссига эга, ҳар жиҳатдан ривожланган шахсни тарбиялаши мумкин (индивидуал ёндашув бундан мустасно).

Ватанпарварлик ўз-ўзидан шаклланмайди, у ўзликни англаш, Ватанни, халқни севишдан бошланади. Инсон ўзини ҳурмат қилишга ўрганмасдан, халқига, Ватанига муҳаббат қўймасдан ватанпарвар бўлолмайди. Ватанпарварлик ўз халқи учун ҳеч иккиланмасдан жон беришга тайёр туришдек руҳий ҳолатдир (бундай руҳий ҳолатни ота-онанинг фарзандларига бўлган муносабатида кўриш мумкин)².

Ҳарбий ватанпарварлик тарбиясининг бош вазифаси – мустақил, ўз йўлидан ривожланаётган Ватанимизни севиш, Қуролли Кучларимиз билан гуурланиш,

жанговар ва меҳнатга оид урф-одатларимизга содик бўлиш, ҳарбий меҳнатни ҳурмат қилиш ҳис-туйғуларини ҳар томонлама ривожлантириш, озодлик ва мустақиллигимизни қўлимизда қурол билан муҳофаза қилишга доимий шайликни шакллантириш, ўз фуқаролик бурчини адо этишдир.

Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси ёшларда ҳарбий хизматга қизиқишни ривожлантириш, ҳарбий касбларни эгаллаш, ёшларни Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари сафида хизматга тайёрлашда қўмаклашишни назарда тутади³.

Юқорида келтирилган принципларга асосланилганида ҳарбий ватанпарварлик тарбияси мустаҳкам бўлади. Бироқ ушбу принциплар мажбурий қоида эмас, балки комплекс ёндашувнинг бир қисми, холос. Зеро, ҳарбий ватанпарварлик тарбиясига комплекс ёндашиш тарбияни оптимальлаштириш (мақбуллаштириш), ёшларнинг ахлоқий-сиёсий, психологик, ҳарбий-техник ва жисмоний тайёргарликларини яхшилаш воситасидир. У, бир томондан, тарбиянинг санаб ўтилган жиҳатларини, бошқа томондан эса ғоявий-сиёсий, меҳнатга оид ва ахлоқий тарбия билан ўзаро таъсирини тақозо этади.

Афсуски, баъзида ҳарбий ватанпарварлик тарбияси бир ёқлама баҳоланади. Бунда фақат ватанпарварлик тарбиясига эътибор қаратилиб, жисмоний ва ҳарбий-техник тайёргарлик ҳолатлари ҳисобга олинмайди. Ҳарбий ватанпарварлик тарбиясининг кўрсаткичлари ёшларнинг юксак ахлоқий-сиёсий тайёргарлиги, ҳарбий машқларни ўрганишдаги фаоллиги, оммавий спорт машғулотларидаги иштирокида намоён бўлади. Бизнинг бу борадаги асосий мақсадларимиздан бири ҳар бир шахсда Ватанни севиш, унинг учун бутун кучгайратини бағишлиш, шон-шавкати, номи, мавқеи билан гуурланиш хислатларини шакллантиришдир.

Ҳарбий ватанпарварлик тарбиясига комплекс ёндашувни амалга ошириш учун ҳарбий ватанпарварлик иши тажрибасини

умумлаштириш зарур. Бу жараёнда педагогиканинг илмий қоидалари ва амалий хуносалари муҳим роль ўйнайди. У тарбия жараёни қонуниятлари, таркиби ва механизмларини билиш, ҳарбий ватанпарварлик иши назарияси ва методикасини, принциплари ва ташкилий шаклларини эгаллашда ёрдам беради. Педагогика фани тадқиқотчи ва амалиётчиларни ёшларда ватанпарварлик ҳиссини ва ҳарбий ишни эгаллашга интилишни шакллантириш усуслари билан қуроллантиради.

Одамлар руҳий ҳолатининг ўзига хослиги ҳақидағи билимларга таяниш ички ишлар органлари ходимларининг Ватан ҳимояси ҳамда ўз бурчини бажаришга психологик тайёргарлиги борасидаги амалий тавсияларни янада такомиллаштиришни талаб қиласди.

Ҳарбий ватанпарварлик тарбиясини ташкил қилишда ҳарбий машқларга оид билимларни ўргатувчи ҳарбий фаннинг қоида ва хуносаларига таяниш керак. Зеро, ҳарбий фанлар Ватан ҳимоячиси қандай жанговар, ахлоқий-сиёсий ва психологик сифатларга, қандай билим, кўнишка ва малакаларга эга бўлишлари керак, деган саволга жавоб топиб беради.

Ҳарбий таълим ва ҳарбий тарбия ватанпарварликни шакллантиришининг муҳим воситаси бўлиб, Ички ишлар вазирлигига қарашли таълим муассасаларида таҳсил олаётган тингловчи ва курсантларнинг ғоявий ва мъянавий қиёфасини шакллантиришда, билим ва кўнишкаларини ўстиришда муҳим ўрин тутади.

Тарбия – шахс онгини муайян жамиятнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ равишида таркиб топтириш ҳамда ривожлантириш жараёни, инсонларни ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётда фаол иштирок эттиришга йўналтирилган барча таъсирлар мажмуи.

Таълим-тарбия борасида оила, турли жамоат ташкилотлари, фан, техника, адабиёт, санъат, оммавий ахборот восита-лари, турли тарғибот-ташвиқот тадбирлари ҳам самарали таъсир кўрсатади.

Ички ишлар вазирлиги тизимида олий таълим муассасаларида таълим-тарбия олаётган тингловчи ва курсантларнинг умумий ҳарбий руҳини кўтаришда, уларни матонатли, шиҷоатли қилиб тарбиялашда аждодларимиздан бизга мерос қолган ҳарбий билимларни оммалаштириш, ҳарбий жанг санъати сирларини ўргатиш ҳам самарали омиллардан ҳисобланади.

Тарихдан маълумки, туркӣ ҳалқларда ўз вақтида бутун дунё бўйича энг қудратли қўшинлар бўлган, Амир Темурдек буюк лашкарбошилар етишиб чиқсан, ҳарбий стратегия ва тактика пухта ҳамда мукаммал ишлаб чиқилган⁴.

Тарбиянинг қайси соҳаси бўлмасин, унинг тарихи, аждодларимизнинг тажрибаси, уларнинг бу борадаги панднома ва ўйтларини ўрганиш бугунги тарбиячи учун алоҳида аҳамият касб этади. Модомики, «Тарбиячи-устоз бўлиш учун, бошқаларнинг ақл-идрокини ўстириш, маърифат зиёсидан баҳраманд қилиш, ҳақиқий ватанпарвар этиб етиштириш учун, энг аввало, тарбиячининг ўзи ана шундай юксак талабларга жавоб бериши, ана шундай буюк фазилатларга эга бўлиши керак»⁵.

Ҳозирги кунда «ҳарбий ватанпарварлик» тушунчасининг мазмуни, умуман, таълим-тарбия билан алоқадорлиги ва истиқболини ўрганиш зарур. Муҳими бу масаланинг назарий жиҳати эмас, балки амалий аҳамиятини аниқлашдан иборат.

Шўролар замонида миллатимиз вакиларининг ҳарбий таълим-тарбия олишига имконият ва зарурат бўлмаган, шу боис ҳарбий ватанпарварлик тарбиясига етарли эътибор берилмаган. Чунки шўро ҳукумати миллий ҳарбий кадрлар етиштириб чиқаришга қарши турган. Оз сонли миллий офицерларимиз ва аскар йигитларимиз совет ҳалқига хизмат қилишга, ҳарбий қасамёд қабул қилишга мажбур бўлганлар. Бошқа соҳалар сингари, ҳарбий ватанпарварлик тарбияси ҳам мафкуралаштирилган, яъни фақат коммунистик тарбияга мосланган эди.

Мустақиллик шарофати билан республикамида Мудофаа ва Ички ишлар вазирликларида қарашли олий таълим муассасаларида таълим-тарбия олаётган бўлажак офицерлар энди бегона мамлакатга эмас, она юртига, Ватанига, Ўзбекистон Республикасига, ҳалқига қасамёд этиб, садоқат билан хизмат қиласилар. Улар мақсад ва вазифаларини аниқ биладилар.

Ўзбекистон Президенти, Қуролли Кучлар Олий бош қўмондони Шавкат Мирзиёев Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган таркибдаги мажлисида таъкидлаганидек: «Ёш авлодимизда қатъий позиция ва Ватанимиз тақдирни учун юксак масъулият туйгусини шакллантириш алоҳида аҳамиятга эга. Шуни ҳисобга олиб, мамлакатимизда ўрта мактабдан бошлаб олий ўқув юртларигача қамраб оладиган узлуксиз ҳарбий таълим ва ватанпарварлик тарбияси бўйича ўзига хос ноёб ва яхлит тизим яратилмоқда. Ушбу тизим мутлақо янги ҳарбий билим юртлари, лицей ва коллежлар фаолиятини такомиллаштириши, «Темурбеклар мактаби» ҳарбий академик лицейлари ташкил этишни кўзда тутади».

Шунинг учун ички ишлар органдарида нафақат мағкуравий, ижтимоий, иқтисодий, ахлоқий ва гоявий асослар, балки ҳарбий фанларни ўқитиши жараёнидаги ҳарбий ускуналар ва қурол-яроғларнинг сирасорини пухта эгаллашни қучайтириш билан бирга, ҳарбий таълим беришда ҳарбий ижтимоий-сиёсий йўналиш сифатида ходимларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳам муҳимдир.

Ватанпарварлик тарбияси орқали тингловчи ва курсантларнинг онги ва қалбига таъсир кўрсатишида Ички ишлар вазирлиги тизимида олий таълим муассасалари раҳбарияти ва профессор-ўқитувчиларининг имкониятларидан оқилона фойдаланиш зарур.

Хулоса қилиб айтганда, Ички ишлар вазирлиги тизимида таълим муассасаларида тингловчи ва курсантларни ҳарбий ватанпарвар этиб тарбиялаш барча тадбир-

ларнинг бош мақсадидир. Ватанпарварлик эътиқодини шакллантириш таълим-тарбия ишларининг заминидир. Тингловчи ва курсантларда ватанпарварлик ва миллий ифтихор туйгулари қанчалик кучли бўлса, уларнинг маънавий камолотга, Ватан ҳимоясига ва ҳалқ тинчлигини сақлашга эҳтиёжлари ҳам мустаҳкам ва барқарор бўлади. Ватанпарварлик эътиқоди, миллий ифтихор туйгусини шакллантириш тарбия-чиларнинг ўзларида ҳам шундай фазилатлар мужассам бўлишини тақозо этади. Бунинг учун эса:

ижтимоий-гуманитар фанларни ўқиши жараёнида тингловчи ва курсантлар томонидан миллий ғоянинг асослари билиб олинади, янги дунёқараш шаклланади, Ватанга муҳаббат туйгулари кучаяди, Ватан ҳимоясига тайёргарлигини белгилаб берувчи хислатлар тарбияланади;

tinglovchi va kursantlarning vatanparvarlik eъtiqodlari, Vatan ҳimояsi va halқ

тинчлигини таъминлашдаги тайёргарлиги соғ ҳарбий фанларни ўқитиш жараёнида ҳам шаклланади. Бу жараёнда тингловчи ва курсантлар ҳарбий билим ва техниканинг устувор йўналишлари, кашфиётлар, армия қудрати ҳақида билимларга эга бўладилар;

tinglovchi va kursantlarda vatanparvarlik eъtiqodini shakllanтиришда halқimizning boy tariхий merosi va anъanalarini biliш muҳimdir. Bu boradagi anъanalarning moҳиятини узоқ ва яқин ўтмишда Vatan va millat manfaatlari йўлида fidoyiliк kўrsatgan halқ қаҳрамonlарининг faoliyati, Ўзбекистонning mustaқil taraққиёт йўлидаги ютуқлari misoliida očib bериш maқсадga muvofiқ;

ҳарбий фанларни ўқитиш жараёнида тингловчи ва курсантларда миллий манфаатlarни anglash va қадrlash bilan bogliқ vatanparvarlik fazilatlari shakllaniшини taъminlaш зарур.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Куролли Кучлар ташкил этилганининг 25 ийлиги муносабати билан ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табриги // Халқ сўзи. – 2017. – 13 янв.

² Мамадалиев Ш.О. Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойилар. – Т., 2011. – Б. 19–20.

³ Сатибалдиев А.А., Мамуров У.И. Ҳарбий ватанпарварлик тарбияси. – Т., 2007.

⁴ Иброҳимов А., Султанов X., Жўраев Н. Ватан туйгуси. – Т., 1996. – Б. 130–132.

⁵ Каримов И.А. Биз танлаган йўл — демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. – Т., 2003. – Б. 168.

ТАНҚИД ВА БИБЛИОГРАФИЯ КРИТИКА И БИБЛИОГРАФИЯ

Тожибоев М. Т. Миллий ва умумбашарий қадриятлар: генезиси ва эволюцияси (1991–2016 йиллар): Монография / М.Т.Тожибоев; профессор К.Н.Норматов умумий таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. – 132 б.

Мустақиллик даври мазмун-моҳияти, амалга оширилган ва оширилаётган ишлар кўлами, халқимизнинг ҳуқуқий онги ва маданияти, тарихий тафаккури ҳамда турмуш тарзига кўрсатган таъсири нуқтаи назаридан бир неча асрларга тенг бўлди. Мустақиллик йилларида мамлакатимиз тарихчилари Ватанимиз ўтмиши, жумладан энг янги тарихининг кўплаб муаммоларини илмий тадқиқ этиш борасида қатор ютуқларга эришди.

Миллий тикланиш ва юксалиш сари қадам ташланган ушбу йилларда ўзбек халқи тақдирида туб бурилиш ясалди, мутлақо янги тараққиёт даври бошланди. Бу давр ҳаққоний равишда миллий уйғониш, янгиланиш, ўзликни англаш, миллий ва умумбашарий қадриятларни тиклаш ҳамда ривожлантириш даври сифатида Ватанимиз тарихидан муносиб ўрин олди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 16 декабрда «Ўзбекистоннинг янги тарихини тайёрлаш ва нашр этиш тўғрисида»ги қарори қабул қилиниши Ўзбекистоннинг янги тарихини тайёрлаш ва нашр этиш борасидаги ишларни тизимли ташкил этиш ва жадаллаштиришга туртки бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузурида Ўзбекистоннинг энг янги тарихи бўйича жамоатчилик кенгashi фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-3105 сон қарорига мувофиқ, ташкил этилган

Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи методик марказ ҳозирги кунда ушбу соҳада фаол иштирок этган ҳолда тарихшунослигимизнинг ривожланиши истиқболларига муносиб ҳисса кўшиб келмоқда.

Истиқлол даврини ўрганиш, унинг ҳаққоний тарихини яратиш тарихшунослигимиз олдидаги долзарб вазифалардан ҳисобланади. Бу давр тарихини тадқиқ этишга қўл урган ва дастлабки илмий хуросалар чиқарган тарихчи олимларимиз Ватанимиз тарихининг ана шу даврини «Энг янги тарих» деб ҳам атамоқдалар. Мазкур монография ана шу маъсулиятли даврдаги миллий ва умумбашарий қадриятларнинг ривожланишини ўрганишга бағищланган.

Муаллиф асарда Ўзбекистоннинг энг янги тарихини уч даврга, яъни 1991–2000, 2001–2010 ҳамда 2011 йилдан кейинги давларга бўлиб ўрганишга жуда тўғри бўлган.

Шу нуқтаи назардан, 25 йиллик тарихий даврни қамраб олган ушбу монография муқаддима, саккизта параграфни қамраб олган тўртта боб, хуроса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, унда миллий ва умумбашарий қадриятларнинг келиб чиқиши ва тадрижий ривожланиши методологик жиҳатдан чуқур таҳлил қилинган.

Асарнинг Ўзбекистон давлатининг миллий ва умумбашарий қадриятлари генезиси ва эволюциясининг концептуал-методологик асосларини таҳлил қилишга

багишланган биринчи бобида миллий ва умумбашарий қадриятларнинг моҳияти, келиб чиқиши билан боғлиқ айрим назарий-концептуал масалалар ёритилган. Китобнинг иккинчи бобида миллий ва умумбашарий қадриятларнинг тикланиши ва ривожланиш босқичлари, шунингдек миллий ва умумбашарий қадриятлар тарихи таҳлил қилинган ҳамда тарихий ривожланиш йўллари, таълим-тарбия тизимининг равнақ топишида миллий ва умумбашарий қадриятларнинг таъсири ўз аксини топган. Монографиянинг миллий ва умумбашарий қадриятлар ҳамда устувор стратегик йўналишларни тарихий жиҳатдан тизимли ўрганишга доир учинчи бобида тарихийлик принципининг ривожланиши, Ўзбекистон тараққиётининг стратегик дастурлари ва уларнинг тарихий аҳамияти кўрсатилган. Асарнинг сўнгги – тўртинчи бобида мамлакатимизда туб бурилиш йилларида миллий ва умумбашарий тарихий қадриятлар тараққиётининг янгиланиш ҳамда юксалиш босқичлари, янги Ўзбекистон тарихининг ривожланиш жараёнларида миллий ва умумбашарий қадриятларнинг халқаро муносабатлардаги аҳамияти баён этилган.

Монографияда Ўзбекистон халқи миллий ва умумбашарий қадриятлари тикланиши ҳамда ривожланишининг

bosқичлари, тамойиллари, назарий-концептуал асослари ва устувор стратегик йўналишлари тизимли равиша очиб берилган.

Асар билан танишганда бир қатор ютуқлари билан бирга айрим жузъий камчиликлари ҳам кўзга ташланади. Хусусан, миллий ва умумбашарий қадриятларнинг ривожланиш босқичлари ва истиқболлари ички ишлар органлари фаолияти билан боғлаб ўрганилганида, шунингдек ушбу қадриятларнинг ривожланиш истиқболлари хусусида фикр билдирилганида монографиянинг илмий ва амалий аҳамияти янада ортган бўларди.

Аммо ушбу камчиликлар монографиянинг умумий ижобий баҳоланишига таъсир қилмайди. Асар белгиланган талабаларга жавоб бериши, мантиқий тузилиши, мазмуни, назарий ва амалий аҳамияти билан эътиборга молик бўлиб, мутахассислар, талаба ва курсантлар, тадқиқотчилар ҳамда соҳага қизиқувчи барча китобхонлар учун яхши кўлланма бўлиб хизмат қила олади. Зоро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, «биз ёшларимизни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этишимиз зарур».

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
олий ўқув юртидан кейинги таълим
факультети бошлиғи, фалсафа фанлари
доктори, профессор

Ш.О. Мамадалиев

ЖУРНАЛДА ЭЪЛОН ҚИЛИШ УЧУН ТАҚДИМ ЭТИЛАДИГАН ИЛМИЙ МАҚОЛАЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

Нашр этиш учун хукуқшунослик фани, жамоат тартибини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши кураш, хукуқбузарликлар профилактикаси, ички ишлар органлари учун кадрлар тайёрлашни такомиллаштиришнинг долзарб масалалари бўйича мақолалар қабул қилинади.

Таҳририятга тақдим этиладиган қўллэзмалар журнал руқнларига мос келиши ҳамда матбуотда ёки электрон нашрларда эълон қилинмаган бўлиши керак.

Мақола ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги сарлавҳа, аннотация ва таянч сўзлар билан бошланади.

Аннотацияда мақоланинг мақсади, мазмун-моҳияти, тадқиқот жараёнида қўлланилган илмий усуслар, олинган асосий натижалар қисқача (4-6 жумла билан) баён этилади.

Таянч сўзлар мақола мазмуни ва мақсадини энг қисқа тарзда очиб берадиган, қидирув тизимида мақолани осон топиш учун мўлжалланган ва матнда ўртacha 5-10 марта тақрорланадиган асосий сўзлар бўлиб, одатда 7-10 та келтирилади.

Мақола қоғоз ва электрон шаклда тақдим этилади.

Мақола матни Microsoft Office Word матн мұхәрририда Times New Roman 14 шрифтида, аннотация ва ҳаволалар № 12 шрифтда терилган бўлиши; қоғоз ўлчами – А4 (210мм Ч 297 мм); юқори ва пастдан қолдириладиган ҳошиялар – 20 мм, чап тарафдан – 30 мм, ўнгдан –15 мм; сатрлар оралиғи – бир ярим интервал; хат боши – 1 см; текислаш – саҳифа кенглиги бўйича шакллантирилади. Ҳажми 8–10 бет бўлиши тавсия этилади.

Мақоланинг **электрон варианти** қоғодаги матнга мувофиқ бўлиши ва унда юқорида келтирилган барча маълумотлар акс этиши лозим. Электрон шаклдаги файл номи мақола муаллифи (биринчи муалифи)нинг фамилиясига мос келиши зарур. Масалан, *Алиев.doc*.

Мақолада кўпи билан учта расм ёки жадвал келтирилиши, улар бевосита мақола матнида баён мантиғига мувофиқ жойлаштирилиши лозим. Расмларнинг электрон вариантини *.jpg* форматда (камида 300 дрі) тақдим этиши, жадвалларни кетма-кет рақамлаш зарур.

Матндан ҳаволалар Microsoft Office Word дастурида тегишли опциялар (*Ссылки_Вставить сноски*) ёрдамида ҳар бир саҳифада келтирилиши зарур. Бунда мақола матнiga изоҳлар, манба ва адабиётларга ҳаволалар, библиографик маълумотлар тегишли давлат стандартлари бўйича келтирилиши керак.

Мақолага **муаллиф (муаллифлар)** ҳақидаги маълумот, яъни ўзбек, рус ва инглиз тилларида исми шарифи (тўлиқ), иш жойи (ташкилотнинг номи ва юридик манзили), эгаллаб турган лавозими, илмий даража ва унвонлари, тўлиқ почта манзили (хизмат ва ўй), шунингдек электрон почтаси ҳамда (хизмат ва ўй) телефонларининг ракамлари илова қилинади.

Мақолага **илова қилинадиган ҳужжатлар**:

- кафедра мажлис баёнидан кўчирма (агар муалифнинг иш жойида мавжуд бўлса) ёки муаллиф ишлайдиган муассаса раҳбариятининг мақолани нашрга тавсия этиши ҳақидаги хати;
- матнда очиқ матбуотда эълон қилиш ман этилган маълумотлар йўқлигини тасдиқловчи (муассасанинг гербли муҳри босилган) эксперт хulosаси;
- тегишли соҳа бўйича илмий малакага эга мутахассис томонидан тайёрланган ва белгиланган тартибда тасдиқланган тақриз.

Мақола муаллиф (муаллифларнинг ҳаммаси) томонидан имзоланиши шарт.

Таҳририят мақолаларни таҳрир қилиш ва қисқартириш хукуқига эга. Мақолани нашр этиш ҳақидаги қарор журнал таҳрир ҳайъати томонидан қабул қилинади.

Мақола қўллэзмаси илова ҳужжатлари ва электрон вариантлари билан бирга қўйидаги манзил бўйича юборилиши керак: Ўзбекистон Республикаси, 100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68. Тел. +998-71-265-23-56. E-mail: vestnikakadmvd@inbox.uz

◆ ◆ ◆ ТРЕБОВАНИЯ К НАУЧНЫМ СТАТЬЯМ, НАПРАВЛЯЕМЫМ ДЛЯ ОПУБЛИКОВАНИЯ В ЖУРНАЛЕ

К публикации принимаются материалы по актуальным вопросам юридической науки, проблемам обеспечения общественной безопасности и борьбы с преступностью, профилактики правонарушений, совершенствования подготовки кадров для органов внутренних дел.

Рукописи, представляемые в редакцию, должны соответствовать тематике журнала, быть оригинальными, не опубликованными ранее в других печатных или электронных изданиях.

Текст статьи должен быть набран в текстовом редакторе Microsoft Office Word шрифтом Times New Roman №14. Тексты аннотаций и сносок печатаются шрифтом №12.

Статьи начинаются с названия, аннотации и ключевых слов на узбекском, русском и английском языках.

Аннотация объемом 4–6 предложений содержит краткое изложение цели, сущности и содержания статьи, методы, использованные в исследовании, его основные результаты.

Ключевые слова – основные слова, отражающие содержание и цели статьи, предназначенные для быстрого поиска статьи в поисковых системах и встречающиеся в тексте не менее 5 раз.

Статья представляется в бумажном варианте и на электронном носителе.

Форматирование текста статьи должно соответствовать следующим параметрам: размер бумаги – А4 (210мм Ч 297 мм); поля с верхней и нижней стороны – 20 мм, с левой – 30 мм, с правой стороны – 15 мм; межстрочный интервал – полуторный; отступ абзаца – 1 см; выравнивание по ширине страницы. *Объем* статьи для публикации в журнале не должен превышать 10 страниц.

Электронная версия статьи в виде файла Microsoft Word в формате должна соответствовать распечатке и включать вышеперечисленные сведения. Название файла в электронном виде должно соответствовать фамилии автора (первого автора). К примеру, *Алиев.doc*.

В статье должно быть не более 3 рисунков и/или 3 таблиц. Рисунки размещаются непосредственно в тексте статьи, исходя из логики изложения. Электронную версию рисунка следует сохранять в форматах *jpg* (не менее 300 dpi). Таблицы должны быть пронумерованы по порядку.

Ссылки в тексте оформляются постраничные при помощи соответствующей опции в программе Microsoft Office Word (см.: *Ссылки_Вставить сноска*). Сноски должны содержать примечания к тексту статьи, ссылки на источники и литературу, библиографические данные и т.д.

К статье прилагаются следующие **сопроводительные документы**:

– выписка из протокола заседания кафедры (при её наличии по месту работы автора) либо *сопроводительное письмо от руководства учреждения по месту работы автора* с рекомендацией к опубликованию статьи;

– экспертное заключение об отсутствии в тексте сведений, запрещенных к опубликованию в открытой печати, заверенное гербовой печатью учреждения;

– рецензия, подготовленная специалистом, имеющим соответствующую научную квалификацию в данной области, заверенная в установленном порядке.

Автор подписывает статью. Коллективная статья должна быть подписана всеми авторами.

Редакция оставляет за собой право на сокращение и редактирование статей. Решение о публикации статьи принимается редколлегией журнала.

Рукописи статей с сопроводительными документами, оформленные в соответствии с вышеуказанными требованиями, и их электронные версии необходимо направлять по адресу: Республика Узбекистан, 100197, г. Ташкент, ул. Интизор, 68. Тел. +99871-265-23-56. E-mail: *vestnikakadmvd@inbox.uz*